С. А. Салихов, А. Ш. Бахронов

ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.А.САЛИХОВ, А.Ш.БАХРОНОВ

ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ

Фанидан

Магистратура тингловчилари учун
Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2010

Б.ф.д., проф. С.А.Салихов, А.Ш.Бахронов.
«Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш» фани (ўқув қўланма).
Т.: - ТДИУ, 2010 йил. 272 бет.

Ўқув қўлланмада бозор иқтисодиёти шароитида "Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш" фанининг моҳияти, мазмуни, максади ва вазифалари унинг назарий асослари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президентининг ва Ҳукуматининг карорлари ҳамда норматив-техник талаблар асосида интелектуал мулк объектларини, илмий кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналари, патент ахборотлари ва бошкалар тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Мазкур ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистр таълим йўналиши талабалари ва ушбу соҳа бўйича барча кизикувчилар учун мўлжалланган.

В данном учебном пособии в условиях рыночной экономики и на основе Законов Республики Узбекистана и Постановления Президента и Правительства Узбекистана, а также нормативно-технических требование приведены теоретические основы понятия, цель и задачи предмета "Патентоведения лициензировние и сертификации" приводится данные о защите прав интелектуальные собственности, научные открытия, изобретения, промышленные образцы, патентные информацие и сертификации товаров и услуг а также и других сведения.

Учебные пособие предназначено для студентов высших учебных заведений для бакалавров, магистров, а также всех заинтересованных читателям.

МУНДАРИЖА

Кириш 6

I боб. Товар ва хизматларнинг патентшунослиги ва лицензиялаш 8

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида "Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш" фанининг мақсади ва вазифалари 8
1.1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида "Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш" фанининг мақсади ва вазифалари.....8
1.1.2. Иқтисодиётни ривожлантиришда инсон омилининг роли 9
1.2. Интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасидаги қонунчилик 13
1.2.1. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.....13
1.2.2. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи.....25
1.2.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида интеллектуал мулкни Ўзбекистонда муҳофазалаш.....26
1.2.4. Муҳофаза ҳужжатларининг турлари. Муҳофаза муддатлари.....30
1.3. Илмий кашфиётлар, унинг объектлари эҳм учун дастур ва маълумот базалари 33
1.3.1."Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.....33
1.3.2. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниқлаш тартиблари.....50
1.3.3. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.....52
1.3.4. ЭҲМ учун дастурлар. ЭҲМ маълумотлар базалари. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома.....58
1.4. Ихтиро ва лицензиялаш 65
1.4.1. Ихтиро, унинг турлари ва талаби. 65
1.4.2. Патентга лаёқатли ихтиролар эмас деб тан олинадиган объектлар.....67
1.4.3. Ихтирога патент бериш талабномаси таркиби ва тасдиқланиши.....68
1.5. Селекция ютуқлари 71
1.5.1. Ўзбекистон Республикасини "Селекция ютуқлари тўғриси"даги Қонун ва унинг аҳамияти.....71
1.5.2. Селекция ютуқлари. Ўсимлик турлари ва навлари, ҳайвон зотлари ва уларга қўйиладиган талаблар.....86
1.6. Саноат намуналари. Маҳсулот белгиси. Асосий тушунчалар 92
1.6.1. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари.....92
1.6.2. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби..93
1.6.3. Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома тузиш.....94
1.7. Патент, лицензия, сертификат олиш учун шартнома тузиш 98
1.7.1. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун патент бюросига ариза бериш.....98

1.7.2. Чет элда патентлаш. Лицензион шартнома хакида тушунча.....100
1.7.3. Саноат мулкини чет элда патентлашнинг максади ва вазифаси.....108
1.8. Патент ахбороти 114
1.8.1 Халкаро патент таснифи.....114
1.8.2. Патент ахборотини кидириш усуллари. Маълумотлар базалари билан ишлаш, жахон мамлакатлари патент хужжатлари.....118
1.9. Халкаро патент таснифи ва тизимлари 126
1.9.1. Бутун жахон интеллектуал мулк ташкилоти.....126
1.10. Европа ва АҚШ патент идораси ва хукукчилиги 129
1.10.1. Европа ва АҚШ патент идораси ва патентни олиш.....129
1.10.2. Шартномалар ва битимлар.....132
1.10.3. Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган истемолчиларнинг асосий хукуклари.....133
1.11. Ўзбекистон ва МДҲ патент идораси ва хукукчилиги 149
1.11.1. Ўзбекистон ва МҲД мамлакатларида патент хукуки.....149
1.11.2. Ўзбекистон ва МҲД ихтироларни расмий экспертизадан ўтказиш.....151
1.11.3. Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган истемолчиларнинг асосий хукуклари.....152
1-бобга хулоса 168
II боб. Товар ва хизматларни сертификатлаш 171
2.1. Ўзбекистон Республикасининг товарларни стандартлаштириш тўғрисидаги конуни ва унинг ахамияти 171
2.1.1. Стандартлаштиришнинг асосий максадлари.....171
2.1.2. Норматив хужжатларнинг тоифалари ва уларга кўйилалиган асосий талаблар.....173
2.1.3. Товар ва хизматлар стандартлари устидан давлат назорати.....174
2.1.4. Стандартлаштириш ва назорат килишга доир ишларнинг молиявий таъминоти ва уни рагбатлантириш.....176
2.2. Товар ва хизматларни халкаро сертификациялаш 177
2.2.1. Товарларни сертификациялаш сифат кўрсаткичларини аниклаш усуллари.....177
2.2.2. Товарларни сифат кўрсаткичларини таъминлашда норматив-техник хужжатларни роли.....182
2.3. Сертификациялашда махсулотларни сифатини бошкариш бўйича Европа ташкилоти ва унинг вазифалари 188
2.3.1. Махсулотларни сертификатлаш бўйича Европа ташкилотининг максади ва вазифалари.....188
2.3.2. Европа ташкилотларида товарларни сифатини тахлил килиш.....189
2.4. Товарлар ва хизматлар тизимини сертификациялаш 192
2.4.1. Товарларни сифат кўрсаткичларини белгиловчи меъёрий хужжатлар...192
2.4.2. Товарларни сертификатлаштириш соҳасида ИСО нинг фаолияти.....197
2.5. Сертификациянинг товарларни сифат кўрсаткишини оширишдаги ахамияти 198
2.5.1. Стандартларнинг махсулотларни сифат кўрсатгичларини оширишдаги роли.....198
2.5.2. Стандартларнинг ишлаб чикаришда махсулотларни сифатга таъсири....204

2.6. Товарларнинг сифат кўрсаткичларини таминлаш 212
2.6.1. Товарларнинг ишлаб чиқарилишини режалаштириш.....212
2.6.2. Товарларни ишлаб чиқаришдаги талаблар.....214
2.6.3. Товарларнинг сифат кўрсаткичларини сертификатлаштириш сохасида ИСО нинг фаолияти.....216
2.7. Товар ва хизматларни сертификация талаблари бўйича товарларни сифат кўрсатгичларига қўйиладиган талаблари 219
2.7.1. Товарларни бозор иктисоди шароитида сифат кўрсаткичларини бошқариш.....219
2.7.2. Товарларни ишлаб чиқаришни бошқариш.....221
2.8. Товрларни сифат тизимини сертификациялашнинг ўтказиш боскичлари.....224
2.8.1. Товарларни сифат кўрсаткичларини белгиловчи меъёрий хужжатлар....224
2.8.2. Товарларни сертификатлаштириш сохасида ИСОнинг фаолияти.....229
2.9. Товарларни сертификациялаш жараёнида уларни ракобатбардошлилигини таминлаш.....230
2.9.1. Товарларнинг ракобатбардошлиги.....230
2.9.2. Товарларнинг ракобатдошлик меъзонлари.....233
2.10. Сертификациялаш талаблари бўйича товарларни ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар.....236
2.10.1 Товарларни ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларини режалаштириш.....236
2.10.2. Товарларни сифатини стандарт усулларда аниқлаш.....241
2.11. Товарларни ишлаб чиқаришда сертификациялаш тизимини бошқариш.....245
2.11.1. Товарларни сифат кўрсаткичларини бошқариш.....246
2.11.2. Товарларни сифат кўрсаткичларини бошқаришдаги умумий талаблар.248
2.12. Товарлари ишлаб чиқаришда сифат таъминлаш 250
2.12.1. Стандартларни ишлаб чиқувчи халқаро ташкилотлар.....250
2.12.2. Махсулот сифатини таъминлаш тизимларининг халқаро стандартлари.....252
2.12.3. Сифатни таъминловчи тизимни стандартлаштиришни такомиллаштириш.....253
2.13. Товарларни ўраш, жойлаш, сақлаш ва ташишни сертификациялаш.....259
2.13.1 Товарларни ўраш, жойлаш, сақлаш ва ташишнинг ахамияти.....259
2.13.2. Товарларни ўраш, жойлаш, ва сақлашда ишлатиладиган материаллар ва уларнинг хиллари.....260
2-бобга хулоса 267

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 14 февралдаги мажлисида сўзлаган маърузасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий хаётий эътикод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялашга хисса қўшиш максадида ушбу фан дастури тузилди.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари" номли асарида келтирилган материаллар, коидалари ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндошишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Дунёнинг нуфузли экспертларини фикрларига кўра, бу инкироз 2009 йилда ва 2010 йилда ҳам давом этиши ва эҳтимоли янада чуқурлашиши кутилмокда. Булардан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон жахон иктисодий инкирозининг салбий окибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланиб кабул килинган Инкирозга карши чоралар дастури Ўзбекистоннинг 2009 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устивор йўналиши бўлиб колади. Бу ўринда ишлаб чикаришни модернизация килиш, техник ва технологик кайта жиҳозлаш, халкаро сифат стандартларига ўтиш бўйича кабул килинган тармок дастурларини амалга оширишни тезлаштириш вазифаси кун тартибига кўйилмокда. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳам ташки, ҳам ички бозорида баркарор мавкега эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Жаҳон бозорида талабни рағбатлантириш оркали маҳаллий ишлаб чикарувчиларни кўллаб-кувватлаш Ўзбекистон иктисодий ўсишининг юкори суръатларни саклаб колишда ғоят муҳим ахамиятга эга. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳаларда кенг истеъмолдаги озик-овкат ва ноозик-овкат товарларни ишлаб чикариш корхоналари учун кенг кўламли рағбатлантириш тизими, яъни солик ва божхона имтиёзлари берилмокда.

Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш фани дарсларида ташки иктисодий фаолият (ТИФ)да товарларни номенклатурасини ўрганиш, уйғунлашган ТН божхона тўловлари, интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш, илмий кашфиётлар ва ихтиролар, селекция ютуклари ва саноат намуналари ҳамда белгилари, экспорт ва импорт товарлар бўйича шартномлар тузиш, патент ахборотлари, халкаро, Европа ва МДҲ патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш тўғрисидаги ахборотлар билан танишган ва ҳуқукий нормаларни билиш тўғрисида маруза ва семинар дарслари олиб борилади.

Бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ечими учун Республикамизга патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш соҳасида жаҳон андозаларига мос келувчи юкори малакали мутахассислар

керак. Шу куннинг мутахассисига, биринчидан, истеъмолчиларни эҳтиёжларидан келиб чиккан холда интеллектуал бозорни ҳар томонлама таҳлил қила билиш, иккинчидан бозорга таъсир эта билиш талаби қўйилади.

«Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш» фани максади–талабаларга мамлакатимиз иктисодиётини эркинлаштириш ва иктисодий ислоҳотларни жадаллаштириш хамда иктисодиётни модернизация қилиш шароитларида Ўзбекистон Республикасида илмий кашфиётлар, ихтиролар, селекция ютуқлари, халқаро патент тизими ва бошкаларни ўрганишда ва уларни фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни такомиллаштиришдан иборатдир.

Фанининг асосий вазифалари – патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялашнинг мохияти, ривожланишининг асосий боскичлари, маркетингнинг асосий тамойиллари, вазифалари ва турлари, ахборот билан таъминлаш сиёсати кабиларни ўргатишдир.

Ушбу ўқув фани «Ҳукукшунослик», «Сиёсатшунослик», «Ахборотлар технологияси», «Халқаро маркетинг», «Маркетинг фаолиятини прогнозлаш ва таҳлили», «Хорижий инвестициялар» ва бошка фанлар билан ўзаро алокадорликда ўрганилади.

«Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш» фанини ўқитишда, талабалар томонидан фанни тўлик ўзлаштирилишини таъминлаш максадида, мавзуларда кўрилаётган масалаларнинг моҳиятидан келиб чиккан ҳолда илғор педагогик технологияларнинг "аклий хужум" "кичик гурухчалар", "кластер", "блиц-сўров", "дискуссия", "кейс-стади", "муаммоли вазиятни ечиш" усулларидан фойдаланилади.

Бу усулларнинг натижавийлик даражасини ошириш учун ҳар бир мавзуни ёритишда компьютер, слайдлар, эшитиш(аудио) ва кўриш(видео) воситалари, мультимедия воситалари хамда Интернет сахифалари ва хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади.

I боб. Товар ва хизматларнинг патентшунослиги ва лицензиялаш

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш фанининг мақсади ва вазифалари

1.1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш фанининг мақсади ва вазифалари.
1.1.2. Иқтисодиётни ривожлантиришда инсон омилининг роли.

1.1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш фанининг мақсади ва вазифалари

Одамзот ўз табиатига кўра жисмоний жиҳатдан энг мукаммал мавжудод эмас, лекин инсонда энг кучли имтиёз – унинг интеллекти мавжуд.

Интеллект–инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб, ривожланишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаради. Интеллект сўзи лотинча "intellectus" сўзидан келиб чиккан бўлиб, инсоннинг акли, онгги, фикрлаш кобилиятини билдиради. Инсон хаётининг максади–энг яхши нарсаларга интилишдир. Ибтидоий тузумдан, яъни илк меҳнат куроллари яратилгандан бошлаб инсон хар доим ўзининг турмуш тарзини яхшилаш, ўз ижодий салоҳиятини ошириш йилларини тинимсиз излаб келган. Шунинг учун хам кадим замонлардан инсоният жамиятида биринчи олимлар, ихтирочилар, рассомлар ва мусикачилар пайдо бўлган. Улар инсонлар ҳаёти ва турмушини енгиллаштирувчи асбоб-ускуналар ихтиро килишган, чорвачилик ва кишлок хўжалигини ўзлаштириб, атроф мухитдан химояланиш учун уйлар куришган, юкларни ташиш воситаларини ўйлаб топиб, денгиздан сузиш учун кемасозлик билан шуғулланишган ва бу билан техник, иқтисодий ва маданий тараккиётни таъминлаб келишган.

Интеллектуал фаолият инсоният жамияти ривожланишининг асосий сабабидир. Интеллектуал фаолиятнинг энг мухим турлари фан, санъат ва техник ижодиёт, халклар ва миллатлар, давлат ва цивилизациялар ривожининг доимий йўлдошидир.

Инсоният жамияти ўз бошидан қулдорлик, феодализм, капитализм, социализмни кечирди. XXI асрнинг бошида, асосий ривожлантирувчи кучи ракобат бўлган бозор иқтисодий тизим эканлиги тан олинди.

Ҳамма вакт хам ракобат курашида ким интеллектуал имкониятлар ва интеллектуал фаолият натижаларидан унумли фойдалана олса фақат ўша муваффакиятга эришиши мумкин.

Бундан шундай мантикий хулоса чикадики, инсоннинг билим олиш, ихтиро килишга табиий интилиши ва ижодий махсулидан иқтисодий самара олиниши бир-бирига мос келгандагина у ўзининг ижодий салоҳиятидан окилона фойдалана олади, шу боис доимий изланишдан манфаатдор бўлади.

1.1.2. Иқтисодиётни ривожлантиришда инсон омилининг роли

Фақат мулк эгасигина ўз мулкидан юкори даражада самарали ва оқилона фойдаланиб, уни бошқара олади. Бундай иқтисодий рағбатлантиришнинг энг мақбул усули шундан иборатки, инсон ўз интеллектуал салоҳияти натижаларига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши, яъни интеллектуал мулкка эгалик қилиши керак. Зеро ундан бошқа ҳеч ким бу натижаларга ҳўжайинлик қила олмасин. Фақат унинг ўзигина интеллектуал ижоди натижаларидан ўз истагича фойдаланиш ва бошқа шахсларга сотиш борасида мутлоқ ҳуқуқига эга бўлади.

Шу ерда биз хозирги вақтда жаҳондаги энг муҳим тушунчалардан бири ҳисобланган интеллектуал мулк тушунчасига дуч келамиз. Хўш интеллектуал мулкнинг ўзи нима ва уни қандай ўлчаш мумкин?

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият ҳам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аник. Инсон фикрлайди, унинг хаёлида беҳисоб ғоялар, лойиҳалар туғилади, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳаётда амалга ошмай қолиб кетади. Фақат бошқалар томонидан объектив равишда қабул қилинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик кандайдир бирор-бир объектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

Бунда иқтисодий ривожланишдан манфаатдор давлатнинг асосий вазифаси ҳар бир кишининг ўз интеллектуал мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ишончли муҳофазаланадиган тизимни таъминлашдан иборат.

Яна бир бор таъкидлаб ўтиш лозимки, интеллектуал мулкнинг ўзига хос хусусияти ўз эгаларига фойда келтиришдан иборат, демак, мулк эгаларининг ўз мулкига мутлоқ ҳуқуқи муҳофазаланган ҳолдагина бутун жамият фойдасига хизмат оила олади Хулоса шуки, интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя қилмасдан туриб XXI асрда илмий – техникавий ривожланишига кенг йўл очилмайди.

Лекин интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этиш билан масала охиригача ҳал бўлмайди. Жаҳонда ноҳалол рақобат кураши тобора авж олиб бораётгани кузатилмоқда.

Ҳар бир давлат ноҳалол рақобат курашнинг олдини олиш учун қандай механизмларни ишга солиши керак? Тарихдан маълумки энг ишончли механизм бу ҳуқуқ бўлиши мумкин, зотан айнан ҳуқуқий механизмлар интеллектуал мулкни муҳофазалашга ишончли ва маданий ёндашувни таъминлайди.

Лекин давлат томонидан кафолатланадиган ишончли муҳофаза бу масаланинг бир томони холос. Халқимизнинг доно ибораси бор "ҳолва деган билан оғиз чучимайди". Унинг муҳим таркибий қисми муайян кишиларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва бу ҳуқуқлардан амалиётда фойдалана олишидир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун исталган касбдаги ҳар бир ижодкор киши келажакда ўзининг интеллектуал мулкидан

самарали фойдаланиш йўлларини аниқ тасаввур этиши жуда муҳимдир.

Интеллектуал фаолият одатда жуда кўп киррали бўлиб кенг микёсда ўзгариб туриши мумкин. Фан, санъат, техник ижодиёт – буларнинг барчаси интеллектуал меҳнат турларидир.

Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қуйидагиларни ҳақли равишда ўзининг шиори деб эълон қилди.

Инсоният дахоси жами санъат асарлари ва ихтироларнинг манбаидир. Бу асарлар инсонга муносиб ҳаёт кафолатидир. Барча турдаги санъат асарлари ва ихтироларни ишончли ҳимоялаш ҳар бир давлатнинг бурчидир.

Интеллектуал мулк объектларини кўриб чиқар эканмиз, шуни қайд этиш мумкинки, интеллектуал мулкда объектларнинг икки гуруҳи алоҳида ажралиб туради: санъат билан боғлиқ бадиий асарлар ва санъат тармоғи – хусусан янги буюмлар, товарлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва бозорга таклиф этиш билан боғлиқ объектлар.

Айнан ана шу вазиятлар ХХ асрда жаҳонда умум қабул қилинган халқаро ҳуқуқий стандартлар шаклланишига олиб келди, шунга мувофиқ интеллектуал мулк ўз ичига икки асосий ҳуқуқлар соҳасини олади:

- муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, унга мувофиқ илмий, адабий, мусиқий, бадиий, фотография ва аудиовизуаль асарларга ҳуқуқлар, шунингдек фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва ижрочилар, эфир ва кабель эшиттиришлари ташкилотларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади;
- саноат мулки, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, товарларнинг келиб чиқиш жойи, фирма номларига ҳуқуқларни ўз ичига олади.

Санаб ўтилган барча муайян ҳуқуқий мухофаза объектлари, хусусан, бадий асарлар ва санъат турлари, ихтиролар, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар ва ҳоказолар интеллектуал мулк объектлари деб аталади.

-Муаллифлик ҳуқуқи адабиёт, фан ва санъат асарлари ўзининг аниқ ифодасини топган шаклни муҳофаза қилади. Бундай ифодалаш шакли сўз, тимсоллари, мусиқа, сурат, уч ўлчовли предметлар ёки бундай шаклларнинг комбинацияси (масалан, кинофилмь ёки театр постановкаси, опера) бўлиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқлари асарларнинг исталган турини махсус рухсатсиз (муаллиф розилигисиз) нусха кўчириш, кўпайтириш ва бошқа усулда қайта тиклашдан муҳофазалайди .

-Саноат мулки, муаллифлик ҳуқуқидан фаркли равишда бевосита ғояни, хусусан буюмнинг турли шаклларда кўп марта қайта ишлатилиши мумкин бўлган техник, бадиий ва бошқа моҳиятларни мухофаза қилади.

Патент давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида амал қиладиган мухофаза ҳужжатидир.

Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш интеллектуал мулкни яратиш, муҳофазалаш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий иқтисодий, ташкилий ва бошқа масалаларини ўрганадиган фандир.

Патентшуносликнинг асосий қисмини ихтироларни ҳуқуқий

мухофазалаш масалаларини ўрганиш ташкил этади.

Ихтироларнинг бундай "макомга" эга бўлиши бу объектларнинг ҳар кандай давлат индустриал ва иктисодий ривожланишидаги ахамияти билан тушунтирилади. Шу сабаб, илгари Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш фани асосан техник ва табиий фанлар мутахассисликлари бўйича талабаларга ўқитилар ва интеллектуал мулкнинг бошка масалалари кам ўрганилар эди. Илгари мутахассислар учун асосан патент ахборот кидирувини амалга ошириш ва ихтирога талабнома расмийлаштиришни билиш етарли бўлган бўлса, хозир вазифа анча кенгайди.

Ҳар бир патент унинг эгаси ёки унга хусусий эгалик килувчи муайян (жисмоний ёки юридик) шахсга берилади. Патент эгаси патентнинг хусусий эгаси ва ушбу патентдан келиб чикадиган мутлок хукукларнинг эгасидир.

Лицензия бу патент эгасининг бошка шахслар билан алохида хукукларининг бир кисмини сотиш (бериш) бўйича тузган хукукий битими (шартномаси) дир.

Тегишли амалиётда келишувчи томонларни белгилаш учун куйидаги умум кабул килинган атамалардан фойдаланилади:

Лицензиар – лицензия сотувчи.

Лицензиат – лицензия сотиб олувчи.

Лицензия савдоси – бу замонавий технологик алмашинув, демак, халкаро иктисодий муносабатларнинг харакатлантирувчи кучдир.

Универсал ахборот манбаларининг ахамияти тобора ошиб бормокда. Бугунги кунда бундай универсал ахборот манбаи патент ахборотидир.

Патент ахбороти – бу энг замонавий техник ютуклардан тўла хажмда ва имкон кадар тез фойдаланиш демакдир. Патент ахбороти нафакат илмий-техникавий, балки катта тижорат химматига эга.

Бугунги кунда Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш ўз ичига хукук, бошкарув, иктисодиёт, прогнозлаш, информатика ва бошка сохалардаги билимларни камраб олган мустакил илмий фандир.

Унинг тармокларарo фан эканлиги бу фаннинг мухим хусусиятларидан биридир.

Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш фани ўз ичига куйидаги бўлимларни олади: интеллектуал мулк хукуки, патент ахбороти, патент тадкикотлари, патент экспертизаси, халкаро лицензия савдоси, ихтирочилик ижодиёти услубияти, инновация фаолияти, ва хоказо. Фаннинг бундай ихтисослашуви малакали патентшуносдан хукукий, техник, иктисодий ва бошка масалаларни мукаммал билишни талаб килади.

Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш фани табиий ва техник фанларни иктисодиёт ва хукук билан уйгун бирлаштира оладиган предмет бўлиб колди.

Бундай билимлар хар бир мутахассисга хукукий ва иктисодий жихатдан тўғри карорлар кабул килиш учун кўл келади.

Хусусан, фанни ўрганиш натижасида хар бир талаба куйдагиларни билиши шарт:

- интеллектуал мулк хукукларининг асосий тамоиллари ва

интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш афзалликлари;

- Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш соҳасидаги конунчилиги;
- интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш сохасидаги халкаро битим ва шартномалар:
- Ўзбекистон ва хорижда ихтирога патент олиш учун талабномаларни тузиш ва бериш тартиби;
- буюмлар дизайнини (саноат намуналари) мухофазалаш ва товар белгиларини рўйхатга олиш;
- патент-ахборот талкикотлари ўтказиш, патент хужжатларини тахлил килиш усуллари;
- лицензия шартномаси тузиш коидалари ва интеллектуал мулкнинг лицензия савдосини ташкил этиш усуллари;
- инновация фаолияти ва интеллектуал мулкни бошкариш асослари;
- янги ихтироларни яратиш усуллари ва бошка кўп масалалар.

Бугунги кунда ҳаётимизни интеллектуал мулк объектлари: ихтиролар, саноат намуналари, товар белгилари, санъат асарлари ва ҳоказоларсиз тасаввур килиб бўлмайди . Интеллектуал мулкни ҳар доим ҳам муайян кишилар яратади. Айнан малакали ва истеъдодли мутахассислар: олимлар, ихтирочилар, тадбиркорлар жамиятни юритувчи кучдир.

Бугунги кунда давлатнинг тараккиёти учун ҳар бир ишчи-хизматчининг нафакат зарур ишлаб чикариш билимлари ва малакаларини ошириш, балки интеллектуал мулк ҳукуклари сохасидаги асосий билимларини эгаллаши хам ўта мухимдир. Ҳозирги вактда факат ана шу билимлар илгор технологиялардан янада самарали фойдаланиш имконини бериб, ўз ихтироларини, саноат намуналари, микрочизмалар топологияси ва бошка объектларни ишлаб чикишга сарфлашга туртки бўлади.

Шу боис "Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификациялаш" предметини ўзлаштириш бўлажак мутахассисларга жамият фаровонлиги йўлида ўз касби бўйича муваффакиятларга эришиш имконини берадиган салмокли омилдир.

Таянч сўзлар.

Қонун, ҳуқуқ, мажбурият, патент, ихтиро, лицензия, сертификат, норматив-техник хужжатлар, тушунча, жисмоний шахс, юридик шахс, талаб, таклиф, ишлаб чикариш, патент эгаси, мажбурият, экспертиза, иктисодий, ташкилий, фойдали модель, саноат намунаслари, химояланиш, тартиблар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаш фанининг бозор иктисодиёти шароитидаги ахамияти?
2. Интеллектуал мулкни яратишда инсон омилининг роли?

3. Ўзбекистон Республикасида жахон молиявий-иқтисодий кризиси шароитида интеллектуал мулкка бўлган талбни шарҳлаб беринг

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, - 1994 йил 6 майда қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
3. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий мухофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун,- 1994 йил майда қабул қилинган.
4. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳакиқатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент. Меҳнат. 2001, 384 б.
10. Интеллектуальная собственность. Словарь-справочник. М: Илфра-М, 1995, 112 с.

Рышов К.В. 100 великих и-зобретеиий - М : "Всчс", 2000, 528 с

1.2. Интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш соҳасидаги қонунчилик

1.2.1. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

1.2.2. Патент ҳуқуқининг ривожланиш тарихи.

1.2.3. Жахон молиявий-иктисодий инкирози шароитида интеллектуал мулкни Ўзбекистонда мухофазалаш.
1.2.4. Мухофаза хужжатларининг турлари. Мухофаза муддатлари.
1.2.5. Интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш сохасида халкаро кооперация
1.2.6. Муаллифлик хукукининг амал килиш сохаси.

1.2.1. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар" тўгрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни

Муаллифларнинг ва уларнинг хукукий ворисларининг фукаролигидан катъий назар, Ўзбекистон Республикаси худудида эълон килинган ёки бирон-бнр объектив шаклда бўлган асарларга татбик килинадн;

Ўзбекистон Республикаси сархадларидан ташкарида эълон килинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбик килинади хамда Ўзбекистон Республикаси фукароси бўлган муаллифларга (уларнннг хукукий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси сархадларидан ташкарида эълон килингап ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбик килинади хамда Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномаларнга мувофик бошка давлатларпинг фукароси бўлган муаллифларга (уларнинг хукукий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Башарти, асар Ўзбекистон Республикаси сархадларидан ташкарида биринчи марта эълон килипган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси худудида эълон килинган бўлса, Ўзбекистон Республикасида эълон килинган деб хисобланади.

Асар Ўзбекистон Республикаси худудида Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномаларига мувофик кўриклапиши лозим бўлса, унинг муаллифи худудида муаллифлик хукукнни олиш учун асос бўлиб хизмат килган юридик факт содир бўлган давлатнинг конуни билан аникланади.

Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўгрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 август К 0 Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 135-модда)

I. Умумий коидалар 1-модда. Асосий тушунчалар.

Ушбу Конунда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

«Муаллиф» — ижодий мехнати билан асар яратган жисмоний шахс;

«Ёзув» — овозлар ва (ёки) тасвирларнинг уларни техникавий воситалар ёрдамида кайта-кайта идрок этиш, такрорлаш ёки узатиш имконини берадиган бирор-бир моддий шаклдаги мужассами;

«Ижрочи» — актёр, қўшиқчи, мусиқачи, раккос ёки роль ўйнайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан эстрада, цирк ёки кўғирчоқли номерни) бошқа бир тарзда ижро этадиган шахс, шунингдек спектаклнинг сахналаштирувчи режиссёри ва дирижёр;

«эълон қилиш (ошкор қилиш, чоп этиш)»—омманинг оқилона талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ҳамда асарнинг, фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққани ҳолда асар, фонограмма нусхаларини муомалага етарли миқдорда чиқариш;

«Манзарали амалий санъаг асарлари»—амалда фойдаланиладиган буюмларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан, бадиий ҳунармандчилик асари ёки саноат йўли билан тайёрланадиган асар;

«Фонограмма» — бирон-бир ижро ёки бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви;

«Асар нусхаси» — асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

«Фонограмма нусхаси» — фонограммадан бевосита ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммага жо бўлган овозларнинг ҳаммасинн ёки бир қисмини қамраб олган ҳар қандай моддий жисмдаги фонограмма кўчирмаси.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), сахна асарларини, ижроларни, фонограммаларни, эфир ва кабель орқали кўрсатув ҳамда эшиттиришлар берувчи ташкилотларнинг кўрсатув ва эшиттиришларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган интеллектуал мулк сохасидаги муносабатларни тартибга солади.

3-м о д д а. Халқаро шартномалар келтирилган.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

II. Муаллифлик ҳуқуқи.

4-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш сохаси.

Муаллифларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг фукаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки бирор-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбиқ қилинади;

Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирор-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб тан олинади. Ўзбекистон Республикаси

сархадларидан ташкарида эълон қилинган ёки бирор-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади хамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошка давлатларпинг фукароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳукукий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Башарти, асар Ўзбекистон Республикаси сархадларидан ташкарида биринчи марта эълон қилинган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган деб ҳисобланади.

Асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кўрикланиши лозим бўлса, унинг муаллифи ҳудудида муаллифлик ҳукукини олиш учун асос бўлиб хизмат килган юридик факт содир бўлган давлатнинг конуни билан аниқланади.

5-модда. Муаллифлик ҳукуқи билан кўрикланадиган асарлар (муаллифлик ҳукуқи объектлари).

Муаллифлик ҳукуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан уларнинг максади ва кадр-киммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ қилинади.

Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошка объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим.

Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда ўзгача усулда ифодаланган асар (кўлёзма, машинка ёзуви, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан, аудио ёки ведеоёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиш имконияти бор йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Оғзаки ёки моддий жисмда ифодаланмаган бошка асар, башарти, у учинчи шахслар идрок эта оладиган ҳолга келган бўлса (омма олдида сўзлаш, оммавий ижрочилик ва ҳоказо), объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳукуқи эълон қилинган асарларга нисбатан хам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам тадбиқ қилинади.

Муаллифлик ҳукуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан тадбиқ қилинмайди.

Муаллифлик ҳукукининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошка бирон-бир расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

6-модда.

Муаллифлик турлари.

Муаллифлик ҳукуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради:

адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошка асарлар);

драматик ва сценарий асарлар;

матнли ва матнсиз мусика асарлари;

мусикали-драматик асарлар;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар (кино, теле ва видеофильмлар, слайд фильмлар, диафильмлар ва бошка хил кино, теле хамда видео асарлар), радиоасарлар;

рангтасвир, хайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошка тасвирий санъат асарлари;

манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари;

архитектура, шахарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

жўғрофия, геология хариталари ва бошка хариталар, жўғрофия, топография ва бошка фанларга тааллукли тархлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги электрон-хисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари;

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгилаб кўйилган талабларга жавоб берувчи бошка асарлар.

7-модда. Асарнинг кисмлари ва хосила асарлар

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгилаб кўйилган талабларни каноатлантирувчи асарларнинг кисмлари, уларнинг номи ва хосила асарлар муаллифлик хукуки объектларидир.

Хосила асарлар жумласига куйидагилар киради:

бошка асарларни кайта ишлаш натижасида яратилган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шархлар, инсценировкалар, аранжировкалар хамда фан, адабиёт ва санъат сохасидаги шунга ўхшаш бошка асарлар); таржималар; материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий мехнат натижаси бўлган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумот базалари) ва бошка жамланма асарлар.

Хосила асарларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки улар ўз ичига олган асарлар муаллифлик хукуки объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан катъи назар, хосила асарлар муаллифлик хукуки билан химоя килинади:

8-модда. Муаллифлик хукуки объектлари хисобланмайдиган асарлар ва уларга ўхшаш фаолият натижалари.

Куйидагилар муаллифлик хукуки объектлари хисобланмайди:

расмий хужжатлар (конунлар, карорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий-рамзлар ва белгилар (байроклар, герблар, орденлар, пул белгиларн ва шу кабилар);

халк ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий вокеалар хакидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга каратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чикариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

9-модда. Расмий хужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойихаларига бўлган хукуклар.

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти, бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исм-шарифларнинп кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун лойиҳадан, башарти, лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага кўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳани маъқуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

10-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик презумпцияси.

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, башарти, ўзга ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида эълон қилинган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир башарти, бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилиши таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунича ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунича амалда бўлади.

11- модда. Ҳаммуаллифлик.

Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган 100 фоизлик муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Башарти, асарнинг муайян қисмидаи унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти, уларнинг ўртасидаги битимда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, битим асосида белгиланади. Бундай битим бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг таксимланади.

Башарти, ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланншни етарли асослар бўлмай туриб такиклаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳакли эмас.

12-модда. Фильм муаллифлари.

Қуйидагилар кинофильм, телефильм ва видео-фильмнинг тўлиқ муаллифлари (ҳаммуаллифлари)дир:

сахналаштирувчи режиссер;

сценарий муаллифи;

муайян аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнли ёки матнсиз мусиқа асарининг муаллифи;

сахналаштирувчи оператор.

Бундай асарнинг ҳаммуаллифлари жумласига айтиб ўтилган муаллифлар билан келишувга биноан фильмда фойдаланилган бошка асарларнинг муаллифларн киритилиши мумкин.

Мукаддам мавжуд бўлиб, шунингдек фильм устида иш олиб бориши жараёнида яратилиб, фильмда фойдаланилган асарлар муаллифларининг ҳар бири умуман фильмга бўлган муаллифликдан катъи назар, мустакил мазмунга эга бўлган ўз асарига муаллифликни саклаб колади.

13-модда. Ҳосила асарларнинг муаллифлари.

Бошка асарларни кайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошка жамлама асарларнинг тузувчилари хосила асарларннг муаллифлари деб эътироф этилади.

Ҳосила асарнинг муаллифи кайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилгаи асар муаллифининг ҳукукларига риоя этган такдирдагина хосила асарга бўлган муаллифлик хукукидан фойдаланади.

Ҳосила асарлар яратувчиларининг муаллифлик ҳукуқи бошка шахсларнинг мукаддам фойдаланилган асарлар асосида ўз хосила асарларини яратишларига тўскинлик килмайди.

14- модда. Интервью муаллифлари.

Интервью ёзувига бўлган муаллифлик ҳукуқи ҳаммуаллифлар тарикасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга, башарти, улар ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тегишлидир.

Интервью ёзувини эълон килиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл кўйилади.

15-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари.

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (энциклопедияларнинг ноширлари; фильмларнинг тайёрловчилари, продюсерлар ва шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бирок ушбу Қонун ёки бошка конунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шундай асарлардан фойдаланишда алохида ҳуқуқларга эга бўладилар.

Энциклопедиялардан, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ва. бошка даврий нашрлардан фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқлари уларнинг ноширларига

тегишлидир. Бундай нашрдан хар кандай тарзда фойдаланилганда хам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номи кўрсатилишини талаб килишга хаклидир.

Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, башарти, асар яратишга доир шартномада ўзгача хол назарда тутилган бўлмаса, тўлик нашрдан катъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган алохида хукукларнни саклаб коладилар.

Аудиовизуал асар, шу жумладан, фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти, бундай шартномада ўзгача хол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарини такрорлашга, уни таркатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказиш учун кабель оркали беришга, эфирга узатиш ёки асардан бошка хар кандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж килишга бўлган алохида хукукларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди. Мазкур хукуклар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик хукукининг амал килиш муддати давомида амал килади.

Фильм тайёрловчиси бу асардаи хар кандай тарзда фойдаланилганида хам ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб килишга хаклидир.

Фильм омма олдида намойиш этилганида мусика асарининг муаллифи ўзининг мусика асари (матнли ёки матнсиз) омма олдида ижро этилганлиги учун олиш хукукини саклаб колади.

Фильм муаллифи ва фильмга бўлган мулкни хукукини бошка эгалари розилигисиз фильмнинг охирги вариантини (ёзувнинг асл нусхасини) йўк килиб юборнш такикланади.

16-модда. Муаллифлик хукукининг химоя белгилари.

Алохида муаллифлик хукукинииг эгаси ўз хукукларидан хабардор этиш учун асарнинг хар бир нусхасида акс эттириладиган ва куйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик хукукининг химоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

айлана ичига олинган лотинча «С» харфи;

алохида муаллифлик хукуклари эгасининг исм-шарифи (номи);

асар биринчи марта эълон килинган йил.

Муаллифлик хукукининг химоя белгисида кўрсатилган шахс, Башарти, ўзга хол исботланмаган бўлса, хукук эгаси хисобланади.

17-модда. Муаллифнинг шахсий номулкнй хукуклари.

Асар муаллифига куйидаги шахсий номулкий хукуклар тегишлидир:

муаллифлик хукуки;

муаллифлик номига бўлган хукук;

асарнинг дахлсизлигига бўлган хукук.

Муаллиф шахсий номулкий хукукларни амалга оширишдан воз кечиш тўгрисида бирон-бир шахс билан тузган битим ва муаллифнинг бу хакдаги аризаси ахамиятсиздир.

15- м о д д а. Муаллифлик хукуки.

Муаллиф (хаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳукуқи бошқа шахсларнинг айнан шу асарга муаллифлик ҳукуқи эътироф қилишини истисно этади.

19-модда. Муаллифлик номига бўлган.

Муаллиф асардаи ўз исм-шарифи, тахаллуси кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фаркланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳукукга (муаллифлик номига бўлган ҳукукга) эгадир.

20-м о д д а. Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳукук.

Муаллиф ўз асарига ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирор-бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки кўшимчалар киритилишидан асарини ҳимоя қилиш борасида алоҳида ҳукукка (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳукукка) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошкача тарзда фойдаланиш чоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам, муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам бирор-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл кўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўзбоши, хотима, шарх ёки бирор-бир тушунтиришлар билап нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек Қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳукуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

21-модда. Асарни эълон қилиш ҳукуқи.

Муаллиф номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳукуқи (асарни эълон қилиш ҳукукига) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошка тарзда оммавийлаштириш оркали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари кабул қилган кароридан асардан фойдаланиш ҳукукини олган шахсларга улар шундай карор туфайли кўрган зарарининг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани коплаш шарти билап воз кечиш ҳукукига (асарни чакириб олиш ҳукукига) эгадир. Башарти, асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чакириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб кўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб кўйишга ҳаклидир.

Бу коидалар, башарти, муаллиф билан тузилган шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан ҳам тадбик этилади.

22-модда. Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳукуқи.

Муаллиф асардан хар кандай шаклда ва хар кандай усулда фойдаланиш борасида алохида хукукларга эгадир.

Асарни такрорлаш ва уларни таркатиш, бошка йўллар билан реализация килиш, хусусан:

асарни омма олдида намойиш этиш (кўргазмага кўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш);

асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш;

асарни омма, олдида ижро этиш;

асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение оркали трансляция килиш), шу жумладан, кабель ёки алока йўлдоши оркали бериш;

асарни техника. ёрдамида ёзиб олзиш; асарнинг техникавий ёзувини алмаштириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио, ёки телевидение оркали;

асардан кейинчалик фойдаланиш максадида уни таржима килиш ёки кайта ишлаш;

шахарсозлик, архитектура, дизайн лоиихасини амалий рўёбга чикариш асардан фойдаланиш хисобланади.

Асарга унинг объектив шаклланиши, акалли асл нусхасида кандай бўлса, шу холдаги шаклини кайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видеоёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш хисобланади.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошка амалларни бажариш, шу жумладан уларни импорт килиш асарни таркатиш хисобланади.

Башарти, асарнинг нусхалари конунан бошка шахсга берилган бўлса, уларни кейинчалик муаллифнинг розилигисиз ва хак тўламаган холда таркатишга йўл кўйилади, конунда назарда тутилган холлар бундан мустасно.

Асардан даромад (фойда) олиш максадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай- максалга каратилмаганлигидан катъи назар асардан фойдаланилган деб хисобланади.

Асарнинг мазмунини, ташкил этувчи коидаларни (кашфиётларни, бошка техникавий, иктисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий кўллаш асардан муаллифлик хукуки маъносида фойдаланилганликни англатмайди.

23-модда. Асарларни саклаш учун топшириш.

Башарти, асар саклаш учун, хар ким фойдаланишга мумкин бўлган саклов жойига (делопозитарийга) топширилган бўлса ва депозитарий билан тузилган шартномага кўра мазкур депозитарийга мурожаат этадиган хар кандай шахснинг асар нусхасини олишига йўл берса, асардан бу тарзда фойдаланиш асарларнинг кўлёзмаларини, моддий жисмдаги бошка асарларни, шу жумладан, машина ёрдамида тайёрланган асарларни саклаш учун топшириш деб эътироф этилади.

Асарни саклаш учун топшириш асардан фойдаланиш хукукига эга бўлган шахснинг (хукук эгасининг) депозитарий билан тузилган, асардан фойдаланиш шартларини белгилаб берувчи шартномаси асосида амалга оширилади. Бундай шартнома ва депозитарийнинг фойдаланувчи билан тузган шартномаси оммавий шартнома хисобланади.

24-модда. Асардан фойдаланиш ҳуқукини тасарруф этиш.

Муаллиф ёки ҳуқукка эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан, очик савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқукларни ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқукини бошқа шахсга ўтказиш) мумкин.

Асардан фойдаланиш ҳуқуки бир шахсдан бошка шахсга универсал ҳуқукий ворислик тартибида ўтади.

Ҳуқук эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома асардан унинг дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам қайта ишланган шаклида, хусусан, таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб килинади.

Асардан фойдаланишнинг ҳар йил усули учун ҳуқук эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

25-модда. Тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

Тасвирий санъат асарининг муаллифи асар мулкдорида ўзининг асарини такрорлаш ҳуқукини (фойдаланиш ҳуқукини) амалга ошириш кимошди беришни талаб килишга ҳаклидир. Бунда асар мулкдоридан асарни муаллифга етказиб беришни талаб килиш мумкин эмас.

26-модда. Муаллифлик ҳуқукларининг чекланиши.

Муаллиф ва бошка шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги алохида ҳуқукларинн чеклашга ушбу Қонуннинг 17-21- моддаларида ёки бошка конунларда назарда тутилган холлардагина йўл кўйилади.

Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг конуний манфаатларини асоссиз камситмаган такдирдагина татбик этилади.

27-модда. Бегона асарни шахсий максадларида такрорлаш.

Чоп этилган бегона асардан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик хакини тўламаган холда шахсий максадларга фойдаланишга, башарти, бунда асардан нормал фойдаланишига зиён етмайдиган ва муаллифнинг конуний манфаатларига путур етмайдиган бўлса йўл кўйилади.

Ушбу модда биринчи кисмининг коидалари куйидагиларга нисбатан татбик этилмайди:

бинолар ва шунга ўхшаш иншоотлар шаклидаги архитектура асарларидап фойдаланиш;

маълумот базалари ёки уларнинг мухим кисмларидан фойдаланиш;

конунда назарда тутилган холларини истисно килганда, ЭҲМ учун яратилган дастурлардан фойдаланиш;

китобларни (тўлик) ва нотаниш матнларни репродукция килиш.

Ушбу модданинг биринчи кисмида назарда тутилганидан истисно тарзда, конунда аудио ва видео ёзувлардан шахсий максадларда фойдаланилган такдирда, тегишли ёзувнинг муаллифи, ижрочиси ва ишлаб чикарувчиси тегишли хак олиш ҳуқукига эга бўлиши белгилаб кўйилиши мумкин.

Асарни такрорлаганлик учун хак ишлаб чикарувчилар ёки асарни такрорлаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар (аудио аппаратлар, видеомагнитофонлар ва шу кабилар) хамда асар моддий жисмининг (аудио ва (ёки) видео плёнкалар, кассеталар, лазер дисклар, компакт дисклар ва шу кабиларнинг) импортчилари томонидан ажратмалар (фоизлар) шаклида тўланади.

28-модда. Асардан муаллифнинг исми-шарифини кўрсатган холда эркин фойдаланиш.

Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбани кўрсатган ҳолда хамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етмаслик на муаллифнинг қонуний манфаатларини камситмаслик шарти билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

чоп этилган асарни улардан олинган цитаталар тарзида асл нусха хилида ва таржимада); шу жумладан газета ва журналларнинг мақолаларидан олинган парчалар тарзида цитатадан кўзлаган мақсадга мос хажмда илмий, тадкикот, танкид ва ахборот мақсадларида такрорлаш хамда таркатиш; чоп этилган асарларни таълим ва ўкув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда, аудио ва видеоёзувларда мисол тарикасида кўйилган лойик хажмда такрорлаш, техника ёрдамида ёзиб олиш ва эфир оркали бериш;

кундалик сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда эълон килинган маколалар ёки эфир оркали берилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш, бундай фойдаланиш муаллиф томонидан атайин такдирланган холлар бундан мустасно;

Омма олдида сўзланган сиёсий нутклар, мурожаатлар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни кўйилган максадга мос хажмда газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш;

кундалик вокеалар жараёнида кўриш ёки эшитиш мумкин бўлган асарларни ана шундай вокеаларнинг шаклида ахборот мақсадига мос ҳажмда такрорлаш, хамма олдида намойиш этиш, эфирга узатиш;

фойда олишни кўзламаган холда кўзи ожизлар учун қабарик-нуктали харфлар ёки бошка усуллар билан чоп этилган асарларни такрорлаш, фойдаланишнинг ана шундай усуллари учун атайин яратилган асарлар бундан мустасно.

29-модда. Асарлардан репродукция қилиш йўли билан фойдаланиш.

Муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик хакини тўлаган холда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатиб, куйидагилардан фойда олишни кўзламай репродукция килишга йўл кўйилади.

Асардан, йўколгак ёки яроксиз бўлиб колган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз бу асарларни бирон сабаб билан йўкотиш.

1.2.2. Патент ҳуқукининг ривожланиш тарихи

Ҳуқукнинг ривожланиш тарихи бевосита давлат тарихи билан боғлиқ. Ҳуқук иқтисодий базис ва унинг асосида жамиятнинг маданий ривожланиши демакдир ва бундан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас деб таърифлаш мумкин.

Ҳуқук, хусусан, ҳуқукий тизим муайян ижтимоий муносабатлардан бошланадиган айрим меъёрлардан ташкил топади.

Ҳуқук меъёри айрим шахслар, ташкилотлар, давлат органлари ва ҳоказоларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоидалардир. Фақат давлат бутун мамлакат миқёсида ижтимоий муносабатларнинг ҳуқукий тартибини таъминлаб бериши мумкин.

Ҳуқук тизими ўз ичига турли ҳуқук соҳаларини камраб олади, улар ўз навбатида кичик соҳа ва институтларга бўлинади. Ҳуқукий тартибга солиш предмети бўйича бирлаштирилган ҳуқукий меъёрларнинг алоҳида гурухи ҳуқук соҳасидир. Ҳуқукнинг ҳар бир соҳасига уни тартибга солиш предметининг хусусиятларидан келиб чиқадиган ҳуқукий тартибга солишнинг ўзига мос услуби хосдир.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи ёки интеллектуал мулк фуқаролик ҳуқукининг кичик соҳасидир. Патент ҳуқуқи ва фуқаро муносабатлари иштирокчиликларини индивидуаллаштириш воситаларини мухофазалаш, шунингдек, ноанъанавий объектларни мухофазалашдан иборат бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва саноат мулки шу кичик соҳанинг институтларидир.

Патент ҳуқуқи. У дастлаб феодализмнинг сўнги даврларида феодал жамият негизида хўжалик юритишнинг капиталистик усули вужудга келиб, ривожлана бошлаши билан юзага келди. Патент ҳуқуқи – ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули устун келиши ва ҳокимиятнинг буржуазия йўлига ўтиши натижасида шаклланди.

Хўжалик юритишнинг капиталистик усулига ўтиш билан сифат жиҳатидан янги вазият юзага келди. Унга зарур моддий-техника базасини яратиш саноат инқилоби тусини олди. Европа XVI асрнинг ўрталарида Буюк саноат инқилоби даврини бошдан кечирди ва у патент ҳуқуқи юзага келиши учун иқтисодий шарт-шароит яратди.

Бу инқилобнинг асосий боскичларидан бири қўл мануфактурасидан кўплаб ихтиролардан фойдаланишга асосланган машиналар ишлаб чиқаришга ўтиш бўлди.

Капитализмда иш куроллари ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик типи бўйича ихтироларни ўзлаштиришга эҳтиёж юзага келди.

Маълумки, ихтироларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳар доим дастлабки сармоя сарфлашни талаб этади. Лекин ҳеч бир тадбиркор ўзи сарфлаган маблағдан фойда олишга улгурмай туриб ракобатчилар худди шу ихтиродан нусха олиб унинг тажрибасидан фойдалана бошламасликларига кафолат олмасдан туриб бундай сармояларни хавф-хатарга кўя олмайди. Айнан ана шу объектив омил сабабли ихтиролардан фойдаланишда ундан

етарли даражада узоқ муддат фойдаланиш ва рақобат курашида ютиб чиқиш имконини берадиган монополия зарур бўлиб қолди.

Бундай монополияни яратиш учун юридик восита–патент Европада феодал жамиятидан буён маълум эди.

Феодализмда патентдан турли мол-мулк эгалари ва қирол ўз хазинаси фойдасига даромад манбаларини мустаҳкамлаш воситаси сифатида кенг фойдаланар эди. Феодал патент тизими капитализм ривожланиши учун тўсиқ эди, чунки қирол кўплаб патент бериш йўли билан исталган нарсадан фойдаланишга яккаҳокимлик (монопол) ҳукукни ўзи хоҳлаганча белгилай оларди. Буржуазия табиийки, бундай ҳолатга, хусусан феодал монополиялар ва ихтироларга монополиялар жорий этишга карши фаол кураша бошладилар. Бунда иқтисодиёт ихтироларга монополиялар феодалнинг мархамати билан эмас, балки мунтазам, яъни конунда белгиланган коидалар бўйича берилиши талаб қилинарди.

Патент ҳуқуқини ҳимоялаш сохасидаги илк қадамлар Англияда кўйилди. Мамлакатда феодалларга тегишли имтиёзлар тизимини патент ҳукукига айлантириш жараёни XVII асрда бошланди.

АҚШ Англиядан кейин ихтироларни муҳофазалаш қабул қилинган мамлакат бўлди.

Европанинг бошка мамлакатларида патент конунлари нисбатан кечроқ кабул қилинди.

Миллий патент тизимларини иккита гурухга бўлиш мумкин. Биринчи гурухни патент тизимини "континентал ҳукук" тамойили белгилаб берадиган мамлакатлар ташкил этади. Иккинчи гурухини миллий ҳукукларига Англия ҳукуки таъсир ўтказган мамлакатлар ташкил этади.

Ҳар икки йўналишдан ташқари миллий патент тизимларини шартли равишда тўрт асосий: герман, роман, инглиз ва америка гурухига бўлиш мумкин, улар патент ҳукукининг асосий тизимлари ҳисобланади.

Патент ҳукуки хамма вакт иқтисодий муносабатлар билан белгиланади, чунки у жамият иқтисодий ривожланишининг зарур омили ҳисобланади.

1.2.3. Мухофаза ҳужжатларининг турлари. Мухофаза муддатлари

Мамлакатимизнинг асосий конуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституция Ўзбекистон конунчилигини ишлаб чиқишнинг асосий коидаларини белгилаб беради. Бизнинг интеллектуал мулк объектларини ҳукукий муҳофазалаш сохасидаги амалдаги конунчилигимиз бевосита мулкка эгалик ва илмий-техник ижодиёт эркинлиги ҳукуқлари акс этган Конституциянинг IX бўлими 36- ва 42-моддаларидан келиб чиккан ҳолда ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулк объектларини яратиш, муҳофазалаш ва фойдаланиш билан боғлиқ ҳукукий муносабатлар фуқаролик ҳукуки сохаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳукукларини мухофазалаш билан боғлик масалаларни тартибга солувчи қуйидаги қонунлар амал килади:

1996 йил 30 августда кабул килинган "Муаллифлик ҳукуклари ва турдош ҳукуклар тўғрисида"ги конун;

1994 йил 6 майда кабул килинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги конун;

1993 йил 7 майда кабул килинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги конун;

1994 йил 6 майда кабул килинган "ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни ҳукукий мухофазалаш тўғрисида"ги конун;

1996 йил 30 августда кабул килинган "Селекция ютуклари тўғрисида"ги конун;

2001 йил 12 майда кабул килинган "Интеграл микрочизмалар топологиясини ҳукукий мухофазалаш тўғрисида"ги конунлардир.

Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофик давлатимизда интеллектуал мулк соҳасида ваколатли қуйидаги ташкилотлар фаолият кўрсатади:

Муаллифлик ҳукукларини ҳимоялаш соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи Муаллифилик ҳукуклари бўйича агентлик.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, унинг вазифаси саноат мулки объектларини мухофазалаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат.

Муаллифга шунингдек муаллифлик номи ҳукуки хам берилган бўлиб, унга мувофиқ муаллиф ўз объектига ўзининг номи ёки бошка номни бериши ҳукукига эга.

Интеллектуал мулк объектларига мулкий ҳукуклар фукаро ёки юридик шахснинг шу объектга алохида ҳукукларидир. Факат алохида ҳуукулар эгаси интеллектуал мулк объектидан бошка шахслар фойдаланишига рухсат бериши ёки ман эилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисидаги конун ҳужжатлари фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳукуки), сахна асарларини, ижроларни, фонограммаларни, эфир ва кабель оркали кўрсатув хамда эшиттиришлар берувчи ташкилотларнинг кўрсатув ва эшиттиришларини яратиш хамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чикадиган интеллектуал мулк сохасидаги муносабатларни тартибга солади.

Алохида ҳукуклар факат конунда кўзда тутилган холларда ва факат интеллектуал мулк объектларидан нормал фойдаланишга хамда унинг эгасининг конуний манфаатларига зарар етказилмаган такдирдагина чекланиши мумкин.

Алохида ҳукуклар қуйидаги холларда чекланиши мумкин:

Ўзбекистонда мухофаза килинадиган ихтиро, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибидаги курилмаларни бошка давлат - Париж

конвенцияси иштирокчисининг транспорт воситасида, бу транспорт воситаси вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси худудида бўлганда қўлланиш, бунда бу қурилмалар фақат шу восита эхтиёжлари учунгина фойдаланилиши шарт;

Таркибида патентланган объектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқот ёки тажрибалар ўтказиш;

Табиий офатлар, халокатлар, эпидемиялар ва бошка фавқулодда холларда таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни қўлланиши. Вазирлар Маҳкамаси миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида патентланган объектлардан фойдаланиш тўғрисида патент эгасининг розилигини олмасдан туриб карор қабул қилади, лекин бундай холларда обеъктдан фойдаланилгани учун унга тегишли товон тўланади;

Таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни, агар бу воситалар конуний йўл билан хўжалик оборотига киритилган бўлса, қўлланиш (масалан, патент эгасининг ўзи ёки унинг лицензияси).

Дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир марта тайёрлаш.

Ихтирога патент – ихтиронинг устуворлик санасидан бошлаб йигирма йил мобайнида амал қилади, моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади;

Ихтирога дастлабки патент (2002 йил октябр ойигача) – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилиб, устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади. Талабнома берувчининг моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш тўғрисидаги илтимосиги кўра патентга айлантирилиши мумкин;

Саноат намунасига патент – моҳияти бўйича экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади, патент эгасининг илтимоси билан амал қилиш муддатини яна беш йилга узайтириш имкониятини сақлаб колади;

Саноат намунасига дастлабки патент (2002 йил октябр ойигача) – Дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади. Дастлабки патент эгаси илтимосига кўра патентга айлантирилиши мумкин.

Фойдали моделга патент – дастлабки экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб беш йил мобайнида амал қилади ва талабнома берувчининг илтимосига кўра яна уч йилга узайтирилиши мумкин.

Товар белгисига гувоҳнома-экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади ва устуворлик санасидан бошлаб 10 йил мобайнида амал қилади ва ҳар сафар 10 йилга узайтириш имкониятини сақлаб колади.

Агар объект патентга лаёқатлилик мезонларига мос бўлса, у тегишлича ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси деб тан олинади. Қонунга мувофиқ кўрсатилган объектлар учун қуйидаги мезонлар белгиланган:

Ихтиролар учун – унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда қўлланиши;

Фойдали модель учун – унинг янгилиги ва саноатда қўлланилиши;

Саноат намунаси учун – унинг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда қўлланилиши.

Патент экспертизасини ўтказиш вақтида фойдаланиладиган энг муҳим тушунча техника даражаси тушунчасидир. Техника даражаси ўз ичига ихтиронинг устуворлик санасигача жаҳонда барча учун маълум бўлган ва барча фойдаланадиган маълумотларни олади.

Дастлабки экспертизанинг моҳият жиҳатидан экспертизадан фарқи энг аввало шундаки, дастлабки экспертиза вақтида талабнома берилган объектнинг (ихтиро, фойдали модель) маҳаллий янгилик талабларига мувофиқлиги текширилади, яъни патент экспертлари фақат Ўзбекистондаги мавжуд патент ҳужжатларини текширадилар, моҳият жиҳатидан экспертизада эса объектнинг жаҳон техника даражасига мувофиқлиги текширилади. Патент идораси маълумотлар расмий равишда чоп этилгандан сўнг уч ой ўтгач патент эгасига (ёки товар белгиси эгасига) муҳофаза ҳужжати, тегишлича патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома беради. Патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳамма вақт битта объектга фақат битта муҳофаза ҳужжати (патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома) берилади. Агар патент эгаси бир нечта бўлса (масалан, икки фирма ёки икки ҳаммуаллиф) улар битта патент оладилар.

Қайд этиб ўтамизки, кейинчалик патент эгаси патент ёки дастлабки патентни кучда сақлаб туриш учун мунтазам равишда бож тўлаб туришлари шарт, бож тўламаслик муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши тўхташига олиб келиши мумкин. Патент, давтлабки патент қуйидаги ҳолларда ҳам амал қилишдан тўхталиши мумкин:

патентнинг амал қилиш муддати тугагач;

патент, дастлабки патент ёки товар белгисининг ҳақиқий эмаслиги учинчи томоннинг даво аризаси билан суд орқали тасдиқланганда;

патент эгасининг Патент идорасига берган аризаси асосида.

Агар патент, дастлабки патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан илгари тўхтатилса, бу ҳақидаги маълумот Патент идорасининг "Расмий ахборотнома" бюллетенида чоп этилади. Ўзбекистон конунчилиги бўйича хориж фуқаролари ва юридик шахслари бевосита талабнома бериш ҳуқуқига эга эмас. Улар патент олиш ва уни кучда сақлаб туриш учун ишларини Ўзбекистоннинг патент бўйича ишончли вакиллари орқали юритишлари мумкин.

Патент эгасининг ҳуқуқларидан истиснолар.

Ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан:

шахсий ва нотижорат максадларида фойдаланиш;

синов-тажриба максадларида фондаланиш;

бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалдан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик худудида фойдаланиш патент эгасининг хукукларини бузилди деб эътироф этилмайди.

1.2.4. Интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш сохасида халкаро кооперация

Бугунги кунда жахондаги хар бир мамлакат ўзи алохида яшай олмайди. Халкаро савдо, инвестицияларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтиши, кўшма корхоналарнинг фаолият кўрсатиши ва хамкорликнинг бошка шакллари аллакачон жахон иктисодиётининг ажралмас омили бўлиб колди.

Бундан ташкари йил сайин жахонда иктисодий интеграция жараёнларининг кучайиб бориши кузатилмокда.

Ракобат кураши шароитида факат ишлаб чикаришнинг яхшиланган усулларини кўлланиш ёки техник-иктисодий ва истеъмол (шу жумладан ташки кўриниши ва савдо имижи) хусусиятлари яхшиланган товарларни яратиш йўли билан кўшимча фойда олиш мумкин.

Шу муносабат билан интеллектуал мулк объектлари, хусусан, уларнинг асосий хусусияти – кўшимча фойда "келтирувчи" сифатидаги роли тобора ошиб бормокда. Бугунги кунда янги интеллектуал мулк объектларини яратиш, уларни ишончли мухофазалаш ва самарали фойдаланиш (шу жумладан бу объектларини сотиш) хар кандай корхона, фирма, корпорация муваффакиятининг ажралмас элементи бўлиб колмокда. Табиийки, турли давлатларда интеллектуал мулкни мухофазалашнинг бир-биридан фарк киладиган тартиблари талабнома берувчилар учун ихтироларни патентлаш, товар белгиларини рўйхатга олишни мураккаблаштирар, бу эса халкаро савдо-сотик иктисодиётини ривожлантириш йўлида жиддий тўсик бўлар эди.

Шунинг учун интеллектуал мулк хукукларини ривожланишининг бутун тарихи давомида давлатлар интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш масалаларига ёндашувларни бир хиллаштириш йўлларини фаол изламокда. Бу муаммолар интеллектуал мулк сохасида халкаро хамкорликни зарур килиб кўйди.

Интеллектуал мулкни мухофазалаш сохасидаги халкаро хамкорликнинг максади турли давлатлар ички конунчилигининг айрим коидаларини бир хиллаштириш, интеллектуал мулк сохасида халкаро стандартлар ва меъёрлар ишлаб чикиш йўли билан турли мамлакатларда интеллектуал мулк хукукларини мухофазалашни енгиллаштириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Халкаро муносабатларда хукукларнинг асосий манбаи халкаро битим, шартномалардир. Халкаро шартнома бу халкаро хукук билан тартибга солинадиган давлатлар ўртасидаги келишув бўлиб, унда ўзаро хукук ва мажбуриятлар белгилаб берилади.

Интеллектуал мулк сохасидаги асосий халкаро битимлар Бутунжахон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) доирасида бирлаштирилади. БИМТ

Стокгольмда 1967 йилда имзоланган ва 1970 йилда кучга киритилган конвенция билан таъсис этилган. БИМТ БМТ нинг 16 та ихтисослашган муассасаларидан биридир. БИМТнинг маъмурий вазифаларини бажарадиган Котибияти "БИМТнинг Халкаро бюроси" деб аталади.

Саноат мулкини мухофазалаш бўйича Париж Конвенцияси интеллектуал ҳукуқлар соҳасидаги биринчи, энг умумий халкаро битим бўлади. Париж Конвенцияси 1883 йилда тузилган. Конвенция хозирги вактда амал килаётган таҳрири 1979 йилда Стокгольмда қабул килинган бўлиб, 2000 йил 1 январдаги маълумотларга кўра 162 давлат, шу жумладан 1993 йил 18 августда Конвенцияга аъзо бўлган Ўзбекистон ҳам унинг иштирокчилари ҳисобланади.

Конвенция ихтиро, фойдали модель, товар белгилари, саноат намуналари, фирма номлари, товарларнинг келиб чикиш жойлари, номлари каби объектларни мухофазалаш, шунингдек ноҳалол ракобатнинг олдини олишнинг умумий асослари, тамойилларини белгилаб беради. 1970 йилда Вашингтонда тузилган Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (PCT) энг мухим халкаро шартномалардан биридир. PCT, биринчи навбатда, ихтироларга бир неча мамлакатда муҳофаза олишни осонлаштириш ва арзонлаштиришга йўналтирилган. Шартнома шунингдек ривожланаётган мамлакатлар патент тизимининг иш самарадорлигини ошириш ва бу мамлакатлар ахолисининг илғор техник ечимлар, ихтиролар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланишини осонлаштириш йўли билан уларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришга хизмат килади. Ўзбекистон 1993 йилда PCT аъзоси бўлди.

Энди халкаро классификация битимларига ўтамиз.

Ихтиролар соҳасида 1971 йилда тузилган Халқаро патент классификацияси тўғрисидаги Страсбург битимининг максади патент ҳужжатларини муфассал иерархик индексациялаш ва кидиришнинг ягона тизимини яратишдан иборатдир. Бу битим билан Халқаро патент классификация (ХПК) таъсис этилган бўлиб, у техниканинг хамма соҳасини 70000 дан ортик кичик рукнлардан иборат саккизта асосий бўлимга ажратади. ХПК турли патент-ахборот тадкиқотлари, патент экспертизасини самарали ўтказиш имконини беради, бу эса патент ахборотини тезкор ва тижорат нуктаи назаридан кимматли ахборотлар манбаига айлантиради. Ҳозирги вактда ХПКдан деярли барча давлатлар ва ташкилотлар кенг фойдаланмокда. ХПК тўғрисидаги Битим доирасида Иттифок тузилган бўлиб, у ўз Ассамблеясига эга. Ассамблея Иттифоқнинг бюджети ва икки йиллик дастурини қабул килади.

Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (БСТ) таъсис этилиши интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро корпорация ривожланишига туртки бўлди. Интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича энг асосий жиҳатларни бир хиллаштиришга каратилган энг сўнги йўналишлар Интеллектуал мулк ҳукуклари бўйича савдо масалалари тўғрисида Битим (ТРИПС) да мужассамлашди. Унинг лойиҳаси 1994 йилда БСТнинг Уругвай раунди

давомида таклиф этилган эди. Бугунги кунда ТРИПСга кўшилиш хар бир давлатнинг БСТга кириши учун зарур шартдир.

Албатта, интеллектуал мулкни мухофазалаш соҳасидаги халкаро кооперацияни кучайтириш, миллий конунчиликни уйғунлаштириш давлатлар ва минтақаларнинг индустриал, иктисодий ва ижтимоий ўсиши йўлида халкаро иктисодий муносабатларни ривожлантиришда тобора катта ахамият касб этади.

Таянч сўзлар.

Муаллифлик, табиатига кўра, мукаммал, кучли, имтиёз, интеллектуал, иктисодиёт, бозор иктисодиёти, акл, онг, мехнат куроллари, изланиш, яратиш, ижод, мулк, мантикий, эгалик килиш, мутлок, фикрлаш, объектив, ифодалаш, хохиш, ўлчаш, ўрганиш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Интеллектуал мулк объектларини таърифлаб беринг?
2. Ўзбекистон Республикасида иктисодиётни ривожланишида интеллектуал мулкни ахамияти?
3. Интеллектуал мулкни мухофаза килиш омилларини шархлаб беринг?
4. Интеллектуал мулкни амал килиш муддатлари?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. 1993 йил 7 май да кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўгрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конун,- 1994 йил майда кабул килинган.
3. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
4. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг Карори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўгрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

7. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент. Меҳнат. 2001, 384 б.
10. Рьшов К.В. 100 великих и-зобретеиий - М : "Всчс", 2000, 528 с
11. Интеллектуальная собственность. Словарь-справочник. М: Илфра-М, 1995, 112 с.

1.3. Илмий кашфиётлар, унинг объектлари эҳм учун дастур ва маълумот базалари

1.3.1.“Ихтиролар, фойдали моделлар ва соноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
1.3.2. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниқлаш тартиблари.
1.3.3. “ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
1.3.4. ЭҲМ учун дастурлар. ЭҲМ маълумотлар базалари. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома.

1.3.1.“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни 06.05.1994 йилда қабул қилинган ва мазкур конунга 30.07.2008 да ўзгартириш киритилган. Ушбу Қонуннинг асосий максади Ўзбекистон Республикасидаги ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Саноат мулки объектлари тўғрисидаги конун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси саноат мулки объектларига патент бериш хакидаги талабномаларни кўриб чиқиш учун кабул килади, улар бўйича давлат экспертизасини ўтказади, уларни давлат рўйхатига олади, саноат мулки объектларига патентлар беради, расмий ахборотнома нашр этади, саноат мулки объектлари тўғрисидаги конун ҳужжатларининг қўлланилишига доир коидалар кабул килади ва тушунтиришлар беради ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Патент идораси тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат бюджети маблағлари, патент божлари, шунингдек Патент идораси томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва тақдим этиладиган материаллар учун тўланадиган ҳақ Патент идораси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Патент идорасининг Апелляция кенгаши қарорлар қабул қилишда мустақилдир ва ўз фаолиятида ушбу Қонун ҳамда бошқа конун ҳужжатларига амал қилади.

Апелляция кенгаши:

Патент идорасининг талабномада кўрсатилган саноат мулки объектлари хусусидаги қарори устидан;

- саноат мулки объектларига патент берилганлигига карши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан;

- саноат мулки объектлари патентларининг ҳақиқийлигига карши берилган апелляцияларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши ўз ваколатлари доирасида апелляцияларнинг бошқа турларини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Апелляция кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига карши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг патенти давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади.

Саноат мулки объектининг патенти саноат мулки объекти устуворлигини, унга муаллифликни ва патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Фойдали модель патенти фойдали моделнинг янгилигини, унинг ҳақиқийлигини ва патент эгасининг фойдали моделга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Саноат намунаси патенти саноат намунасининг янгилиги ва ўзига хослигини, унинг ҳақиқийлигини ҳамда патент эгасининг саноат намунасига

эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир мутлак хукукини тасдиклайди.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги ҳукукий мухофазаси ёки бу мухофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво килаётган тараф зиммасига юкланади.

Патент эгасининг мутлақ хукуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисоблаганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал килади.

Ихтиро патентининг амал килиши конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал килишини узайтириш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал килиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Патент идораси томонидан тегишинча беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган хукукий мухофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган хукукий мухофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш хукуки мерос бўлиб ўтади.

Агар ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги, ихтиролик даражасига эга ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳукукий мухофаза килинади.

Агар ихтиро техника тараккиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Агар ихтиро техника тараккиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яккол аён бўлмаса, у ихтиролик даражасига эга бўлади.

Техника тараккиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига кадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар кандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниклаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чакириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Агар ихтиродан саноат, кишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошка сохаларда фойдаланиш мумкин бўлса, у саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Ихтирога тааллукли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар кандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар ихтирога патент бериш хакидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, ихтиронинг патентга лаёкатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу холни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Ҳар кандай сохада:

махсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар хужайраларининг турларига);

усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-харакатларни амалга ошириш жараёнига) тааллукли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади.

Қуйидагилар ихтиро сифатида эътироф этилмайди:

илмий назариялар ва математика усуллари;

ташкил этиш ва бошқариш усуллари;

шартли белгилар, жадваллар, коидалар;

аклий операцияларни бажариш коидалари ва усуллари;

электрон ҳисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;

бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва чизма тарҳлари;

эстетика талабларини каноатлантиришга йўналтирилган, буюмларнинг фақат ташки кўринишига оид ечимлар;

интеграл микросхемаларнинг топологиялари;

ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлок коидаларига зид ечимлар.

Агар фойдали модель сифатида кўрсатилган объект янги бўлса ва уни саноатда қўллаш мумкин бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар фойдали моделнинг муҳим белгилари мажмуи техника тараккиёти даражасидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади.

Техника тараккиёти даражаси талабномада кўрсатилган фойдали модель амалга ошириши мумкин бўлган вазифаларни бажара оладиган воситалар ҳакидаги Ўзбекистон Республикасида ҳамма фойдалана оладиган барча маълумотларни, шунингдек уларни қўллашга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Фойдали модель, агар ундан амалда фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўллаш мумкин деб ҳисобланади.

Фойдали моделга тааллукли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар кандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар фойдали моделга патент бериш ҳакидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса,

фойдали моделнинг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Қурилмаларнинг конструктив йўл билан бажарилиши фойдали моделларга тааллуқлидир.

Агар саноат намунаси сифатида кўрсатилган объект янги ва оригинал (ўзига хос) бўлса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Агар саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи саноат намунасига устуворлик бериш санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган маълумотлардан аён бўлмаса, у янги деб эътироф этилади.

Саноат намунасининг янгилигини аниклаш чоғида бирмунча олдин устуворликка эга бўлган ҳолда топширилган ва чақириб олинмаган патент бериш ҳақидаги талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Саноат намунаси, агар унинг муҳим белгилари мажмуи буюм хусусиятларининг ижодий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, оригинал деб эътироф этилади.

Саноат намунасига тааллуқли ахборотнинг муаллиф, талабнома берувчи ёки улардан бевосита ёхуд билвосита шу ахборотни олган ҳар қандай шахс томонидан оммавий тарзда ошкор этилиши, агар саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома ахборот ошкор этилган санадан эътиборан кўпи билан олти ой ичида Патент идорасига топширилган бўлса, саноат намунасининг патентга лаёқатлилигини тан олишга таъсир кўрсатадиган ҳолат сифатида эътироф этилмайди. Бунда ушбу ҳолни исботлаб бериш вазифаси муаллиф, талабнома берувчи зиммасида бўлади.

Буюмнинг ташки кўринишини ифодалайдиган бадиий-конструкторлик ечими саноат намуналари жумласига киради.

Қуйидагилар саноат намуналари деб эътироф этилмайди:

матбаа маҳсулотлари;

архитектура объектлари (кичик архитектура шаклларидан ташқари), саноат, гидротехника иншоотлари ва бошқа стационар иншоотлар;

суюк, газсимон, сочилувчан ёки шунга ўхшаш моддалардан иборат ўзгарувчан шаклдаги объектлар;

буюмнинг фақат техник вазифаси билан боғлиқ бўлган ечимлар;

жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошкача коида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

Саноат мулки объектининг патенти қуйидагиларга берилади:

саноат мулки объектининг муаллифига (хаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш хакидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга кадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш хакидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган такдирда);

ушбу моддада назарда тутилган холларда иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аник топширикни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган хукук, агар бу хол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (хаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи кисмидаги коидалар назарда тутилган бўлмаса, у холда муаллиф (хаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектининг патентини ўз номига олиш хукукига эга бўлади. Бунда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган микдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чикаришида тегишли саноат мулки объектидан фойдаланиш хукукига эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир саклаган такдирда муаллифга (хаммуаллифларга) мутаносиб равишда хак тўлаши шарт, хак микдори шартномада белгиланади.

Агар саноат мулки объектидан ўз хохишича фойдаланиш бошка патент эгаларининг хукукларини, шу жумладан, бошка шахсларнинг мазкур объектдан фойдаланишини такиклаб кўйиш хукукини бузмаса, бундай фойдаланиш патент эгасига тегишлидир, шу зайлда фойдаланиш ушбу Конунга мувофик патент эгасининг хукукини бузиш деб хисобланмайдиган холлар бундан мустасно.

Бир нечта патент эгасига карашли бўлган саноат мулки объектидан фойдаланиш борасидаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай келишув бўлмаган такдирда, хар бир патент эгаси мухофаза килинаётган саноат мулки объектидан ўз хохишича фойдаланиши мумкин, лекин колган патент эгаларининг розилигисиз объектга мутлак лицензия беришга ёки патентни ўзга шахсга топширишга хакли эмас.

Патент эгаси патент билан тасдикланган саноат мулки объектига бўлган хукукни патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўгрисидаги шартнома бўйича ёки саноат мулки объектидан фойдаланиш хукукини лицензия шартномаси бўйича хар кандай юридик ёхуд жисмоний шахсга (шахсларга) топшириши мумкин. Патентдан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўгрисидаги шартнома ва лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент эгаси фойдаланилаётган саноат мулки объектлари патентланганлигини кўрсатувчи огохлантириш тамгасидан фойдаланиши мумкин.

Патент эгалари патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил мобайнида саноат мулки объектидан фойдаланмаса ёки етарли даражада фойдаланмаса, ушбу мухофаза этилаётган саноат мулки объектидан фойдаланишни хохловчи ва фойдаланишга тайёр хар кандай шахс, патент эгаси лицензия шартномаси тузишдан бош тортган такдирда, ўзига мажбурий номутлак лицензия беришни сўраб судга илтимоснома билан мурожаат килиши мумкин.

Куйидаги холлар патент эгаси мутлак хукукининг бузилиши сифатида эътироф этилмайди:

Ўзбекистон Республикасида мухофаза килинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган курилмаларни Саноат мулкини мухофаза килиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошка давлатнинг транспорт воситасида мазкур восита вактинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси худудида турган вактда, башарти бу курилмалардан факат мазкур воситанинг эхтиёжлари учун фойдаланиладиган бўлса, кўллаш;

патентлар билан мухофаза килинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситалар устида илмий тадкикот ёки тажриба ўтказиш;

патентлар билан мухофаза килинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни табиий офатлар, халокатлар, эпидемиялар ва бошка фавкулодда холатларда кўллаш;

патентлар билан мухофаза килинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни, агар бу воситалар фукаролик муомаласига конуний йўл билан киритилган бўлса, кўллаш;

патентлар билан мухофаза килинаётган саноат мулки объектларидан таркиб топган воситаларни даромад олмай шахсий максадларда кўллаш;

дорихоналарда шифокор рецепти бўйича дориларни бир маротабалик тайёрлаш.

Патент билан мухофаза килинаётган саноат мулки объектларидан ушбу Конуннинг 11 ва 32-моддаларида назарда тутилган коидаларга хилоф равишда фойдаланаётган хар кандай шахс патент эгасининг мутлак хукукини бузувчи хисобланади.

Тегишли патентланган саноат мулки объектини ўз ичига олган махсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, кўллаш, импорт килиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фукаролик муомаласига бошка йўсинда киритиш ёки шу максадда саклаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан мухофаза килинаётган усулни кўллаш ёхуд ихтиро патенти билан мухофаза килинаётган усулда бевосита тайёрланган махсулотни фукаролик муомаласига киритиш ёки шу максадда саклаб туриш патент эгаси мутлак хукукининг бузилиши деб эътироф этилади. (ЎзР 30.07.2008 й. ЎРК-164-сон Конуни тахриридаги кисм), (Олдинги тахририга каранг)

Саноат мулки объектидан патент эгасининг мутлак хукукини бузган холда фойдаланаётган шахслар патент эгасининг талабига кўра:

патент эгасининг мутлак хукукини бузувчи харакатларни тўхтатишлари;

патент эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ коплашлари шарт.

Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларга белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини ёки патент божи тўлашдан озод қилишнинг ёхуд унинг миқдори камайтирилишининг асосларини тасдиқлайдиган ҳужжат илова килинади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талаблар Патент идораси томонидан белгиланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс оркали топширилиши мумкин.

Ихтирога патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда ихтиро ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини (ихтиро бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гурухига тааллукли бўлиши керак.

Ихтиро ҳақидаги талабнома:

ихтиронинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар ихтиронинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошка материалларни;

ихтиро рефератини ўз ичига олиши лозим.

Фойдали моделга патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда фойдали модель ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта фойдали моделга ёки ягона ижодкорлик фикрини (фойдали модель бирлиги талабини) ташкил этган тарзда бир-бири билан узвий боғланган фойдали моделлар гурухига тааллукли бўлиши керак.

Фойдали модель ҳақидаги талабнома:

фойдали моделнинг муаллифи (ҳаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

фойдали моделнинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ очиб берилган тавсифини;

фойдали моделнинг моҳиятини ифодаловчи ҳамда унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган формуласини;

агар фойдали моделнинг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошка материалларни;

фойдали модель рефератини ўз ичига олиши лозим.

Саноат намунасига патент бериш хакидаги талабнома (бундан буён матнда саноат намунаси хакидаги талабнома деб юритилади) битта саноат намунасига тааллукли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини (саноат намунаси бирлиги талабини) камраб олиши мумкин.

Саноат намунаси хакидаги талабнома:

саноат намунасининг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш хакидаги аризани;

буюмнинг ташки кўриниши хакида тўла-тўкис, бор тафсилоти билан тасаввур килиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расмни;

агар саноат намунасининг мохиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитасини;

саноат намунасининг ундаги мухим белгилар мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим.

Саноат мулки объекти устуворлиги патент бериш хакидаги талабнома Патент идорасига топширилган санага кўра белгиланади.

Саноат мулки объекти устуворлиги:

Саноат мулкини мухофаза килиш бўйича Париж конвенцияси иштирокчиси бўлган бошка давлатда (конвенция устуворлиги) топширилган биринчи талабнома кайд этилган сана бўйича, агар мазкур санадан эътиборан ихтиро хакидаги талабнома ва фойдали модель хакидаги талабнома ўн икки ой ичида, саноат намунаси хакидаги талабнома эса олти ой ичида Патент идорасига келиб тушган бўлса, белгиланиши мумкин. Агар конвенция устуворлиги сўралган талабнома уни берувчига боглик бўлмаган холатларга кўра белгиланган муддатда топшириб улгурилмаса, бу муддат Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин. Конвенция устуворлиги хукукидан фойдаланиш истагидаги талабнома берувчи ўзининг ана шу истагини талабномани топшириш чогида кўрсатиб ўтиши ва (ёки) зарур материалларни талабнома топширилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой ичида Патент идорасига такдим этиши шарт;

кўшимча материаллар топширилган сана бўйича, агар талабномага илова килинган кўшимча материаллар талабномада кўрсатилган саноат мулки объекти мохиятини ўзгартириб юборади деб топилиши муносабати билан уларни кабул килиш мумкин эмаслигини Патент идораси талабнома берувчига билдирган санадан эътиборан уч ой муддат тугагунга кадар бу кўшимча материаллар талабнома берувчи томонидан мустакил талабнома сифатида расмийлаштирилган бўлса, белгиланиши мумкин; (ЎзР 30.07.2008 й. ЎРК-164-сон Конуни тахриридаги хат боши)

шу талабнома берувчининг Патент идорасига бирмунча олдин такдим этган, ушбу саноат мулки объектининг мохиятини очиб берувчи талабномаси топширилган сана бўйича, агар бундай устуворлик сўралаётган талабнома бирмунча олдин берилган ихтиро хакидаги талабнома ва фойдали модель

ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан ўн икки ой ичида ва бирмунча олдин берилган саноат намунаси ҳақидаги талабнома келиб тушган санадан эътиборан олти ой ичида топширилган бўлса, белгиланиши мумкин. Бунда бирмунча олдин топширилган талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Саноат мулки объекти устуворлиги олдин топширилган бир нечта талабнома ёки уларга доир қўшимча материаллар асосида бу талабномалар ва қўшимча материалларга нисбатан ушбу моддада белгиланган шартларга риоя қилинган ҳолда белгиланиши мумкин. (ЎзР 30.07.2008 й. ЎРҚ-164-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Агар давлат экспертизаси жараёнида патент бериш ҳақидаги ўхшаш талабномалар айни битта устуворлик санасига эга эканлиги аниқланса, у ҳолда патент Патент идорасига олдинроқ сана билан жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, башарти жўнатилган саналари ҳам бир хил бўлиб чиқса, қайси бирида Патент идорасининг рўйхатга олиш кирим рақами олдин қайд этилган бўлса, шу талабнома бўйича берилади.

Саноат мулки объекти устуворлиги бирмунча олдин устуворлик сўралган, чақириб олинган патент бериш ҳақидаги талабнома келиб тушган санага кўра белгиланиши мумкин эмас.

Патент бериш ҳақидаги ажратилган алоҳида талабнома бўйича саноат мулки объекти устуворлиги Патент идорасига топширилган дастлабки талабнома санасига кўра белгиланади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар ихтиро ҳақидаги талабномани фойдали модель ҳақидаги талабнома, фойдали модель ҳақидаги талабномани эса ихтиро ҳақидаги талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир. Бундай ўзгартиришлар чоғида биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли патент божи тўланганидан сўнг амалга оширилади.

Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки объектининг моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш ҳуқуқига эга. Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда, кўрсатилган муддат ўтганидан кейин, лекин Патент идораси патент бериш ҳақида қарор қабул қилгунига қадар тақдим этилиши мумкин.

Белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар

киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф килинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра шу муддат ўтган санадан кейин кўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Саноат мулки объекти бирлиги талаблари бузилган холда топширилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига тегишли сўров унга юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида ушбу объектлардан кайси бири кўриб чикилиши лозимлигини хабар килиш ҳамда тегишинча талабнома хужжатларига аникликлар киритиш таклиф килинади. Дастлабки талабнома материалларига киритилган бошқа объектлар алохида талабномаларга ажратилиши мумкин. Агар талабнома берувчи ушбу объектлардан кайси бирини кўриб чикиш зарурлигини хабар килмаса ва аниклик киритилган материалларни тақдим этмаса, ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунаси тавсифида биринчи килиб кўрсатилган объект давлат экспертизасидан ўтказилади.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш мукаррарлигини тақозо этган сабаблар тасдикланган ва патент божи тўланган тақдирда, Патент идораси томонидан тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб кўпи билан ўн икки ой ичида топширилиши мумкин.

Талабнома берувчи саноат мулки объекти тегишли давлат реестрида давлат рўйхатидан ўтказилгунга кадар давлат экспертизасининг исталган боскичида патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиши мумкин.

Патент бериш ҳақидаги тапабнома материалларидаги маълумотлар Патент идораси томонидан сир сакланиши керак ва улар ҳакидаги ахборот талабнома берувчи ёки патент эгасининг розилигисиз берилмайди. Талабнома материалларидаги ахборотни ихтиро ҳакидаги талабнома тўғрисидаги ёки фойдали модель ва саноат намунаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий равишда эълон килингунга кадар ошкор этганлик конунга мувофик жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар ихтиро ҳакидаги талабнома ёки фойдали модель ҳакидаги талабнома материалларида давлат сирларини ташкил килган маълумотлар мавжуд бўлса, бундай талабнома бўйича иш юритиш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Патент идораси томонидан кўриб чикиш учун кабул килиб олинган патент бериш ҳакидаги талабномалар талабнома берувчиларга кайтарилмайди.

Расмий экспертиза патент бериш ҳакидаги талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ўтгандан кейин Патент идораси томонидан ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза кўрсатилган муддат ўтмасиданок бошланиши мумкин. Бу холда

талабнома берувчи илтимоснома топширилган пайтдан бошлаб қўшимча патент божи тўламасдан талабнома материалларига ўз ташаббуси билан қўшимчалар, тузатишлар ва аниқликлар киритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Расмий экспертиза мобайнида тақдим этилган таклифнинг ҳуқуқий мухофаза таъминланадиган саноат мулки объектларига кай даражада мувофиклиги кўриб чиқилади. Расмий экспертиза натижалари бўйича Патент идорасининг қарори талабнома берувчига маълум қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтганидан кейин расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Патент идораси кўриб чиқиш учун қабул қилинган ихтиро ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтгунига қадар ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганидан кейин ҳар қандай шахс ушбу талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли. Ихтиро ҳақидаги талабномага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқиш тартиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда фойдали модель ҳақидаги талабномани экспертизадан ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг талабнома кўриб чиқишга қабул қилингани тўғрисидаги қарори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Экспертиза ўтказилаётганда талабномада кўрсатилган объектнинг ушбу Қонун 7-моддасида белгиланган патентга лаёқатлилик шартларига мувофиқлиги текширилади.

Агар экспертиза натижасида талабнома фойдали моделлар сифатида мухофаза қилинадиган объектларга тааллуқли бўлмаган таклиф тўғрисида эканлиги аниқланса, Патент идораси патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бундан хабардор қилинади.

Агар талабнома экспертизаси натижасида фойдали модель ҳақидаги талабнома материаллари қўйилган талабларга мос эканлиги аниқланса, Патент идораси фойдали моделга патент бериш тўғрисида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бундан хабардор этилади.

Фойдали модель сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда

Патент идораси фойдали моделга патент беришни рад этиш тўғрисида карор кабул килади, талабнома берувчи бундан хабардор этилади. (ЎзР 30.07.2008 й. ЎРҚ-164-сон Қонуни тахриридаги кисм)

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарори устидан карор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чикиши лозим.

Апелляция кенгашининг карори устидан карор кабул килинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят килиниши мумкин.

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, талабнома берувчининг ёки хар кандай шахснинг илтимосномасига кўра ихтиро хакидаги талабноманинг мохияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади. Илтимоснома талабнома топширилаётганда ёки кўриб чикиш учун кабул килинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин. Талабнома берувчи келиб тушган илтимосномалар хакида Патент идораси томонидан хабардор килинади.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддати бундай илтимоснома билан биргаликда патент божи тўланганлигини тасдикловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, талабнома берувчининг талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ўтгунига қадар топширилган илтимосномасига кўра Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳакидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома уч йиллик муддатда келиб тушмаган тақдирда, ихтиро ҳакидаги талабнома чакириб олинган хисобланади.

Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, саноат намунаси хакидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади. Патент божи расмий экспертизанинг патент бериш хакидаги талабнома кўриб чиқиш учун кабул килинганлиги тўғрисидаги карори талабнома берувчига юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида тўланиши мумкин. Кўрсатилган муддат бузилган тақдирда, талабнома чакириб олинган хисобланади.

Агар ихтиро ҳакидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳакидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмии-техника экспертизаси натижасида талабнома берувчи таклиф килган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг ёки муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланган саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг белгиланган талабларга мослиги аникланса, Патент идораси патент бериш ҳакида карор кабул килади.

Ихтиро ёки саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, Патент идораси патент беришни рад этиш ҳакида карор кабул килади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг карори устидан қарор юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддат ичида Апелляция кенгашига апелляция бериши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан карор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Ихтирога ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган санага қадар вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган бўлса ёки ушбу талабнома бўйича Патент идораси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят бериш имконияти тугаган бўлса, вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза юз бермаган ҳисобланади.

Ихтиродан унинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси даврида фойдаланаётган шахс ихтирога патент олинганидан кейин патент эгасининг талабига кўра унга миқдори патент эгаси билан келишув асосида белгиланадиган пул товони тўлаши шарт.

Патент идораси патент бериш тўғрисида карор қабул қилганидан сўнг саноат мулки объектини тегишинча Давлат ихтиролар реестрида, Давлат фойдали моделлар реестрида ёки Давлат саноат намуналари реестрида давлат рўйхатига олади.

Патент идораси саноат мулки объектлари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома нашр этади. Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлик рўйхати ва таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Саноат мулки объектига патент бериш объект рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан ўн кун ўтганидан кейин Патент идораси томонидан амалга оширилади.

Саноат мулки объекти патенти Ўзбекистон Республикаси номидан берилади ва Патент идораси раҳбари томонидан имзоланади.

Саноат мулки объекти патенти бир нечта киши номига сўралганда уларга битта патент берилади.

Саноат мулки объекти патентининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган саноат мулки объекти патентидаги кўзга яккол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Патент идораси томонидан тузатилади.

Саноат мулки объекти патенти Апелляция кенгашига берилган апелляция бўйича исталган вақтда ҳуқуқий муҳофазанинг тўлиқ ҳажмида ёки унинг фақат бир қисми бўйича қуйидаги асосларга кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин:

муҳофаза қилинадиган саноат мулки объекти патентга лаёқатлилик шартларига мос эмаслиги;

ихтиро, фойдали модель формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуида талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгиларнинг мавжудлиги.

Саноат мулки объекти патентининг тўла ҳажмдаги ҳуқуқий муҳофазаси ёки бу муҳофазанинг фақат бир қисми ҳақиқий эмаслигини исботлаш вазифаси патентни ҳақиқий эмас деб даъво қилаётган тараф зиммасида бўлади.

Саноат мулки объектига патент бериш Апелляция кенгашига апелляция топширилиши муносабати билан тўхтатиб турилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг карори устидан карор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Агар низо судда кўриб чиқиладиган бўлса, низо ҳал этилгунига қадар саноат мулки объектига доир ишни юритиш Патент идораси томонидан тўхтатиб турилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши унинг ушбу Қонунга мувофиқ белгиланган амал қилиш муддати ўтганидан кейин тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши:

патентни ўз кучида саклаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаганда;

патент эгаси Патент идорасига топширган аризага асосан муддатидан илгари тугатилади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши муддатидан илгари тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Патентни ўз кучида саклаб турганлик учун патент божи белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган саноат мулки объекти патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин. Бундай илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил муддат ичида, бирок патентнинг ушбу Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Патент идорасига топширилиши мумкин.

Патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинади.

Саноат мулки объекти патентининг амал қилиш муддати тугатилган сана билан патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда саноат мулки объектидан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарўр тайёргарлик кўрган шахс ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирмаган ҳолда саноат мулки объектидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини саклаб қолади.

Патент эгаси ёзма ариза бериб, саноат мулки объекти патентидан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир нечта патент эгаларидан бирининг саноат мулки объекти патентидан воз кечиши патентнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

Саноат мулки объекти патентидан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.

Патент эгаси саноат мулки объекти патентидан воз кечиш нияти тўғрисида муаллифни хабардор қилиши шарт. Муаллиф бундай ҳолда патентга эгалик қилишда устувор ҳуқуқка эга бўлади.

Агар саноат мулки объекти патенти лицензия шартномасининг объекти бўлса, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентдан лицензия эгасининг розилиги билангина воз кечиш мумкин бўлади.

Махсулотда (буюмда) ихтиронинг, фойдали моделнинг формула мустақил бандига киритилган ҳар бир белгиси ёки унга муодил бўлган белги қўлланилган бўлса, бу махсулот (буюм) патентланган ихтиро, фойдали моделдан фойдаланилган ҳолда тайёрланган, ихтиро патенти билан мухофаза этиладиган усул эса, қўлланилган деб эътироф этилади.

Махсулотни олиш усулига берилган патентнинг амал қилиши айнан шу усул ёрдамида олинган махсулотга ҳам татбиқ этилади. Бунда аксини исботловчи далиллар бўлмаса, бу янги махсулот патентланган усулда олинган деб ҳисобланади.

Агар махсулотда патент берилган саноат намунасининг мухим белгилари мажмуи бўлса, у патентланган саноат намунасидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган деб эътироф этилади.

Саноат мулки объекти устуворлиги белгиланган санага кадар унинг муаллифидан мустақил тарзда айнан ўхшаш бўлган ечимдан фойдаланган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирмаган тарзда, кейинчалик ҳам ундан бепул фойдаланиш ҳуқуқини саклаб колади.

Аввал фойдаланганлик ҳуқуқи бошқа юридик ёки жисмоний шахсга фақат айнан ўхшаш ечимдан фойдаланилган ёки шунга етарли даражада тайёргарлик кўрилган ишлаб чиқариш билан биргаликда топширилиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ҳар кандай шахс патент билан мухофаза қилинган саноат мулки объектидан фақат патент эгасининг рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақли.

Патент эгаси саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар кандай шахсга бериш тўғрисида (очиқ лицензия) Патент идорасига ариза топшириши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида саклаб турганлик учун ундириладиган патент божи шундай ариза тўғрисидаги маълумотлар Патент идораси томонидан эълон қилинганидан кейинги йилдан бошлаб эллик фоизга камайтирилади.

Очиқ лицензияни олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан номутлак лицензия бериш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома шартлари бўйича низолар суд томонидан кўриб чиқилади. Патент эгасининг

очик лицензияга нисбатан ҳукук бериш ҳақидаги аризаси чакириб олинмайди.

Саноат мулки объектидан патент эгасининг розилигисиз мутаносиб миқдорда унга товон тўлаган ҳолда фойдаланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда рухсат бериши мумкин.

Агар патент эгаси саноат мулки объектидан унинг таркибида бошқа юридик ёки жисмоний шахсга карашли мухофаза килинаётган ўзга объект кўлланилиши туфайли фойдалана олмаса, патент эгаси мазкур шахсдан бу объектдан шартномада назарда тутилган шартлар асосида фойдаланиш учун лицензия беришни талаб килишга хаклидир.

Муаллифларга ва саноат мулки объектларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларга солик солиш ва кредит беришда имтиёзли шартлар белгиланади, шунингдек конун хужжатларига мувофик бошка имтиёзлар берилади.

Саноат мулки объектларига хукукий мухофаза бериш билан боглик юридик ахамиятга эга харакатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод килиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошка манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида саклаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида кўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида саклаб турганлик учун патент божи ва кўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал килиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

Патент вакили юридик ва жисмоний шахсларнинг Патент идораси олдидаги вакиллик ҳуқукини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган Ўзбекистон фукароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига кўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ўтказиш ва рўйхатга олиш тартиби конун хужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси худудидан ташкарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар саноат мулки объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боглик бўлган юридик ахамиятга эга харакатларни Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакиллари оркали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, бирок вактинча унинг ҳудудидан ташкарида турган жисмоний шахслар саноат мулки

объектларини патентлаш бўйича ишларни ва улар билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси доирасида ёзишмалар олиб бориш учун манзилни кўрсатган ҳолда, патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари саноат мулки объектларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошка давлатларда патентлаш ҳукукига эга.

Давлат сирларини ўз ичига олмайдиган ихтиролар ва фойдали моделларни бошка давлатларда патентлаш тегишли талабнома Патент идорасига топширилган кундан эътиборан уч ой ўтганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳукуклардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.

Саноат мулки объектларини ҳукуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш сохасидаги низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Саноат мулки объектлари тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

1.3.2. Илмий кашфиётлар. Кашфиёт объектлари. Кашфиётни аниклаш тартиблари.

Кашфиёт деб билим даражасига тубдан ўзгартириш олиб кирадиган илгари номаълум бўлган, аммо объектив мавжуд бўлган моддий нуктанинг ходиса, хосса ва конуниятларини тушунтириб берувчи таълимотга айтилади.

Кашфиётни ҳимоя килиш максади:

- Илмий мазмун ишончлилигини тасдиклаш учун;
- Муаллиф ва давлат устунлигини ўрнатиш;
- Кашфиёт муаллифининг хусусиятларини тан олиш ва унга тегишли имтиёзлар бериш;
- Кашфиёт билан боғлик илмий-технологик масалаларни ҳал килишда кўмаклашиш;
- Фан ва техникада, фойдаланиш учун кашфиётларни давлат томонидан маълумот учун кабул килиниши ва хисобга олиниши;

Кашфиёт куйидаги ҳолларда эътироф этилади:

- Илгари номаълум бўлган, агар биринчи топилган кунгача давлатимизда ёки хорижда эълон килинмаган бўлса, учинчи шахсга етказилмаган бўлса;
- Агар жиддий хусусиятга эга бўлиб дунёни илмий ўрганишга муҳим ҳисса кўша олса, билим даражасига тубдан ўзгартиришлар олиб кирса шу жумладан фан ва техника равнаки борасидаги янги йўналишлар

ва янги техника ечимларга асос солса;

- Илгари маълум бўлган назарий тушунчаларни умуман ўзгартириб юборса;
- Илгари илмий жиҳатдан тушунтирилмаган илмий ҳакиқатларни изоҳлай олса.

Кашфиёт қуйидаги холларда эътироф этилмайди:

- Фойдали казилмалар ижтимоий фанлар соҳасидаги жўғрофий археологик кашфиётлар тан олинмайди.

Кашфиётни ҳимоя қилиш мақсади.

- Илмий мазмун ишончлиликни тасдиклаш учун;
- Муаллифлик ва давлат устунлигини ўрнатиш;
- Кашфиёт муаллифининг хизматларини тан олиш ва унга тегишли имтиёз бериш;
- Кашфиёт билан боғлиқ илмий техник масалаларни ҳал қилишда кўмаклашиш;
- Фан ва техникада фойдаланиш учун кашфиётларни давлат томонидан маълумот учун қабул қилиниши ва ҳисобга олиниши.

Кашфиёт объектлари–ходиса, хосса ва қонунийликдир:

- Ходиса деб илгари номаълум бўлган билим даражасини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган объектив мавжуд бўлган моддий дунё мохиятининг номоён бўлиш шаклига айтилади.
- Хосса деб, илгари номаълум бўлган билим даражасини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган моддий дунёни борлиғининг объектив мавжуд сифатли томонига айтилади.
- Қонунийлик деб, илгари номаълум бўлган билим даражасини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган моддий дунё ходисалари ва хоссалари ўртасидаги объектив мавжуд бўлган барқарор муносабатига айтилади.

Кашфиёт устунлиги илмий қоиданинг биринчи марта таърифлаб берилган кунидан, унинг матбуотда эълон қилинган вақти ва учинчи шахсга етказилган кундан белгиланади.

Кашфиётни аниклаш тартиблари.

Кашфиётларни аниклаш деб–инсонларга жавоб берувчи мухим илмий коидаларни маълум қилмоқ илгари номаълум бўлган объектив мавжуд билим даражасига тубдан ўзгартириш киритадиган илмий далилларни белгилашга айтилади.

Кашфиётни аниклаш тўрт боскичда ўтказилади:

1 - боскич – асос кидирув тадкикотни илмий амалий иженерлик тадкикотдан ажратиш лозим. Тадкикотнинг объекти табиий ёки техник бўлиши мумкин ва уни тартибли амалга ошириш керак.

2 - боскичда – Кашфиёт предмети ходиса, хосса, конунийликни олдиндан белгилашга айтилади.

3 - боскичда – Кашфиёт шаклига мувофик кашфиёт предмети катъий шаклланади.

4 – босқич – Бунда илмий қоида жамоатчилик томонидан муҳокама қилинади.

Кашфиёт муаллифларига Диплом берилади. Диплом қуйидагиларни тасдиклайди:

- Таклифнинг кашфиёт деб тан олинишини;
- Муаллифлик ҳуқуқи;
- Қандай, качон яратилганлигини;
- Қандай ҳодиса, хосса қонуниятни тушунтириб беришини.

1.3.3. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий химояси тўғрисида"ги Қонуни 06.05.1994 йилда кабул килинган ва 05.04.2002 ва 30.08.2002 йилларда ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Қонун ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий химояси ва улардан фойдаланиш билан боғлик муносабатларни Ўзбекистон Республикасида тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий химояси борасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг конун ҳужжатлари билан хам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача коидалар белгиланган бўлса, халкаро шартнома ёки битим коидалари қўлланилади.

Ушбу Қонун ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуқи объектлари сирасига киритади.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чикарилган хамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (хаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган хар кандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга кадар сакланиб қолаверади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий химоя:

хар кандай дастурлаш тилида ва хар кандай шаклда ифодаланиши мумкин бўлган ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан, операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошланғич матн ва объект кодига нисбатан хам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий мехнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ёхуд уларнинг бирон-бир кисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу

жумладан, интерфейс хамда алгоритм ташкил килиш гоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи улар яратилгач юзага келади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф этилиши ва рўёбга чиқарилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмиятчиликларга риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлмаган материаллардан (асарлардан) таркиб топган маълумотлар базасига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи маълумотлар базасини яратган шахсларга тегишли бўлади.

Бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган материалларни ўз ичига олган маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бундай материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинган тақдирдагина эътироф этилади.

Маълумотлар базасига киритилган материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи сақланади. Бу материаллар маълумотлар базасидан қатъи назар ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг ушбу маълумотлар базасига кирган материаллар ва асарларни мустақил равишда танлаши ва ташкил этишига монелик қилмайди.

Ҳуқуқ эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган "С" ҳарфи; ҳуқуқ эгасининг номи (исми); ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини қўллаши мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгалиги ҳуқуқи билан алоқадор эмас. Моддий ашёга нисбатан бўлган ҳуқуқларни ўзгаларга ҳар қандай тарзда бериш ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларидан бирортасининг ўзгаларга ўтиб колишига сабаб бўлмайди.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари қонун ҳужжатларида кўзда тутилган муаллифлик ҳуқуқи нормаларига мувофиқ белгиланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан, дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар шартнома бўйича ўзга жисмоний ёки юридик шахсларга тўлиқ ёки кисман ўтказилиши мумкин. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва унда албатта қуйидагилар белгилаб қўйилади: ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳажми ва усуллари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори, шартноманинг амал килиш муддати.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар конунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтади.

Хизмат вазифаларини бажариш тартибида ёки иш берувчининг топшириғига биноан яратилган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар иш берувчига, башарти у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади.

Ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига нисбатан мулкий ҳуқуқларга эга бўлган ташкилот ёки корхона (мулкчилик шаклидан қатъи назар) кайта ташкил килинса, тарқатиб юборилса ёки тугатилса, барча мулкий ҳуқуқлар тегишли равишда суднинг ёки тугатиш комиссиясининг қарорига кўра муаллифга (муаллифларга), давлатга ёки бошка хукукий ворисга ўтказилиши мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан барча шахсий ва мулкий ёки шартномага кўра фақат мулкий ҳуқуқларга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳукукига эгадирлар. Ҳукук эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бевосита ёки ўз вакили оркали Дастурий махсуллар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида (матнда бундан буён Реестр деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабнома (матнда бундан буён рўйхатдан ўтказиш талабномаси деб юритилади) ЭҲМ учун яратилган битта дастур ёки битта маълумотлар базасига тааллукли бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш талабномасини расмийлаштириш коидаларини Патент идораси белгилайди.

Рўйхатдан ўтказиш талабномаси келиб тушгач, Агентлик керакли хужжатларнинг бор-йўклиги ва коидаларнинг талабларига канчалик мувофиклигини текшириб чикади. Текшириш натижаси ижобий бўлса, Патент идораси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тегишли Реестрга киритади, талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувохнома топширади ҳамда рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига доир маълумотларни Патент идораси расмий ахборотномасида эълон килади.

Талабнома берувчи Патент идораси сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига кадар

талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳаклидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Патент идораси талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади.

Расмий рўйхатдан ўтказиш тартибини, расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома шаклларини, уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркибини Патент идораси белгилайди. Расмий ахборотномада эълон қилинадиган маълумотлар рўйхати ҳам Патент идораси томонидан белгиланади.

Рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкий ҳуқуқлар бутунлай ўзгаларга берилиши тўғрисидаги шартнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар томонларнинг келишувига биноан Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади. Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки уларни халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳаклидирлар.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш Патент идорасига талабнома топширилганидан кейин амалга оширилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари сотилганда ёхуд оммавий фойдаланувчилар учун бериб қўйилганда шартномалар тузишнинг алоҳида тартиби қўлланиши, хусусан ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг берилаётган нусхаларида шартноманинг типик талаблари баён этиб қўйилиши мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига конунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда рухсат олмаган холда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши билан боғлик хар кандай харакатларни амалга оширишга, шу жумладан, ЭҲМга ёзиб кўйиш ва унинг хотирасида саклашга, шунингдек аник кўриниб турган хатоларни тузатишга хаклидир. ЭҲМга ёзиб кўйиш ва унинг хотирасида саклашга, башарти, ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса, битта ЭҲМ ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл кўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига конунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга кўшимча хак тўламай туриб (башарти, шартномада ўзгача коида назарда тутилмаган бўлса), куйидаги харакатларни амалга оширишга хаклидир: ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини адаптациялашга; ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини, ушбу кўчирма нусха архив максадларигагина мўлжалланган такдирда ва конуний тарзда олинган нусхани алмаштириш учун керак бўлиб колган (ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг асл нусхаси йўколиб колган, йўк килинган ёки яроксиз холга келган) такдирда ўзлари тайёрлашга ёки тайёрлаш учун топширик беришга. Бунда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг кўчирма нусхасидан юкорида айтиб ўтилган максадлардан бўлак максадларда фойдаланилиши мумкин эмас ва ЭҲМ учун яратилган ушбу дастурдан ёки маълумотлар базасидан бундан буён фойдаланиш конуний бўлмай колса, улар йўк килиниши лозим.

ЭҲМ учун яратилган дастур нусхасига хакли равишда эгалик килаётган шахс мазкур дастурнинг кодланиши ва тузилишини ўрганиш максадларида уни муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги бўлган такдирда ёки куйидаги холларда бундай розилик бўлмаса хам декомпиляция килиши мумкин, агар:

декомпиляция килиш натижасида олинган хамда мазкур шахс томонидан ишлаб чиқилган дастурнинг ЭҲМ учун яратилган бошка дастурлар билан ўзаро хамкор ишлаши учун зарур ахборотни бошка манбалардан олиш мумкин бўлмаса;

ЭҲМ учун яратилган дастурнинг факат бундай хамкор ишлашини йўлга кўйиш учун зарур бўлган кисмларининг ўзи декомпиляция килинаётган бўлса;

декомпиляция натижасида олинган ахборотдан ифодасига кўра ЭҲМ учун яратилган, декомпиляция килинаётган дастурга жуда ўхшаш бўлган ЭҲМ дастури ишлаб чиқиш, ишлаб чикариш ёки таркатиш учун фойдаланилмаса ёхуд бундай ахборот муаллифлик ҳуқуқини бузадиган бошка хар кандай харакатни амалга ошириш учун ишлатилмаса. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Конуни таҳриридаги кисм)

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасига бўлган эгалик ҳуқуқи ёки ўзга мулкий ҳуқуқлар ушбу нусхага эгалик ҳуқуқи биринчи маротаба сотилганидан кейин ёки бошкача тарзда ўзгага

ўтказилганидан кейин, ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда олиб сотилишига ёки бошқача усулда ўзгаларга ўтказилишига йўл қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари:

ҳуқуқлари тан олинишини;

ҳуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини;

етказилган зарар унинг миқдорига ҳуқуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда копланишини;

фойда кўрган ҳуқуқбузардан етказилган зарар копланиши ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

уларнинг ҳуқуқлари мухофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлидир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқлари мухофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин.

Суд ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуқи бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан зарарларни коплаш ҳисобига берилиши мумкин.

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли ушбу Қонун талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни таркатиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки ўзаролик принципи асосида фойдаланадилар.

1.3.4. ЭҲМ учун дастурлар. ЭҲМ маълумотлар базалари. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши. Дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун талабнома.

Компьютерлар ва ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига жадал суръатларда кириб келмоқда. Бугунги кунда инсон фаолиятининг электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ)дан фойдаланмайдиган соҳалари деярли қолмади. Агар 80-йилларнинг ўрталаригача ЭҲМдан факат фан ва ишлаб чиқариш эхтиёжлари учун фойдаланилган бўлса, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши билан ЭҲМларнинг кенг таркалиш даври бошланди. Ҳозир ҳеч амалий масалани ЭҲМсиз ҳал қилиб бўлмайди, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидан ташқари, деярли барча корхона ва ташкилотларнинг иш юритиши ЭҲМдан кенг фойдаланишга асосланган.

Бугунги кунда компьютер инсонларнинг ўзаро муносабатлари, ахборот билан алмашишнинг бош воситасига айланди.

Компьютер ҳар қандай ишда инсоннинг энг якин ёрдамчисидир. Лекин компьютернинг ўзи тўлаконли ёрдамчи эмас. Унинг қандайдир масалани ҳал қилишдаги фойдалилиги тўлалигича у ишлайдиган дастурга боғликдир. Дастурий таъминот компьютернинг жонидир.

Ҳар қандай ЭҲМни икки кисмга бўлиш мумкин: аппарат-техник (*hardware*) ва дастурий таъминот (*software*).

Дастурий таъминот ёки ЭҲМ учун дастур бу ЭҲМ, унинг тармоклари ва бошқа компьютер воситаларининг муайян натижалар олиш максадида ишлаш учун мўлжалланган маълумотлар ва буйруклар мажмуидир.

Маълумотлар базалари бу маълумотлар (масалан, мақолалар, хисоб-китоблар) мажмуи бўлиб, у шундай тартибга солинганки, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида уларни топиш ва ишлов бериш мумкин. Бугунги кунда дастурий таъминот ЭҲМнинг мухим таркибий кисми бўлиб, ЭҲМни кўллаш соҳаси, у ёки бу муайян масалани ҳал қилиш қобилиятини белгилаб беради. Шунга мувофиқ ЭҲМ ва маълумотлар баъзалари учун дастурлар ишлаб чиқариш катта интеллектуал сарф-харажатларни талаб қилади ва катта тижорат қимматига эга. Лекин ҳар қандай интеллектуал мулк объекти каби бу объектларнинг тижорат киммати ҳам уларнинг ҳуқуқий муҳофазасига бевосита боғликдир.

Бугунги кунда жахоннинг 30 дан ортиқ мамлакатида ЭҲМ ва маълумотлар базалари дастурлари ва алгоритмлари ҳуқуқий жихатдан ҳимояланган.

Барча дастурлар ва маълумотлар базаси дастлабки матн шаклида дастурлаштиришнинг бирор-бир тилида яратилади.

Дастурлашнинг бирор-бир тилида яратилган ва бирор-бир компьютор билан кайта ишланмаган матн дастлабки матн ҳисобланади.

Лекин, ЭҲМ дастлабки матнни бевосита кабул қилмайди, балки объектга кодини – дастлабки матнни машина кодига айлантириш натижасида олинган дастурни кабул қилади.

Биринчи марта 1972 йил Женевада ЭҲМ дастурларини ҳуқуқий

мухофазалаш бўйича экспертлар гурухининг биринчи сессиясида Париж ва Берн конвенцияларининг коидалари ЭҲМ дастурларини мухофазалашни кафолатлай олмаслиги таъкидланди. ЭҲМ дастурларининг ҳуқуқий мухофазасини таъминлайдиган ва муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка асосланадиган ҳамда махфий ишлаб чиқаришлар ва ноконуний ракобатнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунчиликни ҳисобга оладиган махсус конуний ҳужжатларни жорий этиш тўғрисида келишиб олинди.

Кейинчалик жаҳон амалиётида ЭҲМ объектларини мухофазалаш масалаларини ҳал қилишда икки йўналиш кенг таркалди:

- муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги мавжуд конунчиликка ўзгартиришлар киритиш;
- ЭҲМ дастурлари учун муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида махсус конун ишлаб чиқиш.

Бу йўналишлар Ўзбекистон конунчилигида ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси ва "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги конунига мувофиқ ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар муаллифлик ҳуқуқи объектларига киритилган. Демак, тегишлича ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурларга муаллифлик ҳуқуқининг барча тамойиллари таркалади.

Шуни кайд этиб ўтамизки, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлган ва объектив шаклда тақдим этилган ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун хар кандай дастурларга, уларнинг максади ва кимматидан қатъий назар, таркалади. ЭҲМ ёки маълумотлар базаси учун дастурларга муаллифлик ҳуқуқи унинг акси исботланмагунча таркалади.

ЭҲМ ёки маълумотлар базалари учун дастурларни ноконуний кўчириб олиш ёки таркатиш, шу жумладан ўзгаларнинг номи билан чиқариш муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг нусхаларига конуний эгалик килувчи шахсларга ҳуқуқ эгасидан қўшимча рухсатнома олмасдан дастурнинг максадига мувофиқ равишда ишлашини таъминлаш билан боғлиқ хар кандай харакатларни амалга ошириш, шу жумладан ЭҲМга ёзиш ва хотирасида саклаш, шунингдек унинг кўриниб турган хатоларини тузатиш ҳуқуқи берилади. Бунда агар ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада бошка ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, конун билан факат битта ЭҲМ ёки тармокдаги битта фойдаланувчининг дастурларни ёзиб олиши ва хотирада саклашига йўл кўйилади. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун бу объектларни ҳуқуқий мухофазалашнинг мухимлиги ва ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда "Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий мухофазалаш тўғрисида"ги конун билан ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқлари (муаллифлик ҳуқуқининг бошка хар кандай объектлари каби) улар яратилгандан сўнг вужудга келади ва кандайдир рўйхатга олиш ёки бошка расмиятчиликларга риоя килишни талаб килмайди. Муаллиф ўз дастурини ўз истагига кўра ва факат ўз муаллифлик ҳуқуқининг мухофаза даражасини ошириш максадида рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Масалан, дастурларни давлат рўйхатига олиш низоли холатларда, ишни судда кўришда (асл вариант (дастлабки матн)ни аник белгилаш зарурияти туғилган ва хоказо) ўз муаллифлик хукуки хажмларини идентификациялашни осонлаштиради.

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун Давлат патент идорасида ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофазалаш агентлиги (бундан кейин-Агентлик) ташкил этилган.

Ўз дастури ёки маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш учун муаллиф (ёки бошка хукук эгаси) Агентликка тегишли талабнома бериши зарур.

Бундай талабнома битта ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базаларига тааллукли бўлади ва куйидаги хужжатларни ўз ичига олади:

- хукук эгаси, муаллифи, асар номи ва бошка белгиланган маълумотларни кўрсатган холда ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатга олишга талабнома;
- дастур ёки маълумотлар базаларини англантирувчи ва дастур ёки маълумотлар базасининг максади, қўлланиш сохаси ва функционал имкониятлари кўрсатилган рефератни ўз ичига олган депонентланган материаллар, шунингдек дастур ёки маълумотлар базасининг дастлабки матни листинг (босма нусхаси)нинг дастлабки 25 ва охирги 25 бети. Листингга дастурни идентификациялаш учун зарур бошка материаллар, масалан дисплей экранида олинадиган тасвирнинг қоғозга босиб чикарилган нусхалари (стандарт видеокассеталардаги ёзувлар ёки фотографиялар берилиши мумкин) илова килиниши мумкин.
- дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш учун тегишли рўйхатга олиш божлари тўланади.

Агентлик рўйхатга олиш учун буюртма тушгандан сўнг расмий экспертиза ўтказади (бунда зарур хужжатларнинг мавжудлиги хамда коидаларда белгиланган талабларга мувофиклиги текширилади) ва текшириш натижалари ижобий бўлса, Агентлик ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари ЭҲМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларини тегишлича Дастурий махсулотлар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрига киритади, буюртма берувчига дастур ёки маълумотлар базаларининг расмий рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувохнома беради хамда Агентликнинг расмий бюллетенида рўйхатга олинган ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари тўғрисидаги маълумотларни эълон килади.

Агентлик шунингдек ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига мулкий хукукларни бошка шахсларга бериш тўғрисидаги шартномаларни хам рўйхатга олади. Бунда конун билан бундай шартномаларни томонларнинг розилиги билан рўйхатга олиш мумкинлиги белгилаб кўйилган, рўйхатга олинган дастурларга мулкий хукукларнинг тўлалигича бошка шахсларга берилиши тўғрисидаги шартномалар белгиланган тартибда рўйхатга олиниши шарт.

Хулосада яна бир бор шуни таъкидлаб ўтамизки, хисоблаш техникаси

объектларини (ЭҲМ учун дастурлар ва алгоритмлар ва маълумотлар базалари) хукукий мухофазалаш фан-техника тараккиёти ривожланиши ва демак, давлатимиз иктисодий фаровонлиги ошишига кўмаклашувчи омилдир.

ЭҲМ саноат асосида ишлаб чикарила бошланган санадан (1951 йил, Remington Rand Cor.) бошлаб хисоблаш техникаси объектларини мухофазалаш муаммоларини хал килишда икки йўналиш: патент ва муаллифлик хукуки кенг таркалди. Бу ЭҲМни мухофазалаш объектларининг дастлаб ихтиро сифатида патент хукуки билан химояланадиган аппарат-техника объектлари хамда муаллифлик хукуки билан химояланадиган дастурий таъминот объектларига бўлинганлиги билан боғликдир. Кейинчалик бу объектларнинг хар бири етарли даражада мустакил тоифаларга бўлинадиган бўлди. ЭҲМ аппарат-техник кисмининг ривожланишида сифат жихатидан бирмунча янги боскичлар ёки бошкача айтганда ЭҲМнинг янги авлоди вужудга келди. ЭҲМнинг интеграл микросхемаларга ўтиши билан аппарат-техника кисмидан мустакил объект - интеграл микрочизмалар (ИМС) топологияси ажралиб чикди.

ЭҲМнинг аппарат-техника кисмини мухофазалаш масалалари билан шуғулланадиган Патент хукуки институти куйидаги сабабларга кўра ИМС топологияларини хукукий химоялаш масалаларини хал кила олмайди:

ИМС топологияларининг мухофаза килишга яроклилигини баҳолаш учун ихтиронинг патентга лаёкатлилиги мезонларини кўлланиш имконияти йўк, чунки:

ИМС топологиясининг ИМС интеграция даражасига боғлик бўлган (ИМС айрим элементлари топологиясининг ижро шакли ва ўзаро жойлашиши хамда уларнинг ўзаро алокасини акс эттирувчи) кўплаб белгилар шунчалик катта (юз минглаб атрофида) бўлиши мумкинки, шу каби чекланмаган микдордаги ечимларни киёсий тахлил килиш (буюртмада кўрсатилган ИМС топологиясининг "янгилигини" баҳолаш) жуда сермашаккат ва самарасиз ишдир;

Топологияларнинг стандарт (кутубхона) элементлар, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари ва уларни синтез килишнинг бошка маълум коидаларини кўлланиб яратилиши буюртма берилган топологиянинг "ихтиро даражаси" мезонларига мувофиклигини баҳолашни муаммоли масала килиб кўяди.

Техниканинг хозирги даврдаги ривожланиш даражасида ихтирога патент мухофазаси олиш жараёни давом этадиган муддат ИМС топологиялари маънавий жиҳатдан эскириб коладиган ўртача муддатга тенгдир.

Бундан ташкари, ихтиро – техник ечим бўлиб, уни ифодалаш шакллари турличалиги билан ажралиб туради (бунда мухим белгилари мажмуи ўзгаришсиз колади), ИМС топологияси эса факат битта ифода шаклига (факат шу ИМСнинг ўзини) эга бўлган ечимдир, яъни бошка ИМС хар доим хам бошка топологияга эга бўлади.

ИМС топологияси объекти шунингдек "саноат намунаси" объектига

ҳам тўғри келмайди, чунки унинг ташқи кўриниши техник эстетика талаблари билан эмас, балки ИМСнинг фақат талаб этиладиган техник хусусиятлари ва функционал максади билан белгиланади ва ишлатиш жараёнида уни кўз билан кўриб бўлмайди.

ИМС топологиясини муҳофазалаш учун муаллифлик ҳуқуқи меъёрларини қўлланиш ҳам анча қийин, чунки Берн конвенциясининг 2(1)-моддасида келтирилган муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофазаланадиган объектлар рўйхатига мувофиқ ИМС топологиясини муаллифлик ҳуқуқининг ҳеч бир объекти билан идентификациялаш мумкин эмас.

Ушбу вазиятлар муносабати билан интеграл микросхемалар топологиясини муҳофазалаш бўйича махсус қонун қабул қилиш зарурлиги аён бўлиб қолди.

Биринчи марта 1986 йилнинг декабрида Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИҲ)га аъзо мамлакатлар Яримўтказгичли буюмлар топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш тўғрисидаги битимни қабул қилдилар.

Ушбу Битим яримўтказгич буюм, яримўтказгич буюм топологиси, тижорат максадларида фойдаланиш каби тушунчаларни белгилаб беради ва ҳар бир иштирокчи мамлакат ушбу Битим коидаларига мувофиқ равишда топологияларга мутлоқ ҳуқуқларни белгиловчи ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш йўли билан ИМС топологиясининг ҳуқуқий муҳофаза қилишини таъминлаши зарурлигини кўзда тутади.

1989 йилнинг май ойида Вашингтонда микросхемаларга нисбатан интеллектуал мулк тўғрисида шартнома тузилди.

ИМС топологиясини ҳуқуқий муҳофазалашнинг асосий ўзига хос ҳусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Муҳофаза ҳужжати эгаси саноат мулки объектига мутлоқ ҳуқуқлар каби ИМС топологиясига ҳам мутлоқ ҳуқуқларга эга бўлади. Бунда фақат топологик схеманинг ўзи муҳофаза объекти ҳисобланади. Бериладиган муҳофаза топологияда мужассамлашган ғоя, усул, тизим, технология ёки кодланган ахборотга таркалмайди.

- ИМС топологиясини ҳуқуқий муҳофазалаш мезони унинг ўзига хослиги, яъни оригиналлиги ҳисобланади. Бунда муаллифнинг ижодий фаолияти натижасида яратилган топология оригинал ҳисобланади.
- ИМС топологиялари Патент идоралари томонидан расмий экспертиза ўтказилгандан сўнг рўйхатга олинади ва муҳофаза ҳужжати берилади, ИМС топологиясининг ўзига хослиги (оригиналлиги) унинг акси исбот этилмагунча тан олинади;
- Ҳуқуқ муҳофазалашнинг ўртача муддати турли мамлакатларда ўн йилга тенг бўлиб, бу саноат намунаси объектини муҳофазалаш муддатига яқин;
- Кўп қонунларда "ҳуқуқларнинг тугаши" тамойили мавжуд бўлиб, унга мувофиқ интеграл микросхема ёки ундан фойдаланиб тайёрланган буюмнинг қонуний эгаси бўлган ҳар қандай шахс ундан эркин фойдаланиши, шунингдек ҳуқуқ эгасининг ҳеч қандай махсус рухсатномасини олмасдан уни учинчи шахсларга бериши мумкин.

- конуний йўл билан сотиб олинган интеграл микросхемалар ёки таркибида шундай микросхемалар бўлган буюмлардан фойдаланиш, агар фойдаланаётган шахс бу интеграл микросхемалар ва буюмлар топологиялардан фодаланиш бўйича мутлок хукуклар бузилган холда таёрланганлиги ва таркатилганлиги хакида билмаса (ёки огохлантирилмаган бўлса), мутлок хукукларнинг бузилиши деб тан олинмайди (атайин бузмаслик тамойили);
- Бошқа муаллиф томонидан мустакил равишда яратилган худди шунга ўхшаш ўзига хос топологиядан фойдаланиш бўйича харакатлар хам топологиядан топологиядан фойдаланишга мутлақ хукукларнинг бузилиши деб тан олинмайди.

Ўзбекистонда 2001 йилнинг май ойида "Интеграл микрочизмалар топологиясини хукукий мухофазалаш тўғрисида"ги қонун қабул килинди, унда топологияларни мухофазалашнинг юкорида кўрсатилган ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топди.

Бунда топологиядан фойдаланишга мутлак хукуклар куйидаги саналарнинг энг биринчисидан бошлаб 10 йил мобайнида амал килади:

- топология хўжалик оборотига киритилганлиги хужжатлар билан кайд лилинган энг олдинги сана бўйича белгиланадиган топологиядан биринчи марта фойдаланиш санаси;
- топология рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот расман эълон килинган сана.

Қайд киламизки, топологияни рўйхатга олиш (рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувохнома бериш) учун талабнома Давлат патент идорасига топологиядан биринчи марта фойдаланиш санасидан бошлаб икки йил мобайнида муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ворислари томонидан берилиши мумкин. Хозирги вактда (2001 йил 1 май) топологияларни рўйхатга олиш учун талабномаларни расмийлаштириш учун зарур хужжатларга кўйиладиган талаблар ишлаб чикилмокда.

Хулосада шуни таъкидлаб ўтамизки, интеграл микросхемалар топологиясини хукукий мухофазалаш тўғрисидаги конуннинг кабул килиниши Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш тизимини ривожлантириш йўлидаги яна бир мухим кадам бўлди.

Таянч сўзлар.

Кашфиёт, билим, ўзгариш, объктив, даража, соха, дастур, амалиёт, кнунлар, мухофаза, конуниний, ноконуний, кашфиёт муаллифи, рўйхатдатдан ўтказиш, талаб, иктисодиёт, киймат, тижорат, ишлаб чикиш, рақобат, махсус, база, фукаролик кодекси, махфий.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Илмий кашфиётлар нима уларни обьектлари уларни аниклаш усулларини шархлаб беринг?

2. Ўзбекистон Республикасида илмий кашфиётларни мухофазалаш?
3. Илмий кашфиётлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасини кайси қонунларини биласиз?
4. Ўзбекистон Республикаси иктисодиётини ривожланишида илмий кашфиётларни роли?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, - 1994 йил 6 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
3. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун,- 1994 йил майда кабул килинган.
4. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
5. 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг Карори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А Энг асосий мезон – хаёт хакикатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Интеллектуальная собственность. Словарь-справочник. М: Илфра-М, 1995, 112 с.
10. Рьшов К.В. 100 великих и-зобретеиий - М : "Всчс", 2000, 528 с

1.4. Ихтиро ва лицензиялаш

1.4.1. Ихтиро, унинг турлари ва талаби.
1.4.2. Патентга лаёқатли ихтиролар эмас деб тан олинадиган объектлар.
1.4.3. Ихтирога патент бериш талабномаси таркиби ва тасдикланиши.

1.4.1. Ихтиро, унинг турлари ва талаби.

Ихтиро инсон яратган дастлабки интеллектуал мулк объектидир. Ихтиролар тарихи ибтидоий одам ўзининг биринчи мехнат куролини ўйлаб топган вактдан бошланган бўлса керак. Ўша вактлардан бери айнан ихтиролар техникани, демак умуман жамиятни ривожлантиришнинг омили хисобланади.

Интеллект – инсонни хайвонот дунёсидан ажратиб турадиган асосий белги бўлиб, ривожланишни сифат жихатидан янги поғонага кўтаради.

Энг аввало интеллектуал мулк интеллектуал фаолият натижасидир. Барча интеллектуал фаолият хам интеллектуал мулк бўла олмаслиги аник. Инсон фикрлайди, унинг хаёлида бехисоб ғоялар, лойихалар туғилади, лекин уларнинг хаммаси хам хаётда амалга ошмай, колиб кетади. Факат бошкалар томонидан объектив равишда кабул килинадиган, яъни ўзининг муайян чегараларига эга бўлган ғоя ва фикрларгина мулк бўла олиши равшандир.

Интеллектуал фаолиятнинг кейинчалик кандайдир бирор-бир объектив (моддий) шаклда ифодалана оладиган натижаларигина интеллектуал мулк бўлади деб айтиш мумкин.

Ихтироларни яратишнинг асосий сабаби, энг аввало жамиятнинг тобора ошиб бораётган моддий, ижтимоий ва маданий эхтиёжларидир. Жамият ривожланиб боргани сари бу эхтиёжлар бир томондан янада тўлароқ, иккинчи томонидан эса камроқ харажат билан кондириб борилиши зарур.

Ихтиро бу янги ғоя, техник ечим бўлиб, амалиётда техниканинг исталган сохасидаги муайян муаммони хал килиш имконини беради ва белгиланган мезонларга жавоб беради.

Шуни кайд этиб ўтамизки, техника кўп киррали тушунча бўлганлиги сабабли турли-туман объектлар ихтиро бўлиши ва уларнинг хар бири ўзига хос бўлиши мумкин.

Ниҳоят, биз интеллектуал мулкнинг муҳим атамаси – патент деган тушунчани караб чикамиз. Патентни хакли равишда интеллектуал мулкнинг асосий бош хужжати деб айтиш мумкин, у интеллектуал мулк хукукларининг асосий моҳиятини йиғиқ ҳолда акс эттиради ва индустриал ривожланишда етакчи роль ўйнайди. Патент сўзи лотинча patentis сўзидан келиб чиккан бўлиб, очик, аник деган маънони билдиради. Патент ихтирочи ва жамият ўртасидаги ўзига хос алмашинув хисобланади. Ихтирочи ўз ижодини жамиятга очиб беради, бу билан техник таракқиёт даражасини оширади, бунинг учун эса ўзининг патентланган ихтиросига давлат томонидан кафолатланган мутлоқ (монопол) хукукка эга бўлади.

Патент давлат номидан саноат мулки объектига бериладиган ва муайян худудда муайян вакт оралигида амал киладиган мухофаза хужжатидир.

Патент ўз мохиятига кўра, объектларга мутлок эгалик хукукини берадиган хужжат бўлганлиги сабабли муайян давлатда бундай мутлок хукукларни бериш масаласи шу давлатнинг алохида ваколати хисобланади. Маълумки, бир давлатнинг патенти иккинчи давлатнинг худудида амал кила олмайди.

Ихтиронинг таърифи, унинг турлари хакидаги асосий тушунчаларни караб чикамиз.

Ихтиро, яъни аклий мулк махсулоти куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) Ихтиро сифатида кўрсатилган объект янги ихтирочилик даражасига эга бўлса ва уни саноатда кўллаш мумкин бўлса, хукукий жихатдан мухофаза килинади ва ихтиро деб тан олинади.

2) Ихтиро техника тараккиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб хисобланади.

3) Ихтиро техника тараккиёти даражаси хакидаги маълумотлардан яккол аён бўлмаса, ихтирочилик даражасига эга бўлади.

4) Техника тараккиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига кадар жахонда оммага ошкор бўлган хар кандай маълумотларни ўз ичига олади.

5) Ихтирони саноат, кишлок хўжалиги, соғликни саклаш ва бошка сохаларда кўллаш мумкин бўлса, саноатда кўллаш мумкин деб хисобланади.

Курилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штаммлари, ўсимликлар ва хайвон хужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган курилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги максадда кўлланилиши ихтиро сифатида эътироф этилади.

Курилма. Курилмаларга, конструкциялар, конструктив элементлар ёки уларнинг функционал конструктив бирликда бўлган мажмуидан иборат буюмлар киради.

Курилмаларга машиналар, асбоб-ускуналар, аппарат, идишлар, транспорт воситалари, махкамловчи буюмлар, машина деталлари, идиш-товоклар, мебель, пойафзал, алока воситалари, курилиш конструкциялари, бинолар, иншоотлар, бино кисмлари ва бошкалар киради.

Усул. Усулларга моддий объект (курилма, мухит, электр заряди, магнит майдони ва бошкалар) устида моддий объектлар ёрдамида ўзаро боглик харакатларни бажариш жараёнлари киради.

Модда. Ихтиро тури сифатида моддаларга:

- индивидуал кимёвий бирикмалар, буларга шартли равишда юкори молекуляр бирикмалар ва ген мухандислиги объектлари киритилган;
- композициялар (аралашмалар, котишмалар, эритмалар ва бошкалар);
- ядровий парчаланиш махсулотлари киради.

Микроорганизм штамми, ўсимликлар ва хайвонлар хужайраларининг турлари. Микроорганизм штамми - бу ўзига хос хусусиятлари бўйича танлаб

олиш билан сақланиб туриладиган, қўллаганда фойдали моддалар хосил киладиган ёки бошка фойдали хусусиятларга эга бўлган вирус, бактерия ва замбурларнинг ирсий жиҳатдан бир жинсли турларидир.

Ихтиро тури сифатидаги микроорганизм штаммларига, ўсимлик ва хайвонлар хужайраларининг турларига қуйидагилар киради:

- микроорганизмларнинг индивидуал штаммлари, ўсимлик ва хайвонлар хужайралари турлари;
- микроорганизмлар, ўсимлик ва хайвон хужайралари турларининг консорциумлари.

Аввалдан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддалар, штаммларнинг янги максадда кўлланилишига уларнинг янги вазифада ишлатилиши киради. Аввалдан маълум бўлган (табиий ва сунъий йўл билан олинган) моддаларни ижтимоий истеъмолни каноатлантириш учун биринчи марта ишлатилиши янги максадда ишлатишга тенглаштирилади.

3. Талабнома битта ихтирога ёки ягона ихтирочилик фикрини ташкил килиб, бир-бири билан узвий боғланган ихтиролар гуруҳига тегишли бўлиши керак (ихтиро бирлиги талаби) куйидаги шартлар бажарилса ихтиро бирлиги талаби бажарилган деб тан олинади:

- битта мустакил пунктдан иборат ихтиро формуласида битта ихтиро келтирилган;
- бир неча мустакил пунктлардан иборат ихтиро формуласида ихтиролар гурухи келтирилган бўлиб, улардан бири бошкасини олиш (тайёрлаш) учун ишлатилади (масалан қурилма ёки модда ва қурилма ёки моддани тўлалигича, ёки уларнинг бир кисмини олиш (тайёрлаш) усули);
- улардан бири бошкасини амалга ошириш учун ишлатилади (масалан усулни тўлалигича ёки унинг харакатларидан бирини амалга ошириш учун ишлатиладиган усул ва курилма);
- улардан бири бошкасидан фойдаланиш учун ишлатилади (масалан, усулда ишлатишга мўлжалланган усул ва модда; усул ёки курилма ва унинг бир кисми; курилма ёки модданинг янги максадда кўлланилиши ва уларни шу вазифада ишлатиш усули; курилма ёки модданинг янги максадда кўлланилиши ва уларнинг таркибий кисми бўлган курилма ёки композициялар);
- бир хил кўринишдаги объектларга тегишли бўлган, бир хил вазифадаги, бир хил техник натижани бир хил йўл билан олишни таъминловчи ечимлар (вариантлар).

1.4.2. Патентга лаёкатли ихтиролар эмас деб тан олинадиган объектлар.

Куйидагилар патентга лаёкатли ихтиролар деб тан олинмайди

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- хўжаликни ташкил этиш ва бошкариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, коидалар;
- аклий операцияларни бажариш коидалари ва усуллари;

- электрон хисоблаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, худудларни режалаштириш лойихалари ва схемалари;
- эстетика талабларини каноатлантиришга йўналтирилган, махсулотларнинг фақат ташки кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва хайвон зотлари;
- жамоа манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ коидаларига зид ечимлар.

1.4.3. Ихтирога патент бериш талабномаси таркиби ва тасдиқланиши.

Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патенти бериш учун талабнома тузиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1063-XII сонли қарорига мувофиқ кучга киритилган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги қонунининг 2-моддаси 2- кисмига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Патент идораси ихтирога патент бериш учун талабнома тузиш тартибини белгиловчи меъёрий хужжатлари асосида тузиб чикилади.

Ҳар кандай талабнома фақат ягона максад – яратилган ихтирога мухофаза хужжати (патент) олиш учун тузилади ва Патент идорасига топширилади. Яъни патент экспертизаси ўтказиш вактида талабномада кўрсатилган объект (курилма, усул ёки модда) нинг патентга лаёкатлиликнинг белгиланган мезонларига мос келиши тан олиниши учун берилади. Шунга мувофиқ ихтиро тавсифи шундай тузилиши керакки, ундан қуйидагиларни аниқлаб олиш мумкин бўлсин

- Ихтиронинг патентга лаёкатлилиги, яъни унинг янгилиги, ихтиро даражаси ва саноатда кўлланилиши тўғрисида аник ва равшан тасаввур хосил килиш;
- Омма учун ихтиронинг техник моҳиятини тўлиқ очиб бериш ва бу билан техника даражасини ривожлантиришга муайян ҳисса кўшиш, патент тизими хам айнан ана шу максадларда фаолият юритади. Бунинг учун ихтиронинг тавсифи ўз ичига ихтирони амалга ошириш учун зарур ва етарли ахборотни (унда бевосита фойдаланиш, усул бўйича махсулот ишлаб чиқариш ва х.к.) олиши зарур.

Шундан келиб чиккан холда, ихтиро тавсифи куйидаги мантикий схема бўйича тузилади:

- Ихтиронинг максади, унинг кўлланиш сохаси очиб берилади;
- Ихтирогача бўлган техник даражаси баён этилади, илгари маълум ихтироларнинг камчиликлари келтирилади ва х.к.;
- Техниканинг ушбу сохаси олдида турган ва хал килиниши зарур техник, иқтисодий ва бошка натижалар берадиган вазифалар, долзарб муаммолар кўрсатилади;
- Ихтиронинг ўзи очиб берилади, ихтиро кандай килиб кўйилган

вазифани хал қилиши, зарур техник натижаларга эришилишига далиллар келтирилади, ихтирони амалга оширишнинг аниқ мисоллари келтирилади ва х.к.

Талабнома қуйидаги хужжатларни ўз ичига олади:

- ихтиро муаллифи (муаллифлари) ва номига патент берилиши сўралаётган шахс (шахслар), шунингдек уларнинг яшаш ёки турар жойи кўрсатилиб, патент бериш сўралган ариза;
- ихтиронинг уни амалга ошириш учун етарли бўлган даражада тўлиқ баён этилган тавсифи;
- ихтиро моҳиятини акс эттирувчи ва унинг тавсифига тўла мувофиқ бўлган ихтиро формуласи;
- ихтиро моҳиятини тушуниш учун зарур бўлса, чизмалар ва бошқа материаллар;
- реферат.

Талабномага илова қилинадиган хужжатлар:

- Талабномага белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки бож тўлашдан озод қилишни асословчи ҳужжат илова қилинади.

Бож белгиланган миқдордан кам тўланган ҳолда, бож миқдори камайтирилишини асословчи ҳужжат кўшиб берилади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар талабнома билан бирга берилиши керак.

- Патент вакили орқали берилган талабномага талабнома берувчи томонидан берилган ва патент вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки унинг нусхаси илова қилинади. Патент идорасига топшириш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштирилаётган ишончнома, оддий хат шаклида тузилади ва нотариус томонидан тасдикланиши талаб этилмайди.

Талабнома тили. Патент бериш тўғрисидаги ариза ўзбек ёки рус тилида берилади. Талабнома миллий талабнома берувчилар ёки МДҲ талабнома берувчилари томонидан берилса, аризада кўрсатилган ихтиро номи ўзбек ва рус тилларида берилиши лозим.

Нусхалар сони. Талабноманинг юқорида кўрсатилган ўзбек ёки рус тилида тузилган хужжатлари уч нусхада берилади.

Шу хужжатлар агар бошқа тилда бўлса бир нусхада, уларнинг таржимаси уч нусхада берилади.

Қолган хужжатлар ва уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси бир нусхада берилади.

Таянч сўзлар.

Ихтиро, талаб, турлари, патентга лаёқатли томонлари, лицензия, патентга лаёқатли ихтиро, фикрлаш, лойиҳа, интеллект, айирмалик томонлари, ғоялар, беҳисоб, инсон, яратиш, сабаби, яратиш, шакл, ривожланиш, жамият, моддий, турли-туман.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикасини "Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисида"ги қонуннинг ахамияти?
2. Интеллектуал фаолиятни иқтисодиётни ривожлантиришдаги ахамияти?
3. Ўзбекистон Республикасини патент идорасига ихтирога патент бериш учун талабнома беришда қандай талаблар қўйилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хуқуқий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун, - 1994 йил майда кабул килинган
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда қабул килинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А Энг асосий мезон – хаёт хакикатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Джумахаджаев А. Патентшуносглик. Тошкент Мехнат. 2001, 384 б.
10. Инженеру об изобретении, под редакцией Зенкина Н.М. М.: Атомиздат,1976,198 с.
11. Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патенти, дастлабки патенти бериш учун талабнома тузиш коидалари - Т.// Расмий ахборотнома", №3, 1997.
12. Подготовка и оформление заявок на изобретения. - М.: ВНИИПИ, 1987 г., 115 с

13. Рьшов К.В. 100 великих и-зобретеиий - М :"Всчс", 2000, 528 с
14. Руководство по методике предварительной и государственной научно-технической экспертизи изобретений. - М.: ВНИИПИ, 1985, 190 с.
15. Ўзбекистон Республикасида ихтиролар ва фойдали моделларнинг ҳукукий мухофазаси. Ўз.Рес. Давлат Патент идораси. Патент-Пресс. Т. 2001.
16. Червова Л.В. Теоретические осново экспертиза изобретений. - М.: ВНИИПИ, 1988, 48 с.

1.5. Селекция ютуклари

1.5.1. Ўзбекистон Республикасини "Селекция ютуклари тўғриси"даги Қонун ва унинг аҳамияти.
1.5.2. Селекция ютуклари. Ўсимлик турлари ва навлари, ҳайвон зотлари ва уларга қўйиладиган талаблар.

1.5.1. Ўзбекистон Республикасини "Селекция ютуклари тўғриси"даги Қонун ва унинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг "Селекция ютуклари тўғрисида"ги конуни 30.08.1996 йилда қабул килинган.

Ушбу Қонуннинг максади селекция ютукларини яратиш, хукукий мухофаза килиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда куйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

зот - генетик жихатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига караб аникланадиган хайвонлар (шу жумладан паррандалар, ҳашаротлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гурухи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гурухга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошка гуруҳларидан фарклаб туради. Зот гурухи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типи, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг мухофаза килинадиган объектларидир;

иш берувчи - селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензиар - селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқукини лицензиатга лицензия шартномаси асосида берувчи патент эгаси;

лицензиат - селекция ютуғидан фойдаланиш хукукини лицензиардан лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

нав - ўсимликлар гурухи бўлиб, у наслдан наслга баркарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аникланади ва айни бир ботаник таксондаги бошка ўсимликлар гурухидан бир ёки бир неча белгилари билан фарклана дн. Клон,

линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза килинадиган объектларидир;

патент эгаси - селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

селекция ютуғи - ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

талабнома берувчи - селекция ютуғига патент бериш ҳакида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

Селекция ютуклари тўғрисидаги конун хужжатлари ушбу Қонун ва бошқа конун хужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг селекция ютуклари тўғрисидаги конун хужжатларида назарда тутилганидан бошкача коидалар белгиланган бўлса, халкаро шартнома коидалари кўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) селекция ютукларини хукукий мухофаза килиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси селекция ютукларига патентлар бериш ҳакидаги талабномаларни (бундан буён матнда патент бериш ҳакидаги талабнома деб юритилади) кабул килиб олади хамда кўриб чикади, улар бўйича расмий экспертиза ўтказади, Ўсимлик навлари давлат реестрини хамда Ҳайвон зотлари давлат реестрини (бундан буён матнда реестр деб юритилади) юритади, селекция ютукларига патентлар беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, мухофаза килинаётган селекция ютуклари хакидаги маълумотларни расмий равишда эълон килади, селекция ютуклари тўғрисидаги конун хужжатларини кўллашга доир коидалар кабул килади хамда тушунтиришлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Кишлок ва сув хўжалиги вазирлигининг Кишлок хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси (бундан буён матнда ихтисослаштирилган ташкилотлар деб юритилади) талабномада кўрсатилган селекция ютукларининг патентга лаёкатлилигини экспертизадан ўтказади.

Ижодий мехнати билан ўсимликларнинг янги нави ёки хайвонларнинг янги зотини яратган (чикарган ёки аниклаган) жисмоний шахс селекция ютуғининг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар селекция ютуғини яратишда бир нечта жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг хаммаси хаммуаллифлар деб эътироф этилади. Ҳаммуаллифларга тегишли бўлган хукуклардан фойдаланиш тартиби конун хужжатларида хамда улар ўртасидаги келишувда белгиланади.

Муаллифлик хукуки бошкага ўтказилмайдиган шахсий хукук бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Муаллиф (хаммуаллифлар) ўз номи (номлари) патент бериш хакидаги талабномада, патентда ва селекция ютуги хусусида эълон килинадиган барча материалларда кўрсатилиши хукукига эга.

Селекция ютуғига патент:

селекция ютуғининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки селекция ютуғи рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчига берилади.

Агар муаллиф (ҳаммуаллифлар) селекция ютуғи яратилаётганда:

ўзи (ўзлари) эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадини кўзлаб зиммасига (зиммаларига) махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи томонидан ўзига (ўзларига) берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

ўзи (ўзлари) иш жараёнида орттирган, иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Агар иш берувчи яратилган селекция ютуғи тўғрисида муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан хабардор қилинган кундан эътиборан тўрт ой ичида Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) маълум қилмаса, муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда, иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи селекция ютуғини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгаси бўлмаган селекция ютугининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) селекция ютуғига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, бу ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Муаллифга (ҳаммуаллифларга) ҳақни патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси, агар селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентнинг амал қилиш муддати давомида тўлайди.

Ҳақ муаллифга (ҳаммуаллифларга) селекция ютуғидан фойдаланилган ҳисобот даври тугаганидан кейин узоғи билан олти ой ичида тўланади.

Агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Ушбу Қонун 13-моддасининг талабларига мувофиқ селекция ютуғининг номи бўлиши лозим.

Агар уруғлик, навнинг кўчат материали ёки зотнинг насл материали патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида - камида бир йил олдин;

бошқа давлат ҳудудида - камида тўрт йил ёки, агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин муаллиф, унинг меросхўри томонидан ёхуд уларнинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

Селекция ютуғи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим.

Селекция ютуғи, агар патент бериш ҳақидаги талабнома ҳар қандай мамлакатда топширилган ва бу талабномага мувофиқ патент ёки муҳофазанинг шунга ўхшаш бошқа бир шакли берилган бўлса ёхуд селекция ютуғи шу мамлакатнинг селекция ютуклари расмий реестрига киритилган бўлса, талабнома топширилган санада барчага маълум деб ҳисобланади.

Барчага маълумлик:

кейинчалик кўпайтириш, сақлаш мақсадларида етиштириш, такрор етиштириш, нав ёки насллик кондициясига етказиш ва юқорида санаб ўтилган мақсадларда асраш натижасида барчага маълум билим даражасининг бир қисмига айланган селекция ютуғига нисбатан;

сотишга таклиф этилган, сотилган, мамлакатга олиб кирилган ёки мамлакатдан олиб чиқиб кетилган селекция ютуғига нисбатан аниқланади.

Агар кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда муайян навли ўсимликлар ёки муайян зотли ҳайвонлар селекциялаштириш белгиларига кўра бир хилликка эга бўлса, селекция ютуғи турдош ҳисобланади.

Агар селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз колса, у барқарор ҳисобланади.

Селекция ютуғининг талабнома берувчи таклиф этган ва Патент идораси томонидан қабул килинган номи бўлиши лозим.

Селекция ютуғининг номи селекция ютуғини идентификация қилиш имконини бериши, қисқа бўлиши, шу ёки шунга яқин ботаник ёхуд зоологик турдаги мавжуд селекция ютуқларининг номидан фарқланиб туриши керак. Селекция ютуғининг номи фақат рақамлардан иборат бўлиб колмаслиги, селекция ютуғининг хусусиятлари, келиб чиқиши, аҳамияти ҳақида, муаллифнинг (ҳаммуаллифларнинг) шахси ҳақида янглишишларга олиб келмаслиги, инсонпарварлик ва ахлоқ коидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Селекция ютуғининг номи тегишли реестрга айни бир вақтда муҳофаза этиладиган селекция ютуғи тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган ҳолда қайд этилади.

Агар патент бериш ҳақидаги талабнома Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда топширилаётган бўлса, селекция ютуғининг номи бу талабномаларда бир хил бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида шартнома тузган мамлакат ҳудудида уруғликни, навнинг кўчат материалини ёхуд зотнинг насл материалини сотишни таклиф этаётган ёки сотаётган ҳар қандай шахс селекция ютуғининг номидан, агар учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бундан фойдаланишга тўсқинлик қилмайдиган бўлса, хатто селекция ютуғига берилган патентнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам фойдаланиши шарт.

Патентга лаёқатлилик мезонларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик оила туркумлари ҳамда турларга тааллуқли селекция ютуғига патент берилади.

Селекция ютуғининг патенти (бундан буён матнда патент деб юритилади) селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, турдошлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг селекция ютуғи номига, унга эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг ҳуқуқи селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида Патент идорасининг расмий ахборотномасида маълумот эълон қилинган санадан эътиборан амалдаги ҳуқуқ деб ҳисобланади.

Патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинган санадан эътиборан йигирма йилга тенг. Ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан, уларнинг пайвандтаглари учун бу муддат йигирма беш йилни ташкил этади.

Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Патентга бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига) тегишлидир.

Агар бир нечта шахс биргаликда битта селекция ютуғи яратган бўлса, патентга бўлган ҳуқуқ уларнинг ҳаммасига тегишли бўлади. Улардан биттасининг ёки бир нечтасининг патентга бўлган ҳуқуқдан воз кечиши бошқаларининг патент олиш ҳаракатларини содир этишига ҳамда патент олиш таомилида иштирок этишига тааллуқли бўлмайди.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўзининг (ўзларининг) хизмат вазифаларини, муайян топшириқни бажариши билан боғлиқ ҳолда ёки иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажриба ёрдамида яратилган селекция ютуғига бериладиган патентга бўлган ҳуқуқ, агар бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишлидир.

Агар селекция ютуғини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани

Патент идорасига олдинрок топширган шахсга, башарти бу талабнома чакириб олинмаган ёки рад этилмаган бўлса, тегишлидир.

Муаллиф (хаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган селекция ютуғини бошқалар ғайриконуний ўзлаштириб олиши натижасида бу селекция ютуғига талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига карши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб килиш хукукига эга.

Патент идорасининг ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг ходимлари ана шу идора ва ташкилотларда ишлаган бутун даврида хам, ишдан кетганларидан кейин бир йил давомида хам патент олиш, шунингдек ўзларини муаллиф (хаммуаллифлар) сифатида кўрсатиш хукукига эга эмас.

Патент бериш хакидаги талабнома муаллиф (хаммуаллифлар), иш берувчи ёки уларнинг хукукий вориси томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш хакидаги талабнома шахсан, Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили оркали ёки ишончли шахс оркали топширилиши мумкин. Бошка давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган фукаролари ва бошка давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий манзили бўлмаган юридик шахслари, уларнинг патент вакиллари ёки ишончли шахслари патент олиш ва уни ўз кучида саклаш борасидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг патент вакиллари оркали олиб борадилар. Патент вакилининг ваколатлари унга талабнома берувчи ёки ишончли шахс берган ишончнома билан тасдикланади.

Патент бериш хакидаги талабнома:

муаллиф (хаммуаллифлар) ва кимнинг номига патент сўралаётган бўлса, ана шу шахс (шахслар), шунингдек уларнинг турар жойи ёки манзилига доир маълумотлар кўрсатилган патент бериш хакидаги аризани;

селекция ютуғининг номи тўғрисидаги таклифни;

селекция ютуғининг тавсифини (техникавий анкетасини);

селекция ютуғи намуналарининг фотосуратларини;

талабнома берувчи томонидан ўтказилган селекция ютуғи синовларига доир хужжатларни;

талабнома берувчининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги, у сотилмаганлиги, ўзга шахсга берилмаганлиги хамда унинг янгилик талабларига мослигини тасдиклайдиган декларациясини;

селекция ютуғининг устуворлигини тасдикловчи хужжатни (зарурат бўлганда);

талабнома берувчининг селекция ютуғини синовдан ўтказиш учун материални белгиланган муддатда ихтисослаштирилган ташкилотга такдим этиш мажбуриятини;

талабнома патент вакили ёки ишончли шахс оркали топширилганида уларга берилган ишончномани;

патент божи белгиланган миқдорда тўланганлигини ёхуд патент божи тўлашдан озод килиш, шунингдек унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдикловчи хужжатни ўз ичига олган бўлиши керак.

Патент бериш хакидаги талабнома битта селекция ютуғига тааллукли бўлиши лозим.

Патент бериш хакидаги талабнома топширилган сана ушбу модданинг биринчи кисми талабларига мувофик бўлган хужжатлар Патент идорасига келиб тушган санага караб белгиланади.

Ушбу модда биринчи кисмининг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган хужжатлар талабнома берувчи томонидан патент бериш хакидаги талабнома топширилган санадан эътиборан уч ой ичида такдим этилади. Агар талабнома берувчи кўрсатилган муддат ичида ана шу хужжатларни такдим этмаса ёки кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширмаса, талабнома топширилмаган хисобланади.

Патент бериш хакидаги талабнома хужжатларига доир талабларни Патент идораси ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда белгилайди.

Патент бериш хакидаги талабномаларнинг материаллари Патент идорасида сир сакланиши шарт ва талабномаларнинг расмий экспертизасини ўтказиш даврида талабнома берувчининг розилигисиз бу материаллар тўғрисида ахборотлар берилмайди.

Селекция ютуғининг устуворлиги ушбу Қонуннинг талабларига мувофик расмийлаштирилган патент бериш хакидаги талабнома Патент идорасига топширилган санага кўра белгиланади.

Агар патент бериш хакидаги айнан ўхшаш талабномалар айни битта устуворлик санасига эга бўлса, у холда патент Патент идорасига бирмунча олдинрок сана билан юборилган ёки рўйхатга олиш кирим раками бирмунча олдинрок кайд этилган талабномага берилади.

Агар талабнома берувчи Патент идорасига патент бериш хакидаги талабномани топширишдан олдин Ўзбекистон Республикаси селекция ютукларини хукукий мухофаза килиш тўғрисида шартнома тузган бошка давлатга талабнома (бундан буён матнда биринчи талабнома деб юритилади) топширган бўлса, талабнома берувчи талабнома тушган санадан эътиборан ўн икки ой давомида биринчи талабнома бўйича устуворлик хукукига эга бўлади.

Талабнома берувчи Патент идорасига юборилаётган патент бериш хакидаги талабномасида биринчи талабноманинг устуворлик санасини кўрсатиши лозим. Талабнома берувчи талабнома Патент идорасига топширилган санадан эътиборан уч ой ичида биринчи талабноманинг нусхасини ва таржимасини такдим этиши шарт. Бу шартлар бажарилган такдирда, талабнома берувчи биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил мобайнида кўшимча хужжатлар ва синов учун зарур материал такдим этмасликка хакли.

Ушбу модданинг учинчи кисмида кўрсатилган муддатга риоя этмаслик, шунингдек белгиланган патент божларини тўламаслик талаб килинаётган устуворлик эътироф этилмаслигига сабаб бўлади.

Патент бериш хакидаги кейинги талабномани топшириш, биринчи талабноманинг предмети бўлган селекция ютуғини эълон килиш ёки ундан фойдаланиш, агар бу ишлар ушбу модданинг учинчи кисмида назарда тутилган муддат ичида амалга оширилган бўлса, кейинги талабномани рад этиш учун асос бўла олмайди. Бундай холлар учинчи шахсларнинг бирон-бир хукуклари юзага келиши учун хам асос бўла олмайди.

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат экспертизаси талабноманинг расмий экспертизасини ва мазкур селекция ютуғи янгилик эканлигини экспертиза килишдан хамда фарклаиш, турдошлик ва барқарорликни аниклаш максадида синовдан ўтказишдан иборат патентга лаёкатлилик экспертизасини ўз ичига олади.

Талабноманинг расмий экспертизаси талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ўтгандан кейин ўтказилади. Экспертиза мобайнида устуворлик санаси белгиланади, зарур хужжатларнинг кўйилаётган талабларга канчалик мослиги текширилади.

Талабнома берувчи талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида ўз ташаббуси билан талабнома материалларига кўшимчалар, аникликлар ёки тузатишлар киритишга хаклидир.

Агар зарур кўшимчалар, аникликлар ёки тузатишлар белгиланган муддатда киритилмаган ёхуд патент бериш хакидаги талабнома тушган санада ундаги етишмаётган хужжатлар такдим этилмаган такдирда, талабнома кўриб чиқиш учун кабул килинмайди.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат, унинг бу муддат ўтганидан кейин олти ойдан кечиктирмай топширган илтимосномасига биноан, Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Талабноманинг расмий экспертизаси натижалари бўйича Патент идорасининг карори талабнома берувчига маълум килинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг карорига рози бўлмаса, карор юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) мурожаат килиш хукукига эга. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг карори устидан карор кабул килинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят килиниши мумкин.

Расмий экспертизадан ўтган патент бериш хакидаги талабномани Патент идораси патентга лаёкатлилигини экспертизадан ўтказиш учун тегишли ихтисослаштирилган ташкилотга юборади.

Мухофаза талаб килинган селекция ютуғига муваккат хукукий мухофаза патент бериш хакидаги талабномага оид маълумотлар эълон килинган санадан эътиборан селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинадиган санага кадар белгиланади.

Селекция ютуғига муваккат хукукий мухофаза амал қиладиган даврда талабнома берувчига нисбатан ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофик патент эгасининг хукуки амал килади.

Агар патент беришни рад этиш хакида карор кабул килиниб, бу карор устидан шикоят қилиш имкониятлари тугаган бўлса, муваккат хукукий мухофаза бошланмаган деб хисобланади.

Мухофаза талаб килинган селекция ютукларидан уларга муваккат хукукий мухофаза белгиланган даврда фойдаланаётган шахс патент олинганидан кейин патент эгасининг талабига биноан унга товон пули тўлаши шарт, бу товоннинг микдори патент эгаси билан тузилган келишувда белгилаб кўйилади.

Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизасини ихтисослаштирилган ташкилот мавжуд хужжатлар ва далил-исботлар, шу жумладан, ўз ташаббуси билан олган ахборотлар асосида амалга оширади хамда талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик мезонига мувофиклиги ёки номувофиклиги тўғрисида Патент идорасига хулоса такдим этади. Патент идораси янгилик мавжудлиги ёки йўклиги тўғрисида талабнома берувчини ёзма равишда хабардор этади.

Патент бериш хакидаги талабномага оид маълумотлар эълон килинган санадан эътиборан олти ой ичида хар кандай манфаатдор шахс талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик эканлигига нисбатан ўз эътирозини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотга юбориши мумкин.

Тегишли ихтисослаштирилган ташкилот эътироз олинганлигини талабнома берувчига маълум килади. Талабнома берувчи эътирозга рози бўлмаса, билдиришнома олинган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида ихтисослаштирилган ташкилотга асослантирилган эътироз талабини юбориш хукукига эга. Ихтисослаштирилган ташкилот келиб тушган материаллар юзасидан карор кабул килади ва бундан манфаатдор шахс хамда талабнома берувчини хабардор этади.

Агар талабномада кўрсатилган селекция ютуғи янгилик мезонига номувофик бўлса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида карор кабул килади.

Талабнома берувчи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг патент беришни рад этиш тўғрисидаги карори устидан Апелляция кенгашига апелляция билан мурожаат этиши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чикиши керак.

Апелляция кенгашининг карори устидан карор кабул килинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят килиниши мумкин.

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари фаркланиш, турдошлик ва баркарорлик мезонларига мосликни синашдан иборатдир.

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар белгилаган усул ва муддатларда, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланадиган

давлат нав синаш станцияларида, давлат нав синаш участкаларида, бошка ташкилотларда ўтказилади.

Талабнома берувчи синов ўтказиш учун керакли микдордаги уруғликни, кўчат ёки насл материалини ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланган манзилга, кўрсатилган муддатларда такдим этиши шарт.

Ихтисослаштирилган ташкилот талабнома берувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бошка давлатларнинг ваколатли органлари томонидан такдим этилган синов натижаларидан фойдаланишга хакли.

Ихтисослаштирилган ташкилот синов натижаларига кўра селекция ютуғининг патентга лаёкатлилик мезонларига мослиги тўғрисида хулоса чикаради.

Агар селекция ютуғи патентга лаёкатлилик мезонларига, унинг номи эса белгиланган талабларга жавоб берса, ихтисослаштирилган ташкилот селекция ютуғининг расмий тавсифини тайёрлайди, Патент идораси эса патент бериш тўғрисида карор кабул килади.

Агар селекция ютуғи патентга лаёкатлилик мезонларига жавоб бермаса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида карор кабул килади.

Талабнома берувчи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг карори устидан Апелляция кенгашига апелляция билан мурожаат килиши мумкин. Агар селекция ютуғини кўшимча равишда синаш зарурияти юзага келмаса, Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чикиши керак.

Апелляция кенгашининг карори устидан карор кабул килинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят килиниши мумкин.

Патент бериш хакидаги талабнома патент бериш тўғрисида ёки патент беришни рад этиш хакида карор кабул килингунга кадар талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига биноан чакириб олиниши мумкин.

Талабнома берувчилар бир нечта бўлса, патент бериш хакидаги талабнома факат улардан хар бирининг розилиги билан чакириб олиниши мумкин.

Патент идораси патент бериш тўғрисида карор кабул килганидан кейин селекция ютуғини тегишли реестрда рўйхатга олади.

Кўриб чикиш учун кабул килинган патент бериш хакидаги талабномаларга, рўйхатга олинган селекция ютукларига, Патент идорасининг юридик ахамиятга эга харакатларига доир маълумотлар, селекция ютукларининг тўлик тавсифлари, хукуклардан бошканинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги рўйхатга олинган шартномалар ва лицензия шартномалари, шунингдек селекция ютукларига тааллукли бошка маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон килинади.

Патентни Ўзбекистон Республикаси номидан Патент идораси беради.

Селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай шахс патент берилишига эътироз билдиришга ҳақлидир.

Патент берилишига доир эътирозни Апелляция кенгаши тегишли ихтисослаштирилган ташкилотнинг вакиллари иштирокида эътироз билдирилган санадан эътиборан олти ой ичида кўриб чиқади.

Агар патент берилишига эътирозлар билдирилмаган ёки бундай эътирозлар рад этилган бўлса, Патент идораси селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ўтгач, патент беради.

Патент бир нечта шахс номига сўралган тақдирда уларга битта патент берилади.

Патентнинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган патентдаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Патент идораси томонидан тузатилади.

Патент эгаси патентни олганидан кейин муҳофаза қилинаётган селекция ютуғига тааллукли зарур материални сақлаш учун юборади.

Патент эгаси навни, зотни патентнинг амал қилиш муддати давомида шундай сақлаши шартки, токи нав, зот тегишли реестрда рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақланиб қолсин.

Патент эгаси ихтисослаштирилган ташкилотлар ва (ёки) Патент идорасининг сўровига биноан назорат синовларини ўтказиш учун нав уруғларини ёки насл материалини юбориши ва жойнинг ўзида текшириб кўрилиши учун имконият яратиб бериши шарт.

Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш, талабномада кўрсатилган селекция ютуғини экспертиза ва синовдан ўтказиш, патент бериш, уни ўз кучида сақлаб туриш, шунингдек селекция ютуғининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бошқа ҳаракатларни бажариш учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божларини тўлаш мақсадида, қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг

амал қилиши патент божи белгиланган муддатда тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

Селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга бўлган мутлак ҳукук патент эгасига тегишлидир.

Манфаатдор шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материалини:

етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

нав ёки насллик кондициясига етказиш;

сотиш учун таклиф қилиш;

сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши керак.

Патент эгаси ўз хоҳишига кўра рухсат бирон-бир шарт ва (ёки) чекловлар билан берилишини олдиндан таъкидлаб ўтишга ҳақли.

Патент эгасининг ҳукуқи унинг рухсатисиз фуқаролик муомаласига киритилган нав уруғлигининг кўчат материалидан етиштирилган ўсимлик материалига ёки наслдор ҳайвонлардан етиштирилган товарбоп ҳайвонларга нисбатан ҳам амал қилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни навнинг уруғлик, кўчат материалига ёки зотнинг насл материалига нисбатан амалга ошириш учун:

агар бу материал ўзида муҳофаза қилинаётган нав, зот белгиларини асосан сақлаб қолган бўлса ва ана шу муҳофаза қилинаётган нав ёки зот бошқа нав ёки зотнинг белгиларини асосан сақлаб қолган нав ёки зот бўлмаса;

агар бу материал ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан аниқ-равшан фарқ қилмайдиган бўлса;

агар бу материал муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан бир неча марта фойдаланишни талаб қилаётган бўлса, патент эгасининг рухсатини олиш зарур.

Агар нав ёки зот:

дастлабки нав ёки зотнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса ва бу нав ёки зот ҳам ўз навбатида ўзидан олдинги дастлабки нав ёки зот генотипи ёхуд генотиплар комбинациясини акс эттирадиган асосий белгиларни сақлаган ҳолда уларнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса;

табиий ёки ҳосил қилинган мутантни саралаб олиш, дастлабки нав ўсимликлари ёки зот ҳайвонларидан айрим мутантни саралаб олиш, беккросс, нав ёки зотни ген инженерияси усуллари билан ўзгартириш каби турли усулларни қўллаш туфайли юз берган фарқларни истисно этганда, дастлабки нав ёки зотдан аниқ-равшан ажралиб турса ва олдинги нав ёки зотнинг генотипи ёхуд генотиплар комбинациясига мос келса, ўзида бошқа

(дастлабки) нав ёки зотнинг белгиларини асосан саклаб колган нав ёки зот деб эътироф этилади.

Бир нечта патент эгасига тегишли патент билан мухофаза килинган селекция ютуғидан фойдаланишдаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга мувофик белгиланади. Бундай келишув бўлмаса, хар бир патент эгаси мухофаза килинаётган селекция ютуғидан ўз хохиши бўйича фойдаланиши мумкин, бирок мухофаза килинаётган селекция ютуғига бошка патент эгаларининг розилигисиз мутлак лицензия беришга ёки патентдан бошка шахснинг фойдасига воз кечишга хакли эмас.

Мухофаза килинаётган селекция ютуғидан:

шахсий ва нотижорат максадларида фойдаланиш;

синов-тажриба максадларида фойдаланиш;

бошка навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалидан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик худудида фойдаланиш патент эгасининг хукукларини бузиш деб эътироф этилмайди.

Мухофаза килинаётган нав ёки зотга доир хар кандай материал Ўзбекистон Республикаси худудида патент эгасининг ўзи томонидан ёки унинг розилиги билан сотиш ёхуд бошка усулларда ўтказиш оркали ёхуд кайта ишлаш ва истеъмол максадларида тегишли ботаник ёки зоологик турдаги нав ёки зот мухофаза килинмайдиган мамлакатга олиб чикиш оркали фукаролик муомаласига киритилганидан кейин мухофаза килинаётган нав ёки зотнинг хар кандай материалига доир хатти-харакатларга нисбатан патент эгасининг хукуки амал килмайди.

Агар навни ёки зотни сотиш ва бошка усулларда ўтказиш ушбу нав ёки зотни кейинчалик кўпайтиришга каратилган бўлса ёхуд тегишли оила туркуми ёки турдаги нав ёхуд зот мухофаза килинмайдиган мамлакатларга кўпайтириш максадида навнинг ўсимлик материалини ёки зотнинг насл материалини олиб чикиб кетиш билан боғлик бўлса, ушбу модда биринчи кисмининг шартлари бу нав ёки зотларга нисбатан татбик этилмайди.

Рухсат олмаган холда:

селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

селекция ютуғини нав ёки насллик кондицияларига етказиш;

мухофаза килинаётган селекция ютуғидан фойдаланган холда яратилган махсулотни сотишга таклиф килиш, сотиш ва бошкача тарзда фукаролик муомаласига киритиш;

саклаш, олиб кириш, олиб чикиш;

маълумотлар Апелляция кенгашига ёки талабнома берувчи ёхуд патент эгасининг хукукларини химоя килишга каратилган расмий таомилларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно килган холда, селекция ютуғига оид тижорат сири хисобланган маълумотларни ошкор килиш патент эгаси хукукларининг бузилиши деб эътироф этилади.

Патент ўзининг бутун амал килиш муддати давомида, агар:

селекция ютуғи патент бериш санасида янгилик ёки фарқланиш мезонларига мос келмаган бўлса;

патент талабнома берувчи тақдим этган селекция ютуғининг турдошлик ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса, патентга нисбатан эътироз билдирилиши ва у ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳар қандай шахс Апелляция кенгашига патентни ушбу моддaнинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида апелляция бериши мумкин.

Апелляция кенгаши апелляция нусхасини патент эгасига жўнатади, патент эгаси уч ойлик муддат ичида далил-асосли жавоб қайтариши лозим.

Апелляция кенгаши, агар селекция ютуғини қўшимча равишда синовдан ўтказиш зарурати юзага келмаса, апелляция бўйича олти ой ичида қарор қабул қилади.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Патентнинг амал қилиши:

патентни ўз кучида саклаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаса;

патент эгаси Патент идорасига патентдан воз кечиш тўғрисида ариза топширса, муддатидан илгари тугатилади.

Патентнинг амал қилиши муддатидан илгари тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Қуйидаги ҳолларда:

селекция ютуғи бундан буён турдошлик ва барқарорлик мезонларига мувофиқ келмай қолса;

патент эгаси ихтисослашган ташкилотлар ёки Патент идорасининг сўровига биноан ўн икки ой ичида уруғликларни, кўчат, насл материалларини, ҳужжатлар ва ахборотни селекция ютуғи ўз кучини саклаб қолганлигини текшириш учун тақдим этмаган ёки шу мақсадларда селекция ютуғи жойнинг ўзида текшириб кўрилиши учун имконият яратиб бермаган бўлса;

селекция ютуғининг номи бекор қилинаётган, патент эгаси эса бошқа муносиб номни таклиф этмаган бўлса, патент бекор қилинади.

Патентнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Патент эгаси ёзма ариза бериб, патентдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир нечта патент эгаларидан бирининг патентдан воз кечиши патентнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

Патентдан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.

Патент эгаси патентдан воз кечиш нияти тўғрисида муаллифни хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда муаллиф патентга эгалик қилишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Агар патент лицензия шартномасининг объекти бўлса ва башарти шартномада бошкача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентдан фақат лицензия эгасининг розилиги билан воз кечиш мумкин бўлади.

Патент олиш ҳукуки, патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасида рўйхатга олинганлиги натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқлар, шунингдек патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсга ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси асосида, шунингдек конун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўлиб ўтиши орқали амалга оширилиши мумкин.

Селекция ютуғидан бошка шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Патент берилган нав ёки зот лицензия шартномасининг предмети бўлиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган хар кандай юридик ёки жисмоний шахс патент билан мухофаза килинаётган селекция ютуғидан патент эгасининг рухсати билангина лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳаклидир.

Патент эгаси селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқукини ҳар кандай шахсга бериш (очиқ лицензия) тўғрисида Патент идорасига ариза топшириши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун ундириладиган патент божи эллик фоизга камайтирилади.

Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқни бошка шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чакириб олинмайди.

Очиқ лицензия олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан лицензия шартномасини тузиши шарт.

Патент эгаси мутлақ лицензия ёки номутлақ (оддий) лицензия берган ҳолда селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Мутлақ лицензия берилганида лицензиат селекция ютуғидан лицензия шартномасида кўрсатилган доирада фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ олади, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқукининг лицензиатга берилмайдиган кисми лицензиарда сакланиб колади.

Номутлақ (оддий) лицензия берилганида лицензиар селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, патентдан келиб чикадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан, бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқукини ҳам ўзида сақлаб колади.

Агар патент эгаси патент берилган санадан эътиборан уч йил мобайнида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланмаса хамда лицензия шартномаси тузишни рад этса ва агар, мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига дахл этадиган бўлса, бу селекция ютуғидан фойдаланиш истагидаги шахс ўзига мажбурий лицензия беришни сўраб ариза билан судга мурожаат килиши мумкин.

Мажбурий лицензия номутлак (оддий) лицензия тарикасида берилади ва унинг эгасига патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материалини олиш ҳуқуқини беради.

Мажбурий лицензия фақат селекция ютуғидан ижозат этиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланилишини таъминлай оладиган шахсга берилади.

Мажбурий лицензия патент эгасининг муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланишига ёки селекция ютуғидан фойдаланиш учун бошқа шахсга лицензияни беришига тўсқинлик қилмайди.

Агар етиштирилган, такрор етиштирилган, нав ёки насллик кондициясига ёки кейинчалик кўпайтириш даражасига етказилган уруғлик, кўчат ёки насл материали ўзининг морфологик, физиологик ва бошқа белгилари бўйича муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг расмий тавсифида акс эттирилган маълумотларга мос келса, селекция ютуғидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари селекция ютукларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлатларда патентлаш ҳуқуқига эга.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.

Селекция ютукларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Селекция ютуклари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

1.5.2. Селекция ютуклари. Ўсимлик турлари ва навлари, ҳайвон зотлари ва уларга қўйиладиган талаблар

Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари селекция ютукларига киради. Бунда нав ва зотлар маълум нав ва зотлардан аниқ фарклари билан ажралиб туриши, етарли даражада бир хил ва барқарор бўлиши зарур. Бундан ташқари фақат Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик турларга кирадиган нав ва зотларгина ҳуқуқий муҳофаза олиши мумкин.

Селекция ютукларини муҳофазалаш соҳасидаги ҳуқуқий базани ўрганишни давом эттиришдан олдин бу соҳада фойдаланиладиган асосий тушунчаларни кўриб чиқамиз.

- Ўсимлик нави наслдан-наслга барқарор равишда ўтадиган белгилари билан ажралиб турадиган ўсимликлар гуруҳидир. Бундай белгилар ўсимлик генотипи ёки генотиплар комбинациясини тавсифлаб бериши, бунда ўсимликлар гуруҳи айнан шу ботаник саксонга мансуб бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан ажралиб туриши зарур. Янги

нав сифатида битта ёки бир нечта ўсимликни тақдим этиш мумкин, фақат бундай кисм ёки кисмлардан навнинг бутун бир ўсимликларини кўпайтириш мумкин бўлсин. Навнинг мухофаза килинадиган объектлари клон, линия, биринчи авлод, дурагай ва популяцияларидир.

- Ҳайвонлар зоти деб генетик жиҳатдан белгиланган биологик ва морфологик хусусиятлар хамда белгиларга эга бўлган ҳайвонлар (шу жумладан кушлар, ҳашоратлар,тут ипак курти) ёки уларнинг дурагайлари тан олинади, бунда бу хусусият ва белгиларнинг баъзилари айнан шу гурух учунгина хос бўлиши ва уни бошка гурух ҳайвонларидан ажратиб туриш зарур. Зот урғочи ва эркак жинсига мансуб ёки наслчилик материали бўлиши мумкин. Зотнинг мухофаза килинадиган объектлари зот гурухлари, зот ичидаги (зональ) типлар, завод типи, завод линияси, оилалар, партеноклонлар, линия ва дурагайлардир.

Конунчиликка мувофик Ўзбекистонда селекция ютукларига ҳукуқлар патент ёки гувоҳнома билан тасдикланади.

Селекция ютукларига бериладиган бу икки ҳужжатнинг бир-биридан фарки шундан иборатки, селекция ютуғига патент тўлиқ экспертиза ўтказилгандан сўнг берилади, гувоҳнома бериш учун эса селекция ютуғининг бир хиллиги ва барқарорлигини синаш кифоя. Бундан ташқари, гувоҳнома Ўзбекистонда мухофаза килинмайдиган ботаник хамда зоологик тур ва зотларга хам берилиши мумкин.

Демак, селекция ютуғига берилган патент селекция ютуғининг янгилиги, унинг фаркли томонлари, бир хиллиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг ушбу селекция ютуғини номлаш, унга эгалик килиш ва фойдаланиш ҳукукини тасдиклайди.

Гувоҳнома эса гувоҳнома эгасининг фақат селекция ютуғини номлаш, унга эгалик килиш, фойдаланиш хукукини тасдиклаб беради.

Кўрсатилган мутлоқ ҳукук шундан иборатки, мухофазаланган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки зотчилик материаллари билан ишлашни истаган ҳар кандай шахс патент ёки гувоҳнома эгасидан куйидаги харакатлар учун рухсатнома олиши керак:

- нав ва зотни ишлаб чиқариш ва кўпайтириш;
- экиш кондициясигача етказиш;
- сотиш учун таклиф этиш;
- сотиш ва сотишнинг бошка шакллари;
- Ўзбекистон ҳудудидан олиб чикиш ёки унинг ҳудудига олиб кириш;
- Юкорида санаб ўтилган максадларда саклаш.

Селекция ютуғига мухофаза ҳужжати олиш учун селекциячи, иш берувчи ва бошқалар патент ёки гувоҳнома берилиши учун тегишли талабномани беришлари зарур. Талабнома Давлат патент идораси қошидаги Селекция ютуклари бўйича агентликка топширилади.

Ҳар бир талабнома ўз ичига

- белгиланган шаклда патент ёки гувоҳнома берилиши сўралган

талабнома;

- селекция ютуғини номлаш тўғрисидаги таклиф;
- нав, зотнинг тавсифи (техник анкета);
- намуналар суратлари;
- талабнома берувчи ўтказган нав ёки зотни синаш натижалари тўғрисидаги хужжатлар;
- шунингдек талабнома берувчининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги ва сотилмаганлиги ва унинг янгилик талабларига мувофиклиги тўғрисидаги махсус декларациясини олади.

Бундан ташкари, талабнома бериш, бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш учун талабнома берувчи белгиланган миқдорда давлат божи тўлаши зарур.

Сўнгра ҳар бир талабнома бўйича селекция ютуғи экспертизаси ўтказилади. Бундай экспертиза ўз ичига талабноманинг расмий экспертизаси, нав ёки зотнинг янгилигини экспертизадан ўтказиш ва фаркли, бир хиллиги ва баркарорлигини давлат синовларида аниқлашни ўз ичига олади.

Селекция ютуғининг янгилигини аниқлаш учун ихтисослашган ташкилотлар томонидан экспертиза ва давлат синовлари ўтказилади, улар экспертиза ва синов натижалари бўйича Давлат патент идорасига нав ёки зот тўғрисида тегишли хулосани тақдим этадилар. Шуни қайд этиб ўтамизки, патент олиш учун талабнома берилган санада селекциячи, унинг ҳуқуқий вориси ёки уларнинг розилиги билан уруғлик, кўчат ёки наслчилик материаллари ва бошка шахсларга сотилмаган ёки куйидаги жойларда фойдаланиш учун берилмаган бўлса янги деб ҳисобланади:

- Ўзбекистон ҳудудида – талабнома берилган санадан бир йил илгари;
- Бошка давлатнинг ҳудудида – талабнома берилаган санадан тўрт йил илгари ёки бу узум, ёғочли, манзарали, мевали экинлар ва ўрмон дарахтлари бўлса, кўрсатилган санадан олти йил илгари.

Экспертиза ва синовлар натижалари ижобий бўлганда патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида карор қабул қилинади, селекция ютуғи Ўзбекистон Республикаси Давлат селекция ютуқлари реестрида рўйхатга олинади ва бу ҳақдаги маълумотлар расмий эълон қилинади. Шундан сўнг селекция ютуғи эгаси патент ёки гувоҳнома олади.

Селекция ютукларини химоя килишнинг ташкилий асослари Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (матнда бундан кейинги Патент идораси деб юритилади) селекция ютукларини ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади.

Патент идораси селекция ютукларига патентлар ва гувохномалар бериш ҳакидаги талабномаларни кабул қилиб олади ҳамда кўриб чикади, селекция ютуклари буйича расмий экспертиза ўтказади. Селекция ютуклари давлат реестрини юритади (матнда бундан кейин Давлат реестри деб аталади), химоя хужжатлари беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, химоя килинаётган селекция

ютуқлари ҳақидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади, ушбу Қонунни қўлланиш ҳақида қоида ва тушунтиришлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси (матнда бундан кейин ихтисослаштирилган ташкилотлар дейилади) селекция ютуқларидан хўжаликда фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадилар, талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг ҳимояга лаёқатлилиги) экспертизасинн ўтказадилар.

Ўсимлик нави ёки ҳайвон зотинииг селекциячиси. Ўзининг ижодий меҳнати билан ўсимлик нави ёки ҳайвон зотини яратган (аниқлаган ёки чиқарган) жисмоний шахс ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси деб ҳисобланади.

Башарти, селекция ютуғинн яратишда бир неча жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммаси селекциячи деб ҳисобланади. Селекциячиларга тегишли бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги битимига биноан белгиланади.

Селекциячипинг муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Селекциячининг муаллифлигини ўзлаштириб олиш. Уни ҳаммуаллифликка мажбур қилиш конунга мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Селекциячининг муаллифлигига доир низолар суд тартибида ҳал этилади.

Селекциячи ҳимоя ҳужжати бериш ҳақидаги талабномада, ҳимоя ҳужжатида ва селекция ютуғи хусусида эълон қилинадиган барча материалларда ўз номи кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқукига эга. Патент идораси патент эгаси бўлмаган ҳар бир селекциячига муаллифлик ҳуқукини, шунингдек селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патент эгасидан мукофот олиш ҳуқукини тасдикловчи селекциячи гувоҳномасини беради.

Хизмат тартибида яратилган селекция ютуғининг эгаси. Башарти, селекциячи селекция ютуғини яратишда:

ўзи эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш максадида ўз зиммасига махсус юклатилган вазифаларнн бажарган бўлса;

иш берувчи ёки топшириқ берган шахс томонидан ўзига берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

иш берувчи ташкилот иш жараёнида орттирган, шу ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай ютуқ хизмат тартибида яратилгап деб ҳисобланади.

Башарти, селекциячи яратилган селекция ютуғи тўғрисида иш берувчини хабардор қилган кундан эътиборан тўрт ой ичида иш берувчи Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқукидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида селекциячига маълум қилмаса, селекциячи талабнома топшириш

ва ўз номига патент ёки гувоҳнома олиш ҳукукига эга бўлади. Бундай холда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланган миқдорда товон тўлаб ўз корхонасида селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқукига эга бўлади.

Иш берувчи селекция ютуғини сир сакласа, у селекциячига тегишли миқдорда ҳақ тўлаши шарт. Ҳақининг миқдори шартномада белгиланади ва у махсус лицензиянинг бозор нархидан паст бўлмаслиги лозим.

Башарти, селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган бўлса, ушбу модданинг қоидаларини фақат ана шу селекциячига (селекциячиларга), иш берувчига ва топшириқ берган шахсга нисбатангина қўллаш мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси ўсимлик нави ёки ҳайвон зотига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқукига эга.

Селекция ютуғига бўлган ҳукукларни бошқа шахсга ўтказиш. Патент ёки гувоҳнома олиш ҳукуки. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасида рўйхатга олинганлиги туфайли келиб чиқади. Шунингдек патент ёки гувоҳномадан келиб чиқадиган ҳуқуклар ҳар кандай жисмоний ёки юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

Ҳукукларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси ёки лицензия шартномаси асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофик мерос ёки васиятнома орқали амалга оширилишн мумкин.

Селекция ютуғига эгалик қилиш ҳукукларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартнома, шунингдек лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатга олинади.

Селекция ютуғидан фойдаланиш ҳукукини бошқа шахсга бериш. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабномада ёхуд берилган патент ёки гувоҳномада кўрсатилган нав ёки зот лицензия шартномасининг мавзуси бўлиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ҳар кандай жисмоний ёки юридик шахс патент ёки гувоҳнома билан яъни қилинган селекция ютуғидан патент эгасининг рухсати билангина лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақлидир.

Патент эгаси Патент идорасига селекция ютуғидан фойдаланиш ҳукукини ҳар кандай шахсга бериш тўғрисида ариза топшириши мумкин (очиқ лицензия). Бу ҳолда патент ёки гувоҳномани ўз кучида саклаганлик учун ундириладиган бож ёки йиғим эллик фоизга камайтирилади.

Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳукукини бошка шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чиқариб олинади.

Очиқ лицензияни сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома тузиш шартларига доир низолар суд томонидан караб чиқилади.

Патент эгаси махсус лицензия ёки махсус бўлмаган (оддий) лицензия берган ҳолда селекция ютуғидан фойдаланиш ҳукукини бошка шахсга ўтказиши мумкин.

Махсус лицензия берилганида лицензиат селекция ютуғидан шартномада айтиб ўтилган доирада фойдаланиш учун мутлак ҳукук

олади, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқи лицензиатга берилмайдиган тақдирда лицензиарда сақланиб колади.

Махсус бўлмаган лицензия берилганида лицензиар селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, селекция ютуғига берилган патент ёки гувоҳномадан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан учинчи шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади.

Патент идораси рўйхатга олинган лицензия шартномалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

Таянч сўзлар.

Ўсимликларни янги навлари, хайвонларни янги зотлари, селекция, гентика , ютуги, патент, янгилиги, экспертиза, муаллифлик ҳуқуқи, талабнома, эгаси, рухсат, лицензия, шартнома, гувоҳнома, ҳақида, хулоса, давлат синовлари, патент идораси, аниқлаш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикасини "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги қонун качон кабул қилинган ва уни ахамияти?
2. Ўсимлик навларини яратиш ва унга кўйиладиган талаблар?
3. Янги уй ҳайвонларини зотларини яратиш ва унга кўйиладиган асосий талаблар?
4. Селекция ютуқлрига гувоҳнома олиш учун талбномага кўйиладиган шартлар?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда кабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
3. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, - 1994 йил майда кабул килинган
4. "Селекция ютуклари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун. - 1996 йил 30 майда кабул килинган.
5. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда кабул қилинган.
6. "Интеграл микрочизмалар топологиясини хукукий мухофазалаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун,- 2001 йил 12 августда кабул килинган.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш

якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
10. Каримов И.А Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
11. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент Меҳнат. 2001, 384 б.
12. Интеллектуальная собственность. Словарь-справочник. М: Илфра-М, 1995, 112 с.
13. Рьшов К.В. 100 великих изобретеиий - М : "Всчс", 2000, 528 с

1.6. Саноат намуналари. Маҳсулот белгиси. Асосий тушунчалар

1.6.1. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари.
1.6.2. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби.
1.6.3. Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома тузиш.

1.6.1. Саноат намуналари. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари.

Саноат намунаси инсон ижодий фаолияти йўналишининг амалга ошиши бўлиб, аниқ максад ва истеъмолчилар доирасига эга.

Таърифга кўра саноат намуналарига қандайдир бир объект ташқи кўринишининг бадиий-конструкторлик (дизайн) ечими киради.

Саноат намуналари ҳажмий (моделлар), ясси (расмлар) ёки уларнинг аралаш кўринишида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ саноат намунасининг янгилиги, ўзига хослиги ва саноатда кўлланилиши унинг патентга лаёкатлилик шартлари хисобланади.

Агар саноат намунасининг буюмнинг эстетик ва (ёки) эрганомик хусусиятларини белгиловчи муҳим белгилари (аломатлари) мажмуи унинг устуворлик санасидан олдин жаҳондаги нуфузли ахборот манбалари орқали барчага маълум бўлмаган бўлса янги деб тан олинади.

Саноат намунасининг муҳим белгилари мажмуи буюм эстетик хусусиятларнинг ижодий характери билан боғлиқ бўлса у ўзига хос деб тан олинади.

Саноат намунаси кўп карра қайта ишлаб чиқариш имкониятини

берадиган бўлса саноатда қўлланиладиган деб тан олинади.

Қонун билан саноат намунаси деб тан олинмайдиган объектлар рўйхати белгиланган, хусусан.

- Нашриёт-босма маҳсулотлари;
- Меъморчилик объектлари (кичик меъморчилик шаклларидан ташқари), саноат, гидротехника ва бошқа кўчмас иншоатлар;
- Суюқ, газсимон, сочилувчан ёки уларга ўхшаш моддалардан иборат барқарор бўлмаган объектлар;
- Буюмларнинг фақат техник вазифасидан келиб чиқадиган ечимлар;
- Шунингдек жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид ечимлар.

Саноат намунасининг моҳияти ва унинг ҳуқуқий мухофазалаш ҳажми энг аввал, унинг муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланади, бу белгилар намуна фотосуратларида акс эттирилади ва буюмнинг ташқи кўриниши ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Муҳим белгиларни сўзлар билан тавсифлаш тасвирий ахборотни тушунтириб беришни таъминлайди.

1.6.2. Саноат намунасига талабномаларнинг тузилиши ва патентлаш тартиби

Саноат намунасига Ўзбекистон Республикасининг патенти бериш учун талабнома қуйидагилардан иборат бўлиши керак.

-Патент ёки дастлабки патент бериш тўғрисида белгиланган шаклда тузилган ариза. у саноат намунаси муаллифи (муаллифлари), патент ким (кимлар)нинг номига берилиши сўраётган бўлса, ўша шахс (шахслар) ва талабнома берувчи тўғрисидаги талаб этиладиган маълумотлардан иборат бўлади.

-Буюм, макет ёки расмни акс эттирувчи фотосуратлар тўплами, улар буюмнинг ҳуқуқий мухофаза ҳажмини белгилаб берувчи муҳим белгилар мажмуини аниклаш имконини берадиган ташқи кўриниши тўғрисидаги муфассал тасаввур ҳосил қилади.

-Буюм ташқи кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион картаси, агар улар саноат намунаси моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса.

-Саноат намумасининг тавсифи, у фотосуратларда акс эттирилган буюмнинг ташқи кўринишини сўзлар воситасида очиб бериши ва унинг муҳим белгилари мажмуини ўз ичига олиши керак.

Талабномага берилган миқдорда бож тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши зарур.

Қонун талабларига мувофиқ ҳар бир талабнома битта саноат намунасига тегишли бўлиши ва бу намунанинг вариантларини ўз ичига олиши мумкин (саноат намунасининг бирлиги талаблари). Бунда битта саноат намунаси дейилганда ягона бир буюмнинг бадиий-конструкторлик ечими, вазифалари умумий бўлган буюмлар мажмуи (масалан, мебель гарнитури, сервиз ва бошқалар) тушунилади.

Ягона бир буюм дейилганда бирорта бутун буюм (масалан,

автомобиль), хамда унинг бир кисмини ташкил этувчи буюм (масалан, бампер, фара ва бошқалар) тушунилади.

Саноат намунаси вариантлари дейилганда битта буюм (тўплам, комплект) нинг бир хил эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгилаб берадиган мухим белгилари мажмуи билан фарқланадиган бадиий-конструкторлик ечими тушунилади.

1.6.3. Саноат товар белгиларининг турлари ва уларга талабнома тузиш

Талабнома хужжатларига кўйиладиган асосий талабларни ўз ичига олади.

1. Буюм, макет, расм фотосуратлари тўплами.

Буюмнинг ташки кўринишини акс эттирувчи фотосуратлар талабнома берилган саноат намунаси тўғрисидаги тасвирий ахборотни ўз ичига олган асосий хужжатдир.

Саноат намунасининг тавсифи.

Саноат намунасининг тавсифи куйидагича тузилиши керак:

- Саноат намунасининг номи.
- Вазифаси ва кўлланиш сохаси.
- Саноат намунасининг алалоглари.
- саноат намунасини тасвирловчи фотосуратлар ва бошка такдим этиладиган материаллар рўйхати.
- Саноат намунасининг мохияти.
- саноат намунасини кўп марта кайта ишлаб чиқариш имконияти.
- Саноат намунасининг мухим белгилари (аломатлари) рўйхати.

Саноат намунаси умумий кўринишининг чизмаси намунани мохиятини очиб бериш ва унинг ўлчамлари, мутаносиблик нисбатларини аниклаш учун зарур бўлган холларда такдим этилади.

Агар талабнома берилган саноат намунаси эргономик жихатдан кайта ишлашни кўзда тутадиган буюмга оид бўлса, шунингдек, ушбу буюмнинг эргономик схемаси хам такдим этилади.

Товар белгиларини хукукий мухофаза килмасдан маданий бозор муносабатларини ўрнатиш мумкин эмас. Интеллектуал мулк объекти сифатида товар белгисининг ўзига хос хусусияти унинг товар ва хизматлар бозоридаги бажарадиган роли билан тушунтирилади.

Товар белгиси (ёки хизмат кўрсатиш белгиси) фукаролик муомаласи иштирокчилари ва улар ишлаб чикарадиган махсулотлар (ишлар, хизматлар)ни хусусий аломатларни акс эттирувчи (индивидуаллаштириш) учун хизмат киладиган белгидир.

Ўзбекистонда товар белгилари билан боғлик холда юзага келадиган муносабатлар "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги конун билан тартибга солинади. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси)нинг хукукий мухофазаси у рўйхатга олиниши билан юзага келади.

Қонунга мувофик куйидаги белгилар товар белгиси сифатида рўйхатга

олиниши мумкин:

- Сўзлар ёки харфлар бирикмасидан иборат бўлган сўз билан ифодаланадиган белгилар;
- Тасвирий белгилар–линиялар композицияси, исталган шаклдаги фигураларнинг текисликдаги сояси шаклидаги;
- Ҳажмий белгилар – уч ўлчамли фазодаги фигуралар (линиялар) ёки уларнинг композицияси шаклидаги;
- аралаш–тасвирий, сўзли, ҳажмий характердаги элементларнинг комбинациясидан иборат ва ҳоказо.

Товар белгиси исталган рангда ёки ранглар бирлигида рўйхатга олиниши мумкин.

Шу билан бирга конун билан у ёки бу белгиларни товар белгилари сифатида рўйхатга олиш имконини бермайдиган муайян чеклашлар белгиланган. Қонун товар белгисини рўйхатга олишни рад этиш учун мутлак ва бошка асосларни белгилаб беради.

Масалан, фақат куйидаги белгилардан иборат товар белгиси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳоллар рўйхатга олишни рад этиш учун мутлак асос ҳисобланади:

Фарк қилувчи хусусиятлари бўлмаган. Бундай белгиларга хусусан куйидагилар кириш мумкин:

- ўзига хос график ижрога эга бўлмаган айрим ҳарф, ракамлардан иборат бўлмаган белгилар, бирор-бир мазмунни ифодаламайдиган харфлар бирикмаси, композиция хосил килмайдиган чизиклар ва оддий геометрик шакллар ва бошкалар;
- товарларни белгилаш учун товар белгиси сифатида рўйхатга олишга талабнома берилган товарларнинг хакикий ва схематик тасвирлари
- шаклни фақат ишлатиш максадларидан келиб чиккан уч ўлчамли объектлар;
- одатда товарларнинг оддий умум кабул килинган номлари, ташкилотлар, корхоналар, тармокларининг кабул килинган кискартма номлари ва аббревиатуралари.

-Давлат герби, байроги ва рамзлари; давлатларнинг расмий номлари; халкаро ёки хукуматлараро ташкилотларнинг тўла ёки кискартирилган номларидан иборат белгилар, мукофатлар ва бошка такдирлаш белгилари ёки уларга ўхшаш белгилар, шунингдек товар ишлаб чикарувчининг яшаш жойини кўрсатувчи белги сифатида кабул килиниши мумкин бўлган кисман ёки тўлик географик белгилардан иборат белгилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳеч ким мухофаза килинадиган товар белгисидан эгасининг розилигини олмасдан туриб фойдаланиши мумкин эмас.

Товар белгисини ёки унга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш белгини рухсатсиз хўжалик оборотига киритиш товар белгиси эгасининг хукукларини бузиш ҳисобланади.

Товар белгисининг эгаси ўз ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш максадида товар белгиси ёнига огоҳлантирувчи белгини қўйиши мумкин, у товар ёки унинг жойлаш буюмида қўлланилган белги Ўзбекистонда рўйхатга олинган товар белгиси эканлигини кўрсатади. Бундай огохлантирувчи белги доира ичига олинган лотинча "R" харфидан иборат.

Товар белгисининг эгаси исталган вактда гувоҳномада кўрсатилган барча товарлар ёки уларнинг бир кисмига нисбатан ўз белгисига мутлак ҳуқукларни бошкаларга бериши ёки тегишли лицензия шартномаси асосида бошка шахсларга вактинча фойдаланиш ҳуқукини бериши мумкин.

Лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатга олиниши зарур. Шуни кайд этиб ўтамизки, жамоа белгиси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бу белгига эгалик килувчи барча шахсларнинг розилигисиз бошка юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин эмас.

Товар белгисининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома устуворлик санасидан бошлаб ўн йил мобайнида амал килади.

Бунда товар белгисининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал килиш муддати белги эгасининг гувоҳнома амал қилиш муддатининг охирги йили мобайнида берган аризасига кўра ҳар сафар ўн йилга узайтирилади.

Товар белгисини рўйхатга олишга талабнома фақат бир товар белгисига оид ва қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Ариза берувчининг жойлашган ёки яшаш жойи кўрсатилган ҳолда белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;

2. Рўйхатга олиш сўралаётган белги ва унинг тавсифи;

Товар белгиси кайси товар ва хизматлар учун сўралаётган бўлса, шу товар ва хизматларнинг МКТУ (Халкаро товар ва хизматла классификацияси) синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган рўйхат.

Агар талабнома жамоа белгисига берилаётган бўлса, талабномага жамоа белгисининг устави эълон килинади, у ўз ичига жамоа белгисини ўз номига рўйхатга олишга ваколатли бирлашма номи; бу белгини рўйхатга олиш максади; бу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладиган субъектлар номи; жамоа белгиси билан белгиланадиган товарларнинг рўйхати ва ягона сифат ва умумий хусусиятлари; белгидан фойдаланиш шартлари ва ундан фойдаланишни назорат қилиш тартиби; шунингдек устав қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни олган бўлиши зарур.

Талабномага шунингдек белгиланган микдордаги бож тўланганлиги тўғрисидаги хужжат илова килинади.

Товар ва хизматлар рўйхати. Товар ва хизматлар рўйхати кайси товарлар товар белгисини рўйхатга олиш сўралаётганини аниклаш учун мўлжалланган бўлади.

Рўйхатда кўрсатилган товар ва хизматлар МКТУ (Халқаро товар ва хизматлар классификацияси) синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган ва товар ҳамда хизматларни идентификациялаш имконини берадиган аник атамалар билан (имкон қадар МКТУ атамаларидан фойдаланиш керак) белгиланган бўлиши керак.

Талабнома берувчи ўз товар белгисини ишлаб чиқаришда кандай асосий тамойилларга амал қилиши зарур. Одатда товар белгиси куйидаги хусусиятларга эга бўлиши зарур:

ифодалик ва маънодорлик (ўзига хослик), яъни товар белгиси уни бошқалардан ажратиб турувчи белгига эга бўлиши, осон кўчирилиши, (сўз билин ифодаланган товар белгилари учун) ва ёдда қолиши керак;

киска ва аниклик, яъни товар белгиси қиска бўлиши (сўзли белгилар учун) ва тасвир элементлари сони хаддан ташқари кўпайиб кетмаслиги (тасвирий белгилар учун) керак;

эстетиклик, яъни товар белгиси идрок этилиши бўйича замонавий ва тушунарли хамда кўргазмали бўлиши керак;

баркарорлик (узок муддатлилик), яъни товар белгиси узок муддат, хатто махсулот ассортимени ўзгарган холларда хам фойдаланиш учун ярокли бўлиши керак;

тасаввур уйғотадиган, яъни товар белгиси истеъмолчидан товар ёки унинг бирор-бир хусусияти тўғрисида тасаввур хосил қилиши зарур.

Бундан ташкари, сўз билан ифодаланадиган товар белгиси учун янги бўлиши билан бирга, охангдорлиги ва талаффузи қулай бўлиши хам зарур сифатлардан хисобланди.

Шуни қайд этиш зарурки, тасвирий товар белгиси чун турли-туман рангларнинг уйғунлиги унинг ўзига хослигини, кишиларни ўзига жалб этишини ва фарқланувчи кобилиятини оширади. Шу билан бирга ранг сўзлар билан ифодаланган, хажми ва кўшма товар белгилари учун хам мухимдир.

Таянч сўзлар.

Саноат, намуна, мувофик, янгилик, хослик, қўлланиш, патент, гувохнома, патент, белги, тушунча, товар, хизмат, хусусият, бозор, хос, ҳуқуқ, бузилиш, эргонометрик, эстетик, эгаси, бузилиши, муносабат, интеллектуал.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартларини шархлаб беринг?
2. Саноат ва товар белгилари нима сабабдан кўйилишини ва уни ахамияти?
3. Саноат намуларига патент олиш учун талабнома тузиш кандай хужжатларни тўлғазиш зарур?
4. Товар белгиларини кўрсатилишини халқ хўжалигидаги ахамиятини шархлаб беринг?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.

2. "ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекигтон Республикаси Қонун, - 1994 йил майда кабул килинган
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А Энг асосий мезон – хаёт хакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент Мехнат. 2001, 384 б.
10. Махсулот белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш коидалари - Т.// "Расмий ахборотнома", №3, 1997 й.
11. Саноат намунасига Ўзбекистан Республикаси патенти, дастлабки патенти бериш учун талабнома тузиш коидалари Т.// "Расмий ахборотнома", №3, 1997 г.
12. Шестимиров А.А., Фролова Л.Ф. Экспертиза товарных знаков и промышленных образцов. М.: ВНИИПИ, 1989, 72 с.

1.7. Патент, лицензия, сертификат олиш учун шартнома тузиш

1.7.1. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун патент бюросига ариза бериш.
1.7.2. Чет элда патентлаш. Лицензион шартнома хакида тушунча.
1.7.3. Саноат мулкини чет элда патентлашнинг максади ва вазифаси.

1.7.1. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун патент бюросига ариза бериш

Патентлаш - Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари, корхоналари, айрим фукароларининг чел эл патентлари ва бошка тегишли мухофаза

хужжатларини ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига олиш максадида, шунингдек товар белгиларини амалга ошириладиган барча ишлар мажмуи.

Мамлакатдаги саноат мулкларини чел элда патентлашнинг умумий максади мамлакатдаги фан ва техника ютукларидан патент эгасининг розилигисиз чет эл фирмалари фойдаланишидан химоя килишдир:

1. Саноат махсулоти экспорт химояси. Экспорт объектларида фойдаланиладиган саноат мулкларини муваффакиятли патентлаш мазкур объектларнинг ракобатбардошлигини оширади. Уларга талаб ошади, патент билан мухофазаланган товарларни анча юкори нархларда сотиш имкони юзага келади, валютаси фойдали бўлган мамлакат танланади, ташки бозорда мустахкам ўрин эгалланади.

2. Чет мамлакатларга бутловчиларни етказиб бериш химояси. Патентли саноат мулкларини мана шундай объектлар учун мазкур етказиб берувчилар патент мухофазасини таъминлайди.

3. Саноат мулкларидан фойдаланиш учун лицензиялар сотиш. Лицензион хукукий муносабатлар мохияти шундаки, хукуклар берилади ва лицензион битимга киришувчи томонлар — Лицензиат (харидор) ва Лицензиар (сотувчи) ўртасида муносабат юзага келади. Патентлашган саноат мулкларидан фойдаланиш учун лицензия сотиш шартнома (лицензион шартнома) асосида расмийлаштирилади, унга кўра патент егаси лицензиатга саноат мулкларидан фойдаланишга ижозат беради. Махсулотни экспорт килиш халкаро савдодаги мавжуд чекловлар туфайли фойдасиз бўлиб колган холларда лицензион шартномадан фойдаланилади.

4. Патентларни айирбошлаш. Ўзбекистон ташкилотлари ва чет эл фирмалари ўртасида кенг кўламдаги илмий-техникавий ва иктисодий шартномалардан кўзда тутилиши мумкин. Айирбошлаш мажбурий бўлиши хам мумкин, бунда патент хукукларига зид келиб колади, бундай хол турли талабномачиларга икки ва ундан ортик патент берилганда, шулардан битта патент асосий, бошкаларидан фойдаланиш унча боғлиқ бўлмаганда юзага чикади.

5. Ишлаб чикаришни блокировкалаш.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг фирмалари саноат мулкларини муайян тармокда ишлаб чикариш ривожининг тўхтатиш учун саноат мулкини патентлаштиради. Улар патентлашган саноат мулкини ўз корхоналарида кўлламайдилар ва бошка фирмалар саноат мулкларидан белгиланган муддат ичида фойдаланишларига рухсат бермайдилар.

Саноат мулкларини чет елда патентлаш муаллиф ёки талабнома берувчи тавсияси асосида амалга оширилади. Саноат мулкларини патентлаш бўйича иш олиб бораётган ташкилот патентлаштирувчи хисобланади.

Патентлаштирувчи ташкилот патент бериш учун талабнома материаллари, ихтиро учун бошка мухофаза хужжатларини тайёрлашни таъминлайди ва мазкур саноат мулклари бўйича хукукий мухофазага тааллукли кейинги ишларни амалга оширади. Саноат мулкларини чет элда патентлаш учун материалларни тайёрлаш патентлаштирувчи ташкилот

амалга оширади. Мамлакатнинг патентлаш қонунчилиги талабларига мувофик мухофаза хужжатлари берилишига талабнома тузишда, саноат мулкини тавсифларини чет тилларга таржима килишда, патентлаш учун патент вакиллар саволларига жавоб тайёрлашда ташкилотларга ёрдам кўрсатиш ва чет эл патент идораларини қарорларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси хўжалик хисоби асосида бажаради. Чет элдаги саноат мулкларини патентлаш бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси Патент идораси оркали ўтади. Бунда Ўзбекистон Республикаси фукаролари ва ташкилотлари учун патент олишга ваколатланган вазифасини бажаради, талабномачи хуқуқий тавсифдан ҳужжатлар (далолатнома, берганлик хужжатлари ва б.) ни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатади. талабномани чет элга жўнатади, чет эл патент идораси билан (чел элдаги патент олишга патент идорасининг ишончли вакиллар оркали) алокани амалга оширади, Патент идораси карорлари, патент олишга ваколатланган Патент идорасининг вакилларининг сўровини ва таржимасини таъминлайди, бу карор ва сўровларга жавоблар тайёрлашга, шунингдек мамлакатлар патент маъмурий, аппеляция ва бошка идораларида мамлакат саноат мулклари бўйича ишлар кўрилишида ёрдамлашади.

1.7.2. Чет элда патентлаш. Лицензион шартнома хакида тушунча

Чет элда патентлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби.

Патентлаштирувчи ташкилот, саноат мулкларини чет элда патентлаш тўғрисида карор кабул килса, агар конвенсиявий устуворлик талабномаси учун ёки бошка вазиятларга кўра бундан кўра истисно ва талаб этилмаса, саноат мулк тавсифини (унинг тушунтирувчи чизмасини) тайёрлайди. Саноат мулкларини патентлашга мўлжалланаётган мамлакатнинг патент конунчилиги ўсаётган талабларга мувофик тавсиф ўзбек ва тегишли чет тилида тайёрланади. Бу тавсиф етарли нусхада кўпайтирилади ва жўнатишдан олдин Ўзбекистон Республикасининг Патент идорасида саноат мулкини тавсифи ва чизмалари чет элда патентлаш хизмати билан келишиб олинади.

Саноат мулк тавсифи аник бўлиши, унда саноат мулкининг мохияти етарлича тўлик очиб берилиши, зарур холда, чизмага ва зарур микдорда мисолларни ўз ичига олиши керак.

Чет элда патентлаш учун талабнома материалларини тайёрлаш ва расмийлаштиришда кийинчилик сезган ташкилотларга зудлик билан Патент идорасига мурожаат этиш тавсия этилади.

У уч ойлик муддатда бу ишларни зарур холларда, мутахассисларни шунингдек патентлаштирувчи ташкилот вакиллари (саноат мулк муаллифлар) ни жалб илади. Агар чет элда патентлаш учун тавсия тайёрлашда унга илгари патентлашга тавсия этилмаган патентни илова килиш зарурати юзага келса, унда мамлакат Саноат мулкларини чет элда

патентлаш тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларга мувофиқ бу саноат мулкларига иловалар тақдим этилиши керак.

Чет элда патентлаш учун тайёрланган талабнома материалларини Патент идораси келишиб олиш учун патентлаштирувчи ташкилотга юборади, у бир ой ичида муаллифлар билан талабнома материаллари келишилганлигини таъминлайди ёки ўз мулохазаларини баён этиб, Патент идорасига қайтаради. Агар ташкилотдан белгиланган муддатда хеч қандай маълумот келмаса, Патент идораси материални келишилган деб хисоблайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам талабнома материалларини келишиб олиш билан боғлиқ ишлар конвенция устуворлигини йўқотишга сабаб бўлмаслиги лозим.

Патентлаштирувчи ташкилот, махсус сўровни кутмай, саноат мулкларини патентлаш ҳақидаги қарорни олган кундан бошлаб бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига муаллифлар, талабномачилар, ҳақидаги барча маълумотларни ихтирони патентлаш бўйича чел элда иш олиб бориш ва расмийлаштириш учун тадим етади. Ўзбекистон Республикаси саноат мулкларини патентлаш учун чет эл патент идораларига талабномани Ўзбекистон Республикаси Патент идорасига жўнатади ва улар билан ёзишмалар олиб боради.

Техника объектларининг патентга лойиклигини ва патент софлигини аниклаш тартиби.

Саноат мулкларини патентлаш билан бир каторда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан иктисодий ва илмий-техникавий алокалари ривожланиши муносабати билан патент тавсифидаги бошқа масалалар хам юзага келади. Шулардан бири, Ўзбекистон Республикаси саноат махсулотлари (машина, қурилмалар) нинг, шунингдек технология жараёнининг патент софлигини аниклаш хисобланади. Ўзбекистон Республикаси корхоналари чиқараётган буюмлар учун патент софлигини таъминлаш зарурати мамлакат ускуналарини экспорт килиш билан боғлик тарзда юзага келмоқда. Бундан ташқари чел элда корхоналар қурилишига техникавий ҳамкорлик килиш ва чел эл фирма ҳамда ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасига берадиган патентлари сонининг кўпайиши туфайли ҳам шундай зарурат пайдо бўлмоқда. Патент софлиги - патент эгасининг ҳукукий объекти билан боғлиқ тушунча. Патент эгаси ҳукукининг бузилиши бир катор мамлакатларда товарларни ушлаб олиш, жарима солиш, баъзан эса жамоа олишгача олиб келади. Патент эгаси, шундай коидабузарлик туфайли кўрган зарарини коплашни талаб этиши мумкин.

Қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш усуллари ёки қандайдир бошка объектлар қайси мамлакатда амал қилаётган патентга хилоф бўлмаса, шу мамлакатда патент соф хисобланади.

Патент софлиги тушунчасини патентга лойик тушунчаси билан аралаштирмаслик лозим. Ўртадаги фарк аввало шундан иборатки, "патент софлиги" атамасини моддий объектлар (машина, курилмалар ва х.к.) га тааллукли, "патентга лойик" атамаси эса техникавий ечимга тегишли. Патент софлиги деганда, муайян буюм бегона патент таъсири остига тушиб колмаслиги назарда тутилади.

Патент софлигига эга буюм бошка мамлакатларда мавжуд бўлган патентларга хилоф бўлмайди, шунинг учун унга нисбатан бошка патент эгалари томонидан хеч бир даъво бўлмайди. Агар буюмдаги техникавий ечимга патент олиш мумкин бўлса, унда бу ечим патентга лойик хисобланади.

Патент софлиги ва патентга лойиклик масаласи бир вактда юзага келиши мумкин, лекин уларнинг мохияти хар хил. Шундай килиб, патент софлиги техника объектининг хукукий хоссаси бўлиб, у мазкур мамлакатларда амал килувчи патентлар мутлак хукуки учинчи шахсга тааллукли деган хавфдан холи, эркин фойдаланиш мумкинлигидан иборатдир. Патент софлиги кандайдир бир мамлакатга нисбатан ёки бир неча мамлакатларга нисбатан таъминланиши мумкин. Саноат мулкларига бўлган хукукнинг худудий тавсифига кўра, кандайдир техника объекти (буюм) патенти, масалан, АКШда берилган патент таъсири остида бўлиши мумкин, шу билан бирга Хиндистонга нисбатан патент софлигига эга бўлиши мумкин. Патент софлигини аниклаш, у ёки бу мамлакатда берилган патентнинг амал килиш муддати билан хам богик. Буюмлар патент софлигига эга бўлади, гарчи улар муддати ўтган патент таъсири остида бўлса хам. Патент софлигига эга бўлмаган махсулот, хужжатларни бериш Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари ўз зиммасига олган мажбурият бузилишигагина эмас, балки моддий зарар кўришга, айрим жиддий холларда ташки савдо шартномалари бузилишига хам олиб келади. Экспортчи мамлакатда саноат намунаси патенти таъсири остида буюм хам патент софлигига эга бўлмайди. Патент софлигини корхоналар—махсулот ишлаб чикарувчилар, лойихалаш ва конструкторлик ташкилотлари томонидан махсус экспертиза ўтказиб аникланади. Патент софлиги экспертизаси (патент софлишни текшириш) мазкур объекти муайян мамлакатга (ёки бир неча мамлакатга) сотиш (фойдаланиш) мумкинлигини аниклайди ва бундай сотишни учинчи шахс патентга хилоф эмаслигини таъминлаш чораларини белгилайди. Бу мазкур мамлакатда амал килувчи барча мутлак хукукни объектга алокаси бўлган патентларни излаш, уларни тахлил килиш, шунингдек, мазкур объектни тегишли мамлакатга тўскинсиз сотишга имкон берувчи вазиятларни ўрганишдан иборатдир.

Патент софлиги патент (янгича номи аклий мулк) бўлимлари ходимларининг услубий ёрдамида мазкур объектни бевосита ишлаб чикувчи ва унинг барча ўзига хосликларини яхши билувчи конструкторлар, лойихачилар, технологлар томонидан текширилади.

Объектларни патент софлигини текшириш куйидаги холларда ўтказилади:

• натижаси тайин техникавий ечим бўлган илмий-тадкикот ёки тажриба конструкторлик ишлари якунланганда;

• объектларни ишлаб чикарганда ёки сезиларли даражада такомилаштирилганда;

• объектлар лойихаланганида, Ўзбекистон Республикаси хамкорлигида курилаётган заводлар, фабрикалар, шахталар,

электростанциялар, темир йўллар ва булар учун бутловчи жиҳозлар етказиб беришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида қуриш мўлжалланаётган иншоотлар, корхоналар ва бошқа капитал қурилиш объектлари учун етказиб беришда;

• объектларни экспоршга етказиб беришда;

• Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари техникавий хужжатларни чет элга беришида;

• мамлакат илмий-техникавий ютуклари учун чет эл фирмаларига лицензиялар сотишда;

• янги стандартлар ишлаб чиқиш ва мавжудларини қайта кўриб чиқишда;

• Ўзбекистон Республикасида ёки чет эл ярмаркаларида объектларни кўргазмасини ўтказишда. Патент софлиги таъминлаш учун масъулият буюм ёки хужжатларни ишлаб чиккан корхона ва ташкилотлар зиммасидадир. Тармоклардаги четга сотиш учун мўлжалланган машиналар, ускуналар, жиҳозлар, материаллар ва технологик жараёнлар патент софлигини таъминлашни ташкил этиш вазирлик ва муассасаларнинг вазифасига киради. Вазирлик ва муассасаларда патент софлигига текширилиши лозим бўлган машина, ускуналар, жиҳозлар, материаллар ва технологик жараёнларнинг рўйхати тузилади.

Патент софлигига текшириш ҳақидаги хулосани ўз вақтида тузиш корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятларидан ҳисобланади. Ана шу хулосалар ва бошқа материаллар асосида вазирлик экспортни амалга оширувчи ташқи савдо ташкилотлари, шунингдек, асосий етказиб берувчилар эътиборига, энг аввало, патент софлигига эга бўлмаган машиналар, ускуналар, жиҳозлар, ҳужжатлар ва ҳ.к.лар ҳақидаги маълумотни етказади. Вазирлик шундай объектларни етказиб бериш мумкинлиги, ҳақида ўз таклифини билдиради. Бирок, у ёки бу буюмни у ёки бу мамлакатга етказиб бериш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал этиш мутлақо ташки савдо ташкилотлар зиммасидадир, улар бу масалани етказиб беришни муайян шартлари (етказиб бериш ҳажми, тижорат конъюктураси ва бошка шартлар) га боғлиқ ҳолда ҳал этадилар.

Чет элга техника объектини етказиб бериш учун, буюртма ташки савдо бирлашмалари ёки бош етказиб берувчи, патент софлигига эга бўлмаган шундай объектни олувчи мамлакатга, етказиб бериш ҳақидаги карорни кабул қилади ва мазкур ҳолда чет элда мазкур объектни сотишда учинчи шахс патентига хилофлик мумкинлиги билан боғлик окибат учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикасида чикариладиган барча маҳсулотларга нисбатан текширув ва патент софлигини таъминлаш мухим ахамият касб этади. Буни хорижлик талабномачиларга бериладиган мамлакатимизда амал қилувчи патентлар микдори ошганлиги, Ўзбекистон Республикасида патент эгалари фойдаланадиган ҳукуқлар билангина эмас, балки Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулот объекти билан ҳам тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси

патент эгасининг ҳуқуқи бузилган тақдирда унинг даъвоси қўлами чиқарилган маҳсулот ҳажми ва қийматига боғлиқ бўлади.

Патент софлигининг экспертиза услубига энг умумий тарзда тўхталиб ўтамиз. Одатда, объектларнинг патент софлигини аниқлаш экспертизаси бўйича барча ишлар уч босқичга бўлинади: биринчиси, бўлажак экспертиза режасини шакллантириш; иккинчиси, патентларни излаш, уларни ўрганиш ва тахлил қилиш; учинчиси, тахлил асосида хулоса чиқариш ва тавсиялар берилувчи якуний босқич.

Экспертизанинг биринчи босқичи қуйидаги саккиз қисмдан иборат:

1. Шартни баҳолаш ва мазкур объектни самарали текшириш услубини танлаш. Бунинг учун аввало қуйидагилар аниқланади:

• текширув объекти ўзи нимадан иборат;

• агар гап экспорт ҳақида ёки техникавий ёрдам кўрсатиш ва бошқа хусусида бўлса барча, битим-шартлари қандай бўлади;

2. Қайси мамлакатга нисбатан текширув ўтказилаётган бўлса, ўша мамлакат патент қонунчилигининг ўзига хос томонларини ўрганиш. Тегишли мамлакатда қандай қонун амалдалиги, бу мамлакатда қандай объектга патент берилмайди, янгиликка қандай талаб қўйилади, патент амал қилиш муддати аниқланади.

3. Патент софлигига текшириладиган техникавий ечимни танлаш. Патент фонди бўйича қандай ечим текширишни талаб этади, қандай, объект учун аҳамиятлилигига қарамай, ўзларига маълум бўлгани туфайли текширувга эҳтиёж йўқлигини аниқлаш лозим.

4. Патент софлигига текшириш лозим бўлган бутловчи буюмларни танлаш.

5. Текширувчи объект учун техникавий ҳужжатларни саралаш.

6. Тасниф рукнларини белгилаш. Патент кидируви ўтказилиши лозим бўлган халқаро ва миллий саноат мулкларини тасниф тизимининг рукнлари рўйхатини тузиш зарур.

7. Патент ҳужжатларини танлаш. Текширилаётган объектга тааллукли барча амалдаги патентлар билан танишиш имконини берувчи патент ҳужжатлар турини белгилаш.

8. Экспертиза дастурини шакллантириш ва келишиш. Объект тавсиясига боғлиқ тарзда ҳамма кўриб чиқилган босқичлар ҳам текширилавермайди.

Экспертизанинг иккинчи босқичи қуйидаги беш қисмни ўз ичига олади.

1. Текширилаётган объектга тааллукли патентларни излаш олиб борилаётган текширувга алоқадор бўлган мамлакат патент фондидан текширилаётган объектга тааллукли барча амалдаги патентлар аниқланади.

2. Кейинги тадқиқот учун патентларни мукаммаллаштириш ва саралаш. Мукаммаллаштириш турли белгилар бўйича амалга оширилади, улар ўз кучини йўқотдими йўқми текширилади.

3. Танлаб олинган патентларни муфассал таҳлил қилиш. Экспертизанинг энг масъулиятли ва мураккаб бу боскичини белгилашдан максад танланган патентнинг амалдаги қандайдир белгилари саноат мулк формуласига киритилганлар таъсир доирасига тушишлигини аниқлаш ва уларни текширилаётган объект белгилари билан қиёслашдир.

4. Патентаналог излаш ва уни таҳлил қилиш. Бу жараёнда мамлакат имкони бўйича текширилаётган объект патент софлигига эга эмаслиги белгиланади.

5. Халақит берувчи патентларни бериш қонунийлиги ва улар фаолиятини текшириш, зарур ҳолларда халақит берувчи патентни рад этиш имкони, уни яроксизга чиқариш ёки бекор қилишни аниқланади. Масалан, етказиб бериладиган мамлакат *А* патентга эга. У бизнинг экспорт объектимизга нисбатан патент софлигига ҳам эга. Бироқ, Ўзбекистон Республикасида берилган, мазкур саноат мулкини ёки унинг қисмини патент сингари муҳофаза қилувчи гувоҳнома мавжудлиги аён бўлади. Устига-устак мазкур патент эълон қилиш патент *А* устуворлиги санасидан аввал амалга оширилган. Бундай пайтда патент *А* тўлиқ ёки қисман нотўғри берилган деб хулоса чиқариш мумкин. Малакали текширишдан сўнг патент *А* шундай патентга мос келганлиги учун, агар патент эгаси ўз даъвосини қониктиришликни қатъий талаб этса, патент берилган мамлакатда уни рад этиш масаласини қўйиш мумкин. Бунда, яна шуни эътиборга олиш керакки, ҳамма вакт ҳам берилган патент бекор қилишлик жараёнини ўзага маъкул келавермайди. Баъзан патентни рад этмаган ҳолда патент эгаси билан келишиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Экспертизанинг якуний боскичи уч қисмни ўз ичига оладиган ишлар:

1. Текширув натижалари асосидаги хулоса. Аввалги боскичлар барча қисмлари ҳар бири бўйича олиб борилган иш натижаларини атрофлича баҳолаш асосида саноат объекти ҳамма турларига нисбатан текширув ўтказилган барча мамлакатлардаги объектлар патент софлиги, ҳақида хулоса чиқарилади.

2. Объектдан фойдаланиш имкони, одатидаги тавсиялар. Халақит берувчи патентни четлаб ўтиш имкони кўриб чиқилади, лицензия сотиб олиш зарурати аниқланади ва ҳ.к. тадбирлар баҳоланади.

3. Экспертиза ҳужжатлари асосида расмийлаштириш. Эксперт белгиланган шаклда объектни патент софлигини текшируви ҳақида хулоса чиқаради ва қуйидаги иш берувчи патент формулярини тузади.

Етказиб берилувчи мамлакатда патент таъсир доирасига айрим конструктив ечимлар ёки боша экспорт объектини ташкил этувчи унсурлар кирса, бу етказиб берилувчи мамлакатга нисбатан объектни, тўликлигича, патент софлигидан махрум этади.

Объектга тааллукли курилма, усул, модда ёки уларнинг исми патент софлигига эга бўлмаса, бундай ҳолда баъзан уларда патентни четлаб ўтиш, объектни патент софлишдан махрум қилганларида тегишли ўзгариш киритиш кўзда тутилади, аммо сифат ёмонлашувига йўл қўйилмайди. Агар объект сифатини ёмонлаштирмай патентни четлаб ўтиш имкони бўлмаса,

одатда бошка йўл тутиш тавсия этилади, яъни патентлашган кисм, детал, усулга лицензия сотиб олишлик таклифи қўйилади. Бу мазкур объектни экспорт килишдан бошқаси билан алмаштириш имкони бўлмаган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Патент формуляри расмий ҳужжат бўлиб, объект (курилма, усул ва модда) патент софлигидан гувохлик беради. Мазкур ҳужжат асосида муайян объектни чет элга чиқариш мумкинлиги масаласи ҳал этилади. Унга барча ишлаб чикилаётган объект (курилма, усул, модда) ни ташкил этувчи асосий унсурлар (кисмлар, деталлар, усуллар, конструциялар) хакида маълумотлар киритилади.

Мазкур объектни ишлаб чиқарувчи корхона ёки шу буюмни ишлаб чикарувчи ташкилот ва бош корхона бошқа-бошка бўлса, бундай холда мазкур объектни ишлаб чиқарувчи корхона ёки ташкилот патент формулярини ёки унинг кисмини тегишли тарзда тузиши шарт. Корхона ва ташкилотлар экспорт объектига кирган детал, кисм ва хоказоларни тайёрлаш (ишлаб чиқариш) га буюртма олгач, экспорт объектини чикарувчи завод тайёрловчига тўлдирилган патент формулярини, буюртма олгандан сўнг тезда ёки мазкур детал ёхуд кисмларни ишлаб чикишни якунлагач юбориши шарт.

Буюртма олмаган ва бошка корхоналар экспорт объектида фойдаланадиган махсулотни чиқарувчи корхона ва ташкилотлар мазкур корхона ва ташкилотларнинг талаби бўйича патент формулярини ҳам олмай юборишга мажбур. Формулярни тегишли жадвалини тўлдиргандан сўнг тегишли курилма, усул ва модда текширилганлиги натижаси ҳақида умумий хулоса чикарилади. Объект қандай мамлакатларга нисбатан патент софлигига эга ёки эга эмаслиги умумий тарзда кўрсатилади.

Патент формулярига корхонада уни тузиш топширилган мухандис, формуляр тўғри тузилиши бўйича масъул бўлган патент бўлими мухандиси ва бош мухандис имзо кўяди.

Ўзбекистон Республикасининг техникавий хамкорлигида чет элда қурилаётган корхона лойиҳасининг патент софлигини таъминлаш баъзи ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, зарур ҳужжатларнинг тузилиш тартиби ҳам ажралиб туради. Бундай ҳолларда патент софлигини таъминлаш бош лойиҳаловчи зиммасига юкланади. Бош лойиҳаловчи лойиҳаланаётган объектдан фойдаланиш учун патент софлигига эга технологик жараёнларни танлайди. Лойиҳалашнинг илк давридаёқ у лойиҳаланаётган завод келажакда чиқарадиган махсулот патент софлигини ҳам таъминлаши шарт.

Бош етказиб берувчини талаби бўйича барча корхона ва ташкилотлар лойиҳага киритилган ўзлари ишлаб чиқадиган ёки тайёрлайдиган қурилма (усул)лар патент софлиги тўғрисида маълумотни, олмай етказиб беришга мажбурдирлар. Бу маълумотлар формулярдан кўчирмаларда ёки формулярнинг ўзида бўлиши мумкин.

Бутун объектни лойиҳалаш тугагандан сўнг бош етказиб берувчи бутун объект патент софлигига эгалиги ҳақидаги хулосани бошка бош етказиб

берувчи вазифасини ўтовчи ташкилотга юборади. Бундай ҳолда патент формуляри тўлдирилмайди.

Ҳам патентли, ҳам патентсиз (Ноу-Хау), шунингдек аралаш ҳолдаги Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ютуқларга барча чет эл фирмалари томонидан сотиладиган лицензиялар объекти барчасининг патент софлиги текширилади.

Лицензия объектлари патент софлигини таъминлаш ва ўтказиш бош корхона-лицензия объектини ишлаб чиқувчи зиммасига юкланади. Бундай ҳолда, агар лицензия объектида бошқа корхоналарда ишлаб чиқилган техникавий ечим (ҳам патентлаштирилган, ҳам патентлаштирилмаган) мавжуд бўлса, бош корхона улардан шундай техникавий ечимлар патент софлиги тўғрисидаги маълумотни (патент формулярини) талаб қилиш ҳуқуқига эга, зарур ҳолда эса эксперт хулосасини ҳам талаб қила олади, булар унга ҳақ олмай юборилади. Патент софлигини текшириш лицензия сотиш максадга мувофиклиги ҳақидаги қарорни кабул қилгунча тугалланиши керак.

Лицензия сотиш ва сотиб олиш, уларни ҳужжат асосида расмийлаштириш тартиби.

Ички ва ташқи лицензия ва патент бозори барпо этилиши муносабати билан лицензион битим, шартнома, контрактлар ишлаб чиқариш бўйича асосий коидаларни эгаллаш ва лицензиянинг мўлжалланаётган қийматни ҳисоблаш юқори даражада долзарблик касб этмоқда

Лицензия - саноат мулки объектлари, ноу-хау ва бошқа илмий-техникавий ютуқлардан фойдаланиш учун муайян тўлов асосида ҳуқуқини бериши мумкин. Буларни ҳуқуқий нуқтаи назардан икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ - ҳуқуқий муҳофазаси ички қонунчилик ва халқаро шартномалар асосида таъминланади. Булар — ихтиро, саноат намунаси, фойдали модел, товар белгилари. Иккинчи гуруҳ шундай ҳуқуқий муҳофазадан фойдаланмайдиган илмий-техникавий ютуқларга тааллуқлидир. Булар техникавий, бошқарув, иқтисодий, молиявий ва бошқа билимлар, янги техника, жараён ва материалларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва сотиш билан боғлиқ тажриба ва малакалардир.

Ҳуқуқни беришликдек ҳуқуқий омил лицензион шартнома билан расмийлаштирилади, унга мувофиқ бир томон (лицензиар) иккинчи томон (лицензиат) га шундай вазиятни - амалда ва ҳуқуқда - яратиш керакки, лицензиат шартномада белгиланган шартлар бўйича ва кўламда муайян техникавий ечимни ишлаб чиқишга жорий этиш ва фойдаланиши мумкин бўлсин, иккинчи томони эса бунинг учун тегишли ҳақ тўлаши ёки бошқача кўринишда товон бериши шарт.

Лицензион шартнома - лицензиар ва лицензиат ўртасидаги содир этилаётган савдо битими бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи технологик билимларни бериш ва ўзлаштириш хусусидаги ўзига хос савдо муносабатларини ифодалашнинг ҳуқуқий шакли. Шунинг учун лицензион шартнома тузишда битим шартномасига қатъий амал қилиш лозим. Ўзбекистон Республикаси мажбуриятини бажармаган томон, иккинчи

томон олдида жавобгар бўлади. Бундай хил битимларда кенг фойдаланиладиган масъулият шакли бўлиб, етказилган зарарни тўғридан-тўғри тўлаши шарт.

Лицензион шартнома бўйича бериладиган ҳуқуқ кўламига боғлиқ ҳолда тўлиқ, мутлақ ва мутлақ бўлмаган лицензиялар фарқланади.

Тўлиқ лицензия - асосан патент лицензияси, унга мувофиқ лицензиар (патент эгаси) Лицензиатга саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқни хеч қандай чекловларсиз муҳофаза ҳужжатининг амал қилиши учун олган бутун муддатига беради.

Мутлақ лицензия бўйича лицензиат объектдан келишилган микёсда фойдаланиш ҳуқуқини олади. Кўп ҳолларда микёс битим амал қилиш муддати ва ҳудуд бўйича белгиланади. Мана шу микёсда лицензиар ҳуқуқдан ўзи ҳам фойдалана олмайди, уни учинчи шахсга бера олмайди.

1.7.3. Саноат мулкини чет елда патентлашнинг мақсади ва вазифаси

Саноат мулки ҳуқуқи соҳасида шартнома тузганда шуни ёдда тутиш лозимки, биронта ҳам, бир-бирига ўхшаган битим бўлмайди. Шартнома мавзуи, техника соҳаси, иқтисодий вазият ва томонлар нуқтаи назари музокараларда ҳамиша турлича бўлади, шунга кўра муваффақиятли музокаралар натижаси, яъни битимнинг келишилган матни ҳар бири алоҳида ҳолда, ўз қиёфасига эга бўлади. Агар, ҳатто, намунавий лицензиявий битимлар рўйхати таклиф қилинсада, ҳар бир айрим ҳол ўзига хослигини камраб ололмайди.

Қиссадан ҳисса қилиб айтиш мумкинки, таклиф этилаётган битимлар тузилиши барча лицензиявий битимлар учун асос қилиб олинишни даъво қилмайди: мажбурий ва ўзгармас эмас. Мақсад бутунлай бошқа - ҳар қандай лицензиявий битимни тузишда албатта юзага келадиган масалаларга эътиборни қаратиш керак.

Шундай қилиб, қуйидаги бериладиган битим намуналари фақат айрим бандларнинг талқинида бахсга сабаб бўлувчи, ҳадлашувчи томонлар ўртасида суд жараёнини вужудга келтирувчи ёки учинчи шахсга нисбатан шундай ҳолат содир қилувчи сабабларга музокара давомида йўл қўйилмаганини текшириш учун хизмат қилади.

Ташқи савдо бўйича лицензия. Лицензиялар тури ва лицензион шартномаларнинг шартлари.

Ҳозирги пайтда дунёда юз бераётган иқтисодий технологик жараён шароитларида халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши учун лицензиялар сотиш йўли билан илмий-техникавий ютуқларни айирбошлашни кенгайтириш лозимдир. Лицензиялар сотиш одатдаги товарларни сотишга қараганда жадалроқ суръатлар билан бормоқда.

Патент ўзини харид қилувчига мутлақ лицензия шароитида муайян монопол ҳуқуқ беради. Саноат мулклари, патент билан муҳофазаланганда чет эл фирмалари учун кўпроқ қизиқиш уйғотади, чунки бундай вазиятда сотиб олинган лицензия зарур техникавий маълумотдан ташқари фирмага буюм

ишлаб чикиш ва сотишда монопол хукук (лицензиявий шартнома доирасида) беради.

Хар кандай холатда хам патент олинган ёки талабнома берилган ихтиродан фойдаланиш хукуки лицензиянинг мавзуи бўлавермайди. Кандай холларда патентсиз лицензия сотиш амалга оширилади? Шулардан бири — техникавий ечим атайин патентлаштирилмаганда ёки техникавий мохият ошкор этилиши туфайли патентлаштириш имкони кўлдан чикарилганда. Шу билан бир вактда бошка фирма мазкур ечим ишлаб чиқилган фирма томонидан кўрсатиладиган техникавий ёрдам ва унинг ишлаб чикариш тажрибасисиз мазкур фаолиятни удалай олмайди. Баъзан ишлаб чикариш тажрибасини умуман патентлаштириб бўлмайди, у патентга лойиқ эмас.

Оддий (мутлак бўлмаган) лицензияда Лицензиар лицензиатга тегишли махсулотни ишлаб чикариш ва сотиш хукукини беради, лекин шу билан бирга худди шундай хукукни ўзида хам колдиради. Демак, бир неча оддий лицензия сотиш мумкин, яъни бир неча фирмага муайян буюмни тайёрлаш ва сотишга ижозат берилади, бундан ташкари лицензиар саноат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукукини ўзида саклайди. Мутлак лицензия битта шахсга битим шартларида белгиланган хажмда лицензия объектидан якка холда (монопол) фойдаланиш хукукини беради. Бундай холда шундай хукукга ким лицензияни сотиб олган бўлса, ўша эга бўлади ва энди хеч ким, хатто, лицензиарнинг ўзи хам кайд этилган хукукга эга бўла олмайди. Икки турдаги лицензияни таккослаш шуни яккол кўрсатадики, лицензиатга энг кўп имтиёзни мутлак лицензия беради, чунки бошка фирмалар томонидан бўладиган ракобатни истисно этади, шунингдек, битимда белгиланган бозорда тегишли буюмни сотиш учун кўпрок имкон беради. Аммо, мутлак лицензия берадиган хукук турли йўллар билан чекланиши мумкин.

Биринчидан, лицензия мавзуи бир гал факат буюм ишлаб чикариш бўлса, бошка гал - хам ишлаб чикариш ва буюмни сотиш бўлиши мумкин, кўпинча, амалиётда кейингиси учрайди. Иккинчидан, лицензия объектидан фойдаланишни худудий чеклаш мумкин, яъни лицензия муайян худудгагина тааллукли бўлади. Масалан, француз фирмаси буюмни ишлаб чикиш, уни Францияда ва бошка айрим мамлакатларда сотиш хукукини кўлга киритди. Лицензион шартномада бундай пайтда фирма ўз буюмини сотиши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхати тўғридан-тўғри кўрсатилади. Бошка мамлакатлар бу хукук доирасидан четда колади. Учинчидан, микдорий чеклов кўлланилади. Масалан, фирма-лицензиар лицензиатга буюмни муайян кувватга эга учта корхонада, махсулот чикаришнинг аник йиллик микдорини белгилаган холда бериши мумкин, яъни чикарувчи ўша буюмлар микдорига нисбатан чеклов ўрнатилади, бошкача айтганда саноат мулкларидан фойдаланиш хажми чекланади.

Лицензион битимларнинг энг оддийлари кандай? Сотувчи саноат мулки бўйича техникавий хужжатларни бериш ёки ноу-хау, ёки ёрдам кўрсатиш учун мутахассислар юбориб ишлаб чикаришни йўлга кўйишда ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади. Бу—лицензиарнинг асосий

мажбурияти. Лицензиат мажбурияти эса —лицензия учун хак тўлаш. Битимларда белгиланган минимал хажмларда саноат мулкидан фойдаланиш ёки ноу-хау кўзда тутилиши мумкин, чунки бундай фойдаланиш лицензияга хак тўлаш ("роялти" тарзида) учун асос хисобланади.

Лицензияни сотишда, аник белгилаш — лицензия савдосидаги энг мураккаб масала. Тезланадиган хак, факат бир йўла (паушал) тўлов тарзида белгиланиши мумкин.

Аммо, бу - кам учрайдиган хол. Кўп холларда хак йиллик тўлов тарзида, лицензия амал килувчи бутун муддат мобайнига белгиланади. Бундай тўлов, одатда, тайёрланган ёки сотилган хар бир ягона буюмдан фоиз тарзида ажратилади (роялти).

Хак мисторини белгилашда куйидаги турли омиллар хисобга олинади: саноат мулк ёки бошка техникавий ютукдан фойдаланиш самараси кандай, сотувдан кандай фойда олинади, буюмни ишлаб чикишда кандай тежамкорликка эришилади ва шу кабилар.

Лицензия амалиётида, одатда, аралаш тизим кўлланади, бунда шартномага имзо кўйишида, ёки у кучга киришида бошланғич тўлов (паушал тўлов), кейинчалик йиллик тўловлар кўзда тутилади.

Лицензшшарни сотиш, сотиб олиш ва айир-бошлаш бўйича таклифлар тайёрлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикасида чет элга илмий-техникавий ютуклардан фойдаланишга лицензиялар сотиш ва чет эл лицензияларини сотиб олишга рухсат берувчи тартиб ўрнатилган. Бунинг моҳияти шундайки махсус ваколатли идора сиймосидаги давлатнинг рухсатисиз бирорта лицензия четга сотилиши ва четдан сотиб олиниши мумкин эмас. Шундай тартибни жорий этиш натижасида давлат лицензиясидан чет элда фойдаланиш, давлат манфаатларига зид келмаслиги устидан назоратни ўрнатади. Назорат самарадорлигига давлат хар бир саноат мулкига лицензия асосида чет элда фойдаланишга рухсат бериши туфайли эришилади. Бундай лицензия сотиб олишга хамма алокадор, чунки бундай харид халк хўжалигини ривожлантириш муаммосини хал этишга кўмаклашиши лозимдир.

Саноат мулки ва бошка, илмий-техникавий ютукларга лицензиялар сотиш бўйича ишларга раҳбарлик, шунингдек, чет эл лицензияларини сотиб олиш, хамда чет элда лицензиялардан фойдаланишни назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юкланган.

Лицензия сотиш ва сотиб олиш бўйича таклиф тайёрлаш хусусидаги ишларнинг бошка, ўзига хос жиҳати, бу иш режалаштирилишидадир. Вазирлик ва муассасалар, коидага кўра, лицензия сотиш, хакидаги таклифни тегишли режага киритади. Давлатнинг иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасида "лицензия сотиш" бўйича махсус кисм бор. Режага киритиш лицензия сотишга рухсатни англатади. Агар лицензия сотиш масаласи чет элга лицензия сотиш режаси тузилган ва тасдиклангандан сўнг юзага келган бўлса, ундан лицензия сотиш хакидаги карор Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан кабул килинади.

Лицензия сотиш бўйича ишлар тартиби ва инжиниринг тарзида хизмат кўрсатиш ҳакидаги йўриқномага кўра лицензиялар сотиш ҳакидаги ўз таклифларини тегишли вазирлик ва муассасага тақдим этувчи ташкилот ва корхоналар ўз таклифларига махсус материаллар (лицензия паспорти, патент тадкикотлари тўғрисидаги ҳисобот, техникавий даражани тавсифловчи, объект патентга лойиклиги ва патент софлигига эгалиги, объектнинг техникавий-иктисодий самарадорлиги ҳисоб-китоби, саноат мулк тавсифи бошка муайян маълумотлардан иборат кўчирма) ни илова килишлари лозим.

Бу материаллар бир томондан у ёки бу ютукга лицензия сотиш максадга мувофиклигини белгилаш имконини берса, иккинчи томондан бўлажак лицензион битимни тайёрлашга кўмаклашади. Мана шунинг учун ҳам материалларни тақдим этишда лицензион шартноманинг катор шартлари ҳисобга олинади. Хусусан, лицензия объектини ишлаб чиқиш билан боғлик илмий-тадкикот ишлари ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларига кетадиган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Лицензион паспорт мавзуига тааллукли ишни техникавий хужжатлар ҳажми тўғрисида маълумот берилади, бу ҳужжатлар ким томонидан тайёрланиши ва кўргазмага кўйиш учун намуна тайёрланиши мумкинлиги маълум килинади, ҳамда бошка маълумотлар бўлади.

Лицензион паспорт — объект хорижлик харидорга таклиф этилиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳужжат.

Лицензия сотиш ҳакидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни тақдим этишда ташкилот (корхона) лицензия мавзуига кирувчи, саноат мулк номини, саноат мулки муаллифлари, талабнома раками, шунингдек, саноат мулкини патентлашнинг аҳволи ҳакидаги маълумотни албатта маълум қилиши шарт.

Техникавий ҳужжатни ишлаб чиқувчи тегишли институтлар ёки корхоналар лицензия сотиш ҳакида таклиф киритган холларда патент софлиги экспертизасини ўтказади.

Лицензия объекти самарадорлигини оширишда техникавий-иктисодий ҳисоб-китобни тузиш муҳим аҳамиятга эга. Унда тайёрловчи фирмалар кўрсатилган холда айни шундай чет эл ва мамлакат курилмалари ёки ҳозирда кўлланаётган технологик жараёнлар хусусида қисқача таҳлил берилади. Техникавий-иктисодий ҳисоб-китоб техника объекти ёки технологиядан саноатда фойдаланиш иктисодий самарасини акс эттириши лозим.

Корхона, ташкилотларнинг кейинги мажбурияти объектни нимага мўлжалланганлиги, кўлланиш соҳаси, кафолатланган асосий кўрсаткичларини акс эттирган ҳолдаги қисқача техникавий тавсифдан иборат реклама материалларини тайёрлашдан иборатдир.

Материаллар лицензия объектини реклама килиши лозим, лекин шу билан бирга улар саноат мулк моҳиятини очиб кўймаслиги лозим, акс ҳолда лицензион битим қайсидир даражада ўз моҳиятини йўкотади.

Чет эл фирмалари билан музокара олиб бориш учун зарур хужжатлар лицензияларни тижорат асосида сотувчи ташки савдо ташкилотларига берилади.

Лицензия сотиб олиш ҳақидаги таклифларга бир катор талаблар қўйилади. Тегишли таклиф киритувчи корхона (ташкилот), муайян маълумотларни бериши лозим, уларни кўриб чиқишда лицензияни сотиб олиш максадга мувофиклиги аниқланиши мумкин.

Лицензия сотиб олиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун фирмани техникавий тажрибаси кандай микёсда сотиб олинишини белгилаш зарур (масалан, техникавий ёки технологик ҳужжатлар, ноу-хау, техникавий ёрдам ва бошқалар).

Лицензия сотиб олиш ҳакида таклиф ишлаб чикаётган корхона (ташкилот), катор маълумотларни беради, шулар асосида кейинчалик чет эл фирмаси билан музокара олиб борилади. Булар, аввало, лицензияни сотиб олишда қўйилиши керак. Лицензия бўйича ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда чет эл мутахассисларини, улардан кайси корхоналарда фойдаланилишини кўрсатган ҳолда, қабул қилиш мумкинлиги ва зарурлиги белгиланади.

Лицензияни сотиб олиш максадга мувофиклиги масаласини ҳал этишда объект техникавий даражасини ва унинг жаҳон техника даражасига мослигини, лицензия объекти янгилиги ва илғорлигини патент материаллари ва саноат маълумотлари бўйича аниклаш муҳим аҳамиятга моликдир.

Вазирлик ва муассасалар, шунингдек айрим корхоналарнинг вакиллари лицензияни сотиш бўйича чет эл фирмалари ва ташкилотлари билан олиб бориладиган бошланғич музокараларда иштирок этадилар. Барча бошланғич ишлар тугагандан сўнг тегишли ташқи савдо ташкилотлари лицензион шартнома тузадилар, унда лицензияни бериш шартлари белгилаб қўйилади.

Лицензияни сотишда Ўзбекистон Республикасида бош етказиб берувчи вазифасини вазирлик ва муассасалар бажаради. Ташқи савдо ташкилотлари бош етказиб берувчига буюртма-топшири бериш ҳуқуқига эга, бош етказиб берувчи эса бажариш учун қабул қилиши лозим.

Вазирлик (муассаса) лицензия объектини бош етказиб берувчи сифатида лицензион шартномада кўзда тутилган мажбуриятини бажаришга масъул идора вазифасини вазирлик ва муассасалар бажаради. Ташқи савдо ташкилотлари бош етказиб берувчига буюртма-топширик бериш ҳукукига эга, бош етказиб берувчи эса бажариш учун қабул қилиши лозим.

Вазирлик (муассаса) лицензия объектини бош етказиб берувчи сифатида лицензион шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун жавобгардир, яъни: лицензия мавзуи кафолатланган техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари учун; шунингдек, лицензион шартномада кўзда тутилган томонлар мажбурияти бажарилиши учун; лицензия сотиб олган фирмага техникавий ёрдам, техникавий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ва бериш бўйича; намуналарни етказиб бериш бўйича; лицензия сотиб олган корхонага мутахассисларни юбориш ва чет эллик мутахассисларни мамлакатимиз корхоналарида ўқитиш бўйича; лицензиянинг такомиллаштирилган ва мавзуини харидорга бериш; патент ҳуқуқи ва бошқаларни муҳофазалаши керак.

Лицензияни сотиб олишда вазирлик ва муассаса ишни ўз вактида ташкил этиш ва сотиб олинган лицензиялар бўйича махсулот экспортини кенгайтиришни таъминлаши лозим.

Таянч сўзлар.

Объект, мулк, илмий, ихтиро, кашфиёт, иатент, лицензия, сифат, аниклаш, иш, хизмат, конун, талб, чиккан, сертификат, мажбурият, тартиб, шартнома, муаммо, муаллиф, хукук, бажарилган, тузиш, таклиф, тартиб, олиш, аниклаш, экспертиза.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Патент, лицензия ва сертификат тушунчаларини изохлаб беринг?
2. Патент, лицензия ва сертификат олиш учун шартнома тузиш шартлари?
3. Патент, лицензияларни чет элда патентлашга кўйиладиган талаблар?
4. Саноат мулкини ва хизматларни чет элда патентлашнинг сабаби ва вазифаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. 1993 йил 7 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЕҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил майда кабул килинган
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, - 1994 йил 6 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг карори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 феврал.
6. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига

бағишланган Вазирлар Макамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 феврал.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент. Меҳнат. 2001, 384 б.
10. Интеллектуалная собственност. Словар-справочник. М.: Илфра-М, 1995, 112 с.
11. Инструкция по проведению патентно-информационного поиска при экспертизе заявок на изобретения в Государственном патентном ведомостве Республики Узбекистан. //Расмий ахборотнома, №2, 2000 г.
12. Омарова Т.В. Информационно-поисковое языки информационно-поисково` системо` - М.: ВНИИПИ, 1990, 84 с
13. Румянцева Н-Л. Международная и национално` классификатсии 14. Патентоведение. Под редакцсией Рязенцева В.А. - М,: Машиностроение, 1984, 352 с.

1.8. Патент ахбороти

1.8.1 Халқаро патент таснифи.
1.8.2. Патент ахборотини қидириш усуллари. Маълумотлар базалари билан ишлаш, жаҳон мамлакатлари патент хужжатлари.

1.8.1 Халқаро патент таснифи

Бугунги кунда замонавий техник билимлар, ихтиролар саноат намуналари ва ҳакозалар тўғрисидаги ахборотнинг қанчалик муҳимлиги барчага аён. Аник ва ўз вақтидаги ахборотга эга бўлиш аксарият ҳоларда муваффакият ва мағлубият ўртасидаги фаркни билдириши мумкин. Масалан, янги ихтиролар тўғрисида ахборотга эга бўлмаган ҳар кандай тадкикот институти кимдир аллакачон ҳал килиб кўйган муаммо устида тадкиқот олиб бораётганини аниклагунча канча вакт ва маблағни бехуда сарфлаши мумкин.

Бундай ўзини оқламайдиган таваккалчиликларга факат бир усул – ҳар кандай лойиҳани тегишли ахборот тадкикотлари ўтказишдан бошлаш билан йўл қўймаслик мумкин.

Патент ахборотини универсал ахборот ресурси деб аташ мумкин, чунки у хам катта тижорат қимматига эга, хусусан:

1. Патент ахбороти доимий равишда ҳажми ошиб бораётган замонавий техника ютукларидан тез ва тўла хабардор бўлиб бориш имконини беради. Патентлар ҳамма вакт энг сўнги ахборотни беради, чунки бозор иктисодиёти ва ракобат кураши ихтирочилар (ёки уларнинг иш берувчилари)ни ўз ғояларини патентлашни биринчи навбатдаги вазифа деб хисоблашга мажбур килади. Чунки бир хил ихтирога талабнома берувчилар ичида биринчи бўлиб талабнома берган киши патент олади ва демак бу патентдан келиб чиқадиган ҳукукларга эга бўлади;

2. Муҳим ҳуқуқий ахборотлар, масалан, патент билан мухофазаланган

ихтиро хажми, мутлак хукукларнинг амал килиш муддати ва хоказо тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олади;

3. Нафакат муайян интеллекуал мулк объектларини иктисодий тахлил килиш, балки техника, ишлаб чикариш тармоклари, тадбиркорлик фаоллигининг ривожланишини кузатиш имконини беради ва хоказо;

4. Бундан ташкари, патент ахбороти патент эгалари, ихтирочилар, уларнинг патент агентлари билан алока боғлаш учун улар тўғрисидаги (манзили, телефонлари ва х.к.) фойдали ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Бу лицензия шартномалари тузиш, патентланган махсулотни сотиш ёки сотиб олиш, хамкорликда илмий тадкиқот ишлари ёки инновация лойиҳаларини бажариш учун зарур бўлган амалий алокаларни тезда ўрнатиш имконини беради.

Патент ахборотини талабнома берилган ва саноат мулки объектлари (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари) сифатида тан олинган турли техник ечимлари ва ишланмалар тўғрисидаги, шунингдек патентлар ва ушбу мулкка тегишли субъектларнинг ҳуқуқий макоми тўғрисидаги ахборот деб аташ мумкин.

Тузилиши жиҳатидан патент ахбороти шартли равишда қуйидаги ахборот ресурсларига бўлинади.

1. Патент хужжатлари, у ўз ичига расмий чоп этилган патент олиш учун берилган талабномалар ёки патент берилган ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарининг тавсифлари, шунингдек рўйхатга олинган товар белгилари тўғрисидаги маълуотларни олади. Қайд этиб ўтамизки, кўп мамлакатларда патент олишга берилган талабномалар Патент идоралари ўтказадиган ва талабнома берилган ихтирога карши бўлган бир катор материалларни ўз ичига оладиган патент кидирув тўғрисидаги хисоботлар билан бирга нашр этилади.

Патентга боғлиқ адабиётлар, у дастлабки патент хужжатлари: рефератлар, аннотациялар, формула бандларини тахлилий синтетик кайта ишлаш натижасидаги турли материаллардан иборат бўлади. Бундай материаллар одатда, таркибидаги ахборотнинг характери ва максадига кўра ихтисослашган турли реферативёки обзорларда чоп этилади.

Патент ахборотининг техник ва тижорат ахборот манбаи сифатида юкорида санаб ўтилган афзалликларига патент хужжатларининг куйидаги ўзига хос хусусиятлари туфайли эришилади:

1. Барча патент хужжатлари бир хил тузилишга эга.

Хар бир ихтиро тавсифида ихтиродан олдинги техника даражаси очиб берилади ва ихтиронинг ушбу техника даражасига кўшган хиссаси (унинг янгилиги) ажратиб кўрсатилади. Бу патент хужжатидан фойдаланувчига бошка илмий-техник адабиётларни ўрганмасдан туриб хам ихтирони тахлил килиш имконини беради, шунингдек шу соханинг технологик ривожланиш тарихини очиб беради.

2. Патент хужжатлари факат ғоянинг ўзини очиб берибгина колмай, балки, одатда уни саноатда амалий қўлланиш имконияти тўғрисидаги муфассал ахборот (муайян мисоллар)ни беради. Аксарият

холларда патент хужжатлари бошка адабиётларда чоп этилмайдиган ахборотларни беради. Масалан, Америка мутахассисларининг бахолашича, АҚШ патентларида очиб берилган технологияларнинг камида 70 % патент адабиётларидан бошка адабиётларида очиб берилмаган.

3. Патент хужжатлари тасниф рамзларига эга бўлиб, улар патент хужжатларини уларнинг мазмуни кайси техника сохасига тегишли бўлса, шу сохага мувофик таснифлаш имконини беради. Бу эса ахборот кидирувини осонлаштириш учун патент ахбороти массивларига ишлов бериш ва системалаштириш имконини беради.

4. Барча патент хужжатлари библиографик маълумотлар билан таъминланади, улар хукукий маълумотлар, масалан, патент берилган сана, ихтиронинг устуворлик санаси, талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотлар ва бошкалар келтирилади. Патент хужжатларини кидириш ва ишлов беришни енгиллаштириш учун библиография умумкабул килинган махсус коддар бўйича системалаштирилади.

5. Патентлар таркибида реферат бўлиб, у ахборот кидирувини тезда, ихтиро тавсифи ва формуласига факат зарурият туғилгандагина бевосита мурожаат килган холда, амалга ошириш имконини беради.

6. Тасниф рамзларининг мавжудлиги ва библиографик маълумотларнинг кодланиши автоматлаштирилган маълумот-ахборот тизимлари маълумотлар базаларини яратиш имконини беради, улардан ахборот тадкикотлари ўтказишдан кенг фойдаланилади.

БИМТнинг статистик маълумотларига кўра жахонда бир йилда бериладиган талабномалар сони 1,5 млн. дан ошади. Ярим миллиондан ортик талабнома патентга айланади. Бугунги кунда дастлабки патентлар пайдо бўлган вактдан бошлаб канча патент хужжатлари чоп этилганлиги тўғрисида аник статик маълумотлар йўк. Лекин тахминан уларнинг сони 40 млн. дан ортикни ташкил этади. Табиийки, патент хужжатларининг асосий кисми етакчи индустриал ривожланган мамлакатларга тўғри келади.

БИМТ стандартлари (PCT шартномалари) билан ихтироларга патент берилиши сўрлаган талабноалар бўйича патент-ахборот кидируви ўтказишда Патент идоралари (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси) таянадиган патент хужжатлари минимуми белгиланганда. Ушбу минимум ўз ичига 1920 йилдан бошлаб Буюк Британия, Германия, Россия (собик СССР билан бирга), АҚШ, Франция, Швейцария (факат француз ва немис тилларда) ва Японияда нашр этилган патент хужжатларини олади. Бу минимумга шунингдек Европа патент идораси нашрлари ва БИМТ нашр киладиган PCT халкаро патент талабномалари киради.

Ахборот кидируви техниканинг у ёки бу сохаси ривожланган бошка мамлакатлар бўйича хам ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон патентини олиш учун талабнома талабнома берувчилар албатта Ўзбекистон Патент хужжатлари бўйича ахборот кидируви ўтказишлари шарт. Патент ахбороти кидирувини олиб бориш мамлакати кидирувининг вазифасидан келиб чикиб танланиши керак. Масалан, ихтирони Австралияда патентлаш мўлжалланаётган бўлса, ахборот кидируви ўз ичига Австралия патент

хужжатларини олиши зарур.

Ахборот кидируви олиб боришда патент хужжатларининг у ёки бу мамлакатнинг муайян қонунчилигига боғлиқ бўлган бир нечта турлари мавжудлигини билиш зарур.

Патент хужжатларининг муайян турлари ихтиро тавсифларида БИМТнинг Ст 16 стандарти бўйича харфий рақамли кодлар билан белгиланади. Ўзбекистоннинг бош патент фонди давлат патент кутубхонаси (Тошкент ш.) хисобланади. Бу фондда жахоннинг 57 дан ортиқ мамлакатидан тўпланган ихтироларнинг тавсифлари ва патент бюлетенлари сакланади.

XX асрнинг охирларида Бутун жахон Интернет тармоғининг таркалиши муносабати билан патент ахборотидан фойдаланиш ва унга ишлов бериш самарадорлигини оширишда янги боскич бошланди. Янги ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилиши бир вактнинг ўзида сони чегараланмаган истеъмолчиларнинг патент ахбороти бўйича маълумотлар базалари захираларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар очиб беради. Йирик маълумотлар базаларининг ривожланиши билан патент ахборотининг элтувчилари сифатида оптик дисклар ва кичик патент фондларига эхтиёж пасаяди. Ҳар бир фойдаланувчи ўз иш жойини тарк этмаган холда ўзининг компютери оркали керакли ахборотни осон топиши мумкин.

Бугунги кунда энг тўлиқ ва фойдаланиш учун кулай маълумотлар базалари қуйидагилардан иборат:

- EPO espacenet (манзили: http://www.epo.org)/espacenet), у оркали Европа Патент идорасининг патент хужжатлари, PCT, Европа мамлакатлари, шунингдек АҚШ, Япония, Канада ва бошка мамлакатларнинг талабномасини кидириш мумкин;
- БИМТ маълумотлар базалари (манзили: http://ipdl.wipo.int), унда PCT талабномалари, АҚШ, Европа, Лотин Америкаси мамлакатлари патент хужжатлари мавжуд;
- АҚШ Патент идораси маълумотлар базалари (http://www.uspto.gov/web/menu/), у 1976 йилдан бошлаб тўпланган тўлиқ матнли ва реферативь маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконини беради.
- Россия саноат мулки федерал институти маълумотлар базалари (http://www.fips.ru), у ахборотни рус тилида кидириш учун қулайдир;
- Девент фирмасининг маълумотлар базалари (http://www.dervent.com/). у 1963 йилдан бошлаб тўпланган фармацевтика бўйича хужжатлар, 1995 йилдан бошлаб тўпланган кишлоқ хўжалиги ва ветеринария бўйича хужжатлар, шунингдек жахоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан бошка тармоклар бўйича талабнома ва патентларни ўз ичига олади.

Жахон маълумотлар базаларига кириш учун Интернет тармоғидан фойдаланиш патент ахборотини тезкор кидириш ва ишлов бериш учун янги имкониятлар очиб беради.

Халкаро патент таснифининг максади ахборотни тезда кидириб топиш ва ишлов бериш имкониятини таъминлаш учун патент хужжатларини системалаштириш (тартибга солиш) тизимини яратишдан иборат. Қабул килинган таснифлаш тизими асосида патент фондларида патент хужжатлари индексацияланади ва жой-жойига қўйилади, маълумотлар базаларида ахборот кидирилади ва хоказо.

1.8.2. Патент ахборотини кидириш усуллари. Маълумотлар базалари билан ишлаш, жахон мамлакатлари патент хужжатлари

ХПТ ташкил этиш тарихи 1951 йилда, Европа патент ишлари бўйича кенгаши томонидан Патент таснифи бўйича кичик комитет ташкил этилган вактдан бошланади. Бу комитет, бир катор Европа давлатлари ўртасидаги келишувга мувофик, ўша вактда кўлланилаётган ихтироларни таснифлашнинг турли миллий тизимларини унификацялаштириш ишларини бошлади.

1954 йилда ХПТнинг асосий схемаси тузилди. 1966 йилда ХПТнинг кичик гурухларгача бўлган аникликдаги ишланмаси (тўлик схемаси) ни ишлаб чикиш ишлари тугалланди ва у 1968 йилнинг 1 сентябридан бошлаб кучга кирди. 1971 йилда Халкаро патент таснифи бўйича Страсбург битими тузилди. Ушбу битимнинг иштирокчилари факат 29 давлатдан иборат бўлса хам, аслида жахоннинг 70 дан ортик мамлакатидаги Патент идоралари, шунингдек минтакавий патент идораси хам ХПТдан фойдаланади. ХПТнинг доимий равишда кайта кўриб чикиш ва унинг замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун Страсбург битимига мувофик экспертлар комитети таъсис этилган бўлиб, битимнинг иштирокчи давлатлари вакиллари унинг аъзосидир. ХПТ мунтазам равишда хар беш йилда бир марта кайта кўриб чикилади 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб ХПТнинг еттинчи тахрири амал килмокда.

ХПТ бўйича асосий нашр бу синфлар кўрсаткичи бўлиб, хар бири лотин алифбосининг бош харфлари билан белгиланадиган 8 та бўлимдан иборат:

A – Инсоннинг хаётий эхтиёжларини кондириш;

B – Турли технологик жараёнлар;

C – Кимё ва металлургия;

D – Тўкимачилик ва коғоз;

E – Курилиш;

F – Амалий техника; ёритиш ва иситиш; двигателлар ва насослар; курол ва ўк дорилар;

G – Техник физика;

H – Электр.

ХПТнинг хар бир бўлими синфларга бўлинади. Синф рамзий ифодасига бўлим индекси ва иккита ракам киради. Хар бир синф шунингдек ўз номига эга. Мисол, A – Инсоннинг хаётий эхтиёжларини кондириш бўлими ўз ичига “A 01 кишлок хўжалиги” “A 61 Тиббиёт” ва хоказо

синфларни олади.

Ўз навбатида синфлар кичик синфларга бўлинади, уларнинг рамзий ифодасига лотин харфи билан белгиланадиган бўлим номи, икки хонали сондан иборат синф белгиси ва кичик синфни билдирувчи лотин харфлари киради. Мисол, "А 01 кишлоқ хўжалиги" синфи "А 01 D хосилни йиғиб-териб олиш, ўрим,..." ва хоказо кичик синфлардан иборат.

Кичик синфлар ўз ичига гурухларни олади. Гурухларнинг рамзий белгисига бўлим индекси, синф, кичик синф белгисидан ташқари битта, иккита ёки учта рақамдан иборат ифода киради, бу ракамли ифодадан кейин кия чизиқ ва иккита ноль қўйилади. Мисол, "А 01 D 46/00 Мевалар, сабзавотлар, хмель ва хоказоларни йиғиштириб олиш, дарахт ва буталарни силкитиш қурилмаси".

Хар бир ХПТ гурухи биттадан бир нечтагача кичик гурухларага эга бўлиши мумкин. Мисол: "А 01 D 46/08 Пахта терими" ва хоказо.

Муайян кичик гурух индекси ва унинг матн билан очиб бериладиган (масалан, индекс Н 10 Н 23/00; унинг мохияти Тумблер кайта улагичлар) мохияти ХПТ рукниси деб аталади.

Одатда ХПТ рукни куйидаги тушунчалар тоифасини билдиради:

1. Мухофаза қилинадиган объектлар, яъни қурилмалар, усуллар, моддалар турларига мувофиқ равишда маҳсулотлар жараёнлар (мисол: "А 01 D 46/10 ~ўза кўсагини поядан ажратиш учун пахта териш машиналари");

2. Фаолият сохасининг белгиси (мисол: "А 61 Тиббиёт ёки ветеренария").

Биринчи гурух белгилардан ХПТнинг барча даражалари учун фойдаланилади. Иккинчи гурух, одатда, иерархиянинг юкори даражаларида (кичик синф ва ундан юкори) уларга қўшилади.

ХПТ иерархик тузилма бўлганлиги сабабли, кичик гурухлар хам бир-бирига нисбатан бўйсунишида иерархик тузулишга эга. Бунда бир кичик гурухнинг ундан юкори гурухга бўйсуниш даражасини, хусусан кичик гурух унга нисбатан битта кам нуктага эга бўлган якин юкори рукнга бўйсунадиган рукн эканлигини кўрсатади. Бунда рукнлар матни олдидаги нукта иерархия бўйича каттарок гурухнинг матнини такрорламаслик учун унинг ўрнида қўлланилади. Масалан, Н 01 F 1/00 – "Таркибида каттик магнитли кукунсимон металлар ёки котишмалар бўлган магнитлар ёки магнит жисмлар" рукнининг матни куйидагича ташкил топади:

Н 01 F 1/00 Магнит материали бўйича фарқланадиган магнитлар ёки магнит жисмлар

1/02. таркибида каттиқ магнит материаллар

1/04.. металлар ёки котишмалар

1/06... заррачалар шаклида, масалан кукун.

ХПТ рукнлари матнининг ўзига хос мухим хусусияти объектларни белгилаш учун факат умум кабул килинган техник атамалардан эмас, балки уларнинг вазифасини кўрсатадиган атамалардан фойдаланилишидир, масалан, ўзиюрар транспорт воситалари ("автомобиллар" ўрнига) ёки иссиқликни изоляцияловчи кобикли идишлар ("термослар" ўрнига). Бу

хусусият патент хужжатларининг хукукий характери, хусусан ихтиро хажмини белгилаш талаблари билан боғликдир.

ХПТнинг баъзи бир рукнлари изохлар ва хаволалар шаклидаги "ички маълумот-кидирув аппарати" билан таъминланади. Бундай хаволалар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Рукн хажмининг чекланганлигини кўрсатади. Мисол: бундай хавола у билан белгиланган мавзу шу рукннинг матни билан камраб олинганлигига карамай, у таснифлаш тизимининг бошка жойига киритилишини билдиради.

2. Бошка рукнларнинг устунлигини кўрсатади. "А 42 В 3/02 Баргли ёки майдаланган тамакини намлаш ёки куритиш (3/12 устунликка эга); А 42 В 3/12 Тамакини буғлаш, ферментлаш ёки ароматлаш". Бундай хавола кўрсатилган бошка рукн устунликка эгалигини кўрсатади, яъни ихтиро бир вактнинг ўзида шу икки рукнга тенг киритиладиган холларда уни шу рукнларнинг бирида – А 42 В 3/12да таснифлаш максадга мувофиклигини билдиради. Бу мисолда буғлаш, намлашнинг бир тури сифатида А 42 В 3/12 рукнида индексацияланади, тамакини намлашнинг бошка усуллари эса А 42 В 3/02 рукнида индексацияланади .

3. ХПТнинг баъзи жойлари ва кичик бўлимларида охирги мос рукн коидаси жорий килинган. Яъни, ихтиронинг техник мохияти эга бўлган икки ёки ундан ортик рукн билан камраб олинадиган бўлса, бу коидага мувофик ихтиронинг техник мохияти ушбу рукнлардан факат охирги рукнда тавсифланади. кайд этиб ўтамизки, бу коида тегишли изохлр бўлган холлардагина, кўлланилади. Масалан, А 61 К, С07, С08, С10 ва бошка синфларда.

ХПТдан фойдаланишни енгиллаштириш учун синфлар кўрсаткичига тўлик йўрикнома – ХПТга кириш илова лилинади. Шунингдек ихтиро мохиятига оид мухим сўзлар бўйича тегишли индексларни топиш имконини берадиган Алифбо-предметли кўрсаткич ХПТнинг таркибий лисми хисобланади. Фойдаланувчиларга кулайлик яратиш учун ХПТга мухим атамалар кўрсаткичи (у гурухлар рукнлари номидан мухим атамаларни ажратиб олиш йўли билан яратилган АПКнинг бир вариантидан иборат), Тескари хаволалар кўсаткичи (масалан, А рукни учун бошка исталган рукндан А рукнига далиллар келтирилади) ва ХПТ турли тахрирларининг бир бирига мослик кўрсаткичлари хам чикарилади.

ХПТда йўрикномага мувофик ихтироларни индексациялашнинг куйидги асосий коидалари кўлланилади.

1. Энг аввало, ихтиронинг техник мохиятини тўғри белгилаб олиш зарур. Масалан, янги поршень ихтиро килинган бўлса, ихтиронинг асосий предмети поршеннинг ўзи ёки уни кандайдир курилма масалан ИЁДда жойлаштириш учун поршеннинг махсус мосламаси эканлигини аниклаб олиш зарур;

2. Шундан сўнг ихтиро предмети тегишли курилмалар синфи (кичик синфи) бўйича индексацияланади. Агар тўғри келадиган рукн топилмаса, ихтиро умумий предмет синфи (тур – зот, кисм – бутун) бўйича индексацияланади.

3. Агар талаб этиладиган синф бўлмаса, ихтиро предмети қўлланилиши бўйича индексацияланади. Масалан, курилма усулни амалга ошириш воситаси сифатида қаралиши ва тегишлича шу усул синфи бўйича (масалан, сувга ишлов бериш курилмаси ва хоказо) индексацияланиши мумкин.

4. Агар қўлланиш бўйича синфи бўлмаса, ихтиро предмети якуний маҳсулотни олиш воситаси сифатида каралиши ва якуний маҳсулот (масалан, ёгоч-кириндили плиталар таёрлаш курилмаси) синфи бўйича индексацияланиши мумкин;

5. Бундан ташқари, ихтиро баъзи маҳсулотлардан фойдаланиш (ишловбериш) воситасида сифатида каралиши ва шу маҳсулот синфида (масалан, контакт линзаларини дезинфекциялаш курилмаси) индексацияланиши мумкин.

6. Агар тегишли рукнлар топилмаса, ихтиро усулни амалга ошириш ёки якуний маҳсулот олиш учун дастлабки маҳсулот сифатида (масалан, керамика буюмлари ишлаб чиқиш учун таркиб) қарашли мумкин. Демак, ихтиро ушбу усул ёки якуний маҳсулот синфи бўйича тавсифланади;

7. Нихоят, ихтироник ўзи якуний махсулот бўлиши, демак уни олиш усули бўйича индексацияланиши мумкин.

Патент хужжатларини системалаштириш имконинини берадиган бошқа мухим хусусият билиография маълумотларининг унификациялашган тизими бўлиб, патент хужжатлари бу библиография маълумотлари билан таъминланди.

Хар бир патент хужжати ушбу хужжатнинг асосий маълумотларини очиб берувчи билиографик маълумотлар билан таъминланади. Бу библиографик маълумотларни идентификациялаш учун СТ-9 БИМТ Ситандартига мувофик ИНИД-кодларидан фойдаланилади.

Библиографик маълумотларни идентификациялаш учун фойдаланиладиган асосий ИНИД-кодлари ва энг зарур маълумотларни келтирамиз:

(10) хужжатларни идентификациялаш

(11) хужжат номери

(12) хужжат турининг сўзлар билан ифодаланиши

(13) СТ-16 БИМТга мувофик хужжат тури коди

(19) хужжатни эълон килувчи мамлакатни идетификациялашучун СТ-3 БИМТ коди

(20) Миллий рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар

(21) Талабномани рўйхатга олиш номери

(22) Талабнома берилган сана

(24) Саноат мулки хукуки амал кила бошлайдиган сана

(25) Талабнома дастлабки марта берилган тил

(26) Талабнома эълон килинган тил

(30) Устуворлик маълумотлари

(31) Устувор талабнома номери

(32) Устуворлик санаси

(33) Устуворлик мамлакати

(50) Техник ахборот
(51) Халкаро патент таснифи
(54) Ихтиронинг номи
(57) Ихтиро реферати ёки формуласи
(58) Патент кидируви
(70) хужжатга алоқадор шахсларни идентификациялаш
(71) Талабнома берувчи (лар)нинг номи (номлари)
(73) Патент эгасининг номи
(74) Патент вакили ёки агентининг номи
(75) Ихтирочи, хам талабнома берувчи хисобланадиган шахс номи
(76) хам ихтирочи, хам талабнома берувчи ва патент эгаси бўлган шахс номи
(98) Талабнома берувчи билан ёзишмалар олиб бориш учун манзил.

3. Патент ахборотларини кидириш самарадорли бўлиши учун энг аввало турли давлатларнинг расмий патент бюллетенлари билан ишлай билиш ва бу мамлакатларда қандай патент хужжатлари нашр этилишини билиш зарур.

Қайд этиб ўтамизки, хар кандай кидирувни Ўзбекистоннинг патент хужжатлари бўйича бошлаш зарур. Масалан, ихтиро деб кутилаётган ишланманинг янгилигини ўрганишда биз худди шундай ихтирони очиб берган Ўзбекистон патенти мавжудлигини аниклашимиз мумкин. Бу холда бошка мамлакатларнинг патент хужжатлари бўйича ихтиронинг янгилигини тадкик килишни давом эттириш хеч кандай маъно касб этмаслиги аник.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйидаги патент хужжатлари нашр этилади:

- берилган дастлабки патент ва патентларга ихтироларнинг тавсифи;
- патент берилган фойдали моделларнинг тавсифи;
- "Расмий ахборотнима" расмий патент бюллетени, унда рўйхатга олинган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари ва селекция ютуклари тўғрисидаги маълумотлар чоп этилади.

Қайд этиб ўтамизки, берилган мухофаза хужжати турининг харфий белгиси (ихтирога патент – IAP, ихтирога дастлабки патент – IDP, фойдали моделга патент – FAP, саноат намунасига патент – SAP, саноат намунасига дастлабки патент – SDP ва товар белгисига гувохнома - MGU) ва бешта ракамдан иборат кетма-кет номерланадиган номерларга эга. Масалан, IDP 04452 номери ихтирога берилган 04452-сонли дастлабки патентни билдиради. Мухофаза хужжатларидан фаркли равишда талабномалар хар йили янгидан номерланади, бунда талабномалар хар йили янгидан номерланади, бунда талабноманинг дастлабки икки раками талабнома топширилган йилни билдиради. Масалан, IHAP 9400582 номери бу ихтирога талабнома 1994 йилдан 582-сон билан берилганлигини билдиради.

"Расмий ахборотнома" расмий бюллетени одатда қуйидагича тузулишга эга бўлади:

1. биринчи бўлимларда давлат рестрида рўйхатга олинган ихтиролар, фойдали моделлар, сноат намуналари ва бошка объектлар тўғрисидаги маълумотлар чоп этилади. Рўйхатга олинган товар белгиларининг рангли тасвирлари бюллетеннинг охирида алохида бўлимда келтирилади;

2. кейин рўйхатга олинган лицензия шартномалари ва саноат мулкининг турли объектларига хукукларни бериш тўғрисидаги шартномалар чоп этилади;

3. сўнгра Патент идорасининг турли расмий хабарлари, интеллектуал мулк соҳасидаги турли меъёрий хужжатлар, битимлар чоп этилади;

4. шундан сўнг патент эгалари номларининг ўзгариши, мухофаза хужжатларининг амал килишини муддатидан илгари бекор килиш тўғрисидаги маълумотлар ва хоказо чоп этилади;

5. охирги бўлимда ушбу бюллетенда чоп этилган объектларнинг систематик ва номер кўрсаткичлари келтирилади.

Хар бир "Расмий ахборотнома" бюлетенида барча ахборотлар икки тилда: Ўзбек ва рус тилларда чоп этилишини таъкидлаб ўтамиз. Энди ахборотни кидиришнинг асосий усулларини кўриб чикамиз.

Одатда куйидаги усуллардан кенг фойдаланилади:

1. Мавзувий ёки предметли кидириш. Масалан, ушбу кидириш турида техника даражасидан шу ихтиро билан ўхшаш техник ечимлар аникланади, кидириш бирор-бир кизикарли техник белгилари ёки ўлчамлари бўйича амалга оширилади.

2. Номли кидириш. Бундай кидириш муайян фирманинг техниканинг бирор-бир сохаси (сохалари)даги ихтиросини аниклаш зарур бўлган холларда ўтказилади. Бундан ташкари, муайян ихтирочининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш жуда мухим ва хоказо. Номли кидириш нафакат техник, балки тижорат кимматига хам эга бўлиши равшандир;

3. Хужжатнинг расмий белгилари, масалан хужжат номери, устуворлик санаси, хужжатнинг чоп этилиши ва тури (патент, талабнома, фойдали модель) бўйича кидириш. Масалан, ихтиронинг патентга лаёкатлилигини тадкик этиш, объектнинг патент софлигини баҳолашда ушбу кидириш усулидан фойдаланилади.

Биз илгари қайд этиб ўтганимиздек, бугунги кунда патент кидирувининг энг тезкор воситаси жахон патент маълумотлари базаларида Интернет оркали кидирув олиб боришдир. Шунинг учун мисол тарикасида Европа Патентидораси (ЕПИ) маълумотлар базаларида патент ахбортини кидириш усулини кўриб чикамиз.

Ушбу маълумотлар базалари билан ишлаш куйидагича боскичлардан иборат:

1. Маълумотлар базаларига уланиш. Маълумотлар базаларига http://www.epo.org манзилини териб ёки бевосита http://ep/espacenet.com/.ЕПИ веб сайти оркали чикиш мумкин. Маълумотлар базаларига улангандан сўнг компьютерда 12-расмда кўрсатилган "B1-

es@cenet-yor gateway to patents" бети пайдо бўлади. Маълумотлар базалари билан нафақат инглиз, балки немис ва француз тилларида ишлаш мумкинлигига эътиборни қаратамиз;

2. Фойдаланувчига учта фаол дарча таклиф этилади;

1. Simple Text – мавзувий ва предметли қидириш учун;
2. Viev a patent application – номерлар бўйича қидириш учун;
3. Company name search – ном бўйича қидириш учун;

Қуйидаги қидириш вазифасига боғлиқ холда тегишли қидириш топшириқлари тўлдирилган ва Search босилади.

3. Агар кенгайтирилган мезонлар сонидан фойдаланиб қидириш ўтказилиши зарур бўлса, куйирокдан кўрсатилган, масала, "Wordldwide – 30 million documents" босилади. Бунда 13-расмда кўрсатилган қидириш сахифаси пайдо бўлади.

Бу ерда фаол дарчаларга биздаги мавжуд қидириш мезонларини киритиш мумкин. Масалан, агар бизнинг ватандошларимиз ихтирочи Зариф Таджибоевнинг қандай талабнома ёки патентлари борлигини кўрмокчи бўлсак (маълумот учун шуни айтиб ўтамизки, у PCT тизими бўйича халқаро талабнома берган биринчи ўзбек ихтирочиси) тегишли дарчада лотин харфи билан унинг исми ва фамилиясини териш кифоя. Бундай қидириш натижалари 14-расмда кўрсатилган.

4. Энди топилган хар қандай талабнома ёки патентлар, масалан EP0794277 патентини кўриб чиқиш мумкин. Агар биз буни танласак, "B2-es@cenet - Document Viev Navigation" сахифасини кўрамиз (15- расмга каранг).

Бу ерда патентниг тўлиқ библиографик маълумотлари ва реферат келтирилади. Юқорида кўрсатилган фаол менюдан фойдаланиб ихтиро тавсифи (Desc), формула (Claims) ва чизмалар (Drawing) ни кўриш мумкин.

5. Агар биз W09616219га босак Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотлар базалари билан алоқа ўрнатамиз ва ушбу халқаро талабноманинг факсимал тасвирини кўришимиз мумкин.

5. Хулосада шуни таъкидлаймизки, барча излаб топилган патент ахбороти кейинчалик тахлил қилиш, принтерда босиб чиқариш ва хоказо учун компьютернинг қаттиқ дискеталарида сақланиши лозим.

Таянч сўзлар.

Ахборот, аник, вакт, бўлиш, муваффаккият, мағлубият, муаммо, саноат мулки, техник, турли ечим, талабнома, ғоя, сўнги, тез, тўлиқ, замонавий, ютуқ, ишламалар, макоми, хужжатлар, тизим, обьект, ресурс, намуна, белги, ихтиро, хабардор.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Маьлумотлар базалари билан ишлаш уларни қидириш ва топиш усуллари?

2. Патент ахбороти нима ва кайси максадлар учун кидирув ишлари олиб борилади7
3. Жахон мамлакатлари патент хужжатарини кидириш усули кандай олиб борилади7
4. Прототип кандай максадлар учун кидириш ишлари олиб борилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хуқуқий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, - 1994 йил майда қабул қилинган
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А Энг асосий мезон – хаёт хакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Васильев В.Д., Хандога А.М. и др. характеристика потока научно-технической и патентной информации. - М.: ВНИИПИ, 1987, 68 с.
10. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент Меҳнат. 2001, 384 б.
11. Инструкция по проведению патентно-информационного поиска при экспертизе заявок на изобретения в Государственном патентном ведомстве Республики Узбекистан. //Расмий ахборотнома, №2, 2000 г.
12. Омарова Т.В. Информационно-поисковые языки информационно-поисковы системы - М.: ВНИИПИ, 1990, 84 с
13. Румянцева Н-Л. Международная и национальны классификации изобретений. - М.: ВНИИПИ, 1987, 56 с.

1.9. Халқаро патент таснифи ва тизимлари

1.9.1. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.

1.9.1. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.

Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг тарихи 1883 ва 1886 йиллардан - Саноат мулкини муҳофаза қилиш Париж конвенцияси ва Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш Берн конвенцияси қабул қилингандан бошланган. Бу Конвенциялар "Халқаро бюролар" деб номланган ўз котибиятларини ташкил этишни кўзда тутган эди. 1893 йилда бу икки котибият "Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича бирлашган халқаро бюролар" ёки француз тилида қисқартирилган БИРПИ номи остида ягона котибиятга бирлаштирилди.

Ҳозирги Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (қисқартирилган шаклда "БИМТ", инглиз тилида - "WIPO", француз ва испан тилларида — "OMPI") 1967 йил 14 июлда имзоланган "Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш Конвенцияси"га мувофиқ тузилган. Бу Конвенция 1970 йилда кучга кирган.

Ҳозирда БИМТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) тизими таркибига (1974 йил декабридан) кирувчи ихтисослашган муассасадан иборат.

2001 йил 1 январига келиб ташкилот 175 давлатни бирлаштирди.

БИМТнинг фаолияти кўп кирралидир. У миллий қонунчиликларни замонавийлаштириш бўйича янги халқаро битимлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатади, патент маълумотларини йиғади ва таркатади, ойлик журналлар (хусусан, "Саноат мулки" ва "Муаллифлик ҳуқуқи" журналларини) чиқаради, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро тартибларнинг бажарилишини таъминлайди, БИМТ аъзо давлатлари орасида бошқа кўринишдаги маъмурий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади.

БИМТ ўз фаолиятида қуйидаги асосий максадларни кўзда тутади:

1. Давлатлар ўртасида ҳамкорлик, шунингдек, бошқа ихтиёрий халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқа йўли билан бутун жаҳонда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга кўмаклашиш.

Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида Иттифоқлар ўртасида маъмурий ҳамкорликни таъминлаш. Париж Иттифоқи, Берн Иттифоқи, Мадрид Иттифоқи, РСТ Иттифоқи ва ҳоказо.

Шундай қилиб, БИМТ таркибига кирувчи иттифоқларни маъмурий бошқаради ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Ҳозирги кунда саноат мулки ва муаллифлик ҳуқуқи соҳасида 20 дан ортиқ халқаро конвенция, шартнома ва битимларнинг бажарилиши БИМТ назоратида турибди.

БИМТ Конвенция доирасида таъсис этилган учта раҳбарлик органига

эга: Бош Ассамблея, Конференция ва Мувофиқлаштириш комитети.

БИМТнинг юқори органи Бош Ассамблея ҳисобланади. Бош Ассамблея БИМТ фаолиятининг асосий масалаларини ҳал қилади, хусусан, Мувофиқлаштириш комиссиясининг тақдимотига кўра БИМТ Бош директорини тайинлайди, Бош директор ва Мувофиқлаштириш комиссиясининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ва уларга зарур йўриқномалар беради, барча Иттифоқларга умумий бўлган икки йиллик харажатлар бюджетини тасдиқлайди, котибиятнинг иш тилларини аниқлайди, шунингдек бошқа кўпгина масалаларни ҳал қилади.

БИМТ Конференцияси муҳимлиги жиҳатидан БИМТнинг иккинчи органи ҳисобланади. Ассамблеядан фарқли равишда, иттифоқларда иштирокидан қатъи назар барча БИМТ аъзо мамлакатлари Конференция аъзоси ҳисобланади. Конференциянинг вазифаларига интеллектуал мулк соҳасида барча мамлакатларга умумий аҳамият касб этадиган масалаларни муҳокама қилиш ва улар бўйича мос тавсияномалар қабул қилиш киради.

БИМТнинг учинчи органи асосан барча Иттифоқлар учун аҳамиятли бўлган келишув тавсияномаларини ишлаб чиқиш учун тузилган Мувофиқлаштириш комитети ҳисобланади. Хусусан, Мувофиқлаштириш комитета Ассамблея ва Конференциянинг кун тартибини тайёрлайди, Ассамблеяга Бош директор лавозимига номзодни тақдим этади ва хоказо.

Бош Ассамблея ва Конференция навбатдаги сессияларга икки йилда бир марта йиғилса, Мувофиқлаштириш комитети ўз сессияларини йилда бир марта ўтказади.

Талабнома берувчилар томонидан PCT, Мадрид ва Гаага тизимлари бўйича тўланадиган халқаро божлар Халқаро бюронинг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Бундай божлар, одатда, БИМТ даромадлари умумий йириндисининг 73%ни ташкил этади. БИМТнинг бошқа даромадлари унга аъзо давлатларнинг хукуматлари тўлайдиган бадаллар (ўртача 18%) ва БИМТ нашрларини сотишдан тушадиган даромадлардан ташкил топади.

БИМТ шунингдек ривожланаётган мамлакатларда патент тизимининг шаклланишига техник ва молиявий ёрдам кўрсатади.

Шундай килиб, БИМТ фаолияти бутун жаҳонда интеллектуал мулк хуукукларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш учун мустаҳкам асос яратади.

Таянч сўзлар.

Халқаро, патент, сертификат, тизим, идора, тасниф, муҳофаза, конвенсия, ташкилот, адабий. Бадий, асар, мулк. Интелектуал. Жаҳон. Париж конвенцияси, бюро, бутун, бўйича, қилиш, саноат, мухофаза, хужжат, тизим, БМТ, таъсис, WIPO, OMPI.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини вазифасини шарҳлаб беринг?

2. Бутун жаҳон патент ахборотлар тизими билан ишлаш тартиблари?
3. Муаллифлик ҳуқуқи соҳасида халқаро конвенсия?
4. Бутун жаҳон интеллектуал мулк шартномалари ва битимларини тузиш ва уни бажариш шартлари?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, - 1994 йил майда қабул килинган
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун. - 1996 йил 30 майда қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Фукаро Кодекси. -1996 йил 29 августда кабул килинган.
6. "Интеграл микрочизмалар топологиясини хукукий мухофазалаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун,- 2001 йил 12 августда кабул килинган.
7. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
10. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
11. Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт хакикатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

1.10. Европа ва АҚШ патент идораси ва ҳуқуқчилиги

1.10.1. Европа ва АҚШ патент идораси ва патентни олиш.
1.10.2. Шартномалар ва битимлар.

1.10.1. Европа ва АҚШ патент идораси ва патентни олиш

XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграциянинг кучайиши ягона Европа патент тизимининг тузилишини объектив тарзда тақозо этди. Ягона Европа патент тизимини тузиш гояси 1973 йил 5 октябрида Мюнхенда Европа патент конвенцияси деб ном олган Европа патентини бериш тўғрисидаги Конвенция тузилганда амалга ошди. Бу Конвенция PCT билан бир вактда 1978 йил 1 июндан кучга кирди.

2001 йил 1 январдаги холатга кўра Европа конвенциясининг иштирокчилари куйидаги давлатлар хисобланади: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Португалия, Туркия, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция.

Бундан ташқари, Европа конвенциясига Албания, Латвия, Литва, Македония, Руминия ва Словениянинг кўшилиши кутилмокда.

Европа патент конвенцияси ихтиро учун Европа патентини беришнинг ягона тартибларини белгилайди. PCTдаги каби, Европа патенти учун талабномада Конвенция иштирокчи давлатларининг хаммаси эмас, балки баъзилари хам кўрсатилиши мумкин. Берилган Европа патенти унда кўрсатилган барча давлатлар худудида миллий патент кучига эга.

Европа патент тизимининг Конвенцияга мувофик амал килиши учун Европа патент идораси (ЕПИ ёки инглиз аббревиатурасида EPO) тузилган бўлиб, у талабномаларни қабул килади ва кўриб чикади хамда Конвенция иштирокчи давлатларининг номидан Европа патентларини беради. Эслатиб ўтамиз, ЕПИ шунингдек PCT тизими бўйича Халкаро кидирув ва Халкаро дастлабки экспертизанинг органларидан бири хисобланади.

Тузилишига кўра ЕПИ тўрт бўлинмадан иборат.

- ЕПИнинг Мюнхен (Германия)даги Бош офиси ёки штаб квартираси. Бу ерда Европа патентлари учун талабномаларнинг мохиятига кўра экспертизаси ўтказилади, патентлар рўйхатга олинади ва берилади, аппеляция тартиблари кўриб чикилади;
- ЕПИнинг Гаага (Нидерландия)даги Суб-офиси ёки филиали. Бу бўлинманинг функциялари Европа талабномаларини расмий эспертиза килиш ва патент кидирувини ўтказишдан иборат. Шунингдек, Гаагада ЕПИ учун ходимлар тайёрланади ва ўқитилади;
- Берлиндаги Суб-офис Европа талабномаларини қабул килиш ва улар бўйича расмий экспертизаларни ўтказиш масалалари билан шуғулланади;
- Вена (Австрия)даги Суб-офис патент ахбороти масалаларига

ихтисослашган. Хусусан, Венада ЕПИнинг турли нашрлари оптик дискларда нашр килинади, патент хужжатларининг электрон маълумотлар базаси таркатилади ва уларга хизмат кўрсатилади ва хоказо.

Европа патентини бериш тўғрисидаги Конвенциянинг асосий низомларини кўриб чикайлик.

Конвенцияга мувофик Европа патенти учун талабнома фукаролиги ва турар жойидан катъи назар ихтиёрий (жисмоний ёки хукукий) шахс томонидан берилиши мумкин.

Патент учун талабнома Париж Конвенциясига мувофик конвенция имтиёзини сўраган холда берилиши мумкин. Европа патент конвенциясининг барча иштирокчилари РСТнинг хам иштирокчилари хисобланиши боис, талабнома берувчилар Европа патентини РСТ тартиби оркали сўраши, яъни халкаро талабнома беришда Европа патентини олишни кўрсатиши мумкин.

Европа патентини олиш тартиби уч фазани ўз ичига олади:

1. ЕПИ филиалларидан бирига ЕПИ расмий тиллари (инглиз, француз ёки немис тили)дан бирида тўғри тўлдирилган талабномани бериш. Ихтиро формуласини баён этишнинг мавжуд барча усулларидан Европа Конвенцияси чекловчи ва фаркловчи кисмлардан иборат бўлган Германия схемаси деб аталадиган усулни танлаганлигини таъкидлаб ўтамиз. Тегишли божларнинг тўланганлиги талабномага илова килиниши керак.

Берилган талабнома бўйича расмий экспертиза ўтказилади ва талабнома зарур талабларни кондирса, у бўйича Европа патент кидируви ўтказилади. Биринчи фаза Европа патент талабномаси (тавсифи, формуласи ва чизмалари)нинг унинг реферати ва Европа кидируви тўғрисидаги хисобот билан биргаликда нашр этилиши билан якунланади. Одатда, талабномани нашр килиш талабнома берилган вактдан 18 ой, агар имтиёз сўралган бўлса имтиёз давридан ўтгандан кейин амалга оширилади.

2. Талабнома нашр килинган санадан кейин 6 ой давомида талабнома берувчи мохиятига кўра экспертиза учун божларни тўлаши ва унинг ўтказилишига талабнома бериши керак.

ЕПИга юкорида кўрсатилган илтимосноманинг келиб тушганидан сўнг талабнома, бўйича ихтиронинг патентга лаёкатлилик мезонларига мослигини экспертизадан ўтказиш бошланади. Конвенцияга мувофик янгилилик, ихтиро даражаси ва саноатда кўллашнинг мумкинлиги бундай мезонлар хисобланади.

Европа патентига тавсифни нашр килгандан сўнг ЕПИ талабнома берувчига ихтиро тавсифини ўз ичига олувчи Европа патент ёрлиғини беради.

3. Учинчи фаза берилган патентларга учинчи шахсларнинг арз (протест)ини кўриб чиқиш тартибларидан иборат бўлиб, улар патент берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар нашр килингандан кейин 9 ой давомида берилиши мумкин.

Бундай кўриб чикишнинг натижаси аризанинг кайтарилиши, патент бериш тўғрисидаги карорни бекор килиш ёки талабнома берувчи аризасини кўриб чиқиш жараёнида тегишли ўзгартиришларни киритса, патент бериш

тўғрисидаги қарорни ўзгартириш бўлиши мумкин. Ариза бўйича қабул килинган карор тўғрисида маълумот эълон килинади ва ихтиронинг янги тавсифи нашр килинади. Шундан сўнг ЕПИ патент эгасига янги патент ёрлиғини беради.

Европа патент тизими тараккиётининг ижобий тажрибаси бошка давлатлар учун тенг хукукли хамкорлик ва интеграциянинг фойдали мисоли хисобланишини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

АҚШ патент хукукининг хусусиятлари.

АҚШдаги патент хукуки чукур тарихий анъаналарга эга. Амалда мустакилликнинг биринчи кадамларидан (1783 йилдан) АҚШда самарали патент тизими мамлакат иктисодий ривожланишининг рағбатлантирувчи кучи хисобланади. 1787 йилда кабул қилинган Конституциясининг ўзида "Муаллиф ва ихтирочиларга тегишли адабий асарлар ва ихтироларга мутлак хукукларни чекланган вакт даврига бериш билан илм-фан ва фойдали санъат тараккиётига кўмаклашишга ... Конгресс хаклидир" деб ёзилган эди. Шунга мувофик, АҚШ Конгрессига патент конунини чикариш ва кайта кўриб чиқиш ваколати берилган.

Патент эгасининг мутлак хукукини ва текширув тизимини мустахкамлаган АҚШнинг биринчи патент конуни 1790 йилда кабул килинган. Шундан сўнг 1793 йилда бу конун патентларни бериш тартибларини соддалаштириб кайта кўриб чиқилган. Натижада 1836 йилда Америка патент-хукук тизимининг асосий белги ва хусусиятларини белгилатан янги патент конуни кабул килинди. Шундан бери патент конуни бир неча бор такомиллаштирилди, лекин унинг характерли жихатлари АҚШ замонавий патент хукукида сакланиб колди.

АҚШнинг бош патент ташкилоти Патент ва товар белгилари бўйича АҚШ Идораси хисобланиб, тузилиши жихатидан АҚШ Тижорат департаменти (савдо вазирлигига ўхшаш) таркибига киради. Бу Идора жахоннинг бошка мамлакатларидаги патент идораларига ўхшаш функцияларни бажаради, хусусан, талабномалар экспертизасини ўтказади, патентлар беради, патент маълумотини нашр қилади ва ҳоказо. Апеляция масалаларини хал килиш учун 1982 йил 1 октябрдан патент хукуки низолари билан боғлик барча аппеляцияларни кўриб чиқиш бўйича ягона суд хисобланадиган Федерал апеляция суди (Court of Appea1s for Federal Circuit) фаолият кўрсатади.

Шубхасиз, АҚШ патент хукукининг мухим хусусияти унда суд прецеденти каби хукук манбаининг мавжудлиги хисобланади. Бундай прецедент кучга кирган суд карорининг асосланган кисмидан иборат бўлиб, бу шунга ўхшаш ишларни ўша ёки пастки инстанциядаги судларда кўриб чиқишда меъёр бўлади. Бундай тизим бошка кўпчилик мамлакатлар, масалан, Европа, собиқ СССР мамлакатлари (жумладан Ўзбекистон) хукук тизимларидан тубдан фарк килади. Прецедент хукукининг мантиқий хаётда юзага келадиган барча хукукий вазиятлар (низолар)ни конунан олдиндан билиш мумкин эмаслигини тан олишдан иборат. Факат суд жараёнларида, хакикий вазиятлар асосида муаммони хал килишнинг энг тўғри йўлларини

белгилаш мумкинки, улар прецедент, яъни бошқа ўхшаш вазиятлар учун меъёрий ҳужжат бўлади.

АҚШ патент ҳуқуқининг бошқа муҳим жиҳати патентларни талаб қилишиинг ихтиро тизими ҳисобланади. АҚШ патент қонунига мувофиқ фақат биринчи ва ҳақиқий ихтирочи патент олишга талабнома бериши мумкин. Бошқа шахслар, масалан, ихтирочининг иш берувчиси, талабнома бериш ҳуқуқига эга эмас. Патент олишга талабнома бериш учун ҳар бир талабнома берувчи ўзини патент сиръраб олинаётган объектнинг ҳақиқий ва биринчи ихтирочиси деб ҳисоблаши тўғрисида махсус декларацияни тўлдириш керак Бундай декларация нотариус ёки бошқа ваколатли шахс иштирокида рўйхатга олинадиган махсус қасамёд билан алмаштирилиши мумкин. АҚШда декларация ёки қасамёдда ёлғон маълумотлар берганлик учун жавобгарлик белгиланган. Одатда, ёлғоннинг аниқланиши патент беришда автоматик тарзда рад жавобига, қасддан ёлғон маълумот бериш ҳолатлари эса пул жарималари тўланишига ёки 5 йил мухлатгача камоқ жазосига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вактда АҚШда патентнинг уч тури берилади: ихтиро учун патент (utility patent) саноат намунаси учун патент (design patent) ва селекция ютуғи учун патент (plant patent).

АҚШ патент ҳуқуқининг ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, ихтиро учун патентнинг амал қилиш муддати имтиёз санасидан эмас, *патент берилган санадан ҳисобланган ва 17 йилни ташкил этган*. Бирок, АҚШнинг БСТга кириши ва ТРИПСнинг имзоланиши сабабли 1995 йил 8 июлидан низом кучга кириб, унга кўра патентнинг амал қилиш муддати биринчи талабнома берилган санадан бошлаб 20 йилга тенг қилиб белгиланди. Низом 1995 йил 8 июлигача берилган талабномаларга татбиқ этилмаслигини таъкидлаб ўтамиз. Саноат намунаси учун патентнинг амал қилиш муддати 14 йилга, селекция ютуғи учун патентники эса 17 йилга тенг.

1.10.2. Шартномалар ва битимлар

АҚШда патент бир поғонали текширув экспертизаси тизими бўйича берилади. Ҳар бир талабнома бўйича расмий экспертиза ва моҳиятига кўра экспертиза ўтказилади. Ихтиро тўғрисидаги маълумотлар патент берилганлиги тўғрисида эълон қилиш билан бир вактда маълум қилинади, яъни экспертиза тизими талабномалар тўғрисидаги маълумотларга учинчи шахслар учун танишиш имконини бермайдиган ёпиқ характерга эга.

Хорижда патентлашда вактинчалик патент талабномасидан АҚШлик талабнома. берувчилар томонидан имтиёзли ҳужжат сифатида фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда РСТ тизими бўйича халқаро талабномаларнинг деярли ярми АҚШлик талабнома берувчилар томонидан берилади. Бу АҚШда ихтирочиликни ривожлантириш ва патент ҳуқуқларини малакали ҳимоялаш учун қулай шароитлар яратилганлигининг ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. Бундан ташқари, АҚШнинг ўзи энг янги

ихтиролар, комплекс технологиялар ва бошқаларнинг дунёдаги энг йирик бозорини ташкил қилади. Шу сабабли Америка патент қонунчилигини ўрганиш хар бир патентшунос, патент бўйича ишончли вакили ёки агенти учун интеллектуал мулкни тўғри яратиш ва химоялаш масалалари бўйича яхши мактаб хисобланади.

1.10.3. Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган истемолчиларнинг асосий хукуклари.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳукукларини химоя килиш тўғрисида"ги Қонуни 26.04.1996 йилда кабул килинган. Мазкур Қонунга 05.04.2002, 25.04.2003, 19.12.2005, 10.10.2006, 09.04.2008 йилларда ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Қонунда куйидаги тушунчалар кўлланилади:

истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлик бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошка максадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс);

ишлаб чикарувчи - истеъмолчига реализация килиш учун товар ишлаб чикарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

ижрочи - маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-курилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошка соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор; (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

сотувчи - олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация киладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор; (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

шартнома - товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, микдор, муддат, нарх ва бошка шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чикарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар - ишлаб чикарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган махсули, шу жумлада, импорт махсулоти;

норматив хужжатлар - стандартлар, уларга тенглаштирилган бошка хужжатлар (курилиш нормалари ва коидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси хамда муваккат фармокопея коидалари ва бошкалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошка хужжатлар;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги - товарни истеъмол килиш, ундан фойдаланиш, уни саклаш, ташиш ёки утилизация килишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида

истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-мухитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиклик сертификати - сертификатланган махсулотнинг белгиланган талабларга мувофиклигини тасдикловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуксони - товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиклиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуксони - товар (иш, хизмат)дан белгиланган максадда фойдаланиб бўлмайдиган килиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп мехнат ва вакт сарфлаш талаб киладиган камчилик;

кафолат муддати - товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар хисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, канча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к.) бажариш вакти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чикарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) коидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроклилик (саклаш) муддати - муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга ярокли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг хаки тўланганлигини тасдиклайдиган, товар (иш, хизмат)нинг бахоси, хак тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг хаки тўланганлигини тасдикловчи, товар (иш, хизмат)нинг бахоси, хак тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳакидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат;

товарни (ишни, хизматни) истеъмолчидан қайтариб олиш - агар товар (иш, хизмат) истеъмолчи мулкига айланган ёки унга таклиф этилган бўлса, ишлаб чикарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарни (ишни, хизматни) қайтариб олишга каратилган ҳар кандай чора;

товарни (ишни, хизматни) муомаладан чикариш - ишлаб чикарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарга (ишга, хизматга) офертани тугатиш ва бунга йўл қўймасликка каратилган ҳар кандай чора.

Истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя килиш тўғрисидаги конун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошка конун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг хукукларини ҳимоя килиш Қорақалпоғистон Республикаси конун ҳужжатлари билан хам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайтириши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;

ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуксони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриконуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга мухтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваккат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар оркали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қиска (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига конун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни коплаш

тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тарифасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан, бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар конун ҳужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошка ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши хамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озик-овкат ва маиший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроклилик муддати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроклилик муддати кўрсатилмаган ёки яроклилик муддати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда реализация қилиш ман этилади.

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга карши талабларга ва амалдаги бошка нормалар хамда коидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-мухит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳукукига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-мухит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроклилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф-мухит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун конун ҳужжатларига мувофик:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиклаган орган;

мувофиклик сертификати берган орган;

соғликни сақлаш, табиатни мухофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошка органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг хаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дархол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарар етказилишининг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тугатиши шарт, бунда даволашга, озиқ-овқатга мўлжалланган товарлар ва маиший кимё товарлари сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан утилизация қилиниши шарт. Бу мажбуриятлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиш, уларни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) макбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуксонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуксонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

харид нархини нуксонга мутаносиб равишда камайтириш;

шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳукукларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуксонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуксонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуксонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган хар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошка маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Нуқсонли товар айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуксонли товар бошка маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фаркни кўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юкори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарк кайтарилади. Бундай хисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган такдирда, унинг талаб кўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган такдирда эса, харид килинган пайтдаги нархи кўлланилади.

Шартнома бекор килинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан хисоб-китоб товарнинг тегишли талаб кўйилган пайтдаги кийматига караб, нархи пасайган такдирда эса, харид килинган пайтдаги кийматига караб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, шартнома бекор килинган такдирда, пул суммаси товар кайтарилаётган пайтга кадар узилган кредит микдорида кайтариб берилади, шунингдек кредит берганлик хаки тўланади.

Хажми катта ёки вазни беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига кайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чикарувчининг) кучи билан ва унинг хисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган такдирда товарни элтиш ва кайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва кайтариб олиб кетиш билан боғлик харажатларини сотувчи (ишлаб чикарувчи) коплаши шарт.

Истеъмолчи макбул сифатли ноозик-овкат товарини харид килган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини кайтариб олишга хакли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Хукумати тасдиклайдиган коидалар билан белгиланади.

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) коидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, хажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) караб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал килиш муддати давомида кисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вактли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошкалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг боскичма-боскич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вактида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб колса,

истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг копланишини талаб килишга хакли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошка жиддий нуксонларга йўл кўйган бўлса, истеъмолчи ўз хохишига кўра нуксонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) бахоси нуксонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошка буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор килиниб, кўрилган зарар тўлик копланишини талаб килишга хакли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи кисмида кўрсатилган хукукларни:

ишни (хизматни) кабул килиб олиш вактида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуксонлар аникланган такдирда;

кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган такдирда эса, иш (хизмат) кабул килиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

иморат ёки бошка кўчмас мулкда нуксонлар аникланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чикариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аникланган нуксонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб кўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуксонлар, агар шартномада бир мунча кискарок муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб килган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуксонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган такдирда, ижрочи истеъмолчига хар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) кийматининг ёки буюртма кийматининг (агар унинг киймати алохида белгиланмаган бўлса) бир фоизи микдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алохида тури бахосидан ёки буюртманинг умумий бахосидан ортик бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуксонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) копланиши лозим бўлган зарар хисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни коплаши уни мажбуриятни асл холида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан кабул килиб олинган ашё (материал) йўколган, ишдан чиккан, унга путур етган такдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуксонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган такдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни кайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалидан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган такдирда эса, ашёнинг

(материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги кийматини икки баравар килиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун кабул килиб олинаётган ашё (материал) киймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофик белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуксонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўколган, ишдан чиккан, унга путур етган такдирда истеъмолчи билан хисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор килиш пайтидаги ошган нархини хисобга олган холда амалга оширилади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз мохиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чикадиган окибатлар бундай шартномаларнинг алохида турлари тўғрисида конун хужжатларида белгилаб кўйиладиган коидалар билан аникланади.

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чикарилишига, таркибига боғлик бўлган ва бошка нуксонлари, шунингдек истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошка воситалар кўлланилиши окибатида истеъмолчининг хаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чикарувчи, ижрочи) томонидан копланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чикарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан катъи назар, хар кандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуксони туфайли етказилган зарар копланишини талаб килиш хукукига эга.

Истеъмолчининг хаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив хужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроклилик) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган такдирда эса, товар ишлаб чикарилган (иш, хизмат кабул килинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, копланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чикарувчи, ижрочи) зарар бартараф килиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, саклаш ёхуд ташишнинг белгиланган коидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод килинади.

Шартноманинг истеъмолчи хукукларини чеклаб кўядиган ва конун хужжатларига зид бўлган талаблари хакикий эмас деб хисобланади. Агар уларни кўллаш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чикарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан копланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини хак эвазига кўшимча товарлар сотиб олишга ёки кўшимча хизматлардан фойдаланишга кисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун хак олишга хакли эмас.

Истеъмолчининг хукуклари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, хак тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган хак микдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун хак тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни копланишидан катъи назар, амалга оширилади.

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги хукуклари хамда конун билан кўрикланадиган манфаатлари химоя килинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг хукуклари давлат томонидан химоя килинишини давлат хокимияти ва бошкаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Куйидагилар истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш давлат кўмитаси; истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат килувчи бошка давлат бошкаруви органлари

Истеъмолчилар хукуклари химоя килиниши учун махаллий хокимият органлари:

истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш сохасидаги конун хужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан хамкорлик киладилар;

истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чикадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) хукукларини химоя килиб судларга мурожаат этадилар;

ўз хукуклари доирасида бошка ваколатларни хам амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси хамда унинг худудий органлари истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш максадида:

истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларининг кўлланилиши масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларини бузиш аломатлари аникланган такдирда, ишлаб чикарувчидан

(ижрочидан, сотувчидан) зарур ҳужжатлар, тушунтиришларни ва бошка ахборотни сўраб оладилар;

истеъмолчиларнинг ҳукукларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) кўрсатма юборадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳукукларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидирлар;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошка ваколатларни амалга оширадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш максадида "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш давлат кўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошка давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар хамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чикариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор киладилар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари такдирда уларнинг устидан судларда даъво кўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига):

ишлаб чиқарилган санаси ва яроклилик муддати кўрсатилиши шарт эканлиги конун ҳужжатларида белгиланганлигига карамай ишлаб чиқарилган санаси ва яроклилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга кабул килганлик учун - товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошкаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроклилиги тўғрисидаги хулосаси олинган такдирда, реализация қилиш учун кабул килинган товарлар ҳажмининг беш

фоизи миқдорида ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроксизлиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

яроқлилик муддати ўтган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун - реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун:

юридик шахсларга - энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахсларга - энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

"Ўзстандарт" агентлиги ва ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари:

товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима солиш суд томонидан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Жарима солиш ишлаб чиқарувчини (ижрочини, сотувчини) йўл қўйилган қонунбузарликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқармаган бўлса, уни судда кўриб чиқиш даврида бу ҳужжатларнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари конун ҳужжатларига мувофик жавобгар бўладилар.

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини кондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта килдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳакида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳаклидир. Даъволар, агар конунларда бошқача коида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз хукукларининг бузилиши билан боғлик даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя килиш максадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини конун ҳужжатларига мувофик амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

Таянч сўзлар

Иктисод, интеграция, патент, тизим, Европа, Ғарбий Европа, АҚШ, ЕПИ, идора, ном бериш, хукук, самарали патент, бош патент, товар, хизмат, тижорат, АҚШда патентнинг уч тури, намуна, селекция, ютук, мувофик, амал, конвенция, иштирокчи, мамлакатлар

Такрорлаш учун саволлар.

1. Европа иттифоки патент идорасига патен олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?
2. Европа иттифокида патент олиш учун кандай шартномалар ва битимлар тузилади,
3. АҚШ патент идорасига патент олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?
4. Европа иттифоки ва АҚШ патент конунчилигида кандай ўхшашлик ва айирмалик белгилари бор?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, - 1994 йил майда қабул килинган
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, - 1994 йил 6 майда қабул қилинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Селекция ютуклари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун. - 1996 йил 30 майда қабул қилинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Фукаро Кодекси. -1996 йил 29 августда қабул килинган.
6. "Интеграл микрочизмалар топологиясини хукукий мухофазалаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун,- 2001 йил 12 августда қабул килинган.
7. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг мухим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
10. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
11. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт хакикатини акс эттириш. Т.Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

1.11. Ўзбекистон ва МДҲ патент идораси ва хукукчилиги

1.11.1. Ўзбекистон ва МҲД мамлакатларида патент хукуки.
1.11.2. Ўзбекистон ва МҲД ихтироларни расмий экспертизадан ўтказиш.
1.11.3. Ўзбекистон Республикаси конунларида белгиланган истемолчиларнинг асосий хукуклари.

1.11.1. Ўзбекистон ва МҲД мамлакатларида патент хукуки

Собиқ СССР патент ҳуқуқи. Бугунги Россия қонунчилиги. Собиқ СССР патент қонунчилигининг ўзига хос хусусияти тўлиғича ўша даврда амал килган ижтимоий курилма моҳияти билан белгиланган. Жиддий килиб айтганда, ихтиролар, саноат намуналари ва бошка объектларни мухофаза килиш соҳасидаги совет қонунчилигини патент қонунчилиги деб номлаш мумкин эмас, сабаби у СССР фукароларига патент берилишни кўзда тутмаган эди. Бирок, шунга карамасдан "патент" атамаси СССРда кенг кўлланилган. Масалан, ҳар бир илмий-тадкикот ёки ишлаб чиқариш ташкилотида патент бўлимлари амал киларди, ўкув юртларида патентшунослик фани бўйича машғулотлар ўтказиларди, патентшунос мутахассислар тайёрланарди ва ҳоказо.

Патент тизимига 1919 йил 30 июнида Совет Иттифокининг "Ихтиролар тўғрисида Низом" декрети қабул килинганда асос солинган. Мазкур декретга мувофиқ янги мухофаза хужжати — ихтиро учун муаллифлик гувохномаси киритилганди. Декретнинг моҳияти шундан иборат бўлганки, ҳар бир ихтиро халк мулки ҳисобланган ва нашр килингандан кейин давлат ташкилотларида умумий фойдаланишга ўтган. Бунда муаллифга давлат томонидан белгиланадиган ихтиронинг мухимлигига кўра муаллифлик мукофотини тўлаш кафолатланарди.

СССР да шундай тизим тузилгандики, унда фақат ягона патент эгаси - давлатнинг ўзи мавжуд бўлиб, у фукаролар томонидан яратилган барча ихтироларга мутлақ ҳуқуққа эга бўлган. Муаллиф ўз ихтиросига мутлақ ҳуқукларни ололмасди, бинобарин ўз ихтиёрича уни тасарруф килолмасди, лицензияни бошка шахсларга сотолмасди ва ҳоказо. СССР қонунчилиги асосан муаллифлик ҳуқукини эмас, балки 15 йил мухлатга амал қиладиган патентни олиш имконини кўзда тутарди. Бирок, СССР да фақат хорижий фукаролар ва фирмалар патент олиши мумкин эди.

Шу билан бирга, амалда бўлган совет патент тизимининг ижобий жиҳатларини ҳам қайд этмаслик мумкин эмас. Биринчи навбатда, бу патент экспертизасини ўтказиш соҳасидаги кўп ишланган кимматли амалий тажрибага тааллуклидир. Шунингдек ходимларни патентшуносларни тайёрлаш тажрибаси ҳамда таркибига корхоналарнинг патент бўлимлари, Бутун иттифоқ патент хизматлари маркази (БПХМ)нинг филиаллари, Патент кутубхоналари, Ихтирочи ва рационализаторлар жамиятлари ва бошқалар кирган СССРнинг ривожланган патент инфра-тузилмаси ҳам мухим аҳамият касб этади. СССРнинг бош патент ташкилоти Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича СССР Давлат кўмитаси бўлиб, унинг кошида 1960 йилда Давлат патент экспертизасининг Бутуниттифок илмий-тадкикот институти (ДПЭБИТИ) ташкил этилган.

Совет Иттифокининг патент билимлари соҳасидаги тажрибаси Россия ва бошка МДҲ мамлакатларида ривожланаётган замонавий патент тизимининг негизи бўлди.

Россиянинг янги патент конуни 1992 йил 23 сентябридан кучга кирди. Бу конун умуман олганда етакчи хорижий мамлакатлар патент қонунчилиги низомлари билан уйғунлаштирилган. Масалан, ихтиронинг патентга

лойиқлик мезонлари сифатида янгилилик ихтиро даражаси ва саноатда қўллашнинг мумкинлиги қабул қилинган қиёслаш учун, СССРда талабнома берилган техник ечим янгилилик муҳим фаркларга эга ва ижобий самара берадиган бўлса, ихтиро деб топиларди.

Янги Россия қонунчилигининг собиқ СССР тизимидан бошқа муҳим фарки экспертизанинг бир поғонали текширув тизими ўрнига текширув экспертизасининг икки поғонали тизими жорий қилинганлигидир. Ихтироларни бундай тизим бўйича патентлаш асосан бошқа давлатлар ёндашувига (масалан, ЕПИ тартибларига) ўхшаш ва қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Ихтиролар учун келиб тушаётган талабномаларни расмий экспертизадан ўтказиш;

2. Талабнома келиб тушган санадан ўн саккиз ой ўтганидан кейин талабномани нашр қилиш. Шундан сўнг талабнома берилган ихтиро бўйича нашр қилинган формула хажмида вақтинчалик ҳуқуқий мухофаза тақдим этилади;

3. Талабнома берувчи ёки учинчи шахсларнинг тегишли илтимосномаларини олгандан сўнг моҳиятига кўра экспертизани ўтказиш;

4. Моҳиятига кўра экспертиза натижалари бўйича ихтирога патент бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Россияда патентдан ташқари фойдали модел учун гувохнома деб аталадиган мухофаза хужжати ҳам жорий қилинган. Бундай гувохнома фойдали модел учун талабномани расмий экспертизадан ўтказгандан кейин берилади. Фойдали моделнинг патентга лаёқатлилиги учун экспертиза ўтказилмайди, бинобарин гувохнома талабнома берувчининг жавобгарлиги билан ҳақиқийлик кафолатисиз берилади.

Ихтиро ва кашфиётлар бўйича комитет босқичма-босқич Патент ва товар белгилари бўйича Россия агентлиги (Роспатент)га ўзгартирилди. 1998 йил февралидан Саноат мулки ҳуқуқлари бошқармаси, Бутун-Россия патент-техника кутубхонаси ва ЭҲМ, маълумотлар базаси ва интеграл микросхемалар топологиялари учун дастурларни ҳуқуқий мухофаза қилиш бўйича Россия агентлигининг қўшилиши натижасида ДПЭБИТИ негизида Саноат Мулки Федерал Институти (ФИПС) ташкил қилинди.

1.11.2. Ўзбекистон ва МҲД ихтироларни расмий экспертизадан ўтказиш

Ҳозирги вақтда Россияда интеллектуал мулк бозори барқарор суръатларда ривожланмоқда. Масалан, 1999 йилда ихтиролар учун 24659 та талабнома тақдим этилган ва 19508 та патент берилган, Бундай талабномаларнинг 20%га яқини хорижий талабнома берувчилар томонидан тақдим этилган. 1999 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра Россияда 678 та патент бўйича ишончли вакиллари рўйхатга олинган бўлиб, бу ривожланган патент инфратузилмаси кўрсаткичи ҳисобланади.

1995 йил 27 июлида Россия ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида саноат мулкини мухофаза қилиш соҳасида эркин ҳамкорликни

кўзда тутувчи битим имзоланган. Хусусан, Ўзбекистон фуқаролари Россия патент бўйича ишончли вакиллари хизматларига мурожаат килмасдан СМФИга бевосита талабномалар бериш хуқукига эга.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли хамкорлик Ўзбекистон талабнома берувчилари учун Россия худудида, россияликлар учун Ўзбекистонда, патент хукукларини химоялашни осонлаштириш, шунингдек, патент ахбороти билан алмашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси, савдо, иқтисодий хамкорликнинг бошка шаклларини ривожлантиришда мустахкам негиз бўлиб хизмат килади.

1.11.3. Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган истемолчиларнинг асосий хуқуклари.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида"ги Қонуни 26.04.1996 йилда кабул килинган. Мазкур Қонунга 05.04.2002, 25.04.2003, 19.12.2005, 10.10.2006, 09.04.2008 йилларда ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Қонунда куйидаги тушунчалар кўлланилади:

истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган холда шахсий истеъмол ёки бошка максадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фукаро (жисмоний шахс);

ишлаб чикарувчи - истеъмолчига реализация килиш учун товар ишлаб чикарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

ижрочи - маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-курилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошка соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

сотувчи - олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация киладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор;

шартнома - товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, микдор, муддат, нарх ва бошка шартлар тўгрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чикарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар - ишлаб чикарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган махсули, шу жумлада, импорт махсулоти;

норматив хужжатлар - стандартлар, уларга тенглаштирилган бошка хужжатлар (курилиш нормалари ва коидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармокопеяси хамда муваккат фармокопея коидалари ва бошкалар), техник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошка хужжатлар;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги - товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиклик сертификати - сертификатланган махсулотнинг белгиланган талабларга мувофиклигини тасдикловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуқсони - товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиклиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони - товар (иш, хизмат)дан белгиланган максадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вакт сарфлаш талаб киладиган камчилик;

кафолат муддати - товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар хисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, канча километр масофани босиб ўтиб ва х.к.) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чикарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) коидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроклилик (сақлаш) муддати - муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга ярокли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳаки тўланганлигини тасдиклайдиган, товар (иш, хизмат)нинг бахоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳаки тўланганлигини тасдикловчи, товар (иш, хизмат)нинг бахоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳакидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат;

товарни (ишни, хизматни) истеъмолчидан қайтариб олиш - агар товар (иш, хизмат) истеъмолчи мулкига айланган ёки унга таклиф этилган бўлса, ишлаб чикарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарни (ишни, хизматни) қайтариб олишга каратилган ҳар кандай чора;

товарни (ишни, хизматни) муомаладан чикариш - ишлаб чикарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан амалга ошириладиган, товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсизлиги талабларига мос бўлмаган товарга (ишга, хизматга) офертани тугатиш ва бунга йўл қўймасликка каратилган ҳар кандай чора.

Истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошка қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қоракалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш Қоракалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳукуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайтириши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Истеъмолчилар қуйидаги ҳукуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;

ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуксони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳукуқлари ёки қонун билан мухофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга мухтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш мувақкат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўкончалар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари;

театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда фонограммадан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот оқилона қиска (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг хаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига конун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳаклидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама окибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда копланиши лозим.

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳукукига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, коида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, конун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вактдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳукукига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги коидалар, шунингдек айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш коидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш коидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб хисобланади. Агар товар сотилган кунни аниклашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чикарилган кундан бошлаб хисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан, бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар конун хужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошка хужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чикарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чикариш муддати мобайнида хамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган такдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли хажмда ва турда эхтиёт кисмлари ишлаб чикариши хамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озик-овкат ва маиший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроклилик муддати хамда уларни саклаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроклилик муддати кўрсатилмаган ёки яроклилик муддати ўтган товарларни кабул қилиш хамда реализация килиш ман этилади.

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга карши талабларга ва амалдаги бошка нормалар хамда коидаларга риоя этган холда ишлаб чикарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг хаёти, соғлиғи, атроф-мухит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар хаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-мухит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар конун хужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чикарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроклилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг хаёти, соғлиғи, мол-мулки хамда атроф-мухит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чикарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун конун хужжатларига мувофик:

ишлаб чикарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;

мувофиклик сертификати берган орган;

соғликни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги окибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф-муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дархол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарар етказилишининг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тугатиши шарт, бунда даволашга, озиқ-овқатга мўлжалланган товарлар ва маиший кимё товарлари сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан утилизация қилиниши шарт. Бу мажбуриятлар сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда, товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиш, уларни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттиравериши туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини коплаш;

харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни коплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниклаган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи кисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи кисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига кўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб кўйган тақдирда, уни қайта тиклаш конун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниклаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан кўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб кўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган

пайтдан эътиборан бир ой ичида кондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вакти-вакти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай кондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вактда товар бахосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуксонли товарни бошка маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча кайта ҳисоб-китоб килиши шарт.

Товарда кафолат муддатида топилган нуксонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб кўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чикарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуксонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чикарувчига талаб кўйишга хакли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чикарувчининг айби билан йўл кўйилган жиддий нуксонлар аникланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида кўйилиши мумкин.

Узок муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вактда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуксонли товар кайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чикарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбик этилмайдиган узок муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуксонларни бартараф этиш хусусида талаб кўйилган такдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуксонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чикарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вактда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш хакидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуксонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чикадиган муддатларидан ортик кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

Агар сотувчи (ишлаб чикарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуксонларни бартараф этиш ҳакидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуксонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор килиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Конуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофик коплашни талаб килишга ҳакли.

Нуксонли товар айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуксонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фаркни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарк қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, шартнома бекор қилинган тақдирда, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдорида қайтариб берилади, шунингдек кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вазни беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга), шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш

ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг боскичма-боскич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг копланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса ёхуд ишда (хизматда) бошка жиддий нуксонларга йўл кўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуксонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуксонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошка буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор килиниб, кўрилган зарар тўлиқ копланишини талаб қилишга ҳакли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳукукларни:

ишни (хизматни) кабул килиб олиш вактида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуксонлар аникланган такдирда;

кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган такдирда эса, иш (хизмат) кабул килиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

иморат ёки бошка кўчмас мулкда нуксонлар аникланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чикариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аникланган нуксонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб кўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуксонлар, агар шартномада бир мунча кискарок муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб килган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуксонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатишни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган такдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) кийматининг ёки буюртма кийматининг (агар унинг киймати алохида белгиланмаган бўлса) бир фоизи микдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортик бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуксонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) копланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни коплаши уни мажбуриятни асл холида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан кабул килиб олинган ашё (материал) йўколган, ишдан чиккан, унга путур етган такдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуксонлар бўлса ёки у бузиб

бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни кайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалидан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб кўйилган пайтдаги кийматини икки баравар килиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун кабул килиб олинаётган ашё (материал) киймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуксонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўколган, ишдан чиккан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор килиш пайтидаги ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида конун ҳужжатларида белгилаб кўйиладиган коидалар билан аникланади.

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошка нуксонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошка воситалар кўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан копланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан катъи назар, ҳар кандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуксони туфайли етказилган зарар копланишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроклилик) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат кабул килинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, копланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф килиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, саклаш ёхуд ташишнинг белгиланган коидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод килинади.

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқукларини чеклаб кўядиган ва конун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳакикий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни кўллаш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан копланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга кисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

Истеъмолчининг ҳукуклари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳукуклари ҳамда конун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳукуклари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат хокимияти ва бошкаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (бундан буён матнда "Ўзстандарт" агентлиги деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошка давлат бошкаруви органлари

Истеъмолчилар ҳукуклари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий хокимият органлари:

истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш сохасидаги конун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан хамкорлик қиладилар;

истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чикадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳукукларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;

ўз ҳукуклари доирасида бошка ваколатларни хам амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш максадида:

истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларини бузиш аломатлари аникланган такдирда, ишлаб чикарувчидан (ижрочидан, сотувчидан) зарур хужжатлар, тушунтиришларни ва бошка ахборотни сўраб оладилар;

истеъмолчиларнинг хукукларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чикарувчига (ижрочига, сотувчига) кўрсатма юборадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) хукукларини химоя килиб, судга мурожаат этишга хакли дирлар;

конун хужжатларига мувофик бошка ваколатларни амалга оширадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза килиш давлат кўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошка давлат бошкарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чикариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан кайтариб олиш тўғрисида ишлаб чикарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу хакда истеъмолчиларни хабардор киладилар;

ишлаб чикарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари такдирда уларнинг устидан судларда даъво кўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиклаштириб боради.

Ишлаб чикарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисидаги конун хужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш, ракобат ва тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси ҳамда унинг худудий органлари ишлаб чикарувчига (ижрочига, сотувчига):

ишлаб чикарилган санаси ва яроклилик муддати кўрсатилиши шарт эканлиги конун хужжатларида белгиланганлигига қарамай ишлаб чиқарилган санаси ва яроклилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга кабул килганлик учун - товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг

истеъмол (фойдаланиш) учун яроклилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи миқдорида ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроксизлиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бирок энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

яроклилик муддати ўтган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун - реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдорида, бирок энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

истеъмолчилар ҳуқукларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, шунингдек уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун:

юридик шахсларга - энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда;

жисмоний шахсларга - энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

"Ўзстандарт" агентлиги ва ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари:

товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима солиш суд томонидан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқукларини химоя қилиш тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузганлик учун ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) охирги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммани ундириш тўғрисида карор кабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Жарима солиш ишлаб чиқарувчини (ижрочини, сотувчини) йўл қўйилган конунбузарликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлик ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чикармаган бўлса, уни судда кўриб чикиш даврида бу хужжатларнинг бажарилишини тўхтатиб кўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши хакидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошкаруви органларининг мансабдор шахслари конун хужжатларига мувофик жавобгар бўладилар.

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эхтимолини назарда тутган холда истеъмолчиларнинг талабларини кондириш максадида ўз жавобгарлигини суғурта килдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги хакида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

Истеъмолчининг хукуклари бузилган такдирда, у судга мурожаат килишга хаклидир. Даъволар, агар конунларда бошкача коида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга такдим этилади.

Истеъмолчилар ўз хукукларининг бузилиши билан боғлик даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзгатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод килинадилар.

Истеъмолчилар ўз хукуклари ва манфаатларини химоя килиш максадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини конун хужжатларига мувофик амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

Таянч сўзлар

СССР, МДХ, Россия, конунчилик, Ўзбекистон, хукумат, саноат, мулк, мухофаза, хамкорлик, патент идораси, хукукчилик, замонавий, ривожланаётган, янги, конун, эркин.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикасида патент идораси ва хукукчилигини норматив хужжатлари?
2. Ўзбекистон Республикасида патент олиш учун кандай хужжатлар такдим этилади?
3. МДХ мамлакатларида ихтироларни расмий экспертизадан ўтказиш учун кандай хужжатлар такдим этилади?
4. МДХ патент эгаларини асосий хукуклари нималардане иборат?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. "Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 7 май да қабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
2. "ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини хукукий мухофаза килиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун, - 1994 йил майда кабул килинган.
3. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, - 1994 йил 6 майда кабул килинган, 1997 йил 26 декабрда ўзгартирилган.
4. "Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида"ги Ўзбекистои Республикаси Қонуни,- 1996 йил 30 августда кабул килинган.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иктисодиётни баркарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида», 2009 йил 13 февраль
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 февраль.
8. Каримов И.А Энг асосий мезон – хаёт хакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
9. Джумахаджаев А. Патентшунослик. Тошкент. Мехнат. 2001, 384 б.
10. Как защитить интеллектуальную собственность в России. Под редакцией Корчагина А.Д. - М.: ИНФРА-М, 1995, 335 с.
11. Официальный сайт патентного ведомства США.
12. "How to get a European patent" / Guide for applicants. – Munich, ERO, 1996, 82 p.
13. WIPO. General Information - Geneva, WIPO publication, 1997.

Хулоса

"Патентшунослик ва лицензиялаш ихтиро, фойдали модел ва саноат намуаларини ҳимоя тартиблари ва хукукий, иктисодий, ташкилий низомлари ва асослари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматини карорлари хамда Патеншунослик идорасини ва ахборотларини норматив-ҳужжатлари, йўрикномалари оркали тартибга солинади. Бу фан бўйича бу соҳадаги асосий тушунчалар ва

таърифларни Ўзбекистон ва бошка давлатларнинг патентшунослик ва лицензиалаш соҳасидаги конунларни асосий моҳияти, патент эгаларининг ҳукук ва мажбуриятлари, ихтирога патент бериш тартиби ва уларни амал килиш даври келтирилган. Бундан ташкари Ўзбекистон Республикасини Қонун хужжатларида ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси, ихтиро, асосий тушунчалар, уларни турлари, ихтиро тавсияномаси, таркиби, селекция ютуклари, саноат мулклари, товар ва хизмат белгиси объектларининг патент кобилияти, шартлари ва фойдали фойдали моделларнинг ҳимоянувчанлиги, халкаро патент таснифи, патент ахбороти ва маълумотлар баъзаси, Европа, АҚШ ва МДҲ мамлакатларинингпатентлаш бўйича конунчилиги ва улардан фойдаланиш, тахлил ўтказиш ва керакли маълумотлар баъўасига эга бўлишлик масалалари ёритилган Ўзбекистон интеллектуал мулк объектларини ҳукукий мухофазалаш соҳасидаги амалдаги қонунчилик. Интеллектуал мулк фукаролик ҳукукининг кичик соҳаси эканлиги. Партент ҳукуки ва фукаро муносабатлари иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситаларини мухофазалаш ҳамда ноанъанавий объектларни мухофазалаш бўйича муаллифлик ҳукуки ва саноат мулки ва патент ҳукуки ҳамда иқтисодий муносабатларни ҳукукий мухфазалаш соҳасидаги амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Жаҳон бозорида талабни ва таклифни рағбтлаштириш орқали махаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-кувватлаш Ўзбекистонни иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб колишда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ташки иқтисодий фаолиятда (ТИФ) товарларни номенклатурсини ўрганиш, уйғунлашган Тн божхона тўловлари, интеллектуал мулк объектларини мухофазалаш, илмий кашфиётлар ва ихтиролар, селекция ютуклари ва саноат намуналари ҳамда белгилари, экспорт ва импорт товарлар бўйича шартномалар тузиш, патент ахборотлари, халкаро, Европа, АҚШ, ва МДҲ патентшунослик ва лицензиялаш тўғрисидаги ахборотлар билан таништириш ва ҳукукий нормаларини билиш маълум аҳамиятига эга. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси ва "Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида"ги конунларда таъкиланганидек яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг нусхаларига конуний эгалик килиш. Ҳукук эгасидан кўшимча рухсатнома олмасдан дастурнинг бошка бировлврга бериш уни тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслиги конун хужжатларида таъкидланади. Кашфиётлар уларни янгилиги, софлиги ва устунлигини аниклаш, ихтиролар, энтеллектуал фаолият, янги ғоялар ва техник ечимлар, саноат мулки объектларига бериладиган ва муайян худудда вакт оралиғида амал киладиган мухофаза хужжати сифатида патент ва лицензияларни муаллифларга берилади ва уларни Ўзбекистон Республикасини Қонун хужжатлари орқали ҳимояланади.

Ўсимликларнинг янги навлари ҳайвонларни янги зотларини яратилганлиги учун селекция ютукларига бериладиган ҳукуклар муаллифларга патент ёки гувохнома берилади. Патент ахборотлари оркали селекция ютуғининг янгилигини аниклаш ва уни давлат синовларидан ўтказиш. Давлат патент идорасига янги навни ёки зотни янгилиги

тўғрисидаги тегишли маълумотларни ва хулосалар тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ саноат намунасининг янгилиги, ўзга хослиги ва саноатда қўлланилиши унинг патентга лаёқатлик шартларини белгилайди. Саноат намунасининг эститик ва эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим белгилари ҳисобланди. Товар белгисининг ўзига хос хусусияти унинг товар ва хизматлар бозордаги бажарадиган ролини ва янгилигини аниклайди. Ўзбекистонд товар белгилари ва хизматлар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни "Товар белгилари ва хизматлар кўрсатиш белгилари тўғрисида"ги конун талаблари билан тартибга солинади.

Муаллифлар ўзлари яратган кашфиётларига, ихтироларига селекция ютукларига, саноат намуналари ва махсулот белгиларига патент, лицензия олиш учун конун талабларидан келиб чиккан ҳолда давлат патент идораларига талабнома оркали мурожат киладилар.

Муаллифлар аник ва ўз вактидаги патент ахборотига эга бўлиш учун барча патент ахбороти тизимларидан фойдаланишлари лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси патент ва универсал ахборот ресурсларидан, халкаро патент тасниф тизимлари, идоралари ва уларни ҳукукий талабларидан фойдаланишлари лозим.

II боб. Товар ва хизматларни сертификатлаш

2.1. Ўзбекистон Республикасининг товарларни стандартлаштириш тўғрисидаги конуни ва унинг аҳамияти

2.1.1. Стандартлаштиришнинг асосий максадлари.
2.1.2. Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар.
2.1.3. Товар ва хизматлар стандартлари устидан давлат назорати.
2.1.4. Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти ва уни рағбатлантириш.

2.1.1. Стандартлаштиришнинг асосий максадлари

Маҳсулотлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурс тежаш максадларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан;

Маҳсулотларнинг алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлашдан;

Фан ва техника тараккиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халк хожалигининг эхтиёжларига мувофик холда маҳсулот сифатини ҳамда ракобат кила олиш имконини оширишдан;

Барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чикаришнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини яхшилашдан;

Табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошка фавкулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган холда объектларининг хавфсизлигини таъминлашдан;

Истеъмолчиларнинг ишлаб чикарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлик ва ишончли ахборот билан таъминлашдан;

Мудофаа кобилятини ва сафарбарлик тайёрлиги таъминлашдан;

Ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини умумий ташкилий-техник коидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади ҳамда:

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш мувофиклаштириш ва таъминлашни;

Халк хўжалиги тармокларида Ўзбекистон стандартлаштириш метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

Курилиш курилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструксиялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кўмитаси;

Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф мухитни ифлосланишдан ва бошка зарарли таъсирлардан мухофаза килиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни мухофаза килиш кўмитаси.

Ушбу конунга мувофик давлат бошкарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунингдек ушбу Қонунни қўллашга йўрикномалар ва изоҳларни ишлаб чикадилар ва тасдиклайдилар, нашр этадилар. Ўзстандарт агентлиги ушбу конунга мувофик стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий коидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошкарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган хамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.

Ўзстандарт агентлиги, Давлат архитектура ва Курилиш Кўмитаси, Давлат табиатни мухофаза килиш кўмитаси ва республика Соғликни Саклаш Вазирлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш ишларини бажаришни бошка ташкилотларга топширишга хаклидир. Стандартлаштириш тасдиклаган органлар стандартлаштиришга оид тармок ахборот жамғармаларини хосил киладилар ва юритадилар хамда манфаатдор истеъмолчиларни халкаро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларига доир ахборотлар билан, шунингдек стандартлаштириш соҳасидаги халкаро шартномалар, техник-иктисодий хамда ижтимоий ахборот давлат классик каторлари, стандартлаштириш коидалари, нормалари ва тавсияларига оид ахборотлар, билан таъминлайдилар. Стандартларни нашр килиш ва кайта нашр этишни улар тасдиклаган органлар амалга оширадилар. Стандартлаштириш тўғрисидаги конун хужжатлари ушбу Қонундан ва бошка конун хужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида стандартлаштириш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси конун хужжатлари билан хам тартибга солинади. Башарти халкаро шартнома ёки битимда Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида таърифланганидан ўзгача коидалар белгиланган бўлса, у холда халкаро шартнома ёки битим коидалари кўлланилади. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир куйидаги тоифадаги норматив хужжатлар кўлланилади:

a) Халкаро стандартлар;
b) Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари;
c) Тармок стандартлари;
d) Техник шартлар;
e) Корхона стандартлари;
f) Хорижий мамлакатларинг миллий стандартлари;
g) Маъмурий-худудий стандартлар.

Давлат ягона ва узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланган давлат таълим стандартлари ишлаб чикилган. Стандартлаштиришга доир норматив хужжатлар жумласига шунингдек стандартлаштириш коидалари, нормалари, техник-иктисодий ахборот классик каторлари хам киради. Мазкур хужжатларни ишлаб чикиш ва кўллаш тартиби Ўзстандарт томонидан белгиланади.

Халқаро стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қоидалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иштирок етган халқаро шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини Ўзстандарт ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар. Улар халқаро савдо-сотиқ учун ортиқча тўсқинликларни вужудга келтирмаслиги лозим.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет ел фан техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ракобат кила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган,анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

2.1.2. Норматив ҳужжатларнинг тоифалари ва уларга қўйиладиган асосий талаблар

Истеъмолчиларга сотиладиган маҳсулотга доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар Ўзстандарт органларида хак олинмасдан давлат рўйҳатидан ўтказилиши лозим. Ўзстандарти органларида рўйҳатдан ўтган стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар давлат ахборот жамғармасини ташкил этади. Махсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг хаёти, соғлиги ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва алмашинувчанлиги, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, хўжалик фаолияти субъектлари риоя этиши учун мажбурийдир.

Стандартларда маҳсулотни яратиш ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар хам белгилаб қўйилиши мумкин.

Импорт маҳсулотининг башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиклиги тасдиқланмаган бўлса етказиб берилиши белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

Стандартилаштиришга доир норматив ҳужжатларнинг сертификатлаштиришда қўлланилиши амалдаги конун ҳужжатларга мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиш лозим бўлган маҳсулотни, Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар сертификатлаштиришни амалга оширишда риоя етиладиган талабларни, шунингдек ушбу талабларга мувофиклигини назорат қилиш ва синаш усулларини ўз ичига олиши лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар маҳсулотнинг мазкур турини сертификатлаштириш тизимида белгиланган нормада ва тартибларга мувофиқ қўлланилиши лозим.

2.1.3. Товар ва хизматлар стандартлари устидан давлат назорати

Хўжалик фаолият субъектлари стандартларнинг мажбурий талабларига, стандартлаштиришга таалуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан давлат назоратини ЎзСтандарт агентлиги, Давлат Архитектура ва Қурилиш Қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар. Идоравий бўйсинувчи ва мулк шаклидан қатъий назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан, сертификатлаштирилган маҳсулот давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолият субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт. Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя етилиш устидан давлат назоратининг:

- Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларга ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;
- Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларга ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспектори;

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларга ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича ишларни давлат инспекторлари амалга оширади. Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

- Хўжалик фаолият субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига белгиланган тартибда кириш;
- Хўжалик фаолият субъектидан давлат назорати ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;
- Давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолият субъектининг техник воситалардан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш;
- Стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиклигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналарини ҳамда нушаларини танлаб олишни ўтказиш бунда ишлатиб юборилган нушаларнинг киймати ва синамаларни ўтказиш ҳужжатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларидан киритилади;

- Махсулотни яратиш ишлаб чиқаришга тайёрлаш реализация қилиш ундан фойдаланиш махсулотни сақлаш ташиш ва чиқиндини фойдали суръатда ишлатиш боскичларида, Стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларини ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларини ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташкари:

- ✓ Стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолият субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида карорлар кабул қилиш;
- ✓ Стандартлар бузилиши айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;
- ✓ Текширилган махсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни, ундан фойдаланишни такиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;
- ✓ Текширилган махсулот стандартларининг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки реализация қилишни, ундан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;
- ✓ Давлат инспекторларининг махсулот реализация қилишни ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар.

Жарима солиш суд томонидан, хўжалик фаолияти субъекти содир этилган хукукбузарликдаги айбига икрор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади. Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва карорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материаларни прократура органларида ёки судга оширадилар. Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида конун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилади.

Ушбу конун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

2.1.4. Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишларнинг молиявий таъминоти ва уни рағбатлантириш

Стандартлаштириш ва назорат қилишга доир ишлар, хусусан:

- Халқаро стандартларни, стандартлаштириш қоидалари, нормалари ва тавсияларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чқаришда иштирок этишда;
- Аниқ стандартлаштириш объектлари бўйича конун ҳужжатларини ишлаб чиқиш шунингдек стандартларнинг таркибий ташкилий-техник ва умум техник мажмуиларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилишини таъминлаш;
- Техник-иқтисодий классифик каторларини ишлаб чиқиш улар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва нашр этиш шунингдек уларни барча манфаатдор фойдаланувчиларга юбориш;
- Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш;
- Стандартлар фондини, техник иқтисодий ахборотлар классифик каторларини, халқаро стандартларни, стандартлаштириш қоидаларини, нормалари ва тавсияларини, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартларини, шунингдек стандартларга мувофиклик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрини шакллантириш хамда юритиш;
- Стандартлаштириш сохасидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аниқлайдиган ўзга ишлар давлат йўли билан молиявий таъминланиши шарт.

Нашр қилинган (қайта нашр этилган) стандартларни, техник иқтисодий ахборот классифик каторларини, маҳсулот ва хизматлар Давлат реестрига киритилган, стандартларга мувофиклик белгиси билан тамғаланган маҳсулот ва хизматларнинг нашр килинган катологини сотишдан белгиланган тартибда олинган маблағлар, шунингдек ушбу конун коидаларини бузганлик учун ундириладиган жарима маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат назорати органларига йўлланадиган кисми ҳам стандартлаштириш стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратига доир ишларни молиявий таъминлаш манбалари бўлиши мумкин. Республика бюджети маблағларидан тўлиқ ёки қисман таъминланадиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини норматив жиҳатдан таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим. Давлат стандартларга, шу жумладан истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талабларни ўз ичига олган стандартларга мувофиклик белгиси билан тамғаланган махсулотни ишлаб чиқарадиган хўжалик фаолияти субъектлари иқтисодий қўллаб-кувватланиши ва рағбатлантиришни кафолатлайди.

Махсулот ишлаб чиқаришни амалга ошираётган ва махсулотларни стандартларга мувофиклик белгиси билан тамғалаш хукукини олган хўжалик фаолияти субъектларини иқтисодий қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш

чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таянч сўзлар:

Қонун, давлат, назорат, инспексия, товар, маҳсулот, сифат, стандарт, сертификат, метрология, ҳудудий, техник шартлар, жараёнлар, ресурс, фан ва техника, рағбат, ишлаб чиқариш сотиш саклаш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Давлат стандартлари товарлар ишлаб чиқаришдаги вазифаларини тушинтириб беринг?
2. Стандартларни категорияларини ва уларга қўйиладиган талабларни айтиб беринг?
3. Товарларни стандартлаштиришдан асосий максад нима?
4. Стандартларни қайси ташкилот томонидан қандай талабларда расмийлаштирилади?
5. Стандартларни қўлланилиши қандай рағбатлантирилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бақишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 феврал.

3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.

4. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш сертификатлаш ва метрология тўғрисидаги қонуни 22 декабр 1992 йил.

2.2. Товар ва хизматларни халқаро сертификациялаш

2.2.1. Товарларни сертификациялаш сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари.
2.2.2. Товарларни сифат кўрсаткичларини таъминлашда норматив-техник ҳужжатларни роли.

2.2.1. Товарларни сертификациялаш сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари

Товарларнинг сифат кўрсаткичини аниклаш товарларнинг сифати турли йўллар билан текширилади. Миллий махсулотларга таълукли стандартлар ва уларни кўрсатмаларига кўра улар органалептик кимёвий, физик биологик ва микробиологик текширишлар натижасида белгиланади. Махсулотларга органалептик жихатдан баҳо бериш агар шуб (бурги) ва баъзи майда асбобларни еътиборга олмаганда махсус бир асбоб-ускуна талаб килади. Бошка текширишларини эса лабораторияларда махсус асбоб ускуналар ёрдамида, текширилаётган методик усулларга хос бўлган ишлар, тадбирлар ва химикатлар ёрдамида мутахассислар томонидан текшириб борилади.

Махсулотларни сифатини органалептик жихатдан текшириш устудан товарга сезги органлари ёрдамида баҳо беришдан иборатдир. Махсулотни кўриш хидлаш ушлаб кўриш мазасини татиб кўриш ва бошкалар. Органалептик усуллар маълум даражада субйектив усулдир, органалептик усулда текширувчилардаги сезги органлари айрим шахсларда бир даражада бўлмайди, шундай килиб, бир махсулот сифатига турли кишилар хар хил баҳо беришлари мумкин. Бирок махсулотлар органалеп-тик жихатлар баҳо берувчи экспертлар ўзларининг тажрибалари ва маҳоратлари туфайли махсулот сифатига баҳо бериш йўлларига иложи борича тўғри йўл билан ёндашадилар. Аммо экспертизанинг бу камчиликларига карамасдан, шуни назарда тутиш керакки инсонни сезги органлари махсулотни бошка текшириш усуллари билан аниклаб бўлмаган холда хам, ўзига хос хушбўй ва таъм хусусиятларини сеза олади. Одатда органалептик жихатдан баҳо беришда баъзи формула физик-кимёвий текширишлар хам ўтказилади. Махсулотлар органалептик жихатдан баҳо беришга бир неча усуллари бўлиб, улар таккослаб баҳо берса, балл билан баҳолаш усули, изчиллик усули ва бошка бир майда кичик усуллардан иборат. Махсулотларга таккослаб баҳо бериш устидан текширилаётган махсулотни шу маҳсулот еталонларига (стандарт намуналарига) таккослашга асосланган, бу усулнинг камчиликларидан бири шуки, бунда махсулотларни биологик жихатдан стандарт намуналарини кўп саклаб бўлмайди ва алмаштирнб туришга тўғри келади. Бу эса баҳо беришдаги аникликни пасайтиради. Махсулотга абсолют равишда баҳо берилганда еталон танлаб олиш хам таъсир килади, чунки унга ўртача намуна сифатида турли вактда олинган махсулот бир-биридан фарк килиши мумкин. Балл кўрсаткичи билан баҳо бериш бу балл белгилари билан ифодаланди. Озик-овкат махсулотлари сифатини мунтазам равишда текшириб бориш ва баҳо бериш учун жуда кўп балл кўрсаткичлари бор. Махсулотларга балл билан баҳо беришда балларнинг умумий сони кўрсаткичлари бўйича бўлинади. Масалан: сариёғъга бериладиган баҳо бешта кўрсаткич бўйича ўтказилади: таъми ва хиди бўйича, консистенсияси бўйича, қайта ишлангани ва ташки кўриниши бўйича, ранги бўйича, тузилиши ва ураб жойланиши бўйича. Бу кўрсаткичлар ишида энг мухим ахамиятга эга бўлганлари- ёғънинг таъми ва хидидир. Бу кўрсаткичларга одатда 50 балл ажратилади. Сўнгра ёғ консистенсияси, қайта ишланиши ва ураб-жойланичига 25 балл, рангига 5 балл, тузланиш сифатига 10 балл ва

m) Тимдаланган, ериган, тикилган, нураган жойлари оқ стемент ёки мустаҳкамловчи бошка материал билан жилвирлаш, жилолаш ёки маҳсулот тайёрловчи корхона томонидан белгиланган бошқа йўллар билан бутланиши лозим;

n) Навланиши ҳар бир буюмга маҳсулот тайёрловчи корхонанинг маҳсулот
нишонива унинг нави туширилиши шарт;

o) Нав белгилари буюмнинг кўринмайдиган томонига кўшилиши лозим. Нав белгисини тушириш сувбардош буёк суриш ёки лавхача ёпиштириш йўли билан бажарилади;

p) Юкларнинг наклиётбоп нав белгилари ГОСТ 14192 бўйичадир. Ҳар бир юк ўрнига "эҳтиёт килинг", "Нозик", "Намланишдан сакланг" каби

амалиёт
белгилари туширилиши лозим;

q) Ураб жойлаш харидорга, шу жумладан савдо тармоғига ҳам жўнатишда буюмлар ГОСТ 12082га биноан 1-1, 1-2 ва № андозалардаги тахта панжараларга, ГОСТ 2991га биноан тахтадан қилинган қутиларга, амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга биноан иссиқбардош пардаларга, ГОСТ 20435 ва ГОСТ 15102га биноан контейнерларга жойланади ва бу ҳолда буюмларни ўрамасдан, ГОСТ 5244га биноан ёғоч пайрахалари, ГОСТ 10700га биноан қоғоз ёки қатлама қоғоз пайрахалари ёки кипикларига кўмиб жойлашга рухсат қилинади;

r) Буюмлар контейнерларга маҳсулот тайёрловчи корхона томонидан ишлаб чиқилган чизма тархларга биноан жойлаштирилади;

s) Буюмлар жойлаштирилган кобирғали катлама коғоздан қилинган қутилардан супаларда пўлат симлар билан боғланган жойлар маҳкамланади.

Атамалари ва номлари:

1. Умумий атамалар:

Орасталик сопол буюмлари ок лой ва маъданлар коришмасидан тайёрланган, юкори ҳароратда куйдирилган, сув иштирокида ифлосликларни шимиб ва ювиб юбориш йўли билан орасталик ва рўзғорий эҳтиёжларга мўлжалланган, сирланган буюм.

1. Буюм юзалари атамалари:

Кўринадиган юза - буюмнинг фойдаланишга ўрнатилган ҳолидаги олд ва ён томонлардан кўринадиган юзаси;

Монтажланадиган юза - буюмнинг йиғиш ва маҳкамлашга мўлжалланган юзаси;

Зебланиши - буюмнинг кўринадиган юзаларига бир ранг ёки бир неча рангдаги суратлар туширилиши;

Ишга яроклилиги - буюмнинг фойдаланиш муддати давомида ўзига юклатилган вазифани бажара олиш қобилияти.

3. Орасталик сопол буюмлари нуксон атамалари:

Совукда ёрилиш буюмлар куйдирилганидан сўнг, совутиш чоғида, ташки механик таъсирлардан ҳоли равишда кўриши сабобли сирлари ва тошига дарз кетиш ҳоллари;

Асосий ранг жилоси - буюм юзаси буёғининг ранглик жиҳатдан ошик ва кам тўйинишига биноан фаркланиши;

Хираланиш - ялтирок сирнинг товланишидаги хиралик ёки умуман товланмаслиги;

Томчи - асосий рангдан фарклануви кўлами 1 мм бошка ранг майдони;

Окма - оқим шаклидаги сирнинг бир жойларда калинлашиши ҳоллари.

Сийка - сир билан копланмаган жой. Сирнинг каварикланиши - сир юзасидаги силликланмайдиган бир тўп кўпикчалар.

Шохча - 1 мм ҳажмидаги ранглардаги хира. Қаварик сирнинг ёки сопол моддасининг катта бўлмаган ҳажмдаги шиши.

Ёпик дарз - сир билан копланган ёрик.

Очиқ дарз - сир билан копланмаган ёрик.

Сирланмаган синиқ - сирланмаган буюмнинг механик шикасти.

Чиқиқлар - буюм юзаларидан ошикча чиққан сирланган ёки сирланмаган бегона моддалар.

Ёрилган жой - буюм юзида бегона модданинг ёниб ёки ериб кетиши натижасида хосил бўладиган чуқурчалар.

Таянч сўзлар:

Сифат, товар, вазифа, максад, меъёрий, обект, тавсия, метрология, стандарт, унификация, рағбат, ИСО, АСМО, КОПАНТ, ГОСТ, андоза, сифат, миқдор, норма, техник товар, вазн, атама, чидамлилик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Товарларнинг ракобатдошлигининг халқ хўжалигидаги аҳамияти?
2. Товарларнинг асосий ракобатдошлик мезонларини шархлаб беринг?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари И.А.Каримов. - Т:Ўзбекистон, 2009-56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 2009 йил 14 феврал.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - хаёт хақикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
4. Миразамов. М.А "Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системалари" Тошкент 2001 йил.
5. Цунц. Я "Економика и качество" Тошкент 2003 йил.
6. Постушенко. Л. Л "Стандартизация и качество продукции на промишленного предприятиях". Киев 1998 год.

2.10. Сертификациялаш талаблари бўйича товарларни ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар

2.10.1 Товарларни ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларини режалаштириш.
2.10.2. Товарларни сифатини стандарт усулларда аниклаш.

2.10.1 Товарларни ишлаб чиқаришда сифат кўрсаткичларини режалаштириш

Маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини режалаштириш ва уни амалга ошириш ишлаб чиқаришдаги доимий ишлар ҳисобланади. Товарларни ишлаб чиқарилишини режалаштиришда доимо ишлаб чиқаришни ва истеъмолчиларни талабини ўрганиб боришни давлат миқёсида амалга ошириш керак. Ишлаб чиқариш товарларига истеъмолчиларнинг талаби бўлмаса бу товарларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ килиш, янги товарларни сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисидаги илмий, назорат ва ишлаб чиқариш тамойилларини бир вактда амалга ошириш керак бўлади. Ҳозирда меҳнат таксимотида ресурслар танқислиги ва кўп ривожланган давлатларда ишлаб чиқариш корхоналари юкори сифат кўрсаткичларига эга бўлганлиги дунё юкори технологияни ривожига янги-янги ускуналарни яратилиши ишлаб чиқарилиши ишлаб чиқарилган товарларни ракобатдошлигини оширишга олиб келмокда.

Шу борада ривожланган мамлакатлар замонавий ускуналар билан ўзларининг ишлаб чиқариш корхоналарини янгидан таъмин этилишига, ракобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш потенциалини ошириб бормокдалар. Ҳозирги даврда кўшма корхоналарни барпо килиниши истеъмол товарларларига бўлган талабларни сифат кўрсатгичларини бошқаришга хизмат килмокда.

Норматив техник ҳужжатларда маҳсулотларини сифат кўрсаткичларни бошқариш деб ишлаб чиқаришда техника технология билан таъмин этилиши, маҳсулотларни сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқаришга киритишда, ишлаб чиқариш даврида иш ускуналарини експлуатация потенциалини таъмин этилиши истеъмолчилар талабини доимо кондиришда юкори кўрсаткичларни бошқариш маълум тамойилларга асосланган. Шунинг учун килинадиган барча ишлар ва ишлаб чиқаришга таъсир этадиган барча факторлар катта рол ўйнайди.

1. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштириш (проектлаш).
2. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш даври.
3. Маҳсулотларни етказиш яъни реализациялаш даври .
4. Маҳсулотлардан фойдаланиш яъни истеъмол даври.

Биринчи даврда ишлаб чиқаришга керак бўлган маҳсулотларни режалаштириш даврида шунга ўхшаш маҳсулотларни ўрганиш орқали янги маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини юкори даражага етказишни таъминловчи омилларни ўйлаб топиш лозим.

Бозор иктисодиётининг асосий конуни эса талаб ва таклиф бўлгани учун ҳар бир ишлаб чиқарилган товарга истеъмолчиларнинг кўйган талаби катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бозор шароитида истеъмолчиларни талаби даврига нисбатан ишлаб чиқариш корхоналарига доимо янги таклиф берилади. Шу сабабли товарларнинг сифат кўрсатгичлари доимо яхшиланиб боришлиги ва уларнинг бозор шароитида ракобатдошлиги ошиб боради. Шунинг учун халк хўжалигида янги турдаги сегментлар бунёд етилади. Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифатлари яхшиланиб уларга бўлган

талаб ортади. Шунинг учун бозор шароитида ишлаб чиқариш структураси билан истеъмолчилар орасида доимо рақобат содир бўлади. Шунинг учун бозор шароитида ишлаб чиқаришдаги корхоналарга маҳсулотни ишлаб чиқариш даврида уларнинг сифатига қўйиладиган талаблар доимо ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун тайёрланган маҳсулотнинг сифатини ҳар томонлама таҳлил қилиб уларнинг иқтисодий баркарорлигини чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдори, уларнинг потенстиалига яъни корхона ускуналарига, кувватига, хом-ашё сифатига боғлик. Шунинг учун маҳсулотларнинг сифатини бошқариш янги ассортиментдаги маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга технологияларни яратишга асосий омил бўлади.

Маҳсулот сифати - унинг маълум ехтиёжларини қондириш учун яроклилигини белгилаб берадиган хусусиятлар йиғиндисидир.

Маҳсулот сифати - унинг барча хусусиятларини эмас балки маҳсулотнинг маълум эҳтиёжларини қондира олиш имкониятлари билан боғлиқ хусусиятларини ўз ичига олади.

Маҳсулот сифатини бошқариш деганда, маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишлатиш ва истеъмол қлишда унинг сифатининг зарур даражасини белгилаш, таъминлаш ва сифатини мунтазам контрол қилиш ҳамда унга таъсир қилувчи шарт шароит ва омилларни собитлик билан таъсир эттириш орқали амалга оширилади.

Сифат масаласи – хўжалик фаолиятининг ҳамма жихатларини қамраб олади.

Юкори сифат - бу меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш экспорт имкониятларини ошириш провад натижасида эса жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада тўларок кондириш демакдир. Биз сифат муаммосини жуда кенг маънода тушунамиз. Бу муаммо хўжалик фаолиятини ҳамма соҳаларини ўз ичига олади.

Юкори сифат деганда - бу меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш экспорт имкониятларини ошириш провад натижасЬда эса жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада тўлароқ кондириш маъносини тушанамиз. Шу боисдан ҳам бошқариш бутун механизмини, модий ва номоддий рағбатлантиришнинг бутун систэмаси инженер ва конструкторларнинг куч ғайратларини, ишчиларпинг маҳорати, маҳсулот сифатини оширишга қаратиш зарур.

Чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш учун навбатдаги, бутунлай янги боскич учун шарт-шароитлар мавжудлигини еслатмокда.

Маҳсулот сифати масаласини ҳал этиш яна шунинг учун мураккаб, комлекс яъни бир вактнинг ўзида хам илмий ҳам техникавий, иқтисодий, сосиал муаммодир.

Маълумки, маҳсулот сифати, унинг яратиш ва истеъмол қилишнинг барча боскичларида, илмий тадкикот, лоиҳа - конструкторлик, технологик ва иктисодий иш олиб бориш жараёнида ундан фойдаланишни оммавий жорий қилишда шаклланади.

Мамлакатимизда ҳамда чет елларда маҳсулот сифатини бошқаришнинг баъзи форма ва методлари тўғрисида гапиришдан олдин «Маҳсулот сифати» ва «Меҳнат сифати» тушунчаларини кўриб чиқайлик.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти жамият эҳтиёжларини сўндириш учун зарур бўлган моддий бойликларни яратишнинг узуликсиз жараёнидан иборатдир, маълум эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган халқ хўжалиги фаолиятининг буюмлашган натижаси сифатида қараладиган барча моддий бойликлар маҳсулот деб аталади. «Маҳсулот» тушунчаси умумлаштирувчи бўлиб, ҳам тайёр маҳсулотларни ўз ичига олади.

Сифат масаласи –хўжалик фаолиятининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Юқори сифат - бу меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини ошириш пировард натижада эса жамият эҳтиёжларини янада яхшироқ, кондириш демакдир. Мамлакат олддиа турган хилма-хил иктисодий ва сосиал вазифаларни муваффакият билан ҳал этиш учун меҳнат унумдорлигини жадал кўтаришдан, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадарлигини кескин оширишдан бошқа йўл йўқ.

Сифат ва самарадорликни ошириш факат техникавий ва иктисодий вазифа бўлиб қолмай, балки сосиал идеалогик вазифа ҳамдир. Бу жамиятни янада ривожлантириш жараёнида ҳал қилиниб боради. Ҳар бир ишчи ишлаб чиқаришга канчалик кўп куч сарф килса меҳнат шунча самарадор, Ватанимиз шунча кудратли бўлади. Ҳар бир ходимнинг, ҳар бир оиланинг турмушини янада яхшилаш учун, бутун халқ фаравонлигини ошириш учун шунчалик кўп имкониятлари юзага келади.

Вазифа ишлаб чиқишнинг негизида фирмалар маҳсулдорлигини ошириш, барча сифат кўрсаткичларини яхшилашга еришишдан иборат.

Ўзбекистон бозорларига халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш зарурлиги сабабли Ўзбекистонда кўшма корхоналар чет ел инвесторининг кириб келиши таъмин етилмокда.

Сифат кўрсаткичларига мос равишда, товар ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон товарларини дунё бозорига олиб чикиш, Ўзбекистонга кўпрок валюта тушириш ва шу билан Ўзбекистоннинг ривожини таъминлашга катта етибор каратилмокда.

Юкори сифатли махсулот ишлаб чикариш билан ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг тежамини таъминлайдиган янги техника, энг илғор технология жараёнларини ишлаб чикаришга жорий этиш раҳбар ходимларга, инженерларга, конструкторларга, лойиҳачиларга, технология ва мутахасисларга боғлик.

Мамлакатимизда меҳнат, хом-ашё, ёқилғи, енергетик ресурслар жуда кўп. Асосий фондларимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми жуда катта. Шу сабабли ҳамма жойда ва ҳар ишда тежамкор бўлиш, жамоат мулкига омилкорлик билан ёндашиш, ихтиёримизда бўлган, инсоннинг кўли ва акл-заковати билан бунёд этилган нарсаларнинг ҳаммасидан моҳирона тўла-тўкис ва оқилона фойдаланиш иктисодий сиёсатнинг ўзаги бўлмокда. Бутун ишимизнинг сифати ва самарадорлигини оширишни таъминлаш учун ҳам

хўжаликнинг ҳамма тармоқларида фан ва техниканинг илғор даражасидан фойдаланиш зарур. Иш сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигидан ва иш сифатини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уларни меҳнатга инсонпарварлик муносабатида бўлиш рухида тарбиялаш, техник жиҳатдан асослаб берилган. Меҳнат нормаларини бригада хўжалик хисобини тежамкорлик ва сифат режаларини жорий этиш, белгиланган иш ҳажмини кам сонли ишчилар билан бажариш соҳасидаги тартибларни амалга ошириш максадга мувофиқир.

Сифатсиз маҳсулот тайёрланганлик ва реализация учун шунингдек махсулотни лозим даражада сақланганлик стандартлари ҳакидаги талаблар ва теника шарт-шароитига риоя қилганлиги учун иқтисодий жазо чораларини кўллаш жорий этишни кенгайтириш зарур. Маълумки ҳар қандай саноат маҳсулоти маълум муддат фойдалангандан кейин сифат кўрсаткичларини турлича йўкотади.

Ўзбекистонга маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва бу маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқишда ёрдам берувчи жуда кўп халқаро ташкилотлар мавжуд :

ИСО - халкаро стандартлаш ташкилоти;

МЕК - халқаро техник корхонаси;

МИК - халқаро марказий банки;

АСМО стандартлаштириш ва метрология бўйича араб мамлакатларининг ташкилотлари;

КОПАНТ - Жанубий Америка стандартлаштириш кўмитаси.

Халкаро стандартларни бунёд этишда маълум бир товар ишлаб чиқариш кузда тутиб давлатлар келишиб шу махсулот ва товарга ишлаб чиқариш учун шу товарни бунёд этадиган мутахассислар халқаро стандартларни яратади. Маълумки маҳсулот сифати уни яратиш ва истеъмол килишнинг барча босқичларида илмий тадкикот, лойиха-конструкторлик технологик иш олиб бориш жараёнида ундан фойдаланишни оммавий жорий килишда шаклланади.

Республикамизда маҳсулот сифатини ошириш учун кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Чет ел инвестициялари жорий килинмоқда. Жумладан АКДД Япония, Германия, Жанубий Корея, Чехия, Франция, Голландия, Туркия ва бошка мамлакатлар билан кўшма корхоналар курилган.

Ихтисослашув товарларни сифатли чикариш ва арзонга тушириш шартидир. Шу сабабли универсал яъни ҳамма иш билан машғул фирмалар бўлмайди, улар бир ёки бир неча товарлар ишлаб чикариш сохасида ихтисослашади.

Ихтисослашувнинг икки афзал томони бор :

Биринчидан, меҳнат унумдорлигини оширади, харажатларни пасайтириб фойдани ошириш имконини беради.

Иккинчидан, сифатли товар ишлаб чиқаришни, бинобарин товарнинг бозорда яхши сотилишини таъминлайди.

Ресурслар сарфи техника-технология даражасига боғлик бўлади. Бу даража қанчалик юқори бўлса эҳтиёжларни кондириш шу кадар кам ресурс

талаб қилади ёки аксинча. Масалан, янги технология шароитида 10 сўмлик маҳсулот олиш учун бир квт. електр енергияси сарф қилинса илғор технология шароитида 0,5 квт. сарфланади. Демак енергоресурс бирлиги евазига икки баробар кўп махсулот олинади.

Саноатдаги илғор тажриба ҳамда илмий маълумотларнинг кенгайиши чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш учун курашнинг навбатдаги, бутунлай янги боскич учун шарт-шароитлар мавжудлигини кўрсатади.

2.10.2. Товарларни сифатини стандарт усулларда аниклаш

Товарларни сифати турли йўллар билан текширилади. Шу маҳсулотларга тегишли стандартлар ва уларни кўрсатмаларига кўра улар органалептик химиявий, физик биологик ва микробиологик текширишлар натижасида белгиланади. Маҳсулотларга органалептик жиҳатдан баҳо бериш. Агар майда асбобларни ъатиборга олмаганда махсус бир асбоб-ускуна талаб килмайди. Бошка текширишларни эса лабораторияларда махсус асбоб-ускуналар ёрдамида, текширилаётган методик усулларга хос бўлган ишлар, тадбирлар ва химикатлар ёрдамида мутахассислар томонидан олиб борилади.

Текширишнинг органалептик усуллари. Маҳсулотларни сифатини органалептик жиҳатдан текшириш усули товарга сезги органлари ёрдамида баҳо беришдан иборатдир. Махсулотни кўриш, ҳидлаш, ушлаб кўриш, мазасини татиб кўриш, кулок солиб кўриш ва бошқалар. Органалептик усуллар маълум даражада субъектив усулдир. Органалептик усулда текширувчилардаги сезги органлари айрим шахсларда бир даражада бўлмайди. Шундай қилиб, бир маҳсулот сифатига турли кишилар хар хил баҳо беришлари мумкин. Бирок махсулотга органалептик жиҳатдан баҳо берувчи експертлар ўзларининг тажрибалари ва маҳоратлари туфайли маҳсулот сифатига берган бахоларида иложи борича оз фарқ бўлишига еришадилар. Аммо експертизанинг бу камчиликларига карамасдан, шуни назарда тутиш керакки, инсонни сезги органлари махсулотнинг бошка текшириш усуллари билан аниклаб бўлмайдиган ўзига хос хушбўй ва таъм хусусиятларини сеза олади. Одатда органалептик жиҳатдан баҳо беришда баъзи кўшимча физик-химиявий текширишлар хам ўтказилади. Маҳсулотларга органалептик жиҳатдан бахо беришнинг бир неча усуллари бўлиб, улар таккослаб баҳо бериш, балл билан баҳолаш усули, изчиллик усули ва бошка бир модда кўшиб суюклаштириш усулидан иборат.

Маҳсулотларга таккослаб баҳо бериш усули. Текширилаётган маҳсулотни шу маҳсулот еталонларига (стандарт намуналарига) таккослашга асосланган. Бу усулнинг камчиликларидан бири шуки, бунда маҳсулотларнинг биологик жиҳатдан активлиги туфайли стандарт намуналарини кўп саклаб бўлмайди ва алмаштириб туришга тўғри келади. Бу эса баҳо беришдаги аникликни пасайтиради. Маҳсулотга абсолют равишда баҳо берилганда еталон танлаб олиш хам таъсир қилади, чунки унга ўртача

намуна сифатида турли вактда олинган махсулот бир-биридан фарк килиши мумкин.

Балл кўрсаткичи билан баҳо бериш. Бу балл белгилари билан ифодаланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини мунтазам равишда текшириб бориш ва баҳо бериш учун жуда кўп балл кўрсаткичлари бор. Маҳсулотларга балл билан баҳо беришда балларнинг умумий сони кўрсаткичлари бўйича бўлинади. Масалан: сариёғъга бериладиган баҳо 5 та кўрсаткич бўйича ўтказилади: таъми ва ҳиди бўйича, консистенцияси бўйича, қайта ишлангани ва ташки кўриниши бўйича, ранги бўйича, тузилиши ва ўраб-жойланиши бўйича. Бу кўрсаткичлар ичида энг муҳим аҳамиятга эга бўлганлари – ёғнинг таъми ва ҳидидир. Бу кўрсаткичларга одатда 50 балл ажратилади. Сўнгра ёғ консистенцияси, қайта ишланиши ва ўраб-жойланишига 25 балл, рангига 5 балл, сифатига 10 балл ва ўраб-жойланишига 10 балл берилади.

Маҳсулотда йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳар бир иллат ва камчилик тегишли балл билан баҳоланади ва шу кўрсаткич учун белгиланган умумий балл сонидан олиб ташланади. Шундай қилиб маҳсулотга баҳо берайўтган експерт аслида фақат шу товарда кандайдир нуқсон ва камчилик борлигини аниклайди. Сўнгра у стандартдаги махсус жадвалдан қанча баллни олиб ташлаши кераклигини топади. Бу усул експертлар ишини осонлаштиради ва маълум даражада баҳо беришдаги субъективликка йўл қўймайди.

Изчиллик билан баҳо бериш усули. Сифати баҳоланаётган маҳсулотлар бир каторга қўйиладида уларни бир-бирига таккослаб баҳо берилади. Ҳар бир маҳсулот намуналари сифатига қараб ё тобора яхшиланиб бориладиган ёки борган сари сифати пасайиб борадиган тартибда бир каторга қўйилади. Бу усул ёрдамида маҳсулотларни саклаш шароити уларнинг сифатига кандай таъсир этишини ҳам аниклаш мумкин.

Суюклаштириш усули билан текшириш мумкин бўлган модданинг минерал микдори аникланади. Бу усул бир таркибли маҳсулотларга нисбатан қўлланилади. Маҳсулотга мунтазам равишда нейтрал модда қўша бориб текширилаётган маҳсулотларнинг сезилиш чегараси аниқланади ва шу билан ўша маҳсулотнинг дастлабки ҳолатда қанчалик қуюқликка эга еканлиги белгиланади. Органалептик жиҳатдан текширилаётган маҳсулот маҳсус хоналарда ўтказилади. Хоналар етарли даражада ёруғ ва кенг, тоза хаволи алоҳида уй ажратилган бўлиб, барча шароитлар мукаммал таъминланган бўлиши шарт.

Текширишнинг физик усуллари. Озиқ-овкат маҳсулотлари сифатини текширишнинг физик усуллари маҳсулотнтнг солиштирма оғирлигини, ёпишкоклигини, ериш, котиш ва кайнаш температурасини оптик хусусиятларини аниқлашдан бошланади.

Маҳсулот солиштирма оғирлиги шу суюклик оғирлигининг бир хил температура ва хажмдаги сув оғирлигига бўлган нисбатини кўрсатади. Маҳсулотнинг солиштирма оғирлиги одатда ариометр билан ўлчанади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг зичлиги ва солиштирма оғирлиги гидростатик тарози ва пикнометрлар билан ҳам аниқласа бўлади. Ёпишқоклик ёки

ёпишкоклик бирлиги ёки нисбий ёпишқоқлик сони билан ифодаланилади. Нисбий ёпишкоклик аник бир вакт ичида тагида кичкина тешиги бор махсус асбобдан ошиб тушган сув микдорининг шу асбобдан ошиб тушган суюклик микдорига бўлган нибатини кўрсатади. Ёғларнинг ериш ва котиш температураси ёғнинг каттик холатидан суюк холатига, ёки суюк холатидан каттик холатига ўтиш пайтидаги температурасини аник бир термометр билан ўлчаш натижасида аникданади.

Рефроктометр нурининг бир мухитдан иккинчи бир озми-кўпми зичрок мухитга ўтиши пайтида унинг йўналишини ўзгаришига ёки нурнинг синиш коеффициентларини аниклашга асосланган.

Поляриметрия методи баъзи моддаларнинг нур тебратишлари методини ўзгартириш кобилиятига асосланган. Колориметрия модданинг нурини ўзига танлаб сингдириш қобилиятига асосланган текширилаётган ва стандарт еритма рангининг интенсивлигини бир-бирига таккослашга асосланган анализ *колориметрик анализ* деб аталади.

Люминисцент усули эса кўпчилик моддалар ултрабинафша нурлари билан ёритилганда ўзларидан коронғуда кўринадиган ва хар хил рангдор тусга эга бўлган нур чиқаришига асосланган. Модда таркибининг ўзгариши унинг нур сочиш хусусиятига таъсир килади ва шундай килиб айрим холларда махсулот бузилганини аниклаш мумкин.

Текширишнинг химиявий усуллари озик-овкат махсулотлари сифатида химиявий усуллари билан текшириш асосан шу махсулотларнинг таркибий кисмлари ва хусусиятлари стандартлар хамда ВТУ (вактинчалик техник шартлари - временное техническое условия) талабларига тўғри келиш-келмаслигини аниклаш учун ўтказилади. Одатда химиявий текшириш усуллари стандартларда кўрсатилган бўлади.

Махсулот таркибидаги курук моддаларни ёғ билан сувнинг процент микдорини кўрсатувчи сон ўртасидаги фаркни хисоблаш оркали аникланади. Айрим холларда курук модда эмас, ёғсизланган курук модда микдори аникланади. Бунда курук модда микдорини кўрсатадиган сондан ёғнинг процент микдори олинади.

Махсулот таркибидаги ёғ микдорини **Сокслет усули** билан текширишда моддани махсус аппаратда олтингугурт ефири билан ишлаш натижасида аникланади. Ҳосил бўлган ефир ёғ еритмасдан хайдаб чикарилади ва ёғнинг оғирлиги тарзида тортиш ёки модданинг олтингугурт ефири билан ишлашгача бўлган оғирлигидан ишлаб чиқилгандан кейинги оғирлигини айириш йўли билан аникланади.

Махсулот таркибидаги шакарларни **ёдометрик усул** билан аниклаш. Иодни канднинг ишқорли мухитида ундаги алдегид группасини (глюкоза, малтоза, сут канди) микдорини оксидлаш хусусиятига асосланган.

Еритмадаги канд микдорини аниклашда **Бертранинг сулфит кислотали мисни оксидига тиклаш усули** энг аник усул хисобланади. Сулфит кислотали миснинг ишкорли еритмаси (фелинг суюклиги) алдегид ёки кетой группасига эга бўлган канд билан бирга киздирилганда сулфит кислотаси мисни мис оксидига тиклайди ва еритма остига чўкади. Қуйқум

сифатида чўккан мис миқдори аникланади. Еритмадаги ош тузи миқдорини озиқ-овқат маҳсулотидан чикариб олинган сувни азот кислотали кумуш билан титирлаш натижасида аникланади. Бунда сувда ерийдиган хлорли кумуш еритма остига чўкади. Азот кислотали кумуш еритмаси миқдорига караб маҳсулот таркибидаги туз миқдори аникланади. Маҳсулот таркибидаги кул миқдорини аниқлаш учун маҳсулотнинг аниқ бир миқдори муфел печларида куйдирилади. Маҳсулот таркибидаги кислота миқдорини аниқлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари еритмаси ёки улардан ажратиб олинган сувни ишкор билан титирлаш усули қўлланилади. Титирлаш учун зарур бўлган 0,1 н ишқорнинг миллиметр миқдори 100 г ёки 100 мл маҳсулотга кўпайтирилади ва у Тернер кислота миқдори градуси сифатида ифодаланилади.

Текширишнинг микробиологик усуллари. Микробиологик текширишлар Озиқ-овқат маҳсулотларида киши организми учун зарарли ҳамда маҳсулотларни саклаш пайтида уларни бузадиган микроблар борлигини аниқлаш учун ўтказилади. Озука моддаларида патогенли микрофлора бор-йўклигини текшириш ишлари санитария муассасаларида олиб борилади. Озиқ-овқат лабораторияларида микробиологик текширишлардан бошкаларга нисбатан кўпрок ичак таёкчаси ва желатинни суюклаштирувчи микробларни умумий сонини, шунингдек ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида ва тайёр маҳсулотларни саклаш пайтида пайдо бўладиган пупанак ва ачиткиларни аниқлаш учун анализлар ўтказилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун белгиланган кўпчилик стандартларда йўл қўйилиши мумкин бўлган микроблар миқдори ва титраколи миқдори кўрсатилган бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг микробиологик ҳолати унинг сифатига баҳо беришда катта ахамиятга эга.

Таянч сўзлар:

Норматив техник ҳужжатлар, сифат кўрсаткичлари, сифат кўрсаткичини бошқариш, режалаштириш, ишлаб чиқариш, истеъмол, талаб, таклиф, ёдометрик маҳсулот таркиби, миқдор, сифат, ёғ.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Товарларни сифат кўрсаткичларини режалаштиришнинг ахамияти?
2. Нима сабабдан товарларни сифат кўрсаткичлари стандарт усулларда аникланади?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари И.А.Каримов. - Т:Ўзбекистон,2009-56 б.

2. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси "Халқ сўзи", 2009 йил 14 феврал.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт хакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Товарларни сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисида"ги карори. Т.:1997 й.
5. Николаева М. В. " Товарная експертиза ". М.: 2002

2.11. Товарларни ишлаб чиқаришда сертификациялаш тизимини бошқариш

2.11.1. Товарларни сифат кўрсаткичларини бошкариш.
2.11.2. Товарларни сифат кўрсаткичларини бошкаришдаги умумий талаблар.

2.11.1. Товарларни сифат кўрсаткичларини бошкариш.

Бозор иктисоди шароитда махсулотларни сифат кўрсаткичларини бошкариш умум иктисодий конуниятлар хамда бозор иктисоди конунлари асосида олиб борилади.
Махсулотларни сифат кўрсаткичлари шу махсулотлар учун белгиланган норматив техник хужжатлар асосида уларга кўйиладиган асосий талаблар асосида бунёд этилиши керак. Бозор иктисодининг асосий конуни талаб ва таклифлар бўлгани учун хар бир ишлаб чикарилган товарга истеъмолчиларнинг кўйган талаблари катта ахамиятга эгадир. Шунинг учун бозор иктисодиёти шароитда истеъмолчиларнинг талаби даврга нисбатан доимо ўзгарувчан бўлгани учун ишлаб чикариш корхоналарига доимо янги таклифлар берилиб туради. Шу сабабли, товарларни сифат кўрсаткичлари доимо яхшиланиб боришлилиги ва уларни бозор иктисоди шароитда ракобатдошлиги ошиб боради. Шу сабабли халк хўжалигида янги турдаги ассотиментлар бунёд етилади, ишлаб чикарилаётган товарларни сифатлари яхшиланиб, талаблар ортиб боради.Шунинг учун бозор иктисоди шароитида ишлаб чикариш структураси билан истеъмолчилар орасида доимо ракобат содир бўлиши кузатилади. Шунинг учун бозор иктисоди шароитида товарлар ишлаб чикариш корхоналарига кичик ва ўрта бизнес корхоналарига махсулотларни ишлаб чикариш даврида уларни сифатларига бўлган талаблар доимо ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун тайёрланган махсулотларни сифат кўрсаткичлари хар томонлама тахлил килиб, уларни иктисодий баркарорлиги чикарилаётган махсулотлар микдори ишлаб чикариш потенциалига, яъни корхонани юкори талабларга мойил бўлган ускуналарга, инженер техник

ходимларга, келтириладиган хом-ашё сифатларига ва ишлаб чиқарилаётган товарлар сифатига кўп жиҳатдан боғликдир.

Корхоналарда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мамлакатимизда истеъмолчиларни ўрганиш, бозор инфраструктурасини, бозордаги товарлар ассортиментларини, бозор сигментларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ва тўпланган ахборотларни замонавий техник електрон, информацион машиналарда таҳлил қилиниши ва ишлаб чиқарилаётган товарларга бахо берилиши бозор иктисодини ривожига катта туртки бўлди. Шунинг учун маҳсулотларни сифатини бошқариш янги ассортиментдаги маҳсулотларни яратиш ишлаб чиқаришнинг ривожига янги техника технологияларини яратишга асосий омил бўлади. Шунинг учун ишлаб чиқариш билан истеъмолчиларни бирлиги доимо юқори кўрсаткичларга олиб келиб бозор муаммоларини ечишда асосий факторлар ҳисобланади. Шундай ҳолларда ҳам бўладики, ишлаб чиқарилган товарлар миқдор жиҳатдан юқори бўлиб, аҳоли талабини қондира олмайди. Бу ҳолларда маҳсулотлар сифати паст даражада бўлгани сабабли улар истеъмолчилар томонидан қабул қилинмайди. Бундай ҳолларда биринчидан ишлаб чиқаришдаги рентабиллиги жуда паст бўлиб, иккинчидан ишлаб чиқариш унинг юқори меҳнат сарфи кузатилади, учинчидан маълум миқдордаги товар ишлаб чиқариш учун кўп миқдорда хом-ашё сарфланган бўлиши мумкин, тўртинчидан ишлаб чиқарилган товарлар баҳоси истеъмолчилар талабига мос келмайди.

Маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини назорат қилиш уларни техник назоратдан ўтказиш алоҳида назорат органлари томонидан бошқарилади. Бу органларда ходимлар маҳсулотни сифат кўрсаткичларини ўрганишда у (устидан ўрнатилган назоратни объектив маълумотлар) беришида ўзларини ўрнатилган вазифаларга садоқат билан қарашлари керак.

Назорат қилувчи органлар шу ишлаб чиқариш корхоналарида алоҳида ишлаб чиқариш структураси бўлиб, бу ташкилот юқори малакали инжинер техник ходимлар билан таъминланган бўлиши керак.

Маҳсулотларни сифатини аниқлашдаги камчиликлар ишлаб чиқаришда технологик қилинган хатоларни ёки маҳсулотларни режалашдаги схемаларда ишлаб чиқариш технологик карталарида, норматив техник ҳужжатларда бўлган камчиликларни ёки етишмовчиликларни аниқлашда катта ёрдам беради.

Стандартлаштириш тармоқлараро тизимини унинг ишлаб чиқаришга қандай таъсир кўрсатишини ва унинг қиёсий тавсияномасини англаш учун авваламбор стандартлаштиришнинг вазифасини ва унинг фан сифатида бизга қанчалик таъсир қилишини билишимиз учун Стандартлаштириш ва метрология фани нима еканлигини билмоғимиз даркор.

Стандартлаштириш - ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган ташкилий, техник технология жараёнларни амалга оширишни кузатиб турувчи ҳатти-ҳаракатларни турғунлигини таъминловчи қоида ва қонунларни ўрганиш, уларни бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш масалалари ҳал этади.

Стандартлаштиришда кабўл қилинган кўрсаткичларига фан ва техникаси ютуқларига асосланган бўлиб, халқаро бозордаги махсулотнинг сифат кўрсатичларига мос бўлиши ва келажак тарракиётини кўзда тутиши зарур.

Стандартлаштиришда қабўл қилинган кўрсаткичлар ишлари планли равишда амалга оширилади. Стандартлаштиришда норма, коида, улар махсулот сифатини таъминлашнинг оптимал жараёнларига асосланади. Ишлаб чиқарилган тасдиқланган стандартларда махсулот ва унинг қисмларини бир типга ва бир хил кўринишга келтириш масалалари бир ёқлама хал этилиши керак.

Технология жараёнилари мосламалар чизмаси, материаллар загатовкалар, асбоб-ускуналар, технологик воситалар, метрология ва назорат методлари, шунингдек термин белги ва бошка группаларга бўлиниб унификация қилиниши максадга мувофиқдир.

Махсулот конструкцияларини ва ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган мосламаларни шундай группалаш, лойиҳалашда стандартлашдан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишга олиб келади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришда конструкцион ва технология жараёнлари лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш, группалаш ва унификация қилишда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Тармокларни сифатини бошкаришдаги компелкс системасини жорий этишида корхона стандартлари акс қилиб олинади. Корхона стандартлари давлат ва савдолараро стандартларга асосланади.

Стандартларни лойиҳалашда ва жорий этишда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

-техник топшириқ вазифа ва талабларни аниқлаш ҳамда тузиш;

-стандартнинг илк реакцион лойиҳасини яратиш уни тақризга юбориш ва експертиза қилиш;

-тақризларни йиғиш, анализ қилиш ва хулосага асосланиб лойиҳанинг иккинчи реакциясини тайёрлаш;

-стандартни босмадан чиқариш ва тарқатиш.

Тармокнинг биринчи босқичи норма стандартлари куйидагиларга жавоб бериши лозим:

-Нима стандартлаштирилади?

-Нимага асосланади (ГОСТ, ОСТ...)?

-Ким бажаради ёки ким таминлайди?

-Қачондан қачонгача бажарилади?

Технологик жараёнлар, дастгоҳлар текшириш методларини ва асбобларини, айрим бўлимлар ва шахсларнинг функционал ишлари кабилар стандартлаштирилган объект сифатида қабўл қилинади. Корхона стандарта фан-техника тараккиётида еришилган ютукларга, яъни станок машина ва дастгоҳларга, кенг кўлланилайўтган технологик жараёнларга хозирги замон електрон технологиясидан фойдаланишга асосланган ҳолда яратилади.

Экономиканинг кўламининг ўсиши ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги ўзгаришлари територіал, Тармокдараро ва ички Тармок

алокаларнинг мураккаблашуви хўжалик юритишнинг ҳамма боскичларида ишлаб чиқариш ва маҳсулот таксимоти планлаштириш сифатини жиддий талаблар қўймоқда. Бу проблемани хужжатлараро максадларга мўлжалланган маҳсулотга нисбатан ҳал этиш санъатининг бу энг ёш тармоғидаги ишлаб чиқариш шароитлари ҳисобга олинадиган бўлса, янада мураккаброқдир. Тармоклараро максадлардаги маҳсулотни саноатнинг кўпгина тармоклари истеъмол киладики, уларнинг ривожланиши тармоклари ишлаб чиқариш хажмининг ўсиш суратини белгилаб беради.

Тармоклараро ишлаб чиқариш саноати (ТИС) бир тармок сифатини икки кичик тармоқ - алмаштириш кисмлари ишлаб чиқариш ва умуммашинсозликда қўлланадиган деталлар ва узеллар ишлаб чиқариш тармокларидан иборат. Булардан ташкари тармоклараро кўлланиладиган маҳсулотлар, ҳамма турдаги загатовкалар машинасозлик корхоналари сехларида шунингдек металлургия ва курилиш индустрияси корхоналари сехларида тайёрланади.

Планлаштиришнинг таркиб топган амалиётини таҳлил қилиш учун унинг методик ва ташкилий жихатдан "тор" жойларини аниклаш имконини беради. ТИС тармогини ривожлантириш планлари билан машинасозлик саноати планлари ўртасидаги ўзаро алока етарли даражада аник белгиланган эмас. Тармоклараро истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш методикаси ҳам аниклик киритишни талаб этади. Корхоналарни ихтисослаштириш уларнинг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини технологик жихатдан бир-бирига ўхшаш ва такрорланадиган маҳсулотни тайёрлашга каратиш демакдир. Шуни ҳам хисобга олиш керакки, бундай маҳсулот ишлаб чиқариш программасида асосий ўрин тутмоғи керак.

2.11.2. Товарларни сифат кўрсаткичларини бошқаришдаги умумий талаблар.

Товарларни сифат кўрсаткичларини бошкаришдаги умумий талаблари технология ихтисослаштириш ишлаб чиқариш жараёнининг айрим операциялари ёки боскичларини ихтисослаштиришдан иборат бўлиб, ажралиб чиқиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг юксак даражада ихтисослашган нормага хос типи вужудга келиши билан бирга юз беради.

Тармоклараро кўлланиладиган махсулот ишлаб чиқариш бир неча белгилар билан характерланадики, бу белгилар уларни мустакил тармокларга айлантириш имкониятлари ва максадга мувофиклигини белгилаб беради. Маълумки, корхоналарнинг тармокларини вужудга келтирувчи белгилар қуйидагилардан иборат:

-маҳсулотнинг иқтисодий вазифаси, жумладан функционал вазифасининг

Умумийлиги;

-маълум истеъмолчилар доирасининг мавжудлиги;

-фойдаланиладиган материалларининг умумийлиги;

-технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бир хиллиги;

-кадрларнинг ўзига хос профессионал салоҳияти.

Тармоқ вужудга келиши, мисол учун қуйи ишлаб чиқаришни вужудга келиши белгиларини таҳлил қилиш, планлаштириш практикасини яхшилаш ва мамлакатда ягона техника сиёсатини ўтказиш мақсадида уни мустақил тармокларга айлантириш мумкинлиги ва бу мақсадга мувофиклигини кўрсатади. Ихтисослаштиришни ривожлантириш планларига қуйидагилар киради:

-корхона ишлаб чиқариш профилини такомиллаштириш топшириклари;

-ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришнинг мавжудларини ривожлантиришнинг ва янги кувватларини барпо қилиши керак.

Тармоклараро қўлланиладиган махсулот ишлаб чиқариш тез ривожлантиришнинг муҳим шарти планлаштириш ва бошқариш методларини такомиллаштиришдир. Мамлакатни комплекс ривожлантиришни планлаштиришга, турлича ишлаб чиқаришни, республика ва давлатлараро алоқаларни тўғри боғлаб олиб бориш имконини беради. Ривожлантиришнинг асосий йўналишларига ва конкрет мақсад программалари бирлашмаларига етказилади. Бунда планлаштиришнинг асосий принципларидан бири - жараёнида қуйидагилар бажарилиши зарур:

- халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига мувофик равишда тармокни ривожлантириш вазифалари асослаб берилиши керак.
- Тармокни ривожлантиришни асосий йўналишлари узок муддатни кўзлаб ифодаланиши лозим.
- Тармокнинг бош мақсадини ва планлаштирилайўтган даврда бу мақсадга еришиш даражасини аник ва тўла белгилаб берувчи мезонларини аниклаш.

Ҳозирги вактда ишлаб чиқариш тармоклараро бирлашмасини куйидаги ташкилий вазифалар кизиктиради:

1. Бир турли Тармок ёки бир-бирига якин тармок саноат корхоналари ишлаб чиқариш бирлашмаси бу бирлашмага технологик ёки, деталли технологик ёки деталли ихтисослашиш билан узаро боғлик саноат корхоналари;
2. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари. Бўлар составига саноат корхоналаридан ташқари илмий тадкикот институтлари, конструкторлик лойихалаш технология ташкилотлари киради;
3. Саноат савдо бирлашмалари. Бундай бирлашмаларда корхоналар савдо ташкилотлари билан тўгридан тўгри боғланади, чунки улар ўз фирма магазинларига эга бўлади ёки уларга йирик магазинларда бутун бир сексиялар ажратиб берилади. Бундай холларда корхона харидорлар талаби ва эхтиёжини тез хисобга олиш ўз товарларини ривожлантириш ва сифатини яхшилаш имконига эга бўлади;
4. Аграр-саноат бирлашмалари. Бундай бирлашмаларда консерва, вино ва бошка саноат кохоналари бирлаштирилади. Уларда кишлок хўжалик

маҳсулотини йиғиш, ташиб келтириш унинг нобуд бўлишини камайтириш имконини беради.

Таянч сўзлар:

Товар, сифат, талаб, таклиф, корхона, ишлаб чиқариш, ахборот, инфраструктура, ассортимент, техника, технология, истеъмолчи, самарадорлик, унификация, автоматизация.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари нима сабабдан бошқарилади?
2. Сифат кўрсаткичларини бошқаришда норматив техник хужжатларнихг аҳамияти.
3. Сифат кўрсаткичларига тасир етувчи асосий кўрсаткичлар?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари, - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халк сўзи, 2009 йил 14 феврал.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - хаёт хакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
4. Радкеевич Я. М, Схиртладзе А.Г, Лактионов Б.И, Метрология стандартизация и сертификация. М.,2006 год.
5. Каримов А. "Хизматларни сертификатлаштириш муаммолариъ Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси № 2. 1998.

2.12. Товарларни ишлаб чиқаришда сифат таъминлаш

2.12.1. Стандартларни ишлаб чиқувчи халкаро ташкилотлар.
2.12.2. Махсулот сифатини таъминлаш тизимларининг халкаро стандартлари.
2.12.3. Сифатни таъминловчи тизимни стандартлаштиришни такомиллаштириш.

2.12.1. Стандартларни ишлаб чикувчи халкаро ташкилотлар.

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) 25 та стандартлаштириш бўйича халкаро ташкилотлар асосида 1946 йили ташкил

этилган. Ушбу ташкилот ўз фаолиятини 1947 йили бошлаган. Унинг асосий таъсисчиларидан бири собик СССР бўлган. Ташкилотни ташкил этишда ва ном танлашда, уни ҳар қандай тилда бир хил янграшига етибор берилган. Шунинг учун лотин сўзи "исос"- яъни тэнг деган сўзни танлаб, стандартлаш бўйича халқаро ташкилотга ИСО (ИСО) қисқартмаси берилган. ИСО електроника ва електротехника соҳасидан ташқари барча соҳада ўзининг стандартлаштириш фаолиятини олиб боради. Баъзи фаолиятларини бошка халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб боради. Бундан ташқари ИСО сертификатлаштириш муаммолари билан ҳам шуғулланади. ИСО нинг стандартлаштириш объектларига машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, курилиш, қадоклаш ва транспортировка, соғликни саклаш ва бошка техник соҳалар киради. Ҳозирги кунда ИСО га 120 дан ортик мамлакатлар ўзларининг стандартлаштириш бўйича ташкилотлари билан бирга кирган. ИСО нинг таркибий тузилиши бошкарув ва ижройи органлардан иборат (1-чизма).

Бошқарув органларига - Бош ассамблеяси, Кенгаш, Техник бошқарув бюроси киради. Ижройи органларга - Техник комитет (ТК), Техник консулат гурухлар киради (ТКГ). Бош ассамблея - бу комитетлар - аъзолар томонидан сайланган мансабдор шахслар ва делэгатлар йигиндисидир. Кенгаш Бош ассамблея сессиялари орасида ИСОнинг ишларини бошқаради. Кенгаш Бош ассамблеяни чақирмасдан комитетлар - аъзоларга консултация учун масалаларни юбориши ёки уларни комитетлар -аъзоларга топшириш ҳукуқига эга. Кенгаш томонидан кўйилган масалаларнинг ечимини Кенгаш йиғилишида иштирок етган комитетлар -аъзоларининг кўпчилик овози билан кабул килинади. Йиғинлар орасидаги даврда карор кабул килишга тўғри келса, Кенгаш ёзишиш йўли билан буни амалга оширишади. ИСО нинг Кенгашига еттита комитет бўйсунади: ПЛАКО (техник бюро); СТАКО (стандартлаштиришни илмий принсипларини урганувши комитет); КАСКО (Мувофиқликни баҳоловчи комитет); ИНФКО (илмий-техник ахборотлар комитети); ДЕВКО (Ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича комитети); КОПОЛКО (Истеъмолчиларни хукукини ҳимоялаш бўйича комитет); РЕМКО (Стандарт намуналар бўйича комитет); Дунёда кенг кўлланиладиган ИСО стандартлари 10 мингдан ортик бўлиб, улар ҳар йили кайтадан кўриб чиқилади ва янги 500-600 та стандарт кабул килинади.

ИСО стандартлари - маҳсулотга (хизматга) бўлган техник талабларни ҳар томонлама ишлаб чиқилган вариантидир. Бу эса ўз йўлида бутун дунё катнашадилар (Россиянинг ГОСТ стандарт РФ катнашади). Баъзи бир мамлакатларда МЕК катнашишига стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлар тузилмасига кирмайдиган махсус комитетлар ташкил килинган. (Франсия, Германия, Италия, Белгия ва б.). Ташкилотнинг асосий максади унинг Низомида аник келтирилган бўлиб: халқаро стандартлар ва бошка хужжатларни ишлаб чиқиш оркали, електротехника ва радио техника соҳасида стандартлаштириш ва у билан боғлик умумий муаммолар бўйича халқаро ҳамкорликка кўмаклашишдир.

Халқаро стандартлаштиришда катнашувчи халқаро ташкилотлар. БМТ нинг Европа комиссияси - бу БМТ даги ЕКОСОС нинг органидир.

(БМТ нинг иқтисодий, ижтимоий кенгаши). Бу ташкилот аввал 1947 урушдан зарар кўрган мамлакатларга ёрдам кўрсатувчи вақтинча ташкилот сифатида ташкил этилган. Кейинчалик 1951 йилда БМТ нинг ЕКОСОСи ЕИК ваколатларини белгиланмаган муддатга БМТ доирасида давлатлараро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда фаолият йўналишларини аниқлаган ҳолда узайтириш бўйича карор қабул килди. БМТ ЕИК нинг стандартлаштириш соҳасидаги асосий вазифасига ҳукумат даражасидаги стандартлаштириш сиёсатидаги асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва бу сохадаги афзалликларни аниклашдан иборатдир.

БМТ нинг озиқ – овкат ва кишлок хўжалик ташкилоти (ФАО). Бу ташкилот 1945 йилда БМТ нинг хукуматлараро ихтисослашган ташкилот сифатида ташкил топган. Унинг аъзолари тахминан 160 давлатдан иборат. Ташкилотнинг Низомга кўра максади - халклар хаёти ва овкатланиш даражасини кўтариш бўйича индивидуал ва хамкорликдаги ҳаракатлар оркали умумий фаровонликни кўтаришга, ишлаб чикариш унумдорлигини оширишга хамда озик – овкат ва кишлок хўжалик махсулотларини таксимлашга, кишлок аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга кўмаклашишдир.

Соғликни саклаш умумжахон ташкилоти (ССУТ). Бу ташкилот 1948 йилда БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши ташаббусига кўра ташкил этилган ва БМТ нинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланади. ССУТ нинг Низом билан аниқланган максади - барча халклар соғлигини юкори даражага кўтаришдир. (Соғлик - жисмоний, рухий ва ижтимоий фаровонлик йиғиндиси сифатида талкин етилади). ССУТ 1977 йилда ўзининг стратегияси килиб, умумий соғликка 2000 йилгача еришишни белгилаб олди. Бу ташкилотга 180 дан ортиқ давлатлар, жумладан Россия хам - аъзодир. ССУТ шуғулланадиган кенг доирадаги муаммолар ичида асосий еътибор соғликни саклаш хизматини ривожлантиришга, касалликларни олдини олиш ва улар билан курашишга, кенг доирадаги согликни саклаш кадрларини таёрлашга, атроф мухитни яхшилашга қаратилгандир. ССУТ ИСО да консултатив статусга эга ва 40 дан ортик кўмиталар ичида иштирок этади. Хусусан, ичимлик суви сифатига еътибор бериб ичимлик сувлари учун кувурларни стандартлаштириш бўйича, ишларда, шунингдек бунда фойдаланиладиган пластмассалар ва уларга талаблар кўйишда катнашган.

2.12.2. Махсулот сифатини таъминлаш тизимларининг халкаро стандартлари

Сифатни бошқариш жахон тажрибаси стандартлаштириш бўйича халкаро ташкилот (ИСО) томонидан 1987 йил мартида кабул килинган ва 1994 йилда янгиланган халкаро стандартлар ИСО 9000-9004 пакетига асосланган. ИСО 9000 стандарти фирма фаолиятидаги конкрет ҳолатга мувофик стандартларни танлаш ва фойдаланиш бўйича бошкарув кўрсатмаларига эга. ИСО 9004 стандарти - бу корхонада (фирмада) сифат устидан умумий бошкарув учун услубий кўлланмадир. ИСО 9001-9003 стандартлари эса ишлаб чиқариш жараёнларининг турли хил боскичларида

сифатни таъминлаш тизимларининг моделларидир. ИСО 9000 стандартида фирма ёки корхона ичида сифатни таъминлаш – умумий бошқарув предмети еканлиги алохида ажратиб кўрсатилган. Лекин гап шартнома тузиш ҳақида кетаётганида, екстпортёрда сифатни таъминлаш тизимининг ҳолати контрагент, хамкорнинг ишончлилигини тасдиклашга хизмат килади. Шунга боғлик равишда шартнома тузишдан олдин шартномада экспортёрда сифатни таъминлаш тизимини ИСО 9001-9003 стандартларидан бирортасига мувофиқ келишини баҳолаш шарти кўзда тутилган бўлиши мумкин. Баҳолашни импортёрнинг ўзи ёки бўлмаса томонлар келишувига асосан бирор нейтрал ташкилот амалга ошириши мумкин. Агар тизим сертификатлаштирилган ва контрагент бу мувофиклик сертификатини тан олса баҳолашнинг кераги ҳам бўлмайди. Рақобатбардош хорижий фирмаларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, сифатли, харидорларнинг талабига жавоб берадиган товар бозорни хар томонлама ўрганган ҳолда ишлаб чиқарилиши мумкин ва бу тажриба куйидаги стандартда ифода етилади. Сифатни таъминлаш тизими бутун сифат тармоғига тегишли бўлган чора - тадбирлар йиғиндисидан иборат. Сифат бошкаруви тизимининг ташкилий тузилишини фирма фаолиятининг умумий бошқарув жараёнига кушилиб кетади.

Сифат бошқаруви тизимида маркетинг вазифасининг моҳияти максадли бозор излаш ва танлашдан, маҳсулот сифатига бўлган талабларни ўрнатишдан, бу маҳсулотга (хизматга) бўлган талабни, бозор излаш ва танлашдан, маҳсулот сифатига бўлган талабларни ўрнатишдан, бу маҳсулотга (хизматга) бўлган талабни, бозор сиғимини аниклашдан, бу бозор сегменти мижозларнинг тўлиқ тавсифномасини тузишдан иборат. Бу ахборот, харидорларнинг товар сифати, нархи, етказиб бериши муддати бўйича бўлган талабига мувофик миқдорда товар ёки хизмат ишлаб чикариш учун зарур. Фирма ишлаётган бозор сегментида ўз вақтида талабга бўлган ўзгаришларини аниклаш ва маҳсулот сифатининг керакли даражасини таъминлаш учун зарур бўлган бошқарув ечимларини қабул килиш бўйича иш олиб борилади.

Маркетинг вазифаси ҳаридорлар билан қайтувчи алоқани таъминлаш асосида ўз вақтида сифат бошқаруви соҳасида керакли йечимлар қабул килишга ёрдам беради. ИСО 9000 халкаро стандартлари раҳбариятнинг сифатга бўлган маъсулият даражасини белгилайди. Фирма раҳбарияти сифат соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, сифат бошкаруви тизимини яратиш, жорий этиш ва фаолият кўрсатишга жавобгардир. Раҳбарият вазифаларига мутахассислар танлаш, ишлаб чиқариш, назорат ўлчов ва синов асбоб ускуналар, ЭҲМ, ларни дастур билан таъминлаш учун керакли маблаг ажратишлар киради. Раҳбарият керакли малака даражасини ўрнатиб, ўз вақтида персонал малакасини ошириб туришни назорат килиши керак. Фирма раҳбарияти зиммасига товар рақобатбардошлигини таъминлайдиган сифат кўрсаткичларини аниклаш вазифаси юкланади. Шунингдек раҳбарият товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича карор қабул килади.

Ҳозирги даврда сифат бошқарув тизими куйидагилардан иборат:

1) Ички текширув;

2) самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилиш.

Ички текширувни фирма раҳбарияти томонидан тайинланган мутахассислар олиб борса, сифат бошқаруви тизимини самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун компания раҳбарияти ташқаридан мустақил мутаҳасисларни таклиф этади. ИСО стандартлари муҳим хусусиятларидан бири - бу сифат учун керак бўлган ҳаражатларни аниқлаш ва баҳолаш шарт. Сифат ҳаражатларига тизим самарадорлигини иқтисодий баҳолаш деб каралса бўлаверади, таҳлил натижалари сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш учун асос қилиб олинади. Бунинг учун сифатни яхшилаш ҳаражатларини аниқ таснифлаш керак. Бу ҳаражатлар ишлаб чиқарувчининг ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлардан иборат. Ишлаб чиқарувчининг ҳаражатларини олдини олиш, баҳолаш, ички қайтариш орқасидаги ҳаражатлар, ташқи қайтариш евазига бўлган ҳаражатлардан иборат. Бошқа ҳаражатларга ишлаб чиқарувчи сифат тизими бошқарувида олиб бормайдиган ҳаражатлар киради. Лекин улар фирманинг умумий ҳаражатларига таъсир этади. Бу - билвосита сифат ҳаражатлари; етказиб берувчининг сифат учун ҳаражатлари; кўзда тутилмаган ҳаражатлар; ахборот билан таъминлаш тизими бўйича аппаратура учун ҳаражатлар; маҳсулотдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар.

Фирмалар сифат учун керак бўлган умумий ҳаражатларнинг режасини тузадилар. Бу тизимнинг яна бир принципиал хусусияти бу - сифатни лойиҳалаш ва техник шартларни ишлаб чиқариш даврида сифатни таъминлашга кучли еътибор кўрсатиш. Бу ишнинг натижасида шундай товарлар ишлаб чиқарилиши керакки, улар нафақат ҳаридорларнинг талабига жавоб бериб қолмай, олса бўладиган нархда сотилиб, ишлаб чиқарувчининг ҳаражатларини коплаб, фойда келтириши керак. Ундан ташқари маҳсулот екологик тоза ва зарарсиз бўлиши зарур.

Ишлаб чиқариш даврида брак чиқмаслиги учун вақти-вақти билан қуйидагиларни таҳлил қилиб туриш керак:

- Ҳаридорнинг талабларини;
- Маҳсулотга бўлган техник талаблар ва хизмат кўрсатишига талаблар;
- Ишлаб чиқариш ва техник хизмат кўрсатишга талаблар;
- Лойиҳалаш боскичида сифатни таъминлаш тизими ўз ичига янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот чиқаришга ишлаб чиқарувчиларнинг тайёргарлигининг таҳлилини олиши керак.

Бунда йиғиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, маҳсулотни ишлатиш, истеъмолчига хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича инструксиялар берилишини текширилади. Бунда персонални маҳсулотдан нусхаларни текшириб, ўраб (упаковка) ва етикеткалари назарда тутилади. Бундан ташқари истеъмолчи билан қайта алоқани кўзда тутиш керак, уни тажрибасини лойиҳада хисобга олиш керак. Яна сифатни таъминлашда ишлаб чиқарувчи ўзининг маҳсулот сифатини назорат қилиши кўзда тутган. Бу етказиб берувчиларни имкониятини беради. Узоқ муддатли алоқалар боғланган тақдирда олиб кириш назоратидан воз кечиб, ҳаражат ва вақтни

тежаш мумкин. Иктисодий ривожланган мамлакатларда етказиб берувчиларнинг конкурси мавжуд. Танлаб олинган етказиб берувчилар билан муносабатлар узоқ муддат асосида кўрилади. Бу эса махсулотнинг юкори сифатли чикарилишини таъминлайди. Узоқ муддатли ҳамкорлик жараёнида ишонч муҳити пайдо бўлади, бу эса кириш назоратидан воз кечиш имконини туғдириб беради ва вакт ҳамда маблаг тежайди. АҚШ фирмалари етказиб берувчини баҳолаш усулини хам қўллайдилар. Бу жараённи - етказиб берувчини сертификатлаш деб аталади. Бунда истеъмолчи фирма мол етказиб берувчи фирма учун стандартлар тузади. Бундан ташқари бошка усуллар ҳам қўлланилади – хом-ашё етказиб берувчини маҳсулот ишлаб чиқаришга жалб этиш, етказиб берувчининг технологик жараёнларини назорат килиш ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқариш. Ундан ташкари хом-ашё ва бошланғич материалларнинг сифати ва етказиб бериш муддатини кузатиб, етказиб берувчиларга баҳолаш шкаласи тузилади ва ракобат асосида танлов ўтказилади.

ИСО 9004 стандартида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам низомлар кўзда тутилган. Персоналини тайёрлаш ўз ичига ҳамма табакаларни - раҳбариятдан то ишчиларга кадар олади. Раҳбарият аввало сифат тизимини таъминлаш принсипларини тушуниши керак. Ўрта буғин (звено) кенгрок, тушунчаларга эга бўлиши керак. Маркетинг, моддий таъминот ва бошка фанларни билиши керак. Ишчи ва назоратчилар асбоб-ускуна, механизмлардан фойдаланишни билишлари керак. Ҳужжатларни тушуниб, хавфсизлик техникасини билиб, статистик назорат усулларининг асосларини билишлари керак. Сифатли меҳнатни рағбатлантириш муҳим, айникса буни персонал тушунса. Истеъмолчининг талабларини персонал тушуниб, фирманинг иктисодий ахволини билиши керак.

Ҳозирги сифатни бошкариш тизимининг мухим хусусиятларидан бири сифатни таъминлаш борасида юридик масъулият, рискини пасайтириш имконияти.

Бу максадда куйидагилар кўзда тутилади:

- хавфсизлик стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий килиш;
- наъмуна устида хавфсизлигини синаш учун тажриба ўтказиш ;
- харидорлар учун тузиш, етикетлаш;
- махсулот сифатини текшириб туриш учун ўз вактида назорат килиш усулларини топиш;

Сифатни бошкариш жарёнида сифат илмогининг барча погоналарида статистик усулларни кўллаш муваффакиятли иш олиб бориш шартидир. Статистик усуллардан тажрибани режалаштириш, дисперсион ва регресс тахлили, танланма статистик назорат ва бошкалар.

Шундай килиб кўриб чиқилган ИСО 9000 серияларида еътибор харидор талабларини кондиришга, маъсулият ўрнатишга, пайдо бўлиши мумкин бўлган хавфлар ва устунликларга каратилган. Юкорида қараб чиқилганларни корхонада махсулотнинг сифатини таъминлаш тизимини самарадорлигини оширади.

2.12.3. Сифатни таъминловчи тизимни стандартлаштиришни такомиллаштириш

Бугунги кунда 9000 серия ИСО стандартлари бутун дунё мамлакатларида тан олинган, миллий сифатида қабул қилинган ва кўпчилик фирмалар томонидан жорий этилган. Сифат тизимига сертификат йўқлиги ташқи бозорга чиқишга асосий тўсиқ бўлмоқда. Трансмиллий компанияларнинг асосий талаби 9000 серия халқаро ИСО стандартлари ишлаб чиқариш корхоналарига урнатилиши. Бу стандартларнинг дунёда тарқалишини қуйидаги рақамлар ифодалайди: агар 1993 йилда дунё бўйича 500000 тизим сертификатланган бўлса, 1995 йилда - 1000000, 1997 йилнинг бошига келиб 2500000.

Сифат тизимини халқаро стандартларни жорий қилишда корхоналарни самарали рағбатлантириш керак. Бу борада Россия Федерасиясида сифат учун премия урнатилган. Бу премия халқаро тажрибаларга асосланиб тузилган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Россия сифатни баҳолаш мезонлари Европанинг сифат учун премия ҳақидаги низомига якин екан.

Корхона унинг ишини баҳолаш мезонларини билиши керак. Бу борада АҚШ тажрибаси еътиборга сазовор. Ҳар йили АҚШ да 100 дан ортиқ корхоналар сифат учун бериладиган миллий премия конкурсда қатнашади, баҳолаш мезонлари ёритилган брошюралар эса 200 минг нусхадан ортиқ тираж билан таркатилади.

Сифат тизимини стандартлаштириш расмиятчиликка айланиб колмаслиги керак. Шу хусусида, Европанинг сифат бўйича ташкилотининг 40- конгрессида Сифат бошқаруви - янгиликлар киргизишга рағбати ғояси остида. 9000 серияли ИСО стандартларининг баъзи низомларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида карор кабул килди. Тажрибалар 9000 серияли ИСО стандартларини конкретлаш ва баёнини соддалаштирув йўли билан янада такомиллаштириш максадга мувофиклигини кўрсатади. Бунда 10000 серияли ИСО стандартларининг сифатни таъминловчи технологиялари ҳам кўзда тутилади. Еътибор қуйидаги масалаларга каратилади:

- жараённи бошқариш (персоналини ҳисобга олиб, истеъмолчи билан алока, товарни сотиш);
- маъмурий ва эҳтиёт кўриладиган чора-тадбирлар;
- стандартларнинг янги таҳририга қуйидаги 8 сифат бошқарувининг тамойиллари киритиш кўзда тўтилган;
- персоналнинг талабига мувофик бўлган ташкилий тизим ўрнатиш;
- персоналини бошкариш;
- персоналнинг иштироки;
- жараённи мослаштириш;
- бошқарувга тартибли (системали) ёндашув;
- доимий такомиллаштириш;
- карорлар қабул қилишга ҳаккоиий ёндашиш;
- етказиб берувчилар билан ўзаро фойдали муносабатлар.

Бу тамойиллар, сифат бошқарувида уни доимо такомиллаштирувини ҳисобга олиб, асосий қоида ҳисобланади. Бу жараёнда энг асосийси истеъмолчи ҳисобланади. Фирманинг муваффақияти қай даражада истеъмолчининг талабини қондиришига боғлиқ. Бу эса истеъмолчиларнинг талабларини топиб, баҳолаб ва очиб тушуниб ўрганиш билан боғлиқ. Иккинчи ўринга товар яратувчи одамлар кўйилган, кўриб турганимизча технология эмас, шунинг учун персонални тайёрлашга, уни рағбатлантиришга ва истеъмолчиларнинг талабларини кондириш жараёнида фаол иштирок этишга жалб қилишга муҳим рол ажратилган.

Дунё товар бозорларида ўсиб бораётган рақобат кураши фирмаларни маҳсулот сифатини нафақат техник жиҳатдан, иқтисодий томонидан ҳам, сифат тизимларида эса сифат учун ҳаражатлари тушунчасини ҳам моҳияти катта. Сифат таъминловчи тизим корхонада раҳбарият томонидан шакллантирилиб ва расмийлаштирилгандан сўнг жорий етилади. Замонавий сифат бошқарув тизими ИСО 9000 дан келиб чиққан ҳолда, улар аниқ конкрет маҳсулот сифатини таъминлашга йўналтирилганликдан иборат. Бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонада яна тизим бир неча фарқланувчи тизимларга бўлиниши керак. Масалан, Финляндиянинг Нокиа фирмаси бир неча автоном сифатни таъминловши тизимлардан иборат (кабеллари, майиший електротехника ва бошқалар).

Сифатни таъминлаш тизими сифат илмоғини ҳамма поғонасида ишламоғи керак, шуни айтиш кераки, таъсир этиш бўйича тизимда учта йўналишни ажратиш мумкин:

- сифатни таҳминлаш;
- сифатни бошкариш;
- сифатни яхшилаш.

Буларнинг ҳар бирининг маъносининг ўзига хослиги бор. Режалаштирилаётган тадбирлар сифат тизимини таъминлаш дастурига киритилади. Дастур аниқ, бир маҳсулот учун тузилади ва ўз ичига маҳсулотнинг сифати ва техник даражасига тегишли сифат илмогини керакли ресурслар билан таъминловчи тадбирларни олади. Бунда у ёки бу камчиликларни олдини олиш катта аҳамиятга эга. ИСО 9004 стандартларида таъкидланишича сифат фалсафаси шундан иборат: сифатни таъминлаш тизими шундай ишлаши керакки, муаммоларни олдини олиши керак, уларни пайдо бўлгандан сўнг аниқламасдан. Олдини олиш чоралари асбобларни янгилаш, дастгоҳларни режали таъмирлаш, иш жойларида лозим бўлган ҳужжатларни бўлишидан ва бошқалардан иборат.

Сифатни бошқариш - бу оператив характерга эга фаолият. Бу жараёнларга таъсир ўтказиш, сифат илмоғининг ҳар бир поғонасида камчиликларни топиш ва уларни бартараф қилиш ва сабабини аниқлаш.

Сифатни яхшилаш жараёни - бу техник даражани ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини, ишлаш шароитларини яхшилаш, сифатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича доимий фаолият. Бу муаммони актуаллигини ва халқаро амалиётда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар ташкилоти (ИСО) ИСО 9004

стандартларига илова сифатида кўшимча хужжат, сифатни яхшилаш умумий кўлланмани ишлаб чикди. Сифатни яхшилаш фаолиятида ишлаб чикаришни хам сифатни таъминлаш тизимини хам хар бир елементига таъсир этиши мумкин. Товарни истеъмолчилар талаби даражасига имкон кадар мос келиши, янги бозор сегментига мос товарларнинг янги модификасиясини яратиш сифатни мунтазам яхшилаш максадига айланиши ва пировард натижада фирманинг ракобатбардош позицияларини мустахкамлашга олиб келиши керак. Мунтазам сифатни яхшилаш жараёни фирманинг сиёсатини сифат сохасидаги кисмига айланиб колади. Юкорида кайд этилган замонавий халкаро ИСО 9000 стандартида намоён бўлган усулларни фирмалар сифат тизимини кўллашда хисобга олишлари керак. Айникса хориж бозорларига ўз махсулотларини экспорт килувчи фирмалар учун аҳамиятлидир. Демак, корхоналар олдида кийин масала турибди - ИСО 9000 нинг кўрсатмаларини хаётга татбик этиш. Юкорида айтилганидек, унга нима килиш ва хар бир конкрет вазиятда кандай килиб хужжатни расмийлаштириш ва амалиётда сифатни таъминлаш тизимининг елементларини жорий этиш кўрсатилган. Корхонани сифат сохасидаги тизими хужжат билан расмийлаштирилади ва алохида хужжат сифатида ёки корхонанинг сифатни бошкариш тизими асосий кўрсатмалари стандартида акс эттирилади. Бошка турлари хам рухсат етилади. Корхонада лавозимлар бўйича инструксиялар тузилиб, унда хар бир ишчи учун вазифалари, жавобгарлик даражаси, сифат таъминоти сохасидаги вазифалари кўрсатилган. Хар бир хизматчининг аник маъсулияти, хизмат доираси, хамкорлик даражаси, кайси бўлим ёки алохида хизматчилар ишлаб чикарилаётган махсулот сифатига таъсир этиши лойиҳалаш давридаёк белгиланади. Сифат билан боглик бўлган ишчиларнинг масъулият даражаси кўрсатилган хужжат тайёрлаш персонални сифатни яхшилашга рагбатлантирувчи тизим тузиш учун керак. ИСО 9000 стандартларида сифат тизимини мажбурий ички текширув кўзда тутилган. Бу билан махсус тайёрловдан ўтган ходимлар шуғулланишади. Бу кўрсатма ташкилий аспектнинг мухим томонидир. Текширувлар даврий режалаштирилган ёки режадан ташкари бўлади (корхонада ташкилий ўзгаришлар бўлганда). Текширувлар тартиби ва ташкил этилиши корхона стандартлари кўринишида хужжатлаштирилади. Унда текшириш усули, объекти, объектларни бахолаш критериялари, ишчиларга талаблар, текширув ўтказиш тартиби ва хоказолар кўрсатилади. Текширув натижалари бўйича хисобот тузилади. Унда топилган дефектлар ва сабаблари, сифат тизимининг алохида елементларини коникарсиз даражадалиги ва хоказолар кўрсатилади. Хисоботда олдинги текширув натижасида таклиф этилган чора -тадбирларнинг тахлили ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар акс этиш лозим. Текширув натижалари корхона рахбариятига тегишли хулоса ва карор кабул килиш учун такдим етилади. ИСО 9000 стандартлари бўйича рахбарият вакили етказиб берувчи томонидан доимо сифат тизимига бўлган талабларни бажарилиши учун масъулдир. Текширувлардан ташкари стандартлар вакт - вакти билан жорий сифат тизимини самарадорлигини тахлил килиб туришни тавсия этади. Тахлилнинг зарурияти ўзгарувчан ташки фаолият шароитларда

келиб чиқади. Одатда таҳлилни ички ёки мустақил мутахассислар олиб боради. Ўзгаришларни сифатни яхшилаш бўйича мақсадли илмий - техник дастурга киритиш мумкин.

Таянч сўзлар:

Товар, ИСО 9000 стандарти, сифат, сифатни яхшилаш жараёни, талаб, таклиф, корхона, ишлаб чиқариш, ахборот, инфраструктура, ассортимент, техника, технология.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Сифатни бошқариш жараёни нима?
2. Маҳсулот сифатини таъминлаш учун нималарга еътибор бериш лозим?
3. Сифатни бошқарув тизими нималардан иборат?

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 феврал.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.

2.13. Товарларни ўраш, жойлаш, сақлаш ва ташишни сертификациялаш
2.13.1 Товарларни ўраш, жойлаш, сақлаш ва ташишнинг аҳамияти.
2.13.2. Товарларни ўраш, жойлаш, ва сақлашда ишлатиладиган материаллар ва уларнинг хиллари.

2.13.1 Товарларни ўраш, жойлаш, сақлаш ва ташишнинг аҳамияти

Товарларни ўраш сақлаш, ташишни сертификатлаш ва савдо қилишда қулайлик яратиш учун хизмат қилади. Идишлар, маҳсулотлар исроф бўлишидан, ифлосланишдан сақлайди, уларга аниқ бир шакл беради, товарларни ўтказишда қулайлик туғдиради. Кўп ҳолларда идишлар товар оғирлиги ва ҳажмига ўлчов бирлиги сифатида ҳам хизмат қилади ва бу билан товарлар қабул қилиб олиш ёки сотиш ишини энгиллаштиради (қопланган ун, яшикли мева, шишали вино, бир кути гугурт ва ҳоказо).

Идишлар қандай материалдан ясалиши ва механик таъсирларга чидамлилиги билан ниҳоят даражада турли – туман бўлади. Идишлар турли материаллардан тайёрланади. Масалан, қоплар ва ўраш матолари – тўқимачилик материалларидан; яшиклар ва саватлар – ёғочдан; тетра пакетлар, полиетилен ва хлорвинил пакетлари – пластмассадан таёрланган яшиклар ва контейнерлар ва х.к. Идишлар механик таъсирларга чидамлилиги, яъни ўзининг дастлабки шаклини сақлаб қолиш кобилиятига қараб бир қанча турларга бўлинади, ичида маҳсулот бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ўзгармайдиган идишлар, яшиклар, битонлар, флягалар; ташқи ва механик зарбларга чидамли бўлган ярим каттик идишлар - қоғоз ва картондан ҳамда новдалардан тўқилган, ичидаги нарсани ташқи механик зарблардан сақлай олдиган юмшоқ идишлар - қоплар, ҳалталар, чипта қоплар, товар ўрайдиган матолар ва ҳоказолар киради. Ишлатилишига қараб идишлар ички ва ташқи идишларга бўлинади. Ички идишлар (конфет каробкалари, мураббо солинадиган банкалар, вино ҳамда пиво шишалар ва бошкалар) асосан айрим маҳсулотларни солиш учун ишлатилади ва ҳаридорга товар билан бирга сотилади. Ташқи идишлар (яшиклар, коплар) ички идишларга солинган товарларни ташиш ва сақлаш учун хизмат килади. Ташқи идишлар товар сотувчида ёки шу товар ишлаб чикарган корхонада колади, яъни товар айланишида катнашади. Идишлар бир марта ва кўп марта фойдаланиши мумкин. Кўп марта ишлатиладиган ва товар етказиб берувчининг мулки бўлган идишлар - махсус яшиклар ва контейнерлар ***инвентар*** идишлар деб аталади. Одатда идишлар мустаҳам, арзон ва энгил бўлиши керак. Шу билан бирга уларнинг шакли ҳам омборларда кам жой оладиган бўлиши зарур.

Идишлар ва ўраш жойлаш материаллари озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига ва сақлаш муддатига ҳам таъсир килади. Бу идишларнинг хусусиятига, яъни уларнинг сув, буғ ва газ ўтказмаслик қобилиятига, сувда бўкиши, ўзига нам тортишига, ёғ ва мойларни шимиб олишига ёки ўтказиши ҳамда ўзига хос ҳиди бор-йўқлигига боғлиқ бўлади. Идиш ўзидаги маҳсулотга қандайдир бир бегона таъм ва ҳид бермаслиги зарур. Идишда маҳсулотни ёруғлик нуридан саклаши ва унда микробларнинг кўпайишига ёрдам берувчи модда бўлмаслиги керак.

2.13.2. Товарларни ўраш, жойлаш, ва сақлашда ишлатиладиган материаллар ва уларнинг хиллари

Ёғоч бочка идишларини турли ёғочлардан, чунончи: еман, кора қайин, кайин, каракай, олча, осина, арча ва липа ёғочларидан ясалади. Бундай идишлар мустахкам ҳамда анча йэнгил бўлади. Бу идишларнинг хусусиятлари шу идишлар ясалган ёғочларнинг кимёвий таркиби ва солиштирма оғирлигига боғлиқ, чунки бу ёғочлар бир-биридан физик кимёвий кўрсаткичлари билан фарқ килади. Масалан, еман дарахтининг солиштирма оғирлиги энг юкори бўлиб 0,783 бирликни ташкил этади. Ўзининг салмоғи билан корақайин дарахти унга якин туради (0,720), каракайн дарахтиники анча паст бўлиб 0,520, липаники эса 0,455 бирликни

ташкил этади. Бир хил ёғоч идишларнинг турли оғирликда бўлиши ҳам шу сабаблидир. Идиш ясаш учун ишлатиладиган ёғочнинг муҳим хусусиятлардан бири унинг - намлигидир. Идиш жуда хўл ёғочдан ишланган бўлса, уни кўпинча пупанак босади ёки у чирий бошлайди, бу эса маҳсулотни бузади. Агар ёғоч жуда курук бўлса, ўзининг гигроскопклиги туфайли нам тортади. Аник бир температура ва намликда турли хил ёғочларнинг ўзига нам тортиш кобилияти амалда деярли бир хил бўлади. Ёғоч идишлар яшик, контенер ва бошқалар шаклида бўлади. Яшиклар юпка тахтачалардан ёки фанерлардан ясалади. Одатда яшикнинг иккита юзаси, икки ён сирти, таг ва юкори кисми бўлади. Бундай яшик икки сиртли дейилади. Яшик ичидан яна бир тахта билан тўсилган бўлиши мумкин. Унда уч сиртли яшик хосил бўлади. Нина баргли дарахтлардан олинган ёғочда мум моддалар бўлиб, у ёғочларни анча чидамли килади, аммо шу билан бирга ўзига хос хиди ҳам бўлади. Бундан ташкари бу хил ёғочлар тез курийди, ёрилиб кетади ва ўзига анча нам тортадиган бўлади. Шундай килиб, нина баргли дарахт ёғочларини ҳамма жойда ҳам ишлатиб бўлмайди. Асосан бу ёғочлардан курук маҳсулотлар учун яшиклар ясалади. Янги хўл мевалар учун яшик ясалган тахтачалар орасида 15 мм гача очик колдириб кокилади. Бунда тахтачаларни рандаланмаса ҳам бўлади. Сабзавот учун оддий яшиклар, катак яшиклар (карам солиш учун), тахтачалар ораси бир-биридан 10-90 мм очик колдириб кокилган, нина баргли ёки япрокли, дарахт ёғочидан ясалган тахта яшиклар, оёкли лотоклар, шаҳар атрофидаги хўжаликлардан келтириладиган маҳсулотлар учун ости ёғочдан ёки алюминийдан ишланган тагликлар ишлатилади. Кондитер ва макарон маҳсулотлари қайин, қарағай ёки олча ёғочларидан ясалган яшикларга солинади. Сариёғ еман ва кора кайин ёғочидан ясалган яшикларга солинади. Сариёғ учун шунингдек, юмшок ёғочлар - арча ва пихта ёғочидан ясалган яшиклар ҳам ишлатилади. Сариёғ яшикларига чирик жойи бор, пупанак босган, курт эган, кўкара бошлаган, панжасимон кўзли, чириган ва тушиб коладиган кўзли тахталарни ишлатиш мумкин эмас. Фақат айрим тахталарда юзаки ёриклар бўлишига йўл кўйилади. Банкаларга солинган консервалар учун яшикларни тегишли катталикда ностандарт ёғочлардан таёрласа ҳам бўлади, чунки бу маҳсулот бевосита яшикка тегиб турмайди. Аммо чириган ёғоч ишлатиш мумкин эмас. Сўнгги йилларда мева сабзавотни контейнерларда ташиш кенг йўлга кўйилади. Яшиклар ясаш учун ишлатиладиган тахтачалар намлиги 20 % дан (ёғ соладиган яшиклар учун эса 18 % дан) ошмаслиги керак. Ёғоч бочкаларни еман, липа ва бошка япрокли дарахт ёғочларидан таёрланади. Таркибида овловчи моддалар бор еман ёғочидан вино бочкалари, олча ёғочларидан эса тузланган маҳсулотлар солинадиган бочкалар ясалади.

Бочка ўзининг ён сатҳини ташкил етувчи тахтачалардан ва икки тагдан иборатдир. Бочканинг ташки томони темир ёки ёғочдан ясалган ҳалкалар билан махкамланади. Кўпгина суюк маҳсулотларни нина баргли ёғочлардан ясалган бочкаларда саклаб бўлмайди. Бундай бочкаларнинг мумли қарағай хидини йўкотиш учун уларни сувга ташлаб кўйилади, сода еритмаси билан ювилади ва яхшилаб буғланади. Агар бочка ўзига нам тортадиган бўлса,

унинг ички томони сирланади, яъни иссиқ патока, казеиннинг юпқа қатлами билан қоплади, баъзи пайтларда парафин билан ҳам сирланади.

Қоғоз ва картондан ясалган идишлар маҳсулотни санитария жиҳатдан яхши сақлайди. Парафин ёки битум билан билан махсус ишланган, мумланган ёки пластмасса билан қопланган коғоз ва картон идишлар эса махсулотларни куришдан, нам ўтишдан, газлардан сақлайди ва ҳоказо. Қоғоз картон буткасидан, уни турли моддаларга намиқтиргандан сўнг коғоз шишалар, коробкалар, яшиклар, стаканлар, банкалар ясалади. Сўнгги пайтларда куритилган сут солиш учун куйма коғоз бочкалар ишлатилмоқда. Бундай идишлар тобора ёғоч, металл ва шишадан ясалган идишлар ўрнини эгалламоқда. Айникса коғоз ва картондан ясалган идишлар сир берадиган моддалар билан тегишли равишда ишлаб чиқилганда озиқ – овкат маҳсулотларига бу моддалар таъсир етмайди. Картон идишлар кўп ҳолларда ёғоч яшиклар ўрнини эгаллайди ва жуда кўп иморат ва бошка нарсалар учун ишлатиладиган ёғочларни тежашга имкон беради.

Металл идишлар оқ тунука, темир прокат ва алюминийдан ясалади. Металлардан ясалган идишлар одатда ички идиш (консерва банкалари) ва ташки идишлар (битонлар, систерналар) сифатида суюк, маҳсулотларни саклаш учун ишлатилади. Консерва банкалари тули катта – кичикликда бўлади. Кўпинча ҳажми 353,4 мл (диаметри 100 мм, баландлиги 45 мм) № 7 банкалар ишлатилади. Бу банкалар икки томони соф калай билан копланган юпка пўлат ҳалталардан ясалади. Тунука идишларда ҳар кандай махсулотни ҳам, айникса ўткир тузланган маҳсулотларни саклаб бўлмайди. Металл зангламаслиги учун консерва банкаларининг ички томонини Давлат санитария инспексиясии рухсат етган махсус еластик пластмассали лак билан копланади. Аммо у маҳсулотга ўтмаслиги ва унга бегона ҳид бермаслиги лозим. Консервалар узоқ муддат сакланганда банкани мустаҳкамлашда ишлатиладиган калай идишдан махсулотга ўтиши мумкин. Махсулоти таркибига ўтган калай миқдори 1 кг маҳсулотга 200 мг дан ошмаслиги зарур. Металл банкалар ташки ва ички томони лакланган ва лакланмаган бўлиши мумкин. Банкаларнинг ташки томони силлик, текис бўлиши, ёрилган, букилган, тирналган ва занглаган жойи бўлмаслиги, устидаги лаки бузилмаган, бўлиши керак. Тунука банкалардаги консерваларни картон яшикларга солинади. Бу яшиклар уч қатлам қават-қават букланган картондан ясалган бўлиб, картон таркибида 10 % ли сулфат селлюлоза бўлади. Алюминийдан ясалган тубалар (ичига маҳсулот солинган алюминий гилофлар) нинг ички томони лак ёки полимер материаллари билан копланади.

Шиша идишлар озиқ – овкат саноатининг кўпгина тармокларида ишлатилади. Шиша идишлар шу жиҳатдан кимматлики, улардаги маҳсулот кўриниб туради, оксидланмайди, идиш эса маҳсулот билан реаксияга кирмайди. Бу идишлар турли ҳажмда ва шаклда бўлади. Шиша идишларни ювиш осон, улардан кўп марта такрор фойдаланиш мумкин. Шиша идишларнинг асосий камчилиги - уларнинг тезда синиши (бу эса шиша идишларни ишлатишда эҳтиёткорлик талаб қилади) ва маълум даражада

салмоғининг оғирлигидир. Катта ҳажмдаги (25 л ва ундан ҳам катта) шиша идишларни ташки томонидан бошқа идиш, масалан, тўқилган калава билан химоя етилади. Шиша идишлар пўкак, полиетилен ва ёғочдан ясалган ва кейин мумланган пробкалар билан, шунингдек металл қопкокчалар билан беркитилади. Шиша банкалар эса халкасимон резина қатламли қопкокга эга бўлади. Шиша идишлар тиник, тоза бўлиши, ички ва ташки томонидан каварикли, ғадир-будур ва учган жойи бўлмаслиги лозим. Шу билан бирга шиша идишларнинг бурчаклари ҳам текис, бутун корпуси ҳам текис, бутун корпуси ҳам бир текисда бўлиши, дўппайиб ёки ичкари кириб колган жойлари бўлмаслиги, шиша ҳам бир текис калинликда бўлиши керак.

Қоплар тўкимачилик идишлар каторига киради. Қопларни ип, зиғирпоя, каноп, жун матоларидан ҳамда комбинациялаштирилган газмоллардан ишлатилади. Зиғирпоя ва ипдан, ҳамда комбинациялаштирилган матолардан килинган коплар ун, крупа, ғалла, дон солиш учун, жун ва канопдан ишланган коплар эса шакар, канд солишда ишлатилади.

Канопдан ишланган коп энг пишик коп ҳисобланади. Жундан килинган коплар анча майин, лекин каноп копга нисбатан чидамсизрок бўлади. Шу билан бирга зах жойларда турадиган маҳсулотни намдан яхши саклайди. Ишлатилишига караб коплар турли калинликда ва катта-кичикликда бўлади.

Қоплар - кўп марталаб ишлатиладиган идишлардан тўкилади ва копларнинг ҳолатига караб беш категорияга бўлинади. Бу категориялар копларнинг ямоқлари ва ямалган жойларининг сонига караб белгиланади. Аммо барча категориялардаги коплар тоза, курук ва чиримаган бўлиши керак.

1 - категорияли копларга саноатдан енди олинган янги коплар ёки биринчи марта ишлатилаётган чет елдан келтирилган коплар, шунингдек ишлатиладиган. Лекин ямоғи йўк коплар киради;

2 - категорияга – ямоғи учтадан кўп бўлган коплар;

3 - солишни талаб килмайдиган коплар;

4 - категорияга ямоғи еттитадан кўп бўлмаган ёки шундан кўп ямок, талаб килмайдиган коплар;

5 - категорияга кўп ишлатилиши натижасида иплари бўшашиб колган, ямоғи 12 тадан кўп бўлмаган ёки шунчадан кўп ямок талаб килмайдиган коплар киради. 12 тадан кўп ямоғи бор коплар ташланди ва бошка копларга ямок солиш учун ишлатилади.

И ва ИИ категориядаги копларда сортли унларнинг барча турлари, крупа ва шакар канд маҳсулоталари ташилади. ИИИ категорияли коплар ун ва крупа (гуруч, сут, манная крупа ва дуккакли донлардан ташкари) хамда турли темир йўл билан олиб борилганда шакар ва канд ташиш учун ишлатилади. ИВ категория копларда шу жойни ўзида истеъмол етиладиган жавдари ун, саноатда кайта ишлаш учун жўнатиладиган шакар хамда кепак ташилади. В категория копларда савдо-сотик корхоналарига товар бериш мумкин эмас. Арктика, узок шимол ва чет раёнларда пишик ишланган бир каватли коплар ёки икки каватли коплар ишлатилади. Тўкимачилик

матоларидан қилинган коплар маҳсулотни намликдан, чангдан ҳамда омбор заракунандаларидан сақлаёлмайди, бирок уларнинг афзал томони шундаки, маҳсулотга ҳаво кириб туришини ва газ алмашувини таъминлайди.

Тўқимачилик матоларидан ясалган идишлардан ташқари чиптадан тўқилган идишлар ҳам қўлланилади. Бу хил идишларга липа дарахтининг сувда ивитилган пўстлоғидан тўқилган чипта коп ва ҳалталар киради. Чипта идишлар тўқима копларга караганда пишик бўлади ва нам йэганда ҳам ўзининг пишиклигини йўқотмайди. Шу сабабли сабзавот, балиқ ва бошка маҳсулотларни ташишда чипта коплар ишлатилади.

Тўқилган идишлар - калава, сават ва бошка тўқилган идишлар тол новдаларидан, камишдан ва резги тахтачалардан тўқилади. Бу идишлар ҳаво кирадиган бўлади, одатда ҳар хил мева ва сабзавот ташиш учун ишлатилади.

Сўнгги вактларда синтетик материаллар (полимерлар) дан ясалган каттиқ идишлар кенг қўлланилмоқда. Бу идишлар анча йэнгил, ишланиланиши осон ва синмайдиган бўлади. Полимерлардан ясалган каттиқ идишлардан нам, газлар кўпинча ёғ ва мойлар ҳам ўтмайди, стерилизацияга чидамли бўлади, маҳсулотларни турли микроорганизмдан саклайди, ташки зарбларга ҳам чидамли бўлади. Полимер материалларидан ясалган идишлар ишлатилишига караб турли шакл ва конструксияда бўлиши мумкин.

Суюк ва пастасимон маҳсулотлар солинадиган каттиқ пакетлар парафинга намланган картон ёки полимер плёнкаси билан копланган картондан ясалади. Парафинга намланган картоннинг камчилик томони шундаки, уни 40 - 45° дан юкори температурада қиздириб бўлмайди. Картон идиш полиетилен плёнкаси билан копланганда эса у маҳсулотларга (мармелад ва томат маҳсулотларига) таъм беради. Бундан ташқари ёғ ва мойлар бу плёнкадан сингиб ўтади.

Парафинга сингдирилган ва полимер материаллари билан копланган каттиқ идишлар сут маҳсулотлари, мева шарбатлари солиш учун кенг равишда фойданилмоқда. Бу идишлар тўрт киррали пирамида шаклида ишланган бўлиб, ёруғлик нурини ўтказмайди ва анча пишиқ бўлади.

Одатда маҳсулотга бевосита тегиб турадиган ўраш, жойлаш материалларига ташқи идишларга нисбатан анча кўп талаб қўйилади. Ўраш, жойлаш материалларига куйидаги материаллар киради:

станиол - қалинлиги 0,008 - 0,012 мм бўлган қалай лента ёки қалай коғоз тахтачалар;

алюминийдан ясалган фолга (зар коғоз) - қалинлиги 0,012-0,004 мм бўлган ленталар;

пергамент (мой ва нам ўтказмайдиган юпка коғоз), подпергамент, селлофан ва полиетилен материаллар.

Селлофан тиниқ ва ёруғлик нури таъсирига чидамли бўлади. Унинг камчилиги шундаки, ўзига кўп намни тортади. Масалан, омборда селлофанга ўралган ва таркибида кўп сув бор маҳсулот сақланганда селлофанни пупанак босади. Шу сабабли селлофан одатда кўп вакт сақланмайдиган маҳсулотларни ўраш, жойлаш учун ишлатилади. Бирок шуни ҳам айтиш

керакки, анча курук махсулотларни (масалан, курук мевалар) селлофанга ўралганда узоқ вакт саклаш мумкин. Селлофаннинг фойдали хусусиятлари - уларнинг пишиклиги, газ ўтказмаслиги, кислота ва ишкорлар таъсирига чидамлилиги ҳамда унга керакли маълумот ёзиш (босиш) мумкинлигидир. Селлофан вискозани сулфат кислотаси махсус равишда ишлаш ва сўнгра уни глицерин билан ювиш ҳамда қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлади. Селлофаннинг қалинлиги 20 мк дан 50 мк гача бўлади. Селлофандан колбасага пўст ҳам ишлатилади. Айрим пайтларда рангли селлофан ҳам чиқарилади. Селлюлоза ефири (айсетил - селлйўлоза) ўз хусусиятлари билан селлофанга ўхшаш материалдир, аммо унга нисбатан анча оз нам ўтказади. калинлиги лъ - л5 мк бўлган ацетил селлюлоза механик пишиклик жихатдан селлофандан қолишмайди.

Ўраш, материали сифатида ишлатиладиган полимерлардан энг кўп аҳамиятга эга бўлганлари полиетилен, поливинилхлорид ва полиамид материалларидир.

Полиетилен материаллари асосан ўраш, жойлаш материаллари сифатида кўлланилади. Бу материаллар юқори ҳамда паст босимларда ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга юқори босимда ишланган полиетиленлар майин бўлади, аммо киздирилганда 80° дан юкори температурага чидамайди. Паст босимда тайёрланган полиетилен эса каттиқроқ бўлади, 130 - 180° температурада юмшайди. Полиетилен плёнкалар иссиқ дазмол босганда осонгина бир-бирига ёпишади, оз нам ўтказади, пишик ва еластик бўлади, аммо корбонат кислотаси билан ҳавони ўтказади. Нон, мева, сабзавот, ёғсизроқ балик махсулотларини ўраш учун ишлатилади. Юқори босим полиетиленидан колбасага пўст ҳам тайёрланади. Ёғ, мой ва ёғли махсулотларни ўраш учун полиетилен плёнкалари ярамайди, чунки унга ёғ сингади, сўнгра ҳаводаги кислород билан оксидланиб таҳир бўлиб колади. Махсулотларни узоқ вакт саклаш учун ҳам полиетилен ярамайди. Кўпинча полиетилен плёнкалар махсулотларга ёкимсиз кид беради. Турли шишалар, тублар ва флаконлар ясашда полиетилен кенг кўлланилмокда.

Пропилен - тиник бир плёнка бўлиб, пишиклиги, газ ва сув ўтказмаслиги жихатдан полиетилендан юкори туради ва озиқ-овкат махсулотларини узоқ муддат саклаш учун яхши ўраш материали сифатида ишлатилади. Пропиленнинг яхши томонлари шундан иборатки, у еластик, совукка чидамли (60 гача чидайди), етарли даражада пишиқ бўлади, 120 -160 гача кизитилганда ҳам бузилмайди, бу эса озиқ-овкат махсулотларини стерилизасия этишга имкон беради. Консерва банкалари ясашда металл ўрнига ишлатилади. Полипропилендан ясалган ҳалталарда бевосита махсулотни кайнатиш ва киздириш мумкин.

Поливинхлорид - шохсимон полимер материалларинг энг арзони бўлиб, овкат махсулотларини куришидан ва нам тортишидан саклайди. Бу материал мўзлатилган махсулотлар, турли ишимликлар ва зиравор кўшиб сиркаланган сабзавотни ўраш учун ишлатилади. Совет Иттифокига поливинилхлорид плёнкалар балик саноатида сеъзд баликларини ўраш учун кенг равишта кўлланилмокда.

Винилендихлорид ва хлорли винилдан таёрланган плёнкалар саран деб аталади. Саран билан махсулотни ҳаво кирмайдиган қилиб ўралса, ҳавони упаковка ичидан тортиб олса бўлади. Иссиқ ҳаво таъсири билан саран қисқаради. Маҳсулотлар солинган ҳалтани бир неча секунд қайнаб турган сувга солинади, натижада плёнка торайиб махсулотга жипс ёпишади (масалан, пишлоқ, музлатилган, сўйилган парранда). Айникса сарандан ясалган ва герметик равишда ёпиладиган коплар фойдаланиш учун яхшидир. Саран коплардан ҳавони тортиб олиш мумкинлиги сабабли маҳсулотни сақлаш муддати 3-4 марта ошади.

Полиефирлар асосида ишланган плёнкалар озиқ-овқат маҳсулотлари, айникса гўшт маҳсулотлари ўраш учун ишлатишда диққатга сазовордир. Бу полиефирлар икки атомга эга спиртли ва икки асосли кислоталарни конденсация этиш натижасида ҳосил бўлади. Бу плёнкалар лавсан номи билан юритилади ва чет елда кенг кўлланилади. Полиефир плёнкалари бошка плёнкаларга қараганда анча пишиқ, ташқи зарбаларга чидамли, химиявий жиҳатдан турғун, шунингдек, бактерия ва пупанакка нисбатан ҳам чидамли бўлади. Лавсан таркиби бузилмаган ҳолда 150° гача қиздирилганда ҳам иссиққа чидайди, демак, унга ўралган махсулотни стерилизасия этиш мумкин бўлади. Физиологик жиҳатдан лавсан плёнкалари зарарсиз, ҳушбўй ҳидларни ўтказмайдиган бўлади, сув буғлари ва газни эса жуда оз миқдорда ўтказилади. АҚШ да лавсанни полиетилен ва қоғоз билан аралаштириб бўтка тайёрланади, ундан сут олиш учун шишалар ясалади.

Нейлондан ишланган полиамид плёнкалар айникса ўзларининг пишиқлиги билан бошка полимер материалларидан ажралиб туради. Ёғ ва мойлар таъсирага чидамли бўлганлиги туфайли озиқ-овқат саноатида шу махсулотларни ўраш учун ишлатилади. курук маҳсулотларни полиамид плёнкаларига ўраш максадга
мувофик эмас, чунки улардан сув буғлари ўтади ва маҳсулотни намликдан сақлай олмайди.

Комбинасиялаштирилган ўраш, жойлаш материаллари - сув буғлари ўтмайдиган моддалар - лак, парафин, битум ва мум билан ишланган материаллардир. Материалларни бу моддалар билан ишлаш қоғоз, картон, юпка металл плёнкаларидан кенг фойдаланишга имкон беради. Бу моддалар металлни зангламайдиган, қоғозни ивимайдиган қилади. Ўраш, жойлаш материалларига лак беришда кўпинча поливинилацетат ва саран еритмаларидан фойданилади.

Қоғоз ва картонни нам ўтмайдиган қилиш учун уларнинг бир ёки икки томонига парафин ёки мум суркалади. Битум билан ишланган қоғозга маҳсулот бевосита тегмайдиган қилиб ўралади. Бу қоғоздан нам ўтмайди.

Парафин билан ишланган коғоз турли кондитер маҳсулотларини ўрашда кенг кўлланилади. Парафин суркалган коғоз маълум даражада нам ўтказмайди, аммо коғоз мўртлашиб синадиган бўлиб колади. Баъзи пайтларда парафин ўрнига парафиннинг полизобутилен ва бошка моддалар билан котишмаси ишлатилади. Натижада парафинга қараганда еластик гупка ҳосил бўлади ва у коғоз ҳамда металлдан ишланган ўраш, жойлаш

материаллари сифатини яхшилайди. Парафинполимер аралашмаси билан ишланган халталарга солинган нон ва калбаса махсулотлари тезда куримайди. Нам ўтмаслик хусусиятига эга бўлган баъзи аралашмалар масалан парафин, петролеум ва полизобутилен котишмасини бевосита махсулотга (масалан пишлокка) суркаб, унинг атрофида анча плёнкалар хосил хилса бўлади.

Таянч сўзлар:

Товар, механик таъсир, чидамлилик, саклаш, ташки, идиш, ички ва ташки, банка, шиша, тўкилган, зарба, муддат, коғоз, металл, полимер, яшиклар, саватлар, тетра пакет, металли банкалар, пластмасса, контейнерлар, конлар, халталар, металлар, каробка, бирлик, сув, буғ, иссиклик, совуклик, нам тортиш.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Товарларни ўраш, жойлаш, саклаш ва ташишнинг назарий ва амалий ахамиятлари.
2. Ўраш ва саклаш идишларни классификасияси.
3. Ўраш ва саклаш максадлари учун фойдаланиладиган материаллар.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
2. Мамлакатимизни модернизация килиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маърузаси // Халк сўзи, 2009 йил 14 феврал.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон - хаёт хакикатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. - 24 б.
4. Акимов И .У "Саноат хом ашёси ва материаллари товаршунослиги " , Т. 1998 йил.
5. Николаева В.М. "Товароведение потребителских товаров" Москва 2001.

Хулоса

Товар ва хизматларни сертификатлаш ишлаб чикарилган товарларни стандарт талабларига тўлик жавоб бериши ва уларни сифат кўрсаткичларини сертификатларга мослиги аникланади. Бозор иктисодиётининг асосий конуни талаб ва таклиф бўлгани учун хар бир ишлаб чикарилган товарга истеъмолчиларни кўйган (талаби) катта ахамиятга эга. Шунинг учун товар ишлаб чикарувчи корханаларга доимо янги таклиф берилади. Шу сабабли товарларнинг ва хизматларнинг сифат кўрсаткичлари доимо яхшиланиб

уларнинг ракобатдошлиги ошиб боради. Шунинг учун ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг сифати ҳар томонлама таҳлил қилиниб уларнинг иқтисодий баркарорлиги чиқарилаётган маҳсулотни миқдори корхонанинг ишлаб чиқариш потенсиалига фойдаланилаётган асосий ва қўшимча хом ашёларни сифатига ишчи хизматчиларни билими ва эътиқодига боғлиқ. Товар ва хизматларни сифатини бошқариш янги ассортиментдаги маҳсулотларни яратиш янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга улардан унумли фойдаланишга асосий омиллар. Товарлар ва хизматларни сифати унинг маълум эҳтиёжларини қондириш учун яроклигини белгилаб берадиган хусусиятлар йиғиндисидир. Сифат масаласи ишлаб чиқариш фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Бу меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини ошириш жамият эҳтиёжларини яхшироқ ва тўларок қондириш бўйича олиб бориладиган кўп камровли юкори сифат кўрсаткичларига эга бўлган вазифа кўникмаларни бажариш демакдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришда товарлар ва хизматларни сифатини бошқариш бутун ишлаб чиқариш механизмини, моддий ва номоддий рағбатлантиришни бутун ситемасини ишчи хизматчиларни инженер-техник ходимларни куч ғайратини махорати ва билимларини товарлар ва хизматларни сифат кўрсаткичларни оширишига каратилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат, хом-ашё ёкилғи ва энергетик ресуслари старли нутқи. Асосий фондларимиз ишлабчиқарилаётган махсулотлар ҳажмидан катта шу сабабли ҳамма жойда ва ҳар ишда тежамкор бўлиш, жамоат ва шахсий мулкка омилкорлик билан ёндашиш ихтиёримизда бўлган инсониятнинг қўли ва акли заковати билан бўнёнд этилган халк бойликларининг ҳаммасидан моҳирона тўла тўкис ва оқилона фойдаланиш иқтисодий сиёсатимизни ўзаги бўлиб қолмоғи зарур.

BEKA

С.А.САЛИХОВ, А.Ш.БАХРОНОВ

ПАТЕНТШУНОСЛИК, ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ

Магистратура тингловчилари учун
Ўқув қўлланма

Босишга рухсат этилди: 03.01.2010 йил. Қоғоз бичими
60x80 1/16. Шартли босма табоғи 17,0.
"Times New Roman" гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Адади 500.Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
Босмахонасида чоп этилди